

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ
КЕНГАШИ ҲУЗУРИДАГИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИ**

АРИПОВ ДИЛШОД ЎРИНБОЕВИЧ

**СУД ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА
ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ
НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИ**

Амалий қўлланма

ТОШКЕНТ – 2022

УДК

КБК

А

Арипов Д.Ў.

Суд тизимида коррупцияга қарши курашишнинг назарий ва ҳуқуқий асослари. Амалий қўлланма. Д.Ў. Арипов. – Т.: “Lesson Press” нашриёти, 2022 й. – 176 б.

Амалий қўлланмада суд тизимида коррупциявий омилларни аниқлаш ва уларга қарши курашишнинг назарий ва ҳуқуқий жиҳатлари ёритилиб, миллий қонунчилликни ва мавжуд суд амалиётини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар баён қилинган.

Тақримчила:

А.А.Жалилов

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раисининг ўринбосари

Н.Ф.Дадабаева

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги

Судьялар олий мактаби ўқитувчиси

Судьялар олий мактаби Илмий кенгашининг 2022 йил “29” декабрдаги

19-сонли қарорига асосан маъқулланган

ISBN 978-9943-0000-0-1

© Д.Ў. Арипов, 2022.
© “Lesson Press” нашриёти, 2022

МУНДАРИЖА

Сўз боши	4
I БОБ. СУД ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ФАОЛИЯТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ	
1-§. Суд тизимида коррупцияга қарши курашиш тушунчаси, уни тартибга солувчи ҳуқуқий асослар мазмuni	6
2-§. Суд тизимида коррупцияга қарши курашиш фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари	22
II БОБ. СУДЬЯЛАР ҲАМЖАМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ МЕХАНИЗМЛАРИ	
1-§. Судьялар ҳамжамияти органларининг коррупцияга қарши курашишдаги ўрни ва роли	46
2-§. Судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятида коррупциявий омилларни бартараф этишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш	57
III БОБ. СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ОЧИҚЛИГИ ВА ШАФФОФЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ	
1-§. Судлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлиги тушунчаси ва мазмuni	70
2-§. Судлар фаолиятининг очиқлигини таъминлаш усуллари	79
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР 101	
ИЛОВАЛАР	
1-илова. ‘Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.....	108
2-илова. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси	110

СҮЗ БОШИ

Коррупция мураккаб ижтимоий-иқтисодий-сиёсий ҳодиса бўлиб, жамият тараққиётининг мухим омиллари бўлмиш тинчлик, осойишталик, адолат, қонун устуворлиги каби ижтимоий-ҳуқуқий қадриятларни йўқ қиласди, миллий хавфсизликка таҳдид солади, мамлакат ривожига тўсиқ бўлади.

БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш тўғри таъкидлаганидек, коррупция жиноят, ахлоқсизлик ва ижтимоий ишончга нисбатан қилинган энг разил хиёнатдир¹. Дунёда коррупция туфайли солиқ тўловчилар чўнтакларидан триллионлаб долларлар мактаб ва касалхоналарга етиб бормасдан мансабдор шахслар ҳисоб рақамларига тушаётганлиги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда коррупцияга қарши курашиш нақадар мухимлигидан далолат беради².

Барча соҳалар қатори суд соҳасида ҳам коррупция иллатларини йўқ қилиш ва унинг ривожланишига йўл қўймаслик мақсадида коррупциявий ҳолатларни ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш, уларга чек қўйиш, унинг оқибатларини, шунингдек, унга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш мухим вазифалардан биридир. Айнгиқса, коррупцияга қарши курашишда уни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф қилиш, яъни унинг олдини олишга қаратилган ҳаракатлар вақт ва натижадорлик нуқтаи назаридан анча самарали ҳисобланади. Шу боис, соҳада коррупцияга қарши қаратилган ташкилий ва ҳуқуқий асосларни яратиш, мавжудларини замон талаблари асосида такомиллаштириш ва унга қатъий риоя қилиш, зарур маънавий-маърифий тадбирларни, шу жумладан фуқароларнинг ушбу соҳадаги билимини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш кутилган натижаларга эришишга имкон яратади.

Шу нуқтаи назардан суд фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ва кўламининг кенглигидан келиб чиқиб, суд тизимида коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш, олдини олиш, бартараф қилиш ва қарши курашиш фаолиятини илмий ва ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқ этиш давр талабидир.

¹ БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг мурожаати. <https://www.un.org / ru / coronavirus / statement-corruption-context-covid-19>.

² <https://news.un.org/ru/story/2021/12/1415532>

Суд тизимида коррупцияга қарши курашишнинг назарий ва ҳуқуқий асосларини тадқиқ этишга қаратилган мазкур амалий қўлланмада суд тизимида коррупциявий омилларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шартшароитларни таҳлил қилиш орқали соҳада коррупцияга қарши курашишнинг ўзига хос хусусиятлари батафсил ёритиб берилган. Қўлланманинг афзаллиги шундаки, унда асосий эътибор суд соҳасидаги коррупцияга қарши курашишнинг халқаро, хорижий ва миллий ҳуқуқий асосларини чуқур таҳлил қилиш, таққослаш ҳамда қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилганлигидир.

Амалий қўлланма ўқувчининг суд тизимида коррупциявий омиллар ва уларга қарши курашишда қонунчилик ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ҳақида билим ва амалий кўникмаларини оширишга, мазкур соҳадаги муаммоларнинг ечимини топиш ва коррупцияга қарши курашишда самарали усулларни қўллаш бўйича амалий таклифларни ишлаб чиқишига хизмат қиласди.

Бундан ташқари, қўлланма аҳолининг мазкур соҳадаги ҳуқуқий билимларини юксалтиришда, уларнинг мазкур иллатга қарши фаол курашишда иштирок этиш имкониятларини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур қўлланма судьялар ва суд ходимлари, адвокатлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, ҳуқуқшунослик таълим муассасалари талabalari, илмий тадқиқотчилар, шунингдек аҳолининг барча қатламлари учун мўлжалланган.

І БОБ. СУД ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ФАОЛИЯТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУКИЙ АСОСЛАРИ

1-§. Суд тизимида коррупцияга қарши курашиш тушунчаси, уни тартибга солувчи ҳуқукий асослар мазмуни

Суд тизимида коррупциявий омилларнинг мавжудлиги, уларни аниқлаш, олдини олиш ва уларга имкон берувчи сабаблар ва шартшароитларни бартараф этиш бўйича етарли ташкилий ва ҳуқукий асосларнинг яратилмаганлиги, мавжуд нормаларга қатъий риоя қилишни таъминловчи механизмларнинг жорий этилмаганлиги суд органлари ва судьялар мустақиллигига салбий таъсир кўрсатади, одил судловни амалга оширишда ички ва ташқи аралашувларга замин яратади, суд органларида нопок ва муносиб бўлмаган судьялар корпусини шаклланишига сабаб бўлади. Бу нафақат демократик давлатнинг энг муҳим принципларидан бири – қонун устуворлигининг бузилишига ва фуқароларнинг одил судловга бўлган ҳуқуқининг поймол бўлишига олиб келади, балки бутун суд тизимининг қонуний фаолиятининг емирилишига сабаб бўлади.

Судьяларнинг ҳалоллиги ва поклиги – бу суд тизимининг самарадорлиги ва беғаразлигининг биринчи зарур шартидир. Судьяларнинг ҳалоллиги ва поклиги суд органлари мустақиллиги билан чамбарчас боғлиқдир: суд органлари судьяларнинг ҳалоллиги ва поклигини таъминлайди, ҳалоллик ва поклик эса мустақилликни мустаҳкамлайди³.

Социологик тадқиқот натижалари кўрсатишича, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан 2020 йилда суд органларининг мустақиллиги, судьяларнинг холислиги ва дахлсизлиги, уларга салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш мақсадида республика судларида сўров ўтказилган. Сўров натижаларига кўра суд тизимидағи коррупциявий омиллар сифатида судлар томонидан суд раиси ва судьяларга нисбатан туман, шаҳар ва вилоят ҳокимлари томонидан тазийк ва босим ўтказилиши, ишларга аралашиш, шунингдек одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа тадбирларга жалб қилиш ҳолатларига йўл қўйилаётгани, судьяларнинг дахлсизлиги ва холислиги принципи

³ Консультативный Совет Европейских судей. Заключение № 21(2018) «О предупреждении коррупции среди судей». г. Загреб, 9 ноября 2018 г. ССJE (2018)3.

бузилаётгани, суд органлари ва судьяларнинг молиявий ва ижтимоий ҳимояси талабга жавоб бермаслиги, судлардаги штатлар сони етарли эмаслиги ва одилона тақсимланмаганлиги, судьяларни навбатдаги муддатга тайинлашдаги ортиқча бюрократик тартибларнинг ҳали ҳамон мавжудлиги, суд қарорларининг вақтида ва тўлиқ ижро этилмаслиги, судья ва суд аппарати ходимлари орасида коррупция ва таъмагирликка мойил шахсларни аниқлашнинг самарали механизмининг мавжуд эмаслиги каби салбий ҳолатлар билдирилган.

Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев ҳам мазкур иллатга қарши курашиш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири эканлигига алоҳида ургу бериб, 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида “Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак мэрраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак⁴”, – дея таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, коррупция мураккаб ижтимоий-иқтисодий-сиёсий ҳодиса бўлиб, жамият тараққиётининг муҳим омиллари бўлмиш тинчлик, осойишталик, адолат, қонун устуворлиги каби ижтимоий-ҳуқуқий қадриятларни йўқ қиласди, миллий хавфсизликка таҳдид солади, мамлакат ривожига тўсқинлик қиласди. Шунинг учун Давлат раҳбари назарда тутган “ҳалоллик вакцинаси”ни эмлаш – бу муайян соҳада коррупцияга қарши қаратилган ташкилий ва ҳуқуқий асосларни яратиш, мавжудларини замон талаблари асосида такомиллаштириш ва унга қатъий риоя қилиш механизmlарини жорий қилиш орқали унга қарши комплекс тарзда курашишни англаатади.

Коррупция атамаси лотинча “**corruptio**” сўзидан олинган бўлиб, “оғдириб олиш”, “сотқинлик”, “емирилиш”, “бузилиш” деган маъноларни англатиб, одатда мансабдор шахснинг ўзининг ваколатларидан, унга ишониб топширилган ҳуқуқларидан, шунингдек расмий мақоми билан боғлиқ нуфузи, имкониятлари ва

⁴ <https://president.uz/uz/lists/view/3324>

алоқаларидан шахсий манфаати йўлида қонунчилик ва ахлоқий талабларга зид равища фойдаланишидир⁵.

Е.Казакованинг фикрича, коррупция ижтимоий-иқтисодий категория бўлиб, мансабдор шахснинг эгаллаб турган лавозимидан фойдаланиб учинчи шахс (жамият ёки давлат)нинг манфаатларига зарар етказган ҳолда шахсий фойда олиш мақсадида жамиятнинг алоҳида аъзоси билан муносабатларини акс эттиради⁶.

Судьялар коррупцияси деганда шахсий ёки учинчи шахслар учун наф олиш мақсадида судьянинг ноҳалол, алдамчи ёки ноаҳлоқий ҳаракатлари тушунилади⁷.

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг З-моддасига мувофиқ коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равища фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равища тақдим этишидир⁸.

Суд тизимидағи коррупциянинг ўзига хос жиҳати шундаки, судья қонунни бузмаган ёки учинчи шахсларга зарар етказмаган ҳолда ҳам шахсий ёки моддий манфаатдорликка эришиши мумкин. Жумладан, у қонун доирасидан четга чиқмаган ҳолда манфаатдор тарафнинг илтимосига кўра ишни чўзиши, тўхтатиши, ариза ёки шикоятни қайтариши ёки қабул қилишни рад қилиши, даврони таъминлаш чорасини кўриши ёки кўришни рад қилиши мумкин ва ҳ.к. Бундан ташқари, судья томонидан коррупциявий ҳаракатлар ўзганинг манфаатида содир этилиши мумкиндек кўринса ҳам, аслида судьяда ҳам доимо бевосита ёки билвосита шахсий манфаатдорлик мавжуд бўлади. Бу унинг келгусида манфаатдор шахс ёки воситачи шахс (раҳбари, қариндоши, таниши ва ҳ.к.)дан бирор моддий ёки маънавий (яхши кўриниш, ишончга кириш, мансаб бўйича ўсиш, мақтаниш) манфаатдорлик кўришда ифодаланади. Ташқаридан қарагандан ушбу ҳаракатлар процессуал қонунчиликка мувофиқлиги боис уларни ғараз мақсадда амалга

⁵ <https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%9A%D0%BE%D1%80%D1%80%D1%83%D0%BF%D1%86%D0%B8%D1%8F>

⁶ Казакова Е.В. Противодействие коррупции в судебной системе в условиях процессуального реформирования. Ж.: «Администратор суда», -№2, - 2020. С.48-52.

⁷ Консультативный Совет Европейских судей. Заключение № 21(2018) «О предупреждении коррупции среди судей». г. Загреб, 9 ноября 2018 г. ССJE (2018)3.

⁸ <https://lex.uz/docs/3088008>

оширилганлигини исботлаш мушкул. Шунингдек, бундай ҳаракатлар устидан барча ҳолларда ҳам процессуал тартибда шикоят қилиш қонунчиликда назарда тутилмаган. Асосийси, ушбу шикоятлардаги важларни исботлаш аксарият ҳолларда имконсизлиги боис судья тегишли жавобгарликка тортилмайди. Шунингдек, ноқонуний қарор қабул қилинганинг ўзи судья томонидан коррупциявий ҳаракат содир этилганлигини англатмайди, бу эса ваколатли органларни судьяга нисбатан бирор-бир таъсир чорасини қўллаш имкониятидан маҳрум этади. Юқори инстанция суди томонидан эса ишни қайта қўриш жараёнида асосан шикоят қилингандан суд қарорига хуқукий баҳо берилади, бошқа ҳолатлар эса деярли текширилмайди ва судьяга нисбатан чора қўриш масаласи ҳал этилмайди. Судьянинг хатти-ҳаракати устидан берилган шикоятлар аксарият ҳолларда қабул қилингандан суд қарори билан боғлиқ бўлиши сабабли, судьялар ҳамжамияти органлари ва хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мурожаатчига процессуал тартибда юқори инстанцияга шикоят қилиниши лозимлигини тушунтиришдан бошқа чора тополмайди. Бу эса суд тизимида коррупцияга мойил судьяларни аниқлаш ва улар фаолиятига чек қўйишда муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради, хуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини амалда таъминламайди.

Бу борада К.Абдурасолованинг қуидаги фикри хulosamizni тўлиқ тасдиқлайди: “Коррупция ўта мослашувчан хусусиятга эга бўлиб, шаклини ўзгартириб такомиллашиб, ижтимоий хуқукий тизимдаги бўшлиқлар, камчиликлардан усталик билан фойдаланади. Чоп этилган маълумотларга кўра, хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳақиқий коррупция ҳолатларининг 1-2%ни аниқлайдилар, жавобгарликка тортилганлар сони ундан ҳам камроқдир”⁹.

Фикримизча, судьялар томонидан содир этиладиган коррупциявий хуқуқбузарлик деганда судьяларнинг шахсий манфаатдорликни кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида ўз ваколатларини суистеъмол қилишидир.

Суд тизимида коррупция иллатларини йўқ қилиш ва унинг ривожланишига йўл қўймаслик мақсадида коррупциявий ҳолатларни ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш, уларга чек қўйиш, унинг оқибатларини, шунингдек, унга имкон берувчи сабаб ва шартшароитларни бартараф этиш муҳим вазифа бўлиб, уни амалга

⁹ Коррупция – тараққиёт таҳди迪. <http://uzmarkaz.uz/uploads/2019/12/yurist-3-son-18-j.pdf>

ошириш учун зарур чора-тадбирлар комплекс тарзда ишлаб чиқилиши ва ижро қилиниши лозим.

Коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг асоси ва муҳим йўналишларини белгиловчи усуллардан бири – бу ушбу соҳада **хуқуқий базани шакллантириш** ҳисобланади. Бунда нафақат миллий қонунчилик, балки халқаро хуқуқ нормалари ҳам ушбу йўналишда самарали кураш олиб боришни таъминловчи хуқуқий асос вазифасини бажаради. Шу боис, халқаро хуқуқ ва миллий қонунчилик нормаларини қабул қилиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, коррупцияга қарши самарали курашишнинг зарурий элементи ҳисобланади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши кураш борасидаги хужжатлари¹⁰:

- 1) “Хуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор кодекси” (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1979 йил 17 декабрда қабул қилинган);
- 2) Хуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор кодексини самарали амалга оширилиши учун раҳбарий принциплар (БМТнинг Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши резолюцияси билан 1989 йил 24 майда қабул қилинган);
- 3) Давлат мансабдор шахсларининг Халқаро хулқ-атвор кодекси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1996 йил 12 декабря қабул қилинган);
- 4) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро тижорат операцияларида коррупция ва пораҳўрликка қарши кураш тўғрисидаги Декларацияси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1996 йил 16 декабря тасдиқланган);
- 5) Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1999 йил 9 декабря қабул қилинган);
- 6) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 2000 йил 15 ноябрда қабул қилинган);
- 7) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Форумининг оффшорлар бўйича Коммюникеси (Кайман ороллари, 2000 йил 30-31 март);

¹⁰ Мазкур хужжатлар билан қўйидаги интернет манзили орқали танишиш мумкин: http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conv2000.shtml

8) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг коррупцияга оид маъruzаси (Вена, 2001 йил 8-17 май);

9) Коррупцияга қарши кураш бўйича чора-тадбирлар тўплами (2001 йил июнь);

10) Коррупцияга қарши кураш чоралари. Пулни тозалашга қарши кураш чоралари. Жиноятчилик ва одил судлов: XXI аср чорловига жавоблар тўғрисидаги Вена декларациясини амалга ошириш ҳаракат Режаси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 2002 йил 15 апрелда қабул қилинган)

11) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 2003 йил 31 октябрда қабул қилинган).

Европа Кенгаши ва Европа Иттифоқининг коррупцияга қарши кураш борасидаги ҳужжатлари¹¹:

Европа Кенгашининг коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги Конвенцияси (Страсбург, 1999 йил 27 январь);

Европа Кенгашининг коррупция учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисидаги Конвенцияси (Страсбург, 1999 йил 9 сентябрь);

Европа Кенгашининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни тозалаш, аниқлаш, олиб қўйиш ва мусодара қилиш тўғрисидаги Конвенцияси (Страсбург, 1990 йил 8 ноябрь);

Коррупцияга қарши курашнинг йигирмата принципи (Европа Кенгаши Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган 1997 йил 6 ноябрь);

Давлат хизматчилари учун Модель хулқ-атвор кодекси (Европа Кенгаши Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган 2000 йил 11 май);

Сиёсий партияларни ва сайлов кампаниясини молиялаштиришда коррупцияга қарши ягона қоидалар (Европа Кенгаши Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган 2003 йил 8 апрель);

Молиявий тизимдан пулни тозалаш мақсадларида фойдаланишга йўл қўймаслик тўғрисидаги ЕИИ Директиваси (1991 йил 10 июнь);

¹¹ Мазкур ҳужжатлар билан қўйидаги интернет манзили орқали танишиш мумкин: <http://www.coe.int/lportal/web/coe-portal/what-we-do/rule-of-law/corruption?dynLink=true&layoutId=37&dlggroupId=10226&fromArticleId=>

Пулни тозалашга қарши Париж декларацияси (Европа Иттифоқининг пулни тозалашга қарши парламентар конференциясининг Якуний декларацияси 2002 йил 8 февраль).

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида коррупцияга қарши кураш борасида қабул қилинган ҳужжатлар¹²:

Жиноятчиликка қарши курашда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига иштирокчи-давлатларнинг ҳамкорлиги тўғрисидаги Келишуви (Москва, 1998 йил 25 ноябрь);

“Коррупцияга қарши сиёсатнинг қонунчилик асослари тўғрисида”ги Намунавий қонуни (МДҲ Парламенлараро ассамблеясининг XXII пленар йиғилишида қабул қилинган 2003 йил 15 ноябрь);

“Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Намунавий қонуни (МДҲ Парламенлараро ассамблеясининг XIII пленар йиғилишида қабул қилинган 1999 йил 3 апрель);

“Файриқонуний йўлдан олинган даромадларни легаллаштиришга қаршилик қилиш тўғрисида”ги Намунавий қонуни (МДҲ Парламенлараро ассамблеясининг XII пленар йиғилишида қабул қилинган 1998 йил 8 декабрь);

“Уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида”ги тавсиявий қонунчилик акти (МДҲ Парламенлараро ассамблеясининг қарори билан қабул қилинган 1996 йил 2 ноябрь).

FATF¹³ ташкилотининг коррупцияга қарши кураш борасидаги ҳужжатлари¹⁴:

FATFнинг қирқта тавсияси (2003 йил 20 июнь таҳрири);

FATFнинг қирқта тавсиясига тушунтириш (2003 йил);

FATFнинг пулни тозалашга қарши кураш бўйича халқаро ҳамкорликка тўсиқ бўлаётган йигирма бешта асосий мезони (2003 йил);

Терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ операцияларни аниқлаш бўйича молиявий ташкилотлар учун FATF тавсиялари (2002 йил).

Бошқа халқаро ташкилотларнинг коррупцияга қарши кураш борасидаги ҳужжатлари:

¹² Мазкур ҳужжатлар билан қуйидаги интернет манзили орқали танишиш мумкин: <http://www.iacis.ru/html/?id=22&str=list&nid=1>

¹³ Financial Action Task Force (FATF) молиявий жиноятчиликка қарши курашиш учун сиёсат ва стандартларни ишлаб чиқувчи ва тарғиб қилувчи ҳукуматлараро ташкилотdir. FATF 1989 йилда G7 буйруғи билан ташкил этилган, бош қароргоҳи Парижда жойлашган.

¹⁴ Мазкур ҳужжатлар билан қуйидаги интернет манзили орқали танишиш мумкин: <http://www.eurasiangroup.org/ru/eag/fatf.php>

Иш юзасидан халқаро операцияларни амалга оширишда чет эллик давлат мансабдор шахси томонидан пора беришга қарши кураш тұғрисидаги Конвенция (Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ОЭСР) томонидан қабул қилинган 1997 йил 21 науябрь);

Коррупцияга қарши кураш тұғрисидаги Америкааро конвенцияси (Каракас, 1996 йил 29 март);

Адлия ва хавфсизлик органлари ходимларига нисбатан коррупцияга қарши кураш ва уларнинг виждонли ва пок бўлишини таъминлаш чоралари бўйича умумий тавсиялар (Коррупцияга қарши кураш масалалари бўйича Глобал форум, Вашингтон, 1999 йил 24-26 февраль).

Коррупцияга қарши кураш борасидаги энг асосий халқаро ҳужжат – бу шубҳасиз, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси ҳисобланади.

Коррупцияга қарши курашишни халқаро стандартлар талаблари асосида ташкил этиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси (Нью-Йорк, 31 октябрь 2003 йил) Ўзбекистон томонидан 2008 йил 7 июлда ратификация қилинган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Конунчилик палатаси томонидан “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тұғрисида”ги Конуни 2008 йил 24 июнда қабул қилиниб, 2008 йил 27 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Сенати томонидан маъқулланган ва 2008 йил 28 августдан эътиборан кучга кирган¹⁵.

Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга бир нечта билдиришлар, баёнотлар ва шартлар билан қўшилган. Хусусан, қонунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Конвенциянинг “Ноқонуний тарзда бойлик орттирилиши”ни жиноят деб баҳолаган 20-моддаси ва “Юридик шахсларнинг жавобгарлиги”ни назарда тутувчи 26-моддасига қўшилмаган.

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси муқаддима ҳамда 8 та боб, 71 та моддадан иборат бўлиб, 1-бобда (1-4) умумий қоидалар, 2-бобда (5-14) коррупциянинг олдини олиш чоралари, 3-бобда (15-42) жиноятчилик ва ҳукуқни муҳофаза қилиш фаолияти, 4-бобда (43-50) халқаро ҳамкорлик, 5-бобда (51-59) активларни қайтариш бўйича чоралар, 6-бобда (60-62) техник ёрдам ва маълумот алмашинуви, 7-

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. – Тошкент, 2008. – № 7. – Б. 8.

бобда (63-64) амалга ошириш механизмлари, 8-бобда (65-71) якуний қоидалар акс этган.

Конвенциянинг 11-моддаси бевосита суд органлариға бағишиланган. Унга кўра ҳар бир иштирокчи-давлат суд ҳокимиятининг мустақиллигини ва коррупцияга қарши курашдаги ҳал қилувчи ролини эътиборга олиб, ўзининг ҳуқуқ тизимининг асосий принциплариға мувофиқ ва суд органлари мустақиллигига зарар етказмаган ҳолда судьялар ва суд ходимларининг ҳалоллиги ва поклигини мустаҳкамлаш ҳамда улар ўртасида коррупцияни келиб чиқишига йўл қўймаслик бўйича чоралар кўриши қайд этилган¹⁶.

БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенциясида коррупцияга қарши курашишнинг қуидаги йўналишлари белгиланган: коррупциянинг олдини олиш, криминаллаштириш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти, халқаро ҳамкорлик, активларни қайтариш бўйича чоралар, техник ёрдам ва маълумот алмашинуви, амалга ошириш механизмлари¹⁷.

Мазкур Конвенцияга Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисидаги ЎРҚ-158-сон Қонуннинг 1-бандига кўра иштирокчи-давлатларга ёрдам кўрсатиши мумкин бўлган органлар рўйхатига Бош прокуратура ва унинг ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Адлия вазирлигининг киритилганлиги суд тизимида коррупцияга қарши курашишда суд органларининг хорижий давлатлар суд органлари билан ўзаро ҳамкорлигини ижро ҳокимияти орқали амалга ошириши лозимлигини англатади, бу эса суд ҳокимиятининг ўзига тааллуқли масалаларнинг ўзи томонидан ҳал этиши лозимлиги принципига мувофиқ келмайди ва судларнинг ушбу соҳадаги фаолиятини мустақил ҳолда юритишига тўсқинлик қиласди. Шунга кўра ушбу Конвенция талабларини амалга оширишда бошқа иштирокчи-давлатлар билан бевосита алоқа ўрнатиш имконини яратиш мақсадида мазкур органлар рўйхатига Судьялар олий кенгашини ҳам киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, Ўзбекистон 2010 йил март ойида Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти доирасида қабул қилинган коррупцияга қарши курашнинг Истанбул (2003 йил 10 сентябрь) режасига қўшилди. Унга мувофиқ мазкур ташкилот томонидан

¹⁶ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси 11-моддаси.
<https://lex.uz/docs/1461327>

¹⁷ <https://lex.uz/docs/1461327>

Ўзбекистондаги коррупциявий ҳолат баҳоланиб борилади ва коррупцияни йўқ қилишга қаратилган тегишли тавсиялар берилади. Хусусан, Коррупцияга қарши курашиш бўйича Истанбул режаси ҳаракатларининг тўртинчи босқичи (раунди)да Ўзбекистонга суд тизимида коррупцияга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш бўйича судьяларни тўғридан-тўғри муддатсиз даврга тайинлаш, уларни танлаш ва тайинлашнинг шаффоф мезонларини белгилаш, Судьялар олий кенгаши аъзоларини шакллантириш тартибини қайта кўриб чиқиш, судьяларнинг малака ҳайъатларини судьялар ҳамжамияти томонидан сайлаш ҳамда улар фаолиятига суд раисларининг таъсирини истисно қилиш каби тавсиялар берилган¹⁸. Мазкур тавсияларни амалга ошириш ҳамда судьялар мустақиллигига оид халқаро стандартларга риоя қилиш мақсадида судьялар ҳамжамияти органлари таркибида коррупцияга қарши курашувчи тузилмаларни ташкил қилиш, юқори турувчи судларнинг қуий судларнинг судлов фаолияти устидан назорат хуқуқини бекор қилиш, Судьяларнинг олий малака ҳайъати ва жойлардаги судьяларнинг малака ҳайъатлари таркибини барча бўғиндаги судлар судьялари ва жамоатчилик институти вакиллари хисобидан шакллантириш, судьялар малака ҳайъатлари котибларини Олий суд Пленумида ва судьяларнинг тегишли конференцияларида сайлаш ва лавозимидан озод қилиш, Судьялар олий кенгаши ва Судьяларнинг олий малака ҳайъати томонидан судьяларни янги ваколат муддатига ёки бошқа судьялик лавозимларига тайинлаш бўйича қўшма мажлис ўтказилиши тартибини бекор қилишни назарда тутувчи нормаларни миллий қонунчилигимизга киритиш мақсадга мувофиқ.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш бўйича бир неча қонунлар қабул қилинган. Жумладан:

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни;

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонуни;

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни;

Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуни;

¹⁸ https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни;

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонуни;

Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонуни ва бошқалар.

Мазкур соҳани тартибга солувчи маҳсус қонун – бу Ўзбекистон Республикасининг **“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”**ги Қонуни бўлиб, унга мувофиқ коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қўйида-гилардан иборат:

- аҳолининг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

- давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;

- коррупцияга оид хуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид хуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш¹⁹.

Бундан ташқари, коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш мақсадида Давлат Раҳбарининг ҳам бир қатор фармон ва қарорлари қабул қилинган.

Жумладан, 2019 йил 27 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ПФ-5729-сон Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармон билан “2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш” давлат дастури тасдиқланиб, қўйидаги 4 та йўналишда вазифалар белгилаб берилди:

I. Аҳолининг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

II. Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

¹⁹ “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддаси.
<https://lex.uz/docs/3088008>

III. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, имконият яратувчи сабаблар, шарт-шароитлар ва оқибатларини бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш;

IV. Коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича халқаро ҳамкорлик.

Шунингдек, Фармонда Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг янгиланган таркиби тасдиқланиб, коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўрта муддатли истиқболдаги давлат сиёсатининг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Ушбу йўналишда давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг биринчи даражадаги муҳим вазифаси этиб идоравий коррупцияга қарши курашишнинг самарали дастурларини амалга ошириш, уларнинг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг очиқлиги механизмларини жорий этиш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ва манфаатлар тўқнашувининг олди олинишини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни бажариш орқали тегишли соҳада коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга имкон ярататган сабаблар ва шарт-шароитларни таг-томири билан йўқотиш ҳисобланиши қайд этилди²⁰. Фармонга мувофиқ Судьялар олий кенгаши ва Олий суднинг қўшма қарори асосида ҳар йили судларда коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлари дастури қабул қилиниб, ижроси таъминланмоқда. Бирок, коррупцияга қарши курашиш бўйича тизимли таҳлилнинг мавжуд эмаслиги, биринчи галда бажарилиши лозим бўлган вазифалар ва узоқ муддатга мўлжалланган стратегик режаларнинг ишлаб чиқилмаганлиги ва умуман бу соҳада маҳсус ваколатли органнинг белгиланмаганлиги суд тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича режали ва тизимли ишларни амалга ошириш имконини бермайди.

Судьялар томонидан мансабдорлик жиноятларини содир этиш ҳолати ортиб бораётгани, хусусан судьялик қасамёдини бузганлиги оқибатида 2017 йилда 35 нафар, 2018 йилда 33 нафар, 2019 йилда 46 нафар, 2020 йилда 12 нафар судьянинг ваколати муддатидан аввал тутатилганлиги, шундан 7 нафар судьялар таъмагирлиги учун жиноий жавобгарликка тортилганлиги, шунингдек пора эвазига суд

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони. <https://www.lex.uz/docs/4355387>

ишиларини ҳал қилишга аралашиб ҳолатлари суд аппарати ходимлари ўртасида ҳам (2018 йилда 3 нафар, 2019 йилда 5 нафар, 2020 йилда 2 нафар суд ходимлари) мавжудлиги фикримиз исботидир. Шунга мувофиқ, суд органларида коррупцияга қарши курашишда самарага эришиш учун илмий ва амалий тадқиқотларга, аниқ таҳлилларга таянган, ҳалқаро тамойиллар ва ушбу соҳада ижобий ютуқларга эришган хорижий давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда қисқа, ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ҳамда уни амалга ошириш механизмларини яратиш лозим.

Суд тизимида коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини янги босқичга кўтариш мақсадида маҳсус ҳужжат –Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги **ПФ-6013-сон Фармони** қабул қилиниб, унда коррупция ҳолатларининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, уларни бартараф этишнинг таъсирчан тизимини яратиш зарурлиги, ушбу ишларга фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат секторининг бошқа вакилларини ҳам кенг жалб этиш зарурати мавжудлиги қайд этилди²¹. Мазкур Фармон билан “Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилиб, унинг ваколатлари, хуқуқ ва мажбуриятлари, вазифалари белгилаб берилди. Фармон билан:

- Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ва унинг худудий идоралараро комиссиялари Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши деб аталиб, унинг худудий кенгашлари ҳам қайта ташкил этилди;

- Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда, шу жумладан ҳалқаро ташкилотларнинг маблағларини жалб қилган ҳолда, 2020-2021 йилларда барча давлат ва хўжалик бошқаруви органларида коррупцияга қарши ички назорат тизими («комплаенс-назорат»)ни босқичма-босқич жорий этиш назарда тутилди.

Қайд этиш лозимки, суд тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича маҳсус ваколатли давлат органи назарда тутилмаганлиги

²¹ <https://lex.uz/docs/4875784>

боис, ушбу иллатга қарши курашиш бўйича вазифалар ҳар бир суд органи зиммасига у ёки бу даражада юклатилган эди. Ҳусусан, Судьяларнинг олий малака ҳайъати ва жойлардаги судьяларнинг малака ҳайъатлари судьялар ўртасида одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши, суд ишларига аралашиб ҳолатлари, судьяларга нисбатан хизмат текширувлари ўтказиш ва уларни жавобгарликка тортиш каби вазифаларни амалга оширса, суд тузилмасида мавжуд кадрлар бўлими мазкур суд раиси раҳбарлигига унда фаолият юритаётган барча судьялар ва суд ходимларининг меҳнат ва ижро интизомига, одоб-ахлоқ қоидаларига, судьяларнинг қасамёдига қатъий амал қилишлари бўйича зарур чораларни кўради. Бундан ташқари, ҳар бир вилоят суди судьяси ушбу вилоятда жойлашган бир ёки бир неча туман (шаҳар) судлари фаолиятига масъул (куратор) ҳисобланса, Олий суд судьялари ҳам муайян вилоят судига масъул (куратор) ҳисобланади. Ушбу ҳолат, бир томондан коррупцияга қарши курашиш бўйича ягона вертикал назоратни амалга ошириш, барча бўғиндаги судларда коррупцияга қарши курашиш аҳволини билиш имконини берса, иккинчидан, бутун республика судларида ушбу йўналишда ягона давлат сиёсатини юритишга замин яратади. Бироқ, ушбу қонун ёки бошқа қонун хужжатларида судьянинг бошқа судлар судьялари устидан ўз мажбуриятларини бажариши устидан назорат олиб бориш ваколати ёки вазифаси белгиланмаган. Натижада бу:

- биринчидан, судьяларга қўшимча иш юкламаси бўлиб, ўзининг асосий вазифасидан ташқари бошқа ташкилий вазифалар билан ҳам шуғулланишни тақозо этади;
- иккинчидан, муайян бир ҳудуддаги (суддаги) вазият бўйича хulosани асосан биргина куратор-судьянинг фикрига кўра чиқариш ва шу асосда суд раисининг фаолиятига баҳо беришнинг ўзи ҳам коррупциявий ҳолатни келтириб чиқариши мумкин;
- учинчидан, куратор-судьянинг коррупциявий ҳолатларга барҳам бериш, унинг олдини олиш ва ҳуқуқбузар судья ва суд ходимларига таъсирчан чораларни қўллаш бўйича ваколатлари қонунчиликда белгиланмаган.

Шу сабабли, ушбу соҳани тартибга солувчи, бошқарувчи ва назорат қилувчи алоҳида тузилма ташкил этилиши, ушбу тузилма судьялар мустақиллигини таъминловчи судьялар ҳамжамияти органи ҳузурида ёки таркибида бўлиши ҳамда барча масалалар коллегиал тартибда ҳал этилиши ҳаётий зарурият эди.

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг 5-моддасида ҳар бир давлат коррупциянинг олдини олишга қаратилган самарали амалиётни ўрнатишга ва уни рағбатлантиришга ҳаракат қилиши, бу соҳада коррупцияни олдини олиш бўйича маҳсус орган ёки муайян ҳолларда бир неча органларнинг фаолият кўрсатишини таъминлаши белгиланган²². Шу боис, суд ҳокимияти тизимида коррупция ҳолатларини келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш, коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш тизимини самарали йўлга қўйиш мақсадида Судьялар олий кенгашининг Судьялар дахлсизлигини таъминлаш бўйича суд инспекцияси негизида Судьялар дахлсизлигини таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш бўйича суд инспекцияси тузилди²³. Бироқ, қонунчиликда инспекциянинг мақоми суд тизимида коррупцияга қарши курашувчи маҳсус тузилма сифатида белгиланмаган ҳамда вазифалари назарда тутилмаган. Фикримизча, “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонунда Кенгаши суд тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича масъул орган сифатида белгилаш ҳамда унинг зиммасига суд тизимида коррупцияга қарши кураш сиёсатининг асослари, йўналишлари ва амалга ошириш механизmlарини белгилаш, судларда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича доимий равишда чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш ва унинг ижросини назорат қилиш ваколатини белгилаш, шунингдек ушбу соҳадаги фаолият самарадорлигини таъминлаш мақсадида жойлардаги барча судьяларнинг малака ҳайъатлари котибларини Суд инспекциясига бириктириш таклиф этилади.

Суд ҳокимияти тизимида коррупция ҳолатларини келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш, коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш тизимини самарали йўлга қўйиш, суд тизимини малакали ва ҳалол пок кадрлар билан тўлдириш, суд органларининг фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг суд ҳокимиятига бўлган ишончини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 декабрдаги **ПФ-6127-сон Фармони** қабул қилинди. Фармонга мувофиқ судьялар мустақиллигини таъминлаш ва суд тизимида

²² БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг 5-моддаси. <https://lex.uz/docs/1461327>

²³ Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 7 декабрдаги ПФ-6127-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/5146554>

коррупциянинг олдини олиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари этиб қуидагилар белгиланди:

- судьяларнинг одил судловни амалга ошириш бўйича касбий фаолиятини ҳар қандай кўринишдаги ташқи таъсирлардан самарали муҳофаза қилишни таъминлайдиган ҳуқуқий механизmlарни яратиш;
- судьяликка кадрларни танлаш, тайёрлаш, лавозимга тайинлаш, шунингдек, судьялар фаолиятини баҳолашда холислик ва шаффофликни таъминлаш, ушбу жараёнларга замонавий ахборот технологияларини изчил жорий қилиш;
- судьялар ва суд аппарати ходимлари орасида коррупция ҳолатларининг олдини олиш ва барвақт аниқлашга қаратилган тизимни йўлга қўйиш ҳамда суд тизимида аниқланган ҳар қандай коррупциявий ҳаракатни муросасиз ҳолат деб баҳолаш;
- судьяларнинг касбий малакаси, маънавияти ва масъулиятини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш орқали юксак профессионал судьялар корпусини шакллантириш²⁴.

Суд ҳокимиятининг мустақиллигига дахл қилиш, унинг фаолиятига аралашиш ҳолатлари амалиётда учраб туради. Айниқса, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан судьяларга турли кўринишдаги тазийқ ва босимлар ўтказилиши мумкин. Натижада айrim судьялар ўзларининг тажрибасизлиги, қатъиятсизлиги ва бошқа сабабларга кўра мазкур босимларга дош беролмай, давлат органлари манфаатларига мос келадиган ноқонуний ва адолатсиз қарорлар қабул қилишлари мумкин. Бундай ноқонуний таъсирга чек қўйиш, баъзи давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш юзасидан миллий қонунчилигимизда бўшликлар мавжуд бўлиб, таъсирchan чора-тадбирлар назарда тутилмаган эди. Шу нуқтаи назардан, мазкур Фармонда учта ҳокимият тармоғининг алоҳида бир-бирига бўйсунмаган ҳолда баҳамжихат фаолият юритишини таъминлаш вазифаси бош қомусимиз – Конституцияда Ўзбекистон Республикаси Президентига юқлатилганини эътиборга олиб, Судьялар олий кенгashi раисининг судьялар мустақиллигини таъминлаш, суд тизимида коррупцияга қарши курашиш аҳволи юзасидан ҳар йили давлат раҳбарига ахборот тақдим этиши,

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 декабрдаги ПФ-6127-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/5146554>

шунингдек судьяларнинг дахлсизлигини бузганлик ва одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашганлик ҳолатлари юзасидан Кенгаш раиси томонидан киритилган тақдимнома прокуратура органлари томонидан бир ой муддатда кўриб чиқилиб, жиноят иши қўзғатилганлиги ёки қўзғатиш рад этилганлиги ҳақида Кенгашга Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан хабар берилиш тартиби белгиланди²⁵.

Хулоса ўрнида қайд этиш лозимки, суд тизимида коррупцияга қарши курашишда самарага эришиш учун мавжуд қонун ҳужжатларини инвентаризациядан ўтказиб, коррупциоген характердаги нормаларни бартараф этиш, тўғридан-тўғри ишловчи қонунларни қабул қилиш, мавжудларини такомиллаштириб бориш муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасига кўра Кенгаш судьяларни давлат мукофотлари билан тақдирлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар киритади. Ўз навбатида Олий суд раиси томонидан ҳам судьяларни давлат мукофотлари билан тақдирлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимнома киритиш амалиёти мавжуд, зеро бундай ваколат қонунда назарда тутилмаган. Бундан ташқари, судьяларни давлат мукофотларига тавсия этиш бўйича мезонлар ва тартибининг мавжуд эмаслиги судьяларни давлат мукофотларига тавсия қилишда бир томонлама ёндашиш, суд раисларига “маъқул бўлган” судьяларни тавсия этиш ва бошқа коррупцион вазиятларни келтириб чиқаради ҳамда судьялар ўртасида норозиликларга сабаб бўлади. Мазкур йўналишда коррупция ҳолатларининг олдини олиш мақсадида “Судлар тўғрисида”ги Қонунда судьяларни давлат мукофоти билан тақдирлаш мезонлари ва уни амалга ошириш тартибини белгилаш лозим бўлади.

2-§. Суд тизимида коррупцияга қарши курашишнинг ўзига хос жиҳатлари

Суд тизимида коррупцияга қарши курашиш қуйидаги комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олиши зарур: 1) коррупциянинг олдини олиш; 2) коррупцияни аниқлаш ва унга чек қўйиш; 3) коррупцияни келтириб чиқарувчи шарт-шароитларни бартараф этиш; 4) коррупциявий ҳукуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқар-

²⁵ Ўзбекистон Президентининг ПФ-6127-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/5146554>

парлигини таъминлаш; 5) жамиятда коррупцияга муросасизлик муҳитини яратиш; 6) идоралараро ва халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш.

Коррупцияни олдини олиш деганда коррупция омилларини аниклаш, чеклаш ёки бартараф этиш, коррупционерлар шахсияти ижтимоий хавфи, шунингдек коррупциянинг айрим турлари ва шаклларини пайдо бўлиш ҳамда тарқалиш омилларини бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи тушунилади²⁶.

Суд тизимида коррупциянинг олдини олиш деганда судьялар ҳамжамияти ва унинг органларининг коррупциявий ҳолатларни аниклаш, уларга чек қўйиш, сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш фаолияти тушунилади.

Суд тизимида коррупциянинг олдини олиш мустақил, шаффоф ва холис суд ҳокимиятининг институционал, инфратузилмавий ва ташкилий кафолатларини амалда яратишга қаратилган муайян давлатдаги сиёсий иродага кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ҳар бир давлат ҳокимияти органлари суд тизимида коррупцияни олдини олиш бўйича зарур қонун ва қонун ости ҳужжатларини қабул қилиши лозим. Шунингдек, улар суд ҳокимиятининг ҳалоллиги ва суд тизимининг барча босқичларида коррупцияга тоқат қиласлик маданиятини, шунингдек суд ҳокимиятининг ўзига хос фаолиятини ҳурмат қилиш маданияти шаклланишини кафолатлаш ва ривожлантиришга оид зарур чораларни кўришлари шарт. Шу боис Европа судьяларининг маслаҳат кенгashi ҳар бир давлат ҳукуматининг вазифаси сифатида судлар таъминоти учун етарли бюджет маблағларини ажратиш эканлигини таъкидлаб, тегишли давлатлар ҳукуматларини суд ходимлари учун етарли ойлик маоши, пенсия ва бошқа ижтимоий тўловларни белгилашга чақиради²⁷.

Демак, суд тизимида коррупцияни олдини олиш бўйича чора-тадбирлар рўйхатини зарур ҳуқуқий асосларни яратиш, шу жумладан судьяларнинг одоб-ахлоқ қоидаларини қабул қилиш, юқори маънавиятли ва ҳалол судьяларни тайинлаш (мехнат фаолияти ва кундалик ҳаётини синчиклаб ўрганиш, психолог сұхбати ва полиграфологик текширув ташкил этиш), суд тизимида

²⁶ И smoилов Б.И., Э.Ф. Гадоев. Коррупция тушунчаси ва унга қарши курашишга оид атамалар изоҳли лугати. – Тошкент: “Тафаккур” нашриёти, 2019. – 186 б.

²⁷ Консультативный Совет Европейских судей. Заключение № 21(2018) «О предупреждении коррупции среди судей». г. Загреб, 9 ноября 2018 г. ССJE (2018)3.

коррупцияга қарши курашувчи маҳсус ваколатли органлар фаолиятини ташкил этиш, ҳалол судьялар корпусини шакллантириш, судлар фаолияти ва одил судловни амалга оширишни тўлиқ рақамлаштириш, меҳнат ва ижро интизомига қатъий риоя қилишни назорат қилиш, фуқароларнинг коррупцияга қарши курашиш маданиятини ошириш, судья ва суд ходимлари, шунингдек уларнинг оила аъзолари билан профилактик сұхбатлар ўтказиб бориш, судьяларнинг моддий ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, судлар фаолиятини зарур кадрлар, муносиб иш жойи, транспорт ва моддий-техник жиҳатдан таъминлашга оид чоратадбирлар ташкил этади.

Коррупцияга қарши курашиш мавжуд норматив-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалда таъминлаш бўйича таъсиручан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиш орқали амалга оширилади. Бунда асосий эътибор маҳсус ваколатли давлат органларининг мазкур йўналишдаги фаолиятига ҳамда унинг натижаларига қаратилади. Шунга кўра суд тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича маҳсус ваколатли давлат органи – Судьялар олий кенгаши тузилмасида Коррупцияга қарши курашиш ва судьялар дахлсизлигини таъминлаш бўйича суд инспекциясининг ташкил этилгани суд тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни доимий равишда тизимли амалга ошириш, ушбу соҳадаги профессионал фаолиятни яқин, ўрта ва узок муддатга мўлжалланган стратегик режаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш имконини беради.

Коррупциявий хатти-ҳаракатларнинг асосини **манфаатлар тўқнашуви** ташкил қиласи. Манфаатлар тўқнашуви – шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг хуқуqlари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазиятдир²⁸.

Шахсий манфаатдорлик – давлат ёки маҳаллий хизматчи томонидан мансаб ваколатларини амалга ошириш жараёнида ўзи ёки учинчи шахслар учун пул, қимматликлар, бошқа мол-мулк ёки

²⁸ “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддаси.
<https://lex.uz/docs/3088008>

мулкий кўринишдаги хизматлар ёхуд бошқа мулкий ҳуқуқлар олиш имкониятидир²⁹. Е.Казакова шахсий манфаатдорликни бевосита ва билвосита турларга бўлишни, муайян вазиятни манфаатлар тўқнашуви деб ҳисоблашнинг мезонларини белгилаш холислик асосида ҳуқуқни қўллашнинг ягона амалиётини таъминлашга хизмат қилишини қайд этади³⁰. Фикримизча, манфаатлар тўқнашуви доимо мансабдор шахснинг бевосита ёки билвосита шахсий манфаатдорлиги асосида вужудга келади ҳамда мансаб ваколатларидан фойдаланган ҳолда муайян вазиятда ҳар қандай шаклдаги фойда олиш мақсадини кўзлайди. Шунга кўра, манфаатлар тўқнашувининг зарурий белгиларига судьянинг муайян вазиятда ўз мансаб ваколатларини суистеъмол қилиши, бунинг учун моддий ёки номоддий манфаат олганлиги ёки олиши мумкинлиги ҳамда улар ўртасидаги сабабий боғланиш киради. Манфаатлар тўқнашувида судьяда нохолис қарор чиқариш ва қонуний ҳаракат қилиш ўртасида танлаш имконияти мавжуд бўлиб, улардан қай бирини танлаш эса судьянинг ахлоқий фазилатларига бевосита боғлиқдир, зеро ахлоқи ва ҳуқуқий маданияти юқори бўлган судьяларнинг манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ва уни бартараф этиш имконияти юқори бўлади. Табиийки, шахсий манфаатдорликнинг ўзи ҳуқуқбузарлик ҳисобланмайди, судья амалда унга йўл қўйиши билан ишнинг нохолис кўрилишига ва тегишли жавобгарликнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Шу боис, манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш коррупциявий ҳаракатларнинг содир этилишини олдини олувчи муҳим восита ҳисобланади.

Е.Казаковага кўра манфаатлар тўқнашуви ва коррупция бир хил тушунчалар эмас. Айрим ҳолларда коррупцияга йўл қўйилмаган ҳолда ҳам манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлиши мумкин ва бунинг акси. Масалан, қарор қабул қилиш жараёнида шахсий манфаатдорлиги бўлган давлат хизматчисиadolatli ва қонун доирасида ҳаракат қилиши мумкин. Ва бунда коррупция аломатлари мавжуд эмас. Бошқа давлат хизматчиси эса манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлмаган, ҳар қандай ҳолатда ҳам шундай қарор қабул

²⁹ Федеральный закон Российской Федерации «О противодействии коррупции». Ст.10. <https://digital.gov.ru/ru/documents/3419/>

³⁰ Казакова Е.В. Противодействие коррупции в судебной системе в условиях процессуального реформирования. Ж.: «Администратор суда», -№2, - 2020. С.48-52.

қилишга мажбур бўлган ҳолларда ҳам пора олиши мумкин³¹. Ушбу фикрга қўшилган ҳолда шундай хulosага келиш мумкинки, коррупциявий ҳаракатлар ҳар доим ҳам учинчи шахсга зарар етказмайди, судьянинг ноқонуний ёки адолатсиз қарор қабул қилишини келтириб чиқармайди, ҳар икки тараф учун қонуний ва мақбул бўлган ечимни ҳам назарда тутиши мумкин. Бироқ, судьянинг қонуний ва адолатли қарор чиқариши учун ҳам ноқонуний наф қўриши манфаатдор тарафнинг судья ҳақида “порахўр” деган хulosага келишининг ўзи қонунийлик тамойилининг бузилишига, жамиятда судларга бўлган ишонч-сизликнинг кучайишига сабаб бўлади.

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг 7-моддасида ҳар бир иштирокчи давлат манфаатлар тўқнашувининг келиб чиқишини олдини олиш бўйича чоралар қўришга интилиши назарда тутилган³². Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Конунининг 21-моддасида давлат органларининг ходимлари мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслиги кераклиги, манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда, давлат органларининг ходимлари ўзининг бевосита раҳбарини дарҳол хабардор қилиши кераклиги, манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олган раҳбар бу тўқнашувнинг олдини олиш ёки уни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар қўриши шартлиги, давлат органларининг маҳсус бўлинмалари ёки одоб комиссиялари манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш қоидаларига риоя этилиши юзасидан мониторингни амалга оширишлари белгиланган³³. Шу боис, Судьялар одоб-ахлоқ кодексининг 6-моддасида судья ишни холис қўриш мақсадида ўзининг касбий мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай афзалликлар, асоссиз ишонч ва тахминлардан ҳоли бўлиши, ўзининг холислигига ҳар қандай шубҳаларни бартараф этишга ҳаракат қилиши лозимлиги, судьянинг қонунда назарда тутилган асосларда ўзини ўзи рад этиши унинг холислиги ва беғаразлигини таъминловчи муҳим омил

³¹ Казакова Е.В. Противодействие коррупции в судебной системе в условиях процессуального реформирования. Ж.: «Администратор суда», -№2, - 2020. С.48-52.

³² БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг 7-моддаси. <https://lex.uz/docs/1461327>

³³ “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 21-моддаси. <https://lex.uz/docs/3088008>

эканлиги қайд этилган³⁴. Суд фаолиятининг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, судья мазкур талабдан фарқли равища бундай вазиятларда мустақил ҳаракат қилиши, манфаатлар тўқнашуви мавжудлигини аниқлаши ҳамда ўзини рад қилиши ёки бу ҳақда суд раисини хабардор қилиши лозим. Процессуал қонунчиликда судья ўзининг ташаббусига ёки тарафларнинг аризасига кўра рад қилиниши мумкин бўлиб, рад қилиш масаласи бир таркибли судларда судьянинг ўзи томонидан ҳал қилиниши субъективлик хусусиятига эга бўлиб, холисликни тўлиқ таъминламайди. Зоро, ишнинг натижасидан бевосита билвосита манфаатдор бўлган судья тарафнинг рад қилиш тўғрисидаги аризасини ҳар қачон рад қилиш ва ишни мазмунан кўриб чиқиш имкониятига эга бўлади.

Бу борада Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди “алоҳида олинган судьяда алоҳида олинган ишга нисбатан шахсий ишончни белгилашдан иборат субъектив ёндашув ва судья томонидан бу борада ҳар қандай асосланган гумонларни истисно қилиш учун етарли бўлишидан ташкил топган объектив ёндашув” ўртасидаги фарқни ажратиб кўрсатади. Ушбу концепцияларга кўра ишни кўриб чиқиш нафақат судья нохолис бўлган тақдирда, балки у шундай қабул қилинганда ҳам адолатсиз бўлади³⁵.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Судьялар одоб-ахлоқ кодексининг 6-моддасида судья ишни холис кўриш мақсадида ўзининг касбий мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай афзалликлар, асосиз ишонч ва тахминлардан ҳоли бўлиши, ўзининг холислигига ҳар қандай шубҳаларни бартараф этишга ҳаракат қилиши лозимлиги, судьянинг қонунда назарда тутилган асосларда ўзини ўзи рад этиши унинг холислиги ва беғаразлигини таъминловчи муҳим омил эканлиги қайд этилган.³⁶

Шунингдек, қонунчиликда судьянинг шахсий манфаатдорлиги тушунчаси, унинг яқин қариндошлари ва оила аъзолари рўйхати белгиланмаган. Россия Федерациясининг “Россия Федерациисида судьялар мақоми тўғрисида”ги Федерал Қонунининг 3-моддасига

³⁴ Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодекси. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши. – Т.: “Адолат”, 2018. – 112 б.

³⁵ Халқаро юристлар комиссияси. Судьялар, адвокатлар ва прокурорларнинг мустақиллиги, жавобгарлигига доир халқаро тамойиллар. 1-сонли амалий қўлланма. www.icj.org/wp-content/uploads/2017/01/Uzbekistan-PGN°1-Publications-Practitioners-Guide-Series-2017-UZB.pdf

³⁶ Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодекси. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши. – Т.: “Адолат”, 2018. – 112 б.

кўра судьянинг шахсий манфаатдорлиги деганда судьянинг шахсан ўзи, оила аъзолари ёки унинг молиявий ёки бошқа мажбуриятлар билан боғлиқ бўлган ўзга шахслар учун хизмат вазифаларини амалга ошириш даврида моддий кўринишдаги даромад ёки бошқа ноқонуний манфаатдорлик олиш имкониятидир. Мазкур Қонуннинг 5-моддасида судьянинг яқин қариндошлари таркиби турмуш ўртоғи, ота-онаси, фарзандлари, туғишиган ака-ука ва опа-сингиллари, бува ва бувилари, набиралари, шунингдек турмуш ўртоғининг ота-онаси, туғишиган ака-ука ва опа-сингиллари киритилган бўлса³⁷, Судьялар одоб-ахлоқ кодексининг 3-моддасига мувофик судьянинг оила аъзолари таркиби турмуш ўртоғи, ота-онаси, фарзандлари, ҳар қандай яқин қариндошлари (фарзандликка олган ва олинган шахслар, туғишиган ака-ука ва опа-сингиллари, бува ва бувиси, набираси) киритилган³⁸.

Суд тизимида манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш институтини такомиллаштириш, унинг тушунчаси ва тартибга солиш механизmlарини аниқ белгилаш, шахсий манфаатдорлик масалалари ҳамда содир этилган коррупциявий ҳуқуқбузарликлар учун судьяларни тегишли жавобгарликка тортиш механизмларига оид қоидаларни белгилаш мақсадида “Судлар тўғрисида”ги Қонунни янги “Суд тизимида коррупцияга қарши курашиш” боби билан тўлдириб, унда қайд этилган масалаларни тартибга солувчи нормаларни белгилаш таклиф этилади.

Бундан ташқари, сўнгги йилларда коррупцияга қарши курашишга оид ўнлаб қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”, “Давлат бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”, “Маъмурий тартибтаомиллар тўғрисида”ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари ва ҳ.к. Ҳар бир қонун ҳужжатида муайян вазиятларда коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишга оид тегишли қоидалар белгиланган бўлиб, бу шу жумладан судьялар ҳамжамияти органлари томонидан ушбу нормаларни тўғри ва самарали қўллашни талаб этади. Шу нуқтаи назардан, суд тизимида

³⁷ <http://pravo.gov.ru/proxy/ips/?docbody=&nd=102017065>

³⁸ <https://docs.cntd.ru/document/499023323>

коррупцияга қарши курашишга оид қонун ҳужжатларини амалда қўллаш бўйича қоидалар ва тушунтиришларни акс эттирган ҳамда Судъялар олий кенгашининг қарори билан тасдиқланган “Суд тизимидағи коррупциявий ҳолатларга нисбатан коррупцияга қарши курашишга оид қонун ҳужжатларини қўллаш тўғрисида”ги услубий тавсияларни ишлаб чиқиш ва барча судъялар малака ҳайъатлари амалиётида фойдаланишларини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Суд тизимида коррупцияга қарши курашиш коррупцияни **аниқлаш ва унга чек қўйиш** бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади. Коррупцияни аниқлаш учун муайян соҳада вужудга келиши мумкин бўлган барча коррупциявий омилларни таҳлил қилиш талаб этилади. Б.Исмоилов ва Э.Гадоевларнинг фикрича, коррупциявий омиллар – жамиятдаги коррупцион хатти-харакатларнинг пайдо бўлиши, сақланиши, ўзгариши ва тарқалишига таъсир кўрсатадиган ижтимоий ҳодисалар ва жараёнлардир³⁹. А.Кабловга кўра, суд тизимида ички ва ташқи таҳдидлар коррупция омилларини келтириб чиқариши мумкин. Ички таҳдидларга судъяда манфаатлар тўқнашувининг вужудга келиши, мол-мулки ҳақида ёлғон ахборот тақдим этиши, ваколатларини суистеъмол қилиши, интеллектуал, моддий ёки бошқа жиҳатдан тобелиги, одоб-ахлоқ қоидаларини бузиши, малакасининг етишмаслиги (иши чўзиши, қўпол хатога йўл қўйиши), ташқи таҳдидларга эса оммавий ахборот воситаларида суд фаолиятининг нохолис ёритилиши, молиявий мустақилликнинг таъминланмаганлиги (судларнинг етарли молиялаштирилмаслиги, шароитлар яратилмаслиги, моддий-техник жиҳатдан таъминланмаслиги), зарур хавфсизлик кафолатларининг бузилиши (судья ва унинг оила аъзоларининг ҳаёти ҳамда мол-мулкининг ҳимояланмаганлиги, суд биноларида хавфсизлик таъминланмаганлиги) киради⁴⁰. Ушбу сабабларни бир неча гурухларга бирлаштириш мумкин: тузилмавий, иқтисодий, ижтимоий, шахсий ва ҳ.к. Бироқ, судъялар ўртасида коррупцияни келтириб чиқарувчи ушбу омиллар битта умумий тавсифга эга: улар судъяларнинг мустақиллиги ва ҳалоллигига таҳдид туғдиради.

³⁹ Б.И.Исмоилов, Э.Ф.Гадоев. Коррупция тушунчаси ва унга қарши курашишга оид атамалар изоҳли луғати. – Тошкент: “Тафаккур” нашриёти, 2019. – 186 б.

⁴⁰ А.М. Каблов. О взаимодействии Совета судей Ставропольского края с институтами гражданского общества. Ж.: Судья, - 2020. №6, стр.32.

Европа судьялари Маслаҳат кенгашининг хулосасига мувофиқ суд тизимидағи коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар қуидаги салбий оқибатларга олиб келиши мумкин:

- узоқ вақт давомида учта ҳокимият тармоғи ўртасида мувозанат бузилса, бир бирини тийиб туриш тизими кучсиз бўлса ёки инкор этилса суд тизимининг мустақиллиги, беғаразлиги ва ҳалоллигига жиддий таҳдид юзага келади;

- суд тизими ҳақида маълумотга эга бўлишни чекловчи шаффофликнинг мавжуд эмаслиги коррупциявий ҳаракатларга сабаб бўлади ва шу боис коррупциянинг муҳим сабабларидан ҳисобланади;

- ёмон меҳнат шароитлари, шу жумладан, кам ойлик маоши, етарли бўлмаган ижтимоий кафолатлар, ёмон инфратузилма ва ускуналар, ходимларнинг етишмаслиги ва бошқа сабаблар судьянинг унга ноқонуний таклиф этилган хизматни тезроқ қабул қилишга ундаши мумкин⁴¹.

Суд тизимида коррупцияни келтириб чиқарувчи ёки чиқариши мумкин бўлган омиллар ички ва ташқи турларга бўлинади. Бунда асосий мезон сифатида ушбу омилларни келтириб чиқарувчи субъектлар (шу жумладан уларнинг ваколатлари) ва суд органлари мустақиллигига таъсир кўрсатувчи ҳолатлар (жараёнлар) эътиборга олиниши зарур.

Ички коррупциявий омиллар деганда судларни шакллантириш ва фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш бўйича суд раислари, судьялар ва судьялар ҳамжамияти органларининг судьялар корпусини шакллантириш, судья ва суд ходимларининг хизмат бўйича ўсишини таъминлаш, уларнинг фаолиятини адолатли ташкил этиш, бошқариш ва назорат қилиш, уларни рағбатлантириш ва жавобгарликка тортиш каби масалалардаги суистеъмолликлари, нохолис ёндашувлари, танишибилишчилик, қариндош-уругчилик, порахўрлик каби ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатларнинг вужудга келишига замин яратувчи ҳуқуқий, ташкилий ва бошқа характердаги ҳолатлар тушунилади.

Ташқи коррупциявий омилларга эса давлат органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан одил судловни амалга оширишга аралашиш, унга тўсқинлик қилиш, суд ҳокимияти мустақиллигига тажовуз қилишга қаратилган қонунга

⁴¹ Консультативный Совет Европейских судей. Заключение № 21(2018) «О предупреждении коррупции среди судей». г. Загреб, 9 ноября 2018 г. ССJE (2018)3.

хилоф ҳаракатларни амалга оширишга имконият туғдирувчи ҳолатларни киритиш мумкин.

Демак, суд тизимида коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар деганда одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қилувчи, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга хавф соловчи, судларнинг мустақиллигини чекловчи хатти-ҳаракатлар (ҳаракатсизлик), ҳолатлар, жараёнлар тушунилади. Мазкур омилларга қонун хужжатларидағи бўшлиқлар, мавжуд нормаларнинг коррупциоген ҳарактерга эгалиги, муайян масалаларнинг умуман ёки тўлиқ тартибга солинмаганлиги, мавжуд нормаларнинг реализацияси бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланмаганлиги ёки шартшароитлар яратилмаганлиги, муайян коррупциявий ҳаракат (ҳаракатсизлик) учун жавобгарликнинг белгиланмаганлиги, судьялар ва судьялар ҳамжамияти органларининг мустақиллиги тўлиқ таъминланмаганлиги, ҳалол суд кадрларини танлаш бўйича самарали механизмларнинг мавжуд эмаслиги, судлар фаолиятининг шаффоф эмаслиги, ички ва жамоат назоратининг самарасизлиги кабилар киради.

Коррупцияга чек қўйиш – мавжуд коррупциявий омиллар ҳамда коррупциявий ҳукуқбузарликларни тугатиш, уларга нисбатан қатъий чоралар кўриш, такрор содир этилишига йўл қўймаслик ҳамда салбий оқибатлари билан курашишни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирлар мажмуидир. Коррупцияга чек қўйиш унга нисбатан самарали қарши курашишнинг ижобий натижаси ҳисобланади.

Коррупцияга қарши курашиш – коррупция ҳажмини камайтириш, коррупция кўриниши хусусиятини ўзgartириш, коррупция ва унга сабаб бўладиган бошқа ижтимоий ҳодиса ҳамда жараёнларнинг ўзаро таъсирини чеклаш, коррупция ҳолатларининг келиб чиқиш умумий сабаблари ва шартларини, уни бартараф этиш ва тергов қилиш, коррупция жиноятларини содир этишда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган қонуний ҳукуқ-манфаатларини қайта тиклаш ҳамда коррупция ҳаракатлари оқибатларини бартараф этиш бўйича ижтимоий-психологик, иқтисодий ва сиёсий, ҳукуқий, ташкилий-бошқарув, мафкуравий ва бошқа ҳарактердаги чора-тадбирлар тизимиdir⁴².

⁴² И smoилов Б.И., Э.Ф.Гадоев. Коррупция тушунчаси ва унга қарши курашишга оид атамалар изоҳли луғати. – Тошкент: “Тафаккур” нашриёти, 2019. – 186 б.

А.Турсунов коррупцияга қарши курашишда жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини амалда таъминлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш амалиётини такомиллаштириш, коррупция билан боғлиқ жиноий ишларни сайёр суд мажлисларида кўрилишини кўпайтириш, масъул лавозимларга номзодларга талабларни кучайтириш, давлат хизматчиларининг маошини ва масъулиятини ошириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, кенг жамоатчилик назоратини ўрнатиш, судлар ва оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини таъминлаш, юрист кадрларни тайёрлаш тизимини тубдан қайта ислоҳ этиш, мансаблар сотилишининг олдини олиш, олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларининг ҳаққоний бўлишига эришиш ва бошқа омилларга алоҳида эътибор қаратади⁴³.

Суд тизимида коррупцияга чек қўйиш бўйича чора-тадбирларни ҳуқуқий ва ташкилий турларга ажратиш мумкин. Ҳуқуқий чора-тадбирларга коррупциоген нормаларни аниқлаш ва бартараф этиш, жиноят ҳақида хабар берган судьяни ҳимоя қилиш ҳамда коррупциявий ҳолатлар ҳақида судья ва суд ходимларининг мажбурий тартибда хабар беришини қонунчиликда белгилаш кабиларни киритиш мумкин. Ташкилий чора-тадбирларга эса суд тизимида тизимли ички назорат (комплаенс-назорат)ни жорий қилиш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилинишига эришиш, коррупциоген нормаларни судлар томонидан қўллаш бўйича доимий равищда таҳлиллар ўтказиш, судьялар фаолиятини баҳолаш (бунда уларнинг рейтинг кўрсаткичлари билан бир қаторда ҳамкаслари ва жамоатчилик фикрини ҳам ўрганиш), судьяларга нисбатан хусусий ажрим чиқариш (судья томонидан қонун нормаларининг асоссиз қўлланилган ёки қўлланилмаганлигини муҳокама қилиб бориш), судьялар томонидан юқори инстанция судининг қарорига нисбатан тақдимнома киритиш, суд ишларини тизимли умумлаштириб бориш ва натижаси бўйича суд қарорларини қонунга мувофиқлаштириш чораларини кўриш, судлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, одил судловни амалга ошириш жараёнига кенг жамоатчиликни жалб қилиш, ижтимоий ва маҳсус сўровлар ўтказиш кабилар киради.

Одил судловни амалга оширишга аралashiш ва унга тўсқинлик қилиш, судьяларга нисбатан ҳар қандай шаклда таъсир ўтказиш каби ҳаракатларга нисбатан қонунда **қатъий жазо чораларини**

⁴³ Коррупция – тараққиёт таҳди迪. <http://uzmarkaz.uz/uploads/2019/12/yurist-3-son-18-j.pdf>

белгилаш суд тизимида коррупцияга қарши курашишнинг самарали усулларидан ҳисобланади. БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг 25-моддасида иштирокчи-давлатлар одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қилишни назарда тутувчи харакатлар учун жиноий жавобгарликни белгилаш бўйича чоралар қўриши қайд этилган⁴⁴. Шу нуқтаи назардан, судлар ҳамда судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятига аралашганлик, судга нисбатан ҳурматсизлик қилганлик, судья ва халқ маслаҳатчисининг дахлсизлигини бузганлик, ишнинг ҳар томонлама, тўла ва холисона қўриб чиқилишига тўсқинлик қилганлик ёки турли шаклда таъсир ўтказганлик учун тегишли юридик жавобгарликни белгиловчи қонун хужжатларини қабул қилиш давр талаби ҳисобланади. Хусусан, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Конуннинг 21-моддасида давлат органларининг манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ёки уни бартараф этиш талаблари бузилишига йўл қўйган ходимлари, шунингдек уларнинг раҳбарлари қонун хужжатларига мувофиқ жавобгар бўлиши белгиланган. Бироқ, “Судлар тўғрисида”ги Конунда ушбу ҳуқуқбузарликка йўл қўйган судьяни ёки суд раисини жавобгарликка тортиш асослари назарда тутилмаган, фақат 73-моддада судья одил судловни амалга ошириш чоғида қонунийликни бузганлиги учун интизомий жавобгарликка тортилиши белгиланган. Ваҳоланки, Россия Федерациясининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Конуннинг 11-моддасида давлат хизматчилари бундай вазиятда мажбурий лавозимидан озод этилиши белгиланган⁴⁵.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига кўра процессуал қонун хужжатларида судлар томонидан содир этилган жиноий қилмишлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун суд хужжатининг бекор қилинишини назарда тутувчи нормалар белгиланган. Хусусан, Иқтисодий процессуал кодекснинг 327-моддасига кўра ишда иштирок этувчи шахснинг ёки унинг вакилининг ёхуд судьянинг мазкур ишни қўриш чоғида содир этилган, суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ажрими билан аниқланган жиноий қилмишлари қонуний кучга кирган суд хужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта қўриш учун асос

⁴⁴ БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг 25-моддаси. <https://lex.uz/docs/1461327>

⁴⁵ <http://pravo.gov.ru/proxy/ips/?docbody&nd=102126657>

бўлади⁴⁶. Қайд этиш лозимки, суд қарорини бекор қилишга қаратилган асосларнинг барчаси коррупциявий характерга эга бўлиб, судья томонидан қасдан бирор-бир ғаразли мақсадни кўзлаган ҳолда содир этилиши мумкин. Мисол учун, ИПК 302-моддаси иккинчи қисмида қўлланилиши лозим бўлган қонун хужжатининг қўлланилмаганлиги, қўлланилиши мумкин бўлмаган қонун хужжатининг қўлланилганлиги, қонун хужжатининг нотўғри талқин қилинганлиги моддий ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши сифатида баҳоланиши белгиланган. Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Жиноят кодексининг 231-моддасида олдиндан била туриб адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Бироқ, мазкур жиноят учун жазо сифатида фақат озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган. Фикримизча, ушбу жиноят масъул мансабдор шахс томонидан фақат қасдан содир этилиши ва унинг оқибати жамиятда адолатсизликни ва қонунларга нисбатан ишончсизликни келтириб чиқариши сабабли ҳамда ушбу жиноят учун жазонинг таъсиранлигини ошириш мақсадида қўшимча равишда шахсни муайян лавозимларни эгаллаш ёки муайян фаолият тури билан шуғулланишини тақиқловчи жазоларни ҳам қонунда белгилаш лозим.

Ушбу фикрни давом эттирган ҳолда Европа судьялари Маслаҳат кенгашининг “Судьялар ўртасида коррупциянинг олдини олиш тўғрисида”ги 21(2018)-сонли тавсияларининг 8-бандида судьяларнинг порахўрлиги учун бошқа давлат раҳбарларига нисбатан кучайтирилган жиноий жазоларни белгилаш таклиф этилган⁴⁷. Фикримизча, судьялар жамиятда нормал ва қонун талаблари асосида ҳаёт кечириш гарови бўлган адолатни таъминлашдек муҳим вазифани амалга оширишини эътиборга олиб, улар томонидан одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ содир этилган барча жиноятлар учун бошқа мансабдор шахсларга нисбатан оғирроқ жазо чорасини назарда тутувчи нормаларни қонунчиликка киритиш таклиф этилади.

⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 327-моддаси.

<https://lex.uz/docs/3523891>

⁴⁷ Консультативный Совет Европейских судей. Заключение № 21(2018) «О предупреждении коррупции среди судей». г. Загреб, 9 ноября 2018 г. ССJE (2018)3.

Бундан ташқари, амалдаги қонунчиликка мувофиқ судьяларни маъмурий жавобгарликка тортиш Судьялар олий кенгашининг хуносаси асосида Судьяларнинг олий малака ҳайъати томонидан, судьяни жиноий жавобгарликка тортиш ёки қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш эса Судьялар олий кенгашининг хуносаси асосида Олий суд Пленумининг розилиги асосида ҳал этилади⁴⁸. “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 26-моддасига кўра Олий суд раиси Олий суд Пленумининг мажлисларида раислик қилиши эътиборга олинса, судьянинг жиноий жавобгарликка тортилиши унинг қарорига ҳам бевосита боғлиқ бўлиб, судьянинг Олий суд раисига ва Пленум аъзолари бўлмиш Олий суд судьяларига тобелигини келтириб чиқаради. Ваҳоланки, судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш мақсадида уларга нисбатан қабул қилинадиган ҳар қандай мажбуров чоралари холис ва мустақил судьялар ҳамжамияти органи томонидан амалга оширилиши лозим. Хусусан, Қозоғистон Республикасининг “Судьялар олий кенгashi тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасига кўра Кенгаш судьяни ушлаб туриш, қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш, уй қамоги, судьяни мажбурий келтириш ҳамда маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқиш учун Қозоғистон Республикаси Президентига хулоса киритади⁴⁹. Юқоридагиларга кўра, Олий суд Пленумининг мазкур ваколатини бекор қилиш ҳамда судьяни маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш ёки қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш фақат Судьялар олий кенгashi томонидан ҳал қилинишини белгилаш лозим бўлади.

Коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишда **молиявий ҳисобдорлик** муҳим роль ўйнайди. БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг 8-моддасида ҳар бир иштирокчи-давлат оммавий мансабдор шахсларнинг тегишли органларга хизматдан ташқари фаолияти, машғулотлари, инвестициялари, активлари ва вазифалари билан боғлиқ манфаатлар тўқнашуви келиб чиқиши мумкин бўлган бошқа даромадлари ва ҳадялар ҳақида декларация тақдим этишлари шартлигини белгиловчи тартибни жорий қилиши белгиланган⁵⁰. Ўзбекистон қонунчилигига судьялар ва суд ходимларининг молиявий ҳисобдорлиги масаласи назарда тутилмаган бўлсада, Судьялар одоб-

⁴⁸ “Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида”ги Низомнинг 10-моддаси.

⁴⁹ https://online.zakon.kz/document/?doc_id=34433079#pos=77;-28

⁵⁰ БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг 8-моддаси. <https://lex.uz/docs/1461327>

ахлоқ кодексининг 13-моддасида судья ўзи, турмуш ўртоғи ва вояга етмаган фарзандлари олаётган даромадлари ҳамда уларнинг манбалари тўғрисидаги, мулк ҳуқуқи ва ашёвий ҳуқуқ асосида эгалигида бўлган мол-мулки, шунингдек мулкий хусусиятга эга мажбуриятлари ҳақидаги ахборотдан хабардор бўлиши ҳамда бу ҳақдаги ахборотни Олий судга тақдим этиши шартлиги белгиланган⁵¹. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2017 йил 7 авгуустдаги 241-сонли қарори билан судьянинг эгалигида бўлган мол-мулклари ва мулкий мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш тартиби тасдиқланган бўлиб, унга биноан судья ҳар йилнинг 1 апрелига қадар ўзи фаолият кўрсатаётган суд орқали Олий судга мол-мулки ва даромадлари ҳақидаги маълумотни тақдим этиши, Судьяларнинг олий малака ҳайъати эса маълумотларни умумлаштириб, таҳлил қилиши ва маълумотни Судьялар олий кенгашига икки кунлик муддатда тақдим этиши белгиланган. Маълумотни белгиланган муддатларда тақдим этмаслик ёхуд била туриб ёлғон маълумотларни тақдим этиш судьянинг белгиланган тартибда интизомий жазога тортилишига олиб келади. Бироқ, мазкур тартибни амалга ошириш механизми, яъни тақдим этилган маълумотларнинг ҳаққонийлигини текшириш имкониятининг мавжуд эмаслиги, яъни Суд инспекцияси судьянинг яширин мол-мулклари мавжудлигини излаш бўйича ваколатга эга эмаслиги ушбу тартибни самарасизлигидан далолат беради. Зеро, мазкур тартиб амалга киритилган кундан бошлаб бирор-бир судьянинг унда белгиланган қоидаларни бузганлиги учун интизомий жавобгарликка тортилмаганлиги ҳам фикримиз исботидир. Бу борада Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПФ-6257-сон Фармонига мувофиқ 2022 йил 1 январдан бошлаб давлат хизматчилари, давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотлар, давлат корхоналари ва муассасалари раҳбарлари ва ўринбосарлари, уларнинг турмуш ўртоғи ва вояга етмаган фарзандларининг даромадлари ва мол-мулкини мажбурий декларация қилиш тизими жорий этилиб, декларацияни тақдим этишдан бош тортганлик ва қасдан нотўғри маълумотларни

⁵¹ Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодекси. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши. – Т.: “Адолат”, 2018. – 112 б.

киритганлик учун ходимни давлат хизматидан четлаштириш ва қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш белгиланди⁵².

Қайд этилганларга ҳамда Нидерландия, Хитой, Сингапур каби давлатлар тажрибасини эътиборга олган ҳолда нафақат судья, балки судьялик лавозимиға номзод томонидан ўзи, турмуш ўртоғи ва вояга етмаган фарзандларининг мол-мулки ва мулкий мажбуриятлари ҳақида декларация тақдим этиш тартибини жорий қилиш, судьялик лавозимиға номзодни танлаш ва тайинлаш, судьяни навбатдаги муддатга ёки раҳбарлик лавозимиға тавсия қилишда унинг мулкий аҳволини тақдим этган декларацияси асосида текшириб, таҳлил қилиш амалиётини жорий қилиш мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, Коррупцияга қарши конвенциянинг 20-моддасига мувофиқ ҳар бир иштирокчи давлат оммавий мансабдор шахснинг **қасдан ноқонуний бойлик ортиши**, яъни унинг қонуний даромадларидан ортиқча бўлган, уларнинг манбанини асослаб бериш имконияти мавжуд бўлмаган тарзда активларининг ортиши жиноят деб эътироф этилиши ва жиноий жазога сазовор бўлиши бўйича чораларни кўриши белгиланган⁵³. Ушбу чоралар мансабдор шахслар ўртасида коррупцияга чек қўйиш, унинг олдини олиш, коррупцияга қўл урган шахсни жиноят устида ушлаш имкони бўлмаган ҳолларда уни аниқлаш ва жазолаш учун энг мақбул воситалардан бири ҳисобланади.

Қўлга киритилган активларнинг келиб чиқиши манбанини исботлаб бера олмаган давлат амалдорларини жазолашни назарда тутувчи биринчи қонун лойиҳаси 1936 йилда Аргентинада ишлаб чиқилган бўлиб, фақат 1964 йилда мазкур ҳолат учун жиноий жавобгарлик белгиланидан сўнг қонунга айланган. Айбдор шахсга олти йил озодликдан маҳрум қилиш, ноқонуний деб топилган мол-мулк миқдорида жарима ва давлат хизматида ишлашга умрбод тақиқ жазолари жорий қилинган.

Шу йилда Хиндистонда ҳам давлат амалдори келиб чиқиши манбанини исботлаб беролмайдиган мол-мулкка эга бўлгани учун жавобгарлик жорий этилган.

Ноқонуний бойлик ортиши жиноий қилмиш сифатида биринчи марта 1996 йилда Америкалараро коррупцияга қарши конвенцияда, кейинчалик 2003 йилда Коррупциянинг олдини олиш

⁵² Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПФ-6257-сон Фармони.

<https://lex.uz/docs/5495529>

⁵³ БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг 20-моддаси. <https://lex.uz/docs/1461327>

ва у билан курашиш түғрисидаги Африка Иттифоқи конвенциясида ва 2005 йилда қонуний күчгө киргандык Коррупцияга қарши конвенциясида белгилаб қўйилди.

Натижада 80-йиллар ўрталарида Колумбия, Эквадор, Миср, Бруней, Покистон, Сенегал ва Доминикан республикаларида ноқонуний бойлик орттириш жиноят сифатида эътироф этилган бўлса, 1990 йилга келиб 10 га яқин, 2000 йилга келиб 20 дан ортиқ ва 2010 йилга келиб 40 дан ортиқ давлатларнинг қонунчилигига жиноят сифатида белгиланди⁵⁴.

Турли мамалакатларда ноқонуний бойлик орттирганлик учун белгиланган жавобгарликни учта даражасини қайд этиш мумкин:

1. Ноқонуний бойлик орттиришни мустақил жиноят деб тан олиш. Бунда шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун мол-мулкни сотиб олиш учун қонуний даромад манбайнинг мавжуд эмаслигини исботлаш кифоя қиласи. Бундай норма Жанубий Америка, Африка ва Осиё давлатларида, шунингдек айrim Европа давлатларида (Литва) амал қиласи.

2. Ноқонуний бойлик орттирганлик фақат бошқа жиноят билан биргаликда кўриб чиқиласи. Бунда гумон қилинувчи келиб чиқишини тушунтириб бера олмайдиган мол-мулк жиноят натижасида қўлга киритилган маблағлар ҳисобдан олинганлигини исботлаши шарт эмас. Бундай мол-мулк ноқонуний олинган деб топилиб, мусодара қилиниши мумкин, мол-мулк эгаси эса ноқонуний бойлик орттиргани учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

3. Коррупцияда гумон қилинаётган шахснинг қонуний даромадига мос келмайдиган мол-мулкнинг мавжудлиги жиноят содир этилганлигини тасдиқловчи билвосита далил сифатида ёхуд коррупцион ёки бошқа жиноят бўйича иш қўзғатиш учун асос сифатида фойдаланилади.

Фикримизча, мансабдор шахслар, шу жумладан, судьялар, уларнинг турмуш ўртоқлари ва вояга етмаган фарзандларининг мол-мулклари ва даромадлари түғрисида ҳар йили солик органларига декларация тақдим этишлари, агар декларацияда ҳақиқатга зид бўлган маълумотлар тақдим этилган, шу жумладан ноқонуний бойлик орттириш ҳолатлари аниқланганда уларни тегишли юридик жавобгарликка тортиш самарали чоралардан ҳисобланади.

⁵⁴ Незаконное обогащение — Википедия ([wikipedia.org](https://ru.wikipedia.org))

Суд тизимида коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида судьяларнинг ишда иштирок этувчи шахслардан, бошқа учинчи шахслардан совғалар олишига оид қоидаларни ҳам белгилаш мақсадга мувофиқдир. Бинобарин, судьянинг ҳар қандай кўринишдаги ва миқдордаги совға олиши унинг обрўсига путур етказишига, одил судловни эса шубҳа остида қолишига сабаб бўлиши мумкин. Хорижий давлатлар тажрибасига назар ташласак, АҚШда бу миқдор 20 долларни, Францияда 35 еврони, Буюк Британияда 140 фунтни, Россия Федерациясида 3000 рублни ташкил этади, Канадада эса мансабдор шахсларнинг пул кўринишидаги совғалар қабул қилиши қатъиян тақиқланган, Сингапурда эса мансабдор шахсларнинг гонорар, қимматли қоғозлар каби тўловларни олиши тақиқланган⁵⁵. Фикримизча, судьянинг ҳар қандай миқдордаги ва кўринишдаги совға олиши унинг келгусидаги фаолиятига таъсир кўрсатиши мумкинлигидан келиб чиқиб, тақиқланиши мақсадга мувофиқ.

Судлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш суд тизимида коррупцияга қарши самарали курашиш ҳамда уни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф қилишда мухим роль ўйнайди.

Суд тизими тўғрисида маълумотга эга бўлишни чекловчи шаффофликнинг мавжуд эмаслиги коррупциявий ҳаракатларга сабаб бўлади ва кўп ҳолларда коррупциянинг асосий сабаби хисобланади. Юқори даражадаги шаффофлик ва ҳалоллик таъминланган суд тизимларида коррупцияга қарши энг самарали кафолатлар мавжуд бўлишига оид яққол далиллар мавжуд⁵⁶. Шу сабабдан одил судловни амалга ошириш, судьялар корпусини шакллантириш, судлар фаолиятини ташкил қилиш ва бошқариш, судларни молиялаштириш, судьялар фаолиятини баҳолаш, уларни бошқа судьялик ёки раҳбарлик лавозимларига тавсия этиш, уларни юридик жавобгарликка тортиш, рағбатлантириш ва бошқа масалаларни ҳал қилиш фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали шаффофликка эришиш, ушбу жараёнларнинг холислиги ва очиқлигини таъминлашда фуқаролик жамияти институти вакилларини кенг жалб қилиш,

⁵⁵ Исмоилов Б., Йўлдошев Ф. Халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон мавқеини юксалтиришнинг мухим жиҳатлари. <https://aza.uz/uz/posts/khal-aro-reyting-va-indekslarda-zbekiston-mav-eini-yuksaltir-25-08-2020>

⁵⁶ Консультативный Совет Европейских судей. Заключение № 21(2018) «О предупреждении коррупции среди судей». г. Загреб, 9 ноября 2018 г. ССJE (2018)3.

жамоатчилик назорати институти имкониятларидан фойдаланиш талаб этилади.

Коррупцияга қарши курашишнинг энг самарали усулларидан яна бири – **аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш**дир. Бунда ёш авлоднинг таълим ва тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш, улар онгига ҳалоллик ва поклик хислатларини сингдириш, коррупция иллатларининг салбий оқибатлари ҳақида аниқ тушунтиришлар бериш, бир сўз билан айтганда, уларнинг ушбу соҳадаги ҳуқуқий билимларга эга бўлишини таъминлаш ўта муҳим вазифалардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2018 йил 7 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 26 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимда сўзлаган маъruzасида: “Коррупцияга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар қанчалик ҳаракат қилмасин, ҳалқимиз бу жирканч иллатга муросасиз бўлмас экан, таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатмас экан, бу балога қарши самарали курашни ташкил эта олмаймиз. Бу иллат билан нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, балки ҳар бир жамоа жиддий курашиши керак. Шунинг учун ҳар бир давлат идорасида жамоатчилик томонидан назорат қилинадиган коррупцияга қарши курашиш бўйича ўз ички дастурлари бўлиши шарт⁵⁷”, - деб таъкидлаган эди.

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг алоҳида З-боби “Коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш” деб номланиб, унда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар коррупцияга қарши курашиш мақсадида аҳолининг, шунингдек ўз мансабдор шахслари ҳамда бошқа ходимларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқий тарбия ва таълимни, илмий-амалий тадбирларни ташкил этиш, ўқув-услубий ва илмий адабиётларни ишлаб чиқиш йўли билан зарур чора-тадбирлар кўриши лозимлиги (16-17-моддалар), таълим муассасалари коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини инобатга олган ҳолда таълим муассасаларида ҳуқуқий таълим ва тарбияга, мутахассисларни касбий тайёрлашнинг сифатини оширишга, таълим дастурларини

⁵⁷ <https://president.uz/uz/lists/view/2180>

доимий равища тақомиллаштириб боришга қаратилган чоратадбирларни ишлаб чиқиши (18-модда) белгиланган⁵⁸.

Судьялар олий мактаби судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни амалга оширувчи давлат таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланishi боис, судья, суд ходимлари ва судьяликка номзодларнинг, шу жумладан, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги хукуқий билимларини ошириш бўйича маҳсус ваколатли муассаса ҳисобланади. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5729-сон Фармони билан тасдиқланган 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастурининг 4-бандида Судьялар олий мактабининг ўқув дастурларига коррупцияга қарши курашиш маҳсус курсларини киритиш, ягона методологик талабларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш вазифаси белгиланган.

Қайд этиш керакки, суд тизимида коррупцияга қарши курашишга оид ўқув курсларининг натижадорлиги кўп жихатдан судьялар ва суд ходимларининг маънавий қиёфаси, яъни тарбияси, ҳалоллиги, виждонлилигига ҳам бевосита боғлиқ. Шу боис, судьяликка номзодларнинг ушбу талабларга жавоб беришини аниқловчи аниқ механизмлар қонунчиликда назарда тутилган бўлиши зарур. Бу борада хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилганда, Германияда номзодлар психологик ва психоэмоционал тайёргарликдан ўтиши, Португалия, Бельгия, Австрия, Нидерландия, Венгрия, Руминия, Сингапурда психологик имтиҳондан ўтишлари талаб этилади. Имтиҳон натижалари аксарият давлатларда мажбурий характерга эга бўлиб, ундан муваффақиятли ўта олмаган номзод судья бўлиши мумкин эмас. Молдова ва Қозоғистон республикаларида эса психологик тестдан ташқари номзодлар полиграфологик текширувдан ҳам ўтказилиши мумкин бўлиб, унинг натижалари тавсиявий характерга эга бўлади. Қирғизистон Республикасида эса судьяликка номзод қонунда белгиланган ҳужжатлар билан бирга қўшимча равища полиграфологик текширув натижаларини ҳам тақдим этиши мумкин бўлиб, у Судьялар кенгаши томонидан баҳоланади. Психологик текшириш номзоднинг коррупцияга мойиллиги, тушқунликка чидамлилиги, зиддиятсизлиги, одамлар билан ишлай олиш

⁵⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни 16-18-моддалари. <https://lex.uz/docs/3088008>

қобилияти, бирор-бир тобелик ёки яширин руҳий ҳолатининг мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотга эга бўлиш имконини беради. Шунга кўра Ўзбекистон Президентининг ПФ-6127-сон Фармонида 2021 йил 1 февралдан судьялик лавозимига номзодлар ва судьяларнинг психологик портрети бўйича касбга муносиблигини баҳолашга кўмаклашувчи электрон дастурни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш белгиланган⁵⁹. Фикримизча, судьяликка номзодлар ва амалдаги судьяларни лавозимга тайинлашда, қайта тайинлашда ҳамда юқори лавозимларга тайинлашда мажбурий тартибда психологик текширишдан ўтказиш талабини қонунчиликда белгилаш, унинг натижаларини Судьялар олий кенгаши томонидан номзод тўғрисида тўпланган бошқа маълумотлар билан бирга кўриб чиқиб, баҳо бериш тартибини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга, амалдаги судьялар, айниқса ўн йил муддатга ва муддатсиз даврга тайинланган (сайланган) судьялар ўртасида коррупцияга мойил бўлганларни аниқлаш мақсадида уларнинг фаолиятини баҳолаш мезонлари таркибига ушбу индикаторни ҳам киритиш мақсадга мувофиқ. Бунда фаолияти ўрганилаётган судья ҳақида нафақат унинг касбий кўрсаткичлари, балки ахлоқий-маънавий қиёфаси ҳам ўрганилиб, тегишли баҳо берилади. Бунинг учун судья ҳақида унинг ҳамкаслари, суд раҳбарияти, суд ходимлари билан бирга кенг жамоатчиликнинг фикри (адвокатлар, судларга доимий равишда мурожаат қилувчи корхоналар юристлари, фуқаролар ва х.к.) ўрганилиши, зарур ҳолларда улар ўртасида аноним сўровлар ҳам ўтказилиши лозим бўлади.

Бундан ташқари, “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонуннинг 22-моддасига кўра судьяларнинг судьялик фаолияти даврида бенуқсон обрў-эътиборга эга бўлиши, ҳалоллиги, холислиги,adolatлилиги ва лаёқатлилиги судьяларни янги ваколат муддатига ва бошқа судьялик лавозимларига танлашнинг асосий мезонларидир. Кенгаш янги ваколат муддатига тайинланадиган судьялик лавозимига номзодни кўриб чиқиша ушбу номзод томонидан қабул қилинган суд қарорларининг барқарорлигини, одил судловни амалга ошириш ва қонун ҳужжатлари нормаларини қўллаш борасида етарли тажрибага эга эканлигини, шунингдек жамоатчиликнинг унинг касбий фаолияти

⁵⁹ Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 7 декабрдаги ПФ-6127-сон Фармони.
<https://lex.uz/docs/5146554>

ҳақидаги фикрини инобатга олади⁶⁰. Қонунда белгиланган “ҳалоллик”, “холислик”, “адолатлилик”, “лаёқатлилик” каби мезонлар амалиётда жуда кенг талқин қилиниши мүмкінліги ва уларни аниқлашыннан аник механизмини ишлаб чиқиш мүшкүллиги сабабли судьяни навбатдаги мұддатта лавозимга тайинлашда муайян қийинчиликтарни көлтириб чиқариши мүмкін. Украина, Беларусь, Грузия, Молдова, Қозоғистон каби давлатларнинг қонунчилігінде бириңчи марта тайинланадиган судьяларни танлаш мезонлари сифатида ёш цензи, маълумоти, иш стажи, махсус үқув курсларини битирғанлиги, соҳага оид билим ва кўнималарга эгалиги белгиланган бўлиб, Украина ва Грузия қонунчилігінде уларнинг мазмуни атрофлича ифодаланган. БМТнинг судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саяннинг фикрича, судьяларни танлаш тартибини соддалаштирган ҳолда муносиб номзодларни доимий равишда танлов ўтказиш натижалари асосида танлаш ва танлов натижаларида олинган рейтинг кўрсаткичлари бўйича лавозимларга тайинлаш тартибини жорий қилиш лозим. Танлов имтиҳонлари қисман ёзма шаклда ва аноним тарзда ўтказилиши танлаш босқичида муҳим элементлардан ҳисобланади. Танловдан муваффақиятли ўтган номзодларгагина мажбурий тайёргарликдан ўтиш ва судда стажировка қилиш ҳуқуқи берилиши мүмкін⁶¹. Хорижий давлатлар тажрибаси ва эксперталарнинг тавсиялари асосида миллий қонунчиликда судьяликка номзодларни танлашнинг аник мезонларини белгилаш, мазкур мезонлар асосида судьяликка номзодларни баҳолаш ва тайинлашнинг аник ва шаффоф тартибини жорий қилиш мақсадга мувофиқ.

Қайд этилганлардан шундай холосага келиш мүмкінки, суд тизимидағи коррупция – бу судьянинг шахсий манфаатдорликни кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида ўз ваколатларини суиистеъмол қилишидир. Суд тизимида коррупция асосан манфаатлар тўқнашуви оқибатида вужудга келади. Манфаатлар тўқнашувининг мажбурий белгиларига судьянинг муайян вазиятда ўз мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиши, бунинг учун моддий ёки номоддий манфаат олиши ҳамда улар ўртасидаги сабабий боғланиш киради.

⁶⁰ “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонуннинг 22-моддаси. <https://lex.uz/docs/3153668>

⁶¹ <https://undocs.org/ru/A/HRC/44/47/ADD.1>

Суд тизимида коррупцияга қарши курашиш деганда коррупциянинг олдини олиш, коррупцияни барвақт аниқлаш ва унга чек қўйиш, коррупцияни келтириб чиқарувчи шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупциявий хукуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш, жамиятда коррупцияга муросасизлик муҳитини яратиш, идоралараро ва халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиши назарда тутувчи чора-тадбирлар мажмуи тушунилади.

Суд тизимида коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш таклиф этилади:

а) суд тизимида коррупцияга қарши курашиш сиёсатини ишлаб чиқиши ҳамда уни самарали ва тизимли амалга ошириши назарда тутувчи қисқа, ўрта ва узок муддатга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқиши ва амалга ошириш;

б) суд тизимида коррупцияга қарши курашувчи ваколатли орган сифатида Судьялар олий кенгашини белгилаш, унинг фаолияти самарадорлигини таъминлаш мақсадида жойлардаги барча судьяларнинг малака ҳайъатлари котибларини унга бириктириш. Шу муносабат билан “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги 2008 йил 7 июлдаги ЎРҚ-158-сон Конунининг 1-бандига коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиши ва уларни амалга оширишда бошқа иштирокчи-давлатларга ёрдам қўрсатиши мумкин бўлган органлар рўйхатига Судьялар олий кенгашини ҳам киритиш;

в) БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилингани муносабати билан, унда белгиланган вазифаларни Ўзбекистон томонидан бажарилишини таъминлаш, яъни қонунчиликда судьялар ва улар оила аъзоларининг мол-мулки ва даромадлари, шунингдек мулкий мажбуриятлари ҳақида солиқ органларига ҳар йили декларация тақдим этиш, судьяларнинг коррупция ҳолатлари тўғрисида мажбурий равишда хабар бериш мажбуриятини белгилаш, коррупцияга йўл қўйган судьяларни жазолашнинг самарали ва оғирроқ механизмларини жорий қилиш, судларга ҳурматсизлик қилганлик ёки одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қилганлик учун юридик жавобгарликни белгилаш;

г) судьялик лавозимига номзодларни танлаш, тайинлаш, амалдаги судьяларни навбатдаги муддатга ёки бошқа судьялик лавозимига тайинлаш (сайлаш) жараёнининг очиқлиги ва шаффоғлигини таъминлаш. Бунда судьяларни фақат бир марта муайян муддатга тайинлаш, ушбу даврда фаолияти ижобий баҳолангандан судьяни муддатсиз даврга фақат Судьялар олий кенгаши томонидан қўшимча имтиҳонлар ўтказмаган ҳамда Судьяларнинг олий малака ҳайъатида сухбатдан ўтказишини бекор қилган ҳолда тайинлаш, суд раислари ва улар ўринбосарлари лавозимларига танлов ўтказиш тартибини жорий қилиш;

д) судьяларнинг одоб-аҳлоқ кодекси талабларига қатъий риоя қилишларини таъминлаш мақсадида судья, суд ходимлари ва уларнинг яқин қариндошлари ўртасида мунтазам равищда амалий машғулотлар ва профилактик сухбатлар ўтказилишини жорий қилиш, уларнинг учинчи шахслардан совғалар олишлари борасида чекловларни ўрнатиш;

е) коррупцияга қарши курашиш, шу жумладан коррупцион нормаларни тўғри қўллаш масалалари бўйича судьяларнинг бир йилда камида бир марта малакасини ошириш тартибини белгилаш;

ж) судьялар, суд ходимлари, адвокатлар, корхона ва ташкилотлар юристлари, шунингдек аҳоли ўртасида коррупцияга қарши курашиш, унга муросасиз муносабатда бўлишни шакллантириш мақсадида амалдаги қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тарғибот-ташвиқот қилиш, ўрта, ўрта-маҳсус, олий ва олий таълимдан кейинги таълим муассасаларида маҳсус коррупцияга қарши кураш ўкув курсларини жорий қилиш, ушбу жараёнга фуқаролик жамияти институти вакилларини кенг жалб қилиш.

II БОБ. СУДЬЯЛАР ҲАМЖАМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ФАОЛИЯТИ

1-§. Судьялар ҳамжамияти органларининг коррупцияга қарши курашишдаги ўрни ва роли

Судлар фаолиятининг судьялар ҳамжамияти томонидан ташкил этилиши, бошқарилиши ва назорат қилиниши суд ҳокимиятининг мустақиллигини амалда таъминлашнинг асосий кафолатларидан ҳисобланади. Зеро, судларнинг фаолиятини ўзини-ўзи бошқариш принципи асосида ташкил этиш суд ҳокимиятининг бошқа ҳокимият тармоқларидан холи ва ташқи аралашувисиз фаолиятини юритиш имконини беради. Шунга кўра, судьялар ҳамжамияти фақат судьялардан ва улар томонидан тузиладиган маҳсус органлардан ташкил топиши, судлар фаолиятини бошқаришда муайян ваколатларга эга бўлиши ва албатта уларнинг ўзи ҳам мустақил ҳолда фаолият юритиши талаб этилади.

Бир қатор олимлар ҳам ушбу фикрга қўшилган ҳолда суд ҳокимияти мустақиллигининг ҳуқуқий кафолатларига судьялар ҳамжамияти органларининг мавжудлигини ҳам киритиш мумкинлигини, судьялар манфаатларини ифодаловчи судьялар ҳамжамияти органлари судьялар мустақиллигини таъминловчи муҳим институт ҳисобланишини, судьялар ҳамжамияти ўзининг органлари орқали судларни ташкил этиш ва фаолият юритишига фаол таъсир кўрсатишини таъкидлайдилар⁶².

Судьялар ҳамжамияти органлари турли мамлакатларда жамоатчилик манфаатида суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, унинг фаолиятини самарали ва сифатли амалга ошириш, судларни ички бошқариш даражасини оширишни таъминловчи мустақил орган сифатида ташкил этилади. Аммо, судьялар тузилмаларини тузишнинг ўзи ушбу мақсадларга эришишни таъминламайди. Бунда ушбу органларнинг қайд этилган мақсадларга эришишни таъминловчи кенг ваколатларга эга бўлиши, судьянинг мақоми, судлар фаолиятини молиялаштириш ва

⁶² Дмитриев Ю.А., Шапкин М.А., Шумилов Ю.И.. Правоохранительные органы Российской Федерации: учебник // под ред. Ю.А.Дмитриева. – М.: изд-во «Омега-Л», 2010. – С. 269

ташкилий таъминлаш билан боғлиқ масалалар бўйича асосий жавобгар бўлиши талаб этилади⁶³.

Европа Иттифоқи Вазирлар қўмитасининг СМ Rec (2010)12-сонли тавсиялари ҳамда Европа судьялари Маслаҳат кенгашининг 10-сонли хуносасига кўра судьялар ҳамжамияти органларини тузишдан асосий мақсад бу – судлар ва алоҳида судьялар мустақиллигини таъминлаш ва бу орқали суд тизимининг самарали фаолият кўрсатишини рағбатлантиришдир⁶⁴.

Судьялар ҳамжамияти органларининг мақсади бир томондан суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш ва иккинчи томондан унинг фаолияти устидан жамоат назоратини амалга ошириш имконияти ўртасида зарур мувознатни таъминлашдан иборатдир. Турли давлатларда судьялар ҳамжамияти органларини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад суд ҳокимияти мустақиллиги принципига риоя қилиниши заруратидир. Ушбу принцип барча демократик давлатлар хукуқ тартиботида муҳим элемент бўлиб, у орқали ҳокимиятлар бўлиниши принципи асосида ташкил этиладиган давлат ҳокимияти тизимида суднинг ўрни аниқ белгиланади⁶⁵.

Судьялар ҳамжамияти одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган судларга оид барча ташкилий-хуқуқий масалаларни ҳал қилиш билан шуғулланади. Бу эса суд органлари факат ўзининг асосий функцияси бўлмиш – одил судловни амалга ошириш билан шуғулланиши лозимлигини, қолган барча масалалар уларнинг вазифаси таркибидан ташқарида бўлиши зарурлигини англатади. Шунинг учун ҳам қонунчиликда судьялар мустақиллиги кафолатлари асосан уларнинг одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ ваколатига тааллуқли бўлиб, суд органларининг мустақиллиги алоҳида нормалар билан тартибга солинади.

Украинанинг “Суд тузилиши ва судьялар мақоми тўғрисида”ги Қонунининг 126-моддасига кўра судьяларнинг профессионал манфаатларини ҳимоя қилиш ва судлар фаолиятининг ички масалаларини ҳал қилиш мақсадида судьялар томонидан мустақил

⁶³ Бурдина Е.В. Многофункциональность органов судебского сообщества как гарантия независимости судебной власти. Актуальные проблемы российского права. 2015. № 8 (57) август, стр.188.

⁶⁴ Органы судебского самоуправления. Карьера судей. Доклад рабочей группы “Независимые судебные системы”. Страсбург, сентябрь 2011г.

⁶⁵ Куделич Е.А., Нешатаева Т.Н., Павлова Н.В. и др. Модернизация статуса судьи: современные международные подходы. М.: Норма; ИНФРА-М, 2011.

коллегиал қарор қабул қилувчи судьяларнинг ўзини ўзи бошқаруви фаолият юритади⁶⁶.

Судьяларнинг ўзини ўзи бошқаруви судьялар мустақиллигини таъминлаш кафолатларидан бири ҳисобланади. Судьяларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолияти судлар ва судьяларнинг нормал фаолият юритиши, суд мустақиллигини таъминлаш, фаолиятига аралашибдан судьяларни ҳимоя қилиш ҳамда суд тизимида кадрлар билан ишлаш учун тегишли хуқуқий ва ташкилий шароитларни яратишга кўмаклашибдан иборат.

Судлар фаолиятининг ички масалаларига судларни ва судьялар фаолиятини ташкилий таъминлаш, судьялар ва улар оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш, шунингдек бевосита одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа масалалар киради.

Литва Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг 10-моддасига кўра судларнинг мустақиллиги уларнинг ташкилий мустақиллигини белгилайди, бу эса судларнинг ўзини ўзи бошқариши орқали амалга оширилади. Судларнинг ўзини ўзи бошқариши ваколатлилик, сайланишлик, ижро органларининг ҳисобдорлиги, функцияларининг тегишли даражада бажарилиши бўйича жавобгарлик тамойилларига асосланади. Мазкур Қонуннинг 113-моддасига кўра суднинг ўзини ўзи бошқаруви – судья ва судларнинг Конституция ва бошқа қонунларга мувофиқ эркин ва мустақил, ўзининг жавобгарлиги асосида судлар фаолиятига оид масалаларни ҳал қилиш хуқуқи ва реал имкониятидир⁶⁷.

Демак, судьялар ва судьялар тузилмаларидан ташкил топадиган судьялар ҳамжамияти суд ҳокимиятининг бошқа давлат ҳокимияти органларидан мустақиллигини таъминлаш, судлар ва судьялар фаолиятини ташкилий, хуқуқий, молиявий, ижтимоий жиҳатдан ташкил этиш ва бошқаришда иштирок этиш, судьялар ҳамжамияти номидан халқаро ва миллий ташкилотлар билан муносабатга киришиш, судлар ва судьяларнинг мустақиллиги принципига риоя қилинишини таъминловчи зарур чораларни кўриш вазифаларини бажаради. Бинобарин, барча суд ҳамжамияти органларининг мақсади судларнинг алоҳида ҳокимият бўғини сифатида мустақил фаолият қўрсатишини таъминлашга, уларни ҳар қандай ички ва

⁶⁶ https://kodeksy.com.ua/ka/o_sudoustrojstve_i_statuse_sudej/statja-129.htm

⁶⁷ https://www.legislationline.org/download/id/8793/file/Lithuania_law_courts_1994_am2020_ru.pdf

ташқи тазийклардан ҳимоялашга, жамиятда уларнинг нуфузини оширишга кўмаклашувчи тизимга айлантиришдан иборатdir.

Шунга кўра, **судьялар ҳамжамияти деганда** суд ҳокимиятининг мустақиллигини амалда таъминловчи, судлар фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва назорат қилишда бевосита иштирок этувчи, судьяларнинг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи, одил судловни қонуний ва адолатли амалга оширилишига кўмаклашувчи, суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш ва фуқароларнинг судларга бўлган ишончини кучайтиришга хизмат қилувчи республика барча судларининг судьялари ва улар томонидан ташкил этиладиган судьялар ҳамжамияти органлари мажмуи тушунилади.

Судьялар ҳамжамияти органлари деганда эса суд ҳокимияти манфаатларини ифодаловчи, унинг мустақиллиги конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга, судьяларнинг фаолиятига оид ташкилий, хуқуқий, ижтимоий ва бошқа масалаларни ҳал қилишга кўмаклашиш мақсадида судьялар томонидан ташкил этиладиган, қонун хужжатлари билан муайян ваколатларга эга бўлган юридик шахслар, уларнинг органлари ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган алоҳида тузилмалар тушунилади.

Фанда судьялар ҳамжамияти органлари амалга оширадиган асосий фаолият йўналишлари ҳамда уларнинг суд ҳокимиятидаги роли борасида турли фикр-мулоҳазалар билдирилади. Хусусан, А.Ф.Изваринанинг фикрича, судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг иккита функцияси мавжуд: бирлаштириш, яъни суд тизимининг ягоналигини кафолатлаш функцияси ҳамда судьялар интизомини мустаҳкамлаш функцияси⁶⁸. Б.В.Сангаджиев ҳам судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятини амалга оширишнинг иккита асосий йўналишларини белгилайди, биринчиси –ташкилий-техник (Олий суднинг қонунчилик ташаббусини қувватлаш, одил судловни такомиллаштириш бўйича қонун лойиҳалари мухокамаларида иштирок этиш), иккинчиси – маънавий-ахлоқий (судьянинг юқори малакага, ахлоқий ва маънавий қиёфага эга бўлиши, унинг обрў-эътиборини саклаш)⁶⁹.

⁶⁸ Изварина А.Ф. Судебная система России: концептуальные основы организации и совершенствования. М.: Проспект, 2014. С. 162.

⁶⁹ Сангаджиев Б.В. Институциональные характеристики судебной власти в Российской Федерации: вопросы теории и практики: автореф. дис. Д.ю.н. - М., 2013. С.12.

Бирок, ушбу йўналишлар судьялар ҳамжамияти органлари моҳиятини тўлиқ акс эттирмайди, чунки уларнинг ваколатлари анча кенг бўлиб, суд органлари ва судьялар фаолиятига оид қарийб барча масалаларни ҳал қилишни қамраб олади. Бу борада халқаро ҳужжатларда судьялар ҳамжамияти органларининг асосий фаолият йўналишлари рўйхати анча тўлиқ белгиланган. Жумладан, Европа судьялари Маслаҳат кенгашининг 10-сонли хulosаси 42-бандида судьяларни танлаш ва тайинлаш, лавозимини ошириш, судьяларни баҳолаш, интизомий ва одоб-ахлоқ масалаларини ҳал қилиш, судьяларни ўқитиш, судларнинг бюджети ва молиялаштирилишида иштирок этиш, судларни бошқариш, судьяларни ҳимоя қилиш, давлат органларига суд ва судьяларга оид хulosалар бериш, миллий ва халқаро миқёсда ҳамкорлик қилиш, жамият олдида жавобгарлик (шаффофлик, ҳисобдорлик, ҳамкорлик) каби вазифаларни амалга оширувчи судьялар кенгашини (алоҳида ёки бошқа органлар билан ҳамкорликда ишловчи) тузиш тавсия этилган⁷⁰.

Суд ҳокимияти кенгашларининг Европа ассоциацияси эса судьялар ҳамжамияти органларининг қуидаги асосий фаолият йўналишларини белгилашни тавсия этган: а) судьяларни тайинлаш ва бошқа лавозимларга қайта тайинлаш; б) судья ва судьяликка номзодларни тайёрлаш; в) суд интизоми; г) судьялик одоб-ахлоқи; д) суд ҳокимиятига нисбатан шикоятлар; е) суд тизимининг иш фаолияти; ж) судлар фаолиятини бошқариш; з) суд тизимини молиялаштириш; и) судлар ва суд тизимиға оид қонунчиликни такомиллаштириш таклифлари⁷¹.

Грузияда Олий адлия кенгаши суд (судьялар) мустақиллигини, одил судлов сифати ва самарадорлигини таъминлаш, судьяларни лавозимга тайинлаш ва озод қилиш, судьяларнинг малака имтиҳонларини ташкил қилиш, суд ислоҳотлари бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва қонунда белгиланган бошқа вазифаларни амалга ошириш мақсадида ташкил этилади⁷².

⁷⁰ Заключение № 10 (2007) КСЕС «О совете судебной власти на службе общества». [https://www.venice.coe.int/webforms/documents/CDL-AD\(2007\)028.aspx](https://www.venice.coe.int/webforms/documents/CDL-AD(2007)028.aspx)

⁷¹ Report on Independence and Accountability of the Judiciary, adopted The General Assembly of the ENCI Rome 13 June 2014. URL: http://www.encj.eu/index.php?option=com_content&view=article&id=178%3Aind-and-acc&catid=34&Itemid=252&lang=en (дата посещения: 12.08.2014).

⁷² Закон Грузии “Об общих судах”. Ст.47.

<https://matsne.gov.ge/en/document/download/90676/29/ru/pdf>

Судъялар ҳамжамияти органларининг асосий функциялари этиб қўйидагиларни белгилаш лозим: суд тузилиши, судъялар мақоми, суд ишларини юритиш масалаларига оид ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш, судларнинг бюджети ва молиялаштирилишида иштирок этиш, судьяликка номзодлардан малака имтиҳонини қабул қилиш ва танлаш, судъялар ахлоқига оид қоидаларни ишлаб чиқиш ва уларга риоя қилинишини назорат қилиш, судъяларни интизомий жавобгарликка тортиш, уларни ҳимоя қилиш, судъяларни аттестациядан ўтказиш, судъялар малакасини ошириш, давлат ва бошқа органлар билан ҳамкорлик қилиш⁷³.

Юқоридагиларга кўра, судъялар ҳамжамияти органлари суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, унинг нуфузини ошириш, судъяларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, судлар фаолиятини ташкилий, молиявий ва ижтимоий жихатдан, кадрлар ва ресурслар билан таъминлаш, судъяларнинг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилишини таъминлаш, уларни юридик жавобгарликка тортиш, малакасини ошириш, мансаб поғонаси бўйича ўсиши масалаларини ҳал қилиш, суд тизими ва суд ишлари юритувини такомиллаштиришга кўмаклашиш, судлар фаолиятига оид ҳуқуқ ижодкорлигида иштирок этиш, халқаро ва хорижий ташкилотлар, давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан муносабатларда суд ҳокимияти манфаатларини ифодалаш каби вазифаларни амалга оширувчи суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини амалда таъминлаш мақсадида ташкил этилади.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Конституциясининг 111-моддасида Судъялар олий кенгаши Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг мустақиллиги конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашувчи орган сифатида белгиланган. Халқаро ҳуқуқ нормаларида унга юклатилган вазифалар мазмун-моҳиятига кўра Судъялар олий кенгашини суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашга кўмаклашувчи орган эмас, балки унинг мустақиллигини кафолатловчи марказий судъялар ҳамжамияти органи сифатида эътироф этиб, унинг мақомини янада ошириш ва ваколатларини кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

⁷³ Бурдина Е.В. Многофункциональность органов судебского сообщества как гарантия независимости судебной власти. Актуальные проблемы российского права. 2015. № 8 (57) август, стр.190.

Арманистон Суд кодексининг 79-моддасида Судьялар олий кенгашининг Конституция ва ушбу кодексда белгиланган ваколатларни амалга ошириш орқали судлар ва судьяларнинг мустақиллигини кафолатловчи мустақил давлат органи эканлиги қайд этилган⁷⁴.

Судьялар ҳамжамияти органларини тузиш ва уларнинг самарали фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида уларнинг фаолиятини қўйидаги принциплар асосида ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади: қонунийлик, мустақиллик, сайланишлик, коллегиаллик, холислик, тенглик, судьяларнинг мустақиллиги принципига қатъий риоя этиш ва ошкоралик. Жумладан, “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгashi тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ Кенгаш фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, мустақиллик, коллегиаллик, холислик, ўз аъзоларининг teng ҳуқуқлилиги ва очиқликдан иборат бўлиб, сайланишлик принципи назарда тутилмаган. Фикримизча, судьялар ҳамжамияти органлари аъзоларини судьялар томонидан сайлаш унинг ўзини ўзи бошқариш принципига тўлиқ монанд бўлиб, ушбу органларнинг бошқа ҳокимият тармоқларидан тўлиқ мустақил ҳолда фаолият юритишини таъминлашга хизмат қиласди.

Миллий қонунчилигимизда судьялар ҳамжамияти органлари турлари белгиланмаган бўлсада, амалиётда ушбу органларга хос вазифаларни амалга оширувчи тузилмалар фаолият юритади. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Судьялар олий кенгashi, судьяларнинг малака ҳайъатлари, судьяларнинг конференциялари шулар жумласидандир. Қонунда Судьялар олий кенгашининг судьялар ҳамжамияти органи эканлиги белгиланган бўлса, қолган икки тузилманинг бундай мақомга эгалиги назарда тутилмаган. Ваҳоланки, судьяларнинг малака ҳайъатлари судьянинг интизомий жавобгарлиги, унинг ваколатларини тўхтатиб туриш ёки муддатидан илгари тугатиш, дахлсизлигини таъминлаш, судьяга малака даражаси бериш, халқ маслаҳатчиларини танлаш ва уларнинг сайловини ўtkазиш ишларини ташкил қилиш, судьялик қасамёди ва судьялар одоб-ахлоқи қоидаларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифаларини амалга оширади⁷⁵. Судьялар конференцияларининг эса мақоми, ташкил этиш асослари ва ваколатлари

⁷⁴ <http://www.parliament.am/legislation.php?sel=show&ID=6166&lang=rus#20>

⁷⁵ Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги Низомнинг 2-моддаси.
<https://lex.uz/docs/2374282>

қонунда умуман назарда тутилмаган, фақат “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 80-моддасида Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари судьяларининг малака ҳайъатлари тегишли судлар судьяларининг конференцияларида беш йил муддатга сайланиши белгиланган⁷⁶.

Хорижий давлатлар тажрибасига назар ташласак, Россия Федерацияси ва Қирғизистонда судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятини тартибга солувчи маҳсус қонунлар қабул қилинган бўлиб, Россия Федерациясида судьялар ҳамжамияти органларига судьялар съезди, судьялар конференциялари, судьялар кенгаши, судьялар умумий мажлиси, судьялар олий малака ҳайъати, судьялар малака ҳайъатлари, судьялик лавозимига малака имтиҳонини қабул қилиш бўйича Олий имтиҳон комиссияси киритилган бўлса⁷⁷, Қирғизистон Республикасида бундай органлар сифатида судьялар съезди, судьялар кенгаши ва судьялар мажлиси⁷⁸, Литва Республикасида судьяларининг умумий мажлиси, судьялар кенгаши ва судьялар шаънини ҳимоя қилиш суди⁷⁹, Украинада судьялар мажлиси, судьялар кенгаши, судьялар съезди⁸⁰ белгиланган.

Киев конференцияси тавсияларига кўра судьялар кенгашлари суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш мақсадида суд бошқаруви соҳасида аниқ вазифаларни амалга ошириш ваколатларига эга бўлган органлар ҳисобланади. Битта судьялар ҳамжамияти органи қўлида ҳаддан ташқари кўп ваколатларнинг тўпланишини ва корпоративизмни олдини олиш мақсадида улар ваколатларини чегаралаш тавсия этилган, хусусан, судьяларни танлаш, судьяларни мансаб поғонаси бўйича ўсиши ва уларни ўқитиш, интизомий жавобгарлик масалалари, малакавий фаолиятни баҳолаш, бюджет масалалари. Бунинг учун бир институт ёки

⁷⁶ “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 80-моддаси.

<https://lex.uz/docs/5534923>

⁷⁷ Федеральный Закон "Об органах судебского сообщества в Российской Федерации". Ст.3. <https://docs.cntd.ru/document/901812690>

⁷⁸ Закон Кыргызской Республики “Об органах судебного самоуправления”. Ст.4.

<http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/202245>

⁷⁹ Литва Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг 114-моддаси.

https://www.legislationline.org/download/id/8793/file/Lithuania_law_courts_1994_am2020_ru.pdf

⁸⁰ Закон Украины «О судоустройстве и статусе судей», ст.127.

https://kodeksy.com.ua/ka/o_sudoustrojstve_i_statuse_sudej/statja-129.htm

ваколатли тузилма назоратида фаолият юритадиган суд бошқарувига оид муайян масалаларга масъул бўлган бир неча мустақил органларни ташкил этиш таклиф этилган⁸¹.

Халқаро талаблар ва хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, шунингдек мамлакатимизда судьялар ҳамжамияти органи сифатида фақат Судьялар олий кенгаши фаолият юритишини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5953-сон Фармони билан тасдиқланган давлат дастурида судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш, унда судьялар ҳамжамияти органларининг суд тизимидағи ўрни, судьялар ҳамжамияти органларининг вазифалари, функциялари ва ваколатлари, судьялар ҳамжамияти органларини шакллантириш, шу жумладан ушбу органларга номзод кўрсатиш тартиби ҳамда судьялар ҳамжамияти органларининг суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашдаги ролини белгилаш назарда тутилган⁸².

Юқоридагиларга кўра, судьялар ҳамжамияти органларини шакллантириш, уларнинг суд ҳокимиятининг ўзини ўзи бошқариш принципи асосида мустақил фаолият кўрсатишини таъминлаш, одил судлов самарадорлигини оширишга кўмаклашиш борасида ўзаро баҳамжиҳат ишлашига доир ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш мақсадида судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантиришни назарда тутувчи “Ўзбекистон Республикаси судьялар ҳамжамияти органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунини қабул қилиш ва судьялар ҳамжамияти органлари таркибига Ўзбекистон Республикаси судьялари қурултойи, Судьялар олий кенгаши, судьяликка номзодлардан малака имтиҳонини қабул қилиш бўйича Имтиҳон комиссияси, Судьялар олий малака ҳайъати ва жойлардаги судьяларнинг малака ҳайъатлари, вилоят судлари судьяларининг конференцияларини киритиш мақсадга мувофиқ. Бунда судьялар ҳамжамиятиянинг олий органи сифатида Судьялар қурултойини белгилаш лозим, чунки у республиканинг барча судьяларидан ёки улар вакилларидан таркиб топади ҳамда суд ҳокимияти фаолиятига оид энг муҳим масалаларни ҳал қиласи. Судьялар қурултойи муайян муддатда йиғилиши сабабли унинг ижрои органи этиб доимий

⁸¹ <https://www.osce.org/files/f/documents/a/a/73488.pdf>

⁸² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартағи ПФ-5953-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/4751561>

асосда ишловчи судьялар ҳамжамияти органини, масалан Ўзбекистон мисолида Судьялар олий кенгашини белгилаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Масалан, Украина судьялари съезди судьялар ҳамжамиятиянинг олий органи бўлиб, унинг ишчи органи Украина Судьялар кенгаши ҳисобланади⁸³.

Судьялар қурултойи зиммасига судьялар ҳамжамиятиянинг олий органи сифатида суд ҳокимиятини амалга оширишнинг асосий йўналишларини белгилаш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, судьяларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича судьялар ҳамжамияти органларига вазифалар юклаш, судьялар одоб-ахлоқ кодексини тасдиқлаш, бошқа судьялар ҳамжамияти органларининг ҳисботини эшитиш, судьялар ҳамжамияти номидан давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа шахсларга судлар фаолияти ҳамда судьялар мустақиллигини таъминлашга оид мурожаатлар йўллаш, суд-хуқуқ соҳасидаги илмий ва амалий тадқиқотлар йўналишларини белгилаш каби ваколатларга эга бўлишини белгилаш мумкин.

Қайд этиш лозимки, судьялар ҳамжамияти органлари ичida Судьялар кенгашлари марказий ўринни эгаллайди. Европа судьялари Маслаҳат кенгашининг 10-сонли хulosасига кўра Судьялар кенгаши суд тизимининг аксарият соҳаларидағи фаолиятида, жумладан судьяларни сайлаш, уларни мансаб поғоналари бўйича кўтариш, судьялар фаолиятини баҳолаш, интизомий жавобгарликка тортиш, судьялар малакасини ошириш, ўз бюджетини назорат қилиш ва бошқариш, судларни бошқариш, судья шаънини ҳимоя қилиш, жамият олдида масъулиятли бўлишда асосий ролни ўйнаши керак⁸⁴.

Европа кенгаши Вазирлар қўмитасининг 2011 йил 19 январдаги ҳуқуқий масалалар бўйича хulosасининг 13-бандига мувофиқ судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш учун ҳар бир давлат қонунчилик ва ижро ҳокимиятидан мустақил бўлган, судьялар мақоми ва суд институтларини ташкил қилиш, фаолият кўрсатиши ва нуфузига оид барча масалаларни ҳал қилиш ваколатига эга бўлган

⁸³ Закон Украины «О судоустройстве и статусе судей», ст.129-133.

https://kodeksy.com.ua/ka/o_sudoustrojstve_i_statuse_sudej/statja-129.htm

⁸⁴ Заключение № 10 (2007) КСЕС «О совете судебной власти на службе общества».

[https://www.venice.coe.int/webforms/documents/CDL-AD\(2007\)028.aspx](https://www.venice.coe.int/webforms/documents/CDL-AD(2007)028.aspx)

суд ҳокимияти кенгашини ёки бошқа аниқ органни ташкил этиши шарт⁸⁵.

Кенгашнинг махсус ваколати унинг умумий ваколатлари ва асосий вазифаларига мувофиқ белгиланиши зарур. Шунга кўра, Кенгаш бошқа давлат органларига нисбатан тавсиялар эмас, балки қарорлар қабул қилувчи орган сифатида ташкил этилиши муҳимдир⁸⁶.

А.Соловьевнинг фикрича, фуқаролар сиёсий эркинлигининг шартларидан бири бу – судьяларнинг бошқа ҳокимият тармоқларидан мустақил ҳолда ўз вазифаларини бажариш эканлиги боис, Олий магистратура кенгашлари суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашда муҳим воситага айланди⁸⁷.

Венеция комиссиясининг фикрича, судьялар кенгашининг тегишли тартибда фаолият юритиши учун суд мустақиллигини кафолатлаш муҳимдир⁸⁸, бошқа ҳокимият тармоқлари ва ташқи субъектларнинг босимини бартараф этишнинг кафолати сифатида судьялар кенгашларини ташкил этиш лозим⁸⁹.

Евropa мамлакатларида Олий магистратура кенгашларининг вужудга келиш тарихи ҳам ҳокимиятлар бўлиниши принципини амалда таъминлаш билан боғлиқлигидан далолат беради. Хусусан, Италия 1947 йилда, Португалия 1976 йилда, Испания 1978 йилда, Марказий ва Шарқий Евropa мамлакатлари ўтган асрнинг 90-йилларида ривожланишнинг демократик йўлидан бориб, ўз Конституцияларида ҳокимиятлар бўлиниши принципини мустаҳкамлаб, зудлик билан тегишли органларни ташкил этганлар⁹⁰.

⁸⁵ Заключение по правовым вопросам Комитета министров Совета Европы от 19.01.2011 //Council of Europe. URL: [https://wcd.coe.int/ViewDoc.jsp?Ref=CM\(2010\)169&Ver=add2&Language=lanEnglish&Site=CM&BackColorInternet=DBDCF2&BackColorIntranet=FDC864&BackColorLogged=FDC864](https://wcd.coe.int/ViewDoc.jsp?Ref=CM(2010)169&Ver=add2&Language=lanEnglish&Site=CM&BackColorInternet=DBDCF2&BackColorIntranet=FDC864&BackColorLogged=FDC864)

⁸⁶ Органы судебского самоуправления. Карьера судей. Доклад рабочей группы “Независимые судебные системы”. Страсбург, сентябрь 2011г., стр.14.

⁸⁷ Соловьев А.А. Независимость судебского корпуса (опыт Европейских государств). <https://cyberleninka.ru/article/n/nezavisimost-sudeyskogo-korpusa-opyt-evropeyskih-gosudarstv>.

⁸⁸ Заключение Венецианской комиссии по проекту изменений в Закон «О судебных советах и судьях», CDL-Ad(2018)015, п. 37.

⁸⁹ Доклад Венецианской комиссии (CDL-AD(2007)028) о назначениях судей. П.48. <https://rm.coe.int/0900001680700a62>.

⁹⁰ Les conseils de la justice en Europe. Available at: https://www.coe.int/t/dghl/cooperation/ccje/textes/CSM-France-TR10_fr.pdf (in French).

2-§. Судъялар ҳамжамияти органлари фаолиятида коррупциявий омилларни бартараф этишнинг хуқукий асосларини такомиллаштириш

Мамлакатимизда суд ҳокимиюти мустақиллигининг конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашадиган, суднинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судлар фаолияти самарадорлиги ва нуфузини ошириш, судлар тузилмасини ҳамда судъялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида судъялар ҳамжамиятининг органи сифатида Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаши ташкил этилиб, унинг фаолияти маҳсус “Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солинган. Конституциянинг 111-моддасида Судъялар олий кенгаши судъялар ҳамжамиятининг органи бўлиб, у Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиютини мустақиллиги конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашиши белгиланган⁹¹. Судъялар олий кенгашига конституциявий мақом берилганлиги унга юклатилган вазифаларни мустақил ва самарали амалга оширишнинг муҳим конституциявий кафолати ҳисобланади.

Судъялар олий кенгаши унинг таркибида Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдимномасига биноан Сенат томонидан тасдиқланадиган Кенгаш раиси ва қўпчиликни ташкил этувчи судъялар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва хуқуқ соҳасидаги малакали мутахассислар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган жами 21 нафар аъзодан иборат. Судъялар олий кенгашининг 14 нафар аъзоси доимий, 7 нафар аъзоси эса жамоатчилик асосида ўз фаолиятини амалга оширади. Судъялар олий кенгаши аъзоларининг кўпчилигини судъялар ташкил этиши халқаро талаблар ва суд ҳокимиютини ўзини ўзи бошқариши принципига тўлиқ мос келади. Масалан, Болгарияда 25 тадан 14 та, Испанияда 21 тадан 13 та, Францияда 18 тадан 12 та, Венгрияда 15 тадан 11 та, Италияда 27 тадан 18 та, Руминияда 29 тадан 16 та Кенгаш аъзолари судъялар ҳисобланади.

Қайд этиш лозимки, суд органлари ва судъяларнинг мустақиллиги кўп жиҳатдан айнан судъялар ҳамжамияти органларини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти билан бевосита

⁹¹ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 111-моддаси. <https://lex.uz/docs/20596>

узвий боғлиқдир, зеро ушбу органларнинг мустақиллигини таъминламай туриб, бутун суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш имконсизdir. ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг холосасига кўра, судьялар кенгашлари ёки шунга ўхшашиборлар суд тизими мустақиллигини таъминлашга кўмаклашишда асосий роль ўйнайди, ўз ўрнида уларнинг ўзи ҳам мустақил ва холис бўлиши, яъни ижро ва қонунчилик ҳокимияти аралашувидан холи бўлиши зарур. Ҳақиқатан, судьялар мустақиллиги кафили бўлган органлар фаолиятига аралашиш бутун суд тизими мустақиллигига салбий таъсири кўрсатиши ва уни таҳдид остида қолдириши мумкин⁹².

Бу борада судьялар ва адвокатлар мустақиллиги бўйича БМТнинг маърузачиси Диего Гарсия-Саян томонидан билдирилган тавсияларда⁹³, ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг 2018 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонунига нисбатан берган холосасида⁹⁴, шунингдек коррупцияга қарши курашиш бўйича Истанбул ҳаракатлар режаси мониторинги 4-раунд натижалари юзасидан Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг Ўзбекистонга билдирилган тавсияларида⁹⁵ Судьялар олий кенгаши ҳамда судьяларнинг малака ҳайъатлари фаолиятини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш лозимлиги қайд этилган. Жумладан, Кенгаш таркибида қонунчилик ва ижро ҳокимияти, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакилларининг бўлиши суд ҳокимияти мустақиллиги принципига зид ҳисобланиши, Кенгаш аъзолигига номзодларга талабларнинг белгилаш орқали унинг таркибига тегишли билим ва малакага эга бўлган аъзоларни қабул қилиш ҳамда ҳар қандай ташкилотдан вакилларни қабул қилиш имконини истиши назарда тутилган.

Киев конференцияси тавсияларига кўра судлар тизимиға кирмайдиган прокурорлар кенгаш таркибига кириши мумкин эмас, қолган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакилларининг Кенгаш

⁹² Окончательное заключение БДИПЧ ОБСЕ о проекте изменений в Закон о Национальном судебном совете и некоторые другие законы Польши (5 мая 2017 г.), п. 37.

⁹³ <https://undocs.org/ru/A/HRC/44/47/ADD.1>

⁹⁴ https://www.legislationonline.org/download/id/8082/file/327_JUD_UZB_1Oct2018_ru.pdf

⁹⁵ https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf

аъзоси бўлиши мумкинлиги тақиқланиши лозим⁹⁶. Бу борада хорижий давлатлар тажрибасига назар ташласак, Литвада кенгашнинг барча аъзолари судьялар ҳамжамияти вакилларидан иборат бўлиб, унинг таркибига прокуратура вакилларининг киришига йўл қўйилмайди⁹⁷, Болгарияда эса кенгаш прокуратура органларини ташкил этиш масалалари бўйича қарорлар қабул қилиши ҳисобига унинг 25 тадан 4 та аъзоси прокуратура тизимидан сайланади, бош прокурор ҳам лавозими бўйича кенгаш аъзоси ҳисобланади⁹⁸.

Шунингдек, амалдаги тартибга кўра Кенгашнинг ўн бир нафар аъзоси Кенгаш раисининг тақдимиға биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан судьялар орасидан тасдиқланади. Бироқ, қонунчиликда Кенгаш раисининг ўн бир аъзони судьялар орасидан танлаш тартиби ва унинг мезонлари белгиланмаган. Натижада Кенгаш аъзолигига муносиб номзодларни бутун республика бўйича мингдан ортиқ судьялар сафидан танлаш Кенгаш раиси зиммасига юклатилган. Бу эса Кенгаш аъзолигига номзодларни танлашда муайян қийинчиликларни, Кенгаш аъзоларининг эса раис олдидаги тобелигини келтириб чиқариши мумкин. Бу борада Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг қарорига кўра суднинг мустақиллигини баҳолашда судьялар кенгашига судьяларни тайинлаш тартиби, хусусан тайинлашни амалга оширувчи органларнинг характери суднинг ўзини ўзи бошқарувида долзарбdir. Бунинг учун сиёсий органларнинг таъсирини камайтириш мақсадида суд корпусининг ўзи мустақил равишда ўзининг вакилларини Кенгашга сайлаши муҳимdir⁹⁹. Венеция комиссиясининг таъкидлашича, муайян судьялар кенгаши таркиби бир-биридан фарқ қилиши мумкин, бироқ умумий талабга кўра унинг камида ярми ўзларининг ҳамкаслари сайлаган

⁹⁶ Рекомендации Киевской конференции БДИПЧ ОБСЕ по вопросам независимости судебной власти в странах Восточной Европы, Южного Кавказа и Центральной Азии (2010 г.) были разработаны группой независимых экспертов под руководством БДИПЧ и Исследовательской группой «Минерва» по вопросам независимости судей Института Макса Планка, раздел 7.

⁹⁷ Закон Литвы “О судах”. Ст. 119-2.2.

https://www.encj.eu/images/stories/pdf/factsheets/tt_lithuania.pdf

⁹⁸ https://www.encj.eu/images/stories/pdf/factsheets/bcc_vss_bulgaria.pdf

⁹⁹ ЕСПЧ, Александр Волков против Украины, (Заявление 21722/11), решение от 9 января 2013 г., п. 112. https://www.google.com/url?sa=t&rct=j&q=&esrc=s&source=web&cd=1&ved=-2ahUKEwio7Pc58bdAhXMKQKHWfQCFwQFjAAegQIABAC&url=https%3A%2F%2Fwww.legislationonline.org%2Fdocuments%2Fid%2F17748&usg=AOvVaw0N6_tYvw2G_soEGSb81mQy

судьялардан ташкил топиши лозим¹⁰⁰. Хорижий давлатлар қонунчилигига кўра судьялар орасидан Кенгаш аъзолигига номзодлар Украинада Судьялар съезди¹⁰¹, Қозоғистонда Олий суднинг кенгайтирилган ялпи мажлиси¹⁰², Литвада судьяларнинг умумий мажлиси¹⁰³, Грузияда судьяларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи томонидан сайланади¹⁰⁴.

Ҳудудлардаги судьяларнинг малака ҳайъатлари ҳар бир судьянинг малакаси, одоб-ахлоқи, ҳалоллиги ва бошқа хислатлари ҳақида тўлиқ маълумотга эгалигини эътиборга олиб, шунингдек Кенгаш аъзолигига номзодларни танлашнинг холис ва шаффоф тартибини белгилаш, унинг таркибини демократик усулда энг муносиб кадрлар билан шакллантириш мақсадида Кенгаш аъзосига қўйиладиган талаблар, Кенгаш аъзолигига номзодлар Судьяларнинг олий малака ҳайъати ва қуий турувчи судьяларнинг малака ҳайъатлари томонидан Кенгашга тақдим этилиши тартибини белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундан ташқари, Кенгаш раисини танлаш тартиби ва унга нисбатан талаблар ҳам қонунчиликда назарда тутилмаган. Амалдаги талабга кўра Ўзбекистон Президенти Кенгаш раиси лавозимига номзодни танлайди ва Сенат муҳокамасига тақдим этади. Бу жараёнда судьялар ҳамжамияти умуман иштирок этмайди. Кенгаш раисининг бундай тартибда лавозимга тайинланиши уни сиёсий арбобга айлантириб, Президент ва унинг администрацияси олдидағи тобелигини келтириб чиқариши мумкин. Бу ўз навбатида Кенгаш раисининг судьялар орасидан лавозимга тайинланадиган Кенгаш аъзоларини шахсан ўзи томонидан танлаб олиниб, Ўзбекистон Президенти томонидан тайинланиши жараёнига ижро ва

¹⁰⁰ Заключение Венецианской комиссии по проектам Закона о внесении изменений в Закон о Национальном судебном совете, в Закон о Верховном суде, предложенным Президентом Польши, и в Закон об обустройстве обычных судов. П.17. http://krs.pl/admin/files/www/venice_com_opinion%20cdlad9042017031_of_11.12.2017_on_draft Acts_krs_sn_usp.pdf

¹⁰¹ Закон Украины О судоустройстве и статусе судей. Ст.129.

https://www.legislationline.org/download/id/8755/file/Ukraine_law_organisation_courts_status_judges_2016_am2017_ru.pdf

¹⁰² Закон «О Высшем Судебном Совете Республики Казахстан». Ст.4.

https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=34433079&doc_id2=34433079#pos=3;-98&pos2=105;-76

¹⁰³ Закон Литовской Республики «О судах». Ст.117.

https://www.legislationline.org/download/id/8793/file/Lithuania_law_courts_1994_am2020_ru.pdf

¹⁰⁴ Закон Грузии «Об общих судах». Ст.47.

<https://matsne.gov.ge/en/document/download/90676/29/ru/pdf>

қонунчилик ҳокимиияти органларининг аралашуви ва таъсирини ҳам вужудга келтириши мумкин. Кенгаш раисини унинг аъзолари томонидан сайлаш тартиби Бельгия, Нидерландия, Польша, Руминия ва Испанияда жорий қилинган бўлса, Венгрия ва Португалияда сайлов амалга оширилмайди, балки Кенгашни Кассация суди раиси бошқаради, айrim давлатларда эса бошқа мансабдор шахслар, яъни Италияда мамлакат Президенти, Болгарияда Адлия вазири бошқаради¹⁰⁵. Киев конференцияси тавсияларининг 7-бандида президент ва адлия вазирлиги вакиллари кенгашга раислик қилишлари мумкин эмаслиги, кенгаш раиси унинг аъзолари томонидан кўпчилик овоз билан сайланиши лозимлиги белгиланган¹⁰⁶. БМТнинг Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича маърузачиси Д.Гарсия-Саяннинг фикрича, кенгаш раиси бирор-бир сиёсий органга қарашли бўлмаган холис шахс бўлиши ҳамда Кенгаш томонидан унинг судья-аъзолари орасидан сайланиши лозим. Олий суд раиси ўзининг функцияларини амалга ошириш даврида Кенгаш раиси лавозимига тайинланиши мумкин эмас¹⁰⁷.

Ушбу фикрларга қўшилган ҳолда Кенгаш раиси албатта судьялар ҳамжамияти аъзоси бўлиши, унга нисбатан талаблар қонунда белгиланиши, ушбу лавозимга номзод судьялар ёки судьялар орасидан сайланган Кенгаш аъзолари томонидан демократик усулда сайланган ҳолда давлат раҳбарига тақдим этилиши лозимлигини назарда тутувчи қоидаларни “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонунга киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Кенгаш аъзосининг мустақиллиги асослари ҳам қонунчиликда тўлиқ кафолатланмаган. Хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонуннинг 30-моддасида Кенгаш аъзосининг касалликка чалингани ва шаъни, қадр-қимматига путур етказадиган ҳаракат содир этгани учун ваколатларини муддатидан илгари тугатиш назарда тутилган. Бироқ, ушбу ҳолатлар аниқ мазмунга эга эмаслиги уларни кенг талқин этиш эҳтимолини келтириб чиқаради, бу эса Кенгаш аъзосини ҳар қандай сабабларга кўра лавозимидан озод этиш имконини яратади.

¹⁰⁵ Les conseils de la justice en Europe. https://www.coe.int/t/dghl/cooperation/ccje/textes /CSMFrance-TR10_fr.pdf

¹⁰⁶ <https://www.osce.org/files/f/documents/a/a/73488.pdf>

¹⁰⁷ <https://undocs.org/ru/A/HRC/44/47/ADD.1>

Шунингдек, қонунда Кенгаш аъзосининг ваколатини муддатидан илгари тугатиш тартиби белгиланмаган. Бу эса Кенгаш аъзоси ваколатини муддатидан илгари тугатиш бўйича холис хulosha ким томонидан чиқарилиши лозимлигини аниқлаш имконини бермайди, шунингдек ушбу жараёнда Кенгаш аъзосининг иштирок этиши ва фикр-мулоҳазаларини билдириш ҳуқуқидан маҳрум қиласди. Мазкур ҳуқуқий бўшлиқ Кенгаш аъзосининг алмаштирилмаслиги принципининг қонунчиликда белгиланмаганлиги билан боғлиқдир.

Амалдаги қонун талабига кўра Кенгаш Ўзбекистон Президенти томонидан тайинланадиган судьяларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар (таклифлар) киритади. Амалдаги қонунчиликка кўра судьялар орасидан тасдиқланган Кенгаш аъзоларининг судьялик мақоми Кенгаш аъзоси лавозимида бўлиши даврида сақлаб қолиниши ҳамда уларнинг давлат раҳбари томонидан лавозимга тасдиқланиши эътиборга олинса, ушбу тартиб Кенгашнинг ўн бир нафар аъзосига ҳам татбиқ этилиши лозим. Украинада Кенгаш аъзосини муддатидан илгари лавозимидан озод этиш масаласи судьялар съезди қарори асосида амалга оширилади¹⁰⁸. Литвада судьянинг, шу жумладан Кенгаш аъзосининг узлуксиз 120 кун давомида ёки бир календарь йилида 140 кун давомида иш жойида бўлмаслиги, шунингдек даволаб бўлмайдиган ёки узоқ даволанадиган касалликка чалиниши уни касаллиги туфайли лавозимидан муддатидан илгари озод қилиш учун асос ҳисобланади¹⁰⁹. Юқоридагиларга кўра Кенгашнинг доимий асосда фаолият юритувчи аъзолари ваколатларини муддатидан илгари тугатиш асосларини такомиллаштирган ҳолда ушбу масалани дастлаб Кенгашда муҳокама қилиш ва унинг асослантирилган хulosасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ҳал қилиш тартибини белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Халқаро талабларга кўра Судьялар кенгаши аъзоларининг лавозимга такроран тайинланиши улар мустақиллигига салбий таъсир этувчи омил ҳисобланади. Хусусан, такрорий тайинланиш Кенгаш аъзоларининг уларни тайинловчи (сайловчи) орган ёки

¹⁰⁸ Закон Украины “О судоустройстве и статусе судей”. Ст.129.

https://www.legislationline.org/download/id/8755/file/Ukraine_law_organisation_courts_status_judges_2016_am2017_ru.pdf

¹⁰⁹ Закон Литовской Республики «О судах». Ст.90.

https://www.legislationline.org/download/id/8793/file/Lithuania_law_courts_1994_am2020_ru.pdf

сиёсий куч олдида бўйсунувини келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун Кенгаш аъзоларини қайта тайинлашни истисно этган ҳолда уларни бир марта узокроқ муддатга тайинлаш уларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш имконини беради. Бир қатор мамлакатларда кенгаш аъзоларини кетма-кет лавозимга тайинлаш тақиқланган. Хусусан, Украинада кенгаш аъзоси 4 йил муддатга сайланади ва қайта сайланиш ҳуқуқига эга эмас¹¹⁰, Болгария ва Испанияда кетма-кет иккинчи муддатга сайланиш ҳуқуқисиз 5 йил муддатга сайланади¹¹¹, Венгрияда эса 6 йил муддатда қайта сайланишсиз лавозимга сайланади¹¹². Айрим давлатларда эса қайта сайланиш амалиёти мавжуд бўлиб, бунда кенгаш аъзолигига номзодлар судьялар корпуси томонидан қўрсатилади. Масалан Литвада кенгашнинг 23 тадан 20 нафар аъзоси судьялар томонидан сайланади¹¹³, Грецияда Судьялар олий кенгашининг барча аъзолари судьялар бўлиб, улар Олий маъмурий судда камида икки йиллик стажга эга бўлган судьялар ўртасида қуръа ташлаш йўли билан қайта сайланиши мумкин¹¹⁴.

Шунингдек, қонунчиликда Кенгашнинг жамоатчилик асосида фаолиятини олиб борувчи аъзоларига нисбатан талаблар ҳамда уларни танлаш тартибини белгилаш, уларнинг номзодини ўзлари ишлайдиган ташкилот томонидан сайлаш йўли билан тақдим этиш, уларнинг ҳам фақат бир марта лавозимга тайинланиш тартибини белгилаш лозим. БМТнинг Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича маҳсус маърузачиси Д.Гарсия-Саяннинг хulosасига кўра Кенгашнинг судья бўлмаган аъзоларини танлашнинг қатъий мезонларининг мавжуд эмаслиги амалда зарур билим ва малакага эга бўлмаган номзодларни фақат уларнинг сиёсий мойиллиги асосида лавозимга тайинлаш имкониятини яратади. Бундай аъзоларни сайлаш масаласини сиёсий бўлмаган органга ишониб топшириш мақсадга мувофиқ, ижро органи эса уларни танлаш ва тайинлаш масалалари билан умуман шуғулланиши

¹¹⁰ Закона Украины «О Высшем совете юстиции». Ст.5-2.

<http://www.legislationline.org/documents/id/20642>

¹¹¹ https://www.encj.eu/images/stories/pdf/factsheets/bcc_vss_bulgaria.pdf

https://www.encj.eu/images/stories/pdf/factsheets/cgpj_spain.pdf

¹¹² Информационный листок о Национальном судебном совете Венгрии:

https://www.encj.eu/images/stories/pdf/factsheets/obt_hungary.pdf

¹¹³ Закон Литовской Республики «О судах». Ст. 119-2.2.

https://www.encj.eu/images/stories/pdf/factsheets/tt_lithuania.pdf

¹¹⁴ https://www.encj.eu/images/stories/pdf/factsheets/greece_sjc_aj.pdf

мумкин эмас¹¹⁵. Руминияда Кенгашнинг судья бўлмаган аъзоси ҳеч бир сиёсий партияга аъзо бўлиши ва беш йил давомида ҳар қандай ҳокимият органларига сайланиши тақиқланган ҳамда илгари Давлат хавфсизлиги департаменти билан ҳамкорликда фаолият юритмаган бўлиши талаб этилади¹¹⁶.

Судъялар ҳамжамияти органларининг чинакам мустақиллигини таъминлашда уларнинг молиявий жиҳатдан мустақиллигини таъминлаш ҳам муҳим саналади. “Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонуннинг 34-моддасида Кенгаш моддий-техник ва молиявий жиҳатдан республика бюджети ва бошқа тақиқланмаган манбалар ҳисобидан таъминланиши белгиланган¹¹⁷. Судъялар малака ҳайъатлари тўғрисидаги Низомнинг 73-моддасига кўра эса судъялар малака ҳайъатларининг фаолиятини молиявий ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар судларининг, шунингдек ҳарбий судларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади¹¹⁸. Ушбу ҳолат малака ҳайъатларининг тегишли суд раисига тобелигини келтириб чиқариши мумкин. Европа судъялари Маслаҳат кенгашининг 2-сонли хуносасига кўра ҳокимиятлар бўлиниши тизимида ижро ва қонунчилик органлари суд органлари бюджетини кўриб чиқишда уларга ҳар қандай усулда босим ўтказа олмасликлари ҳолати таъминланиши керак. Судларга маблағларни ажратиш ҳақидаги қарор суд тизимининг мустақиллиги принципига қатъий риоя қилган ҳолда қабул қилиниши зарур. Парламент томонидан судлар бюджетини қабул қилишда судларнинг фикрини ҳисобга олиш тартибининг жорий қилиниши муҳим¹¹⁹. Хорижий давлатлар тажрибасига кўра Болгариянинг Судъялар олий кенгаши ўзининг шахсий бюджетига эга бўлиб, бутун суд тизими бюджетини тақсимлаш вазифаси ҳам унинг зиммасига юкланган¹²⁰, Франция, Хорватия, Венгрия ва Руминияда ҳам

¹¹⁵ <https://undocs.org/ru/A/HRC/44/47/ADD.1>

¹¹⁶ Закон Румынии «О Высшем совете магистратуры». Ст.19.

<http://legislatie.just.ro/Public/DetaliiDocument/64942>

¹¹⁷ <https://lex.uz/docs/3153668>

¹¹⁸ <https://lex.uz/docs/2374282>

¹¹⁹ Заключение № 2 Консультативного совета Европейских судей. П. 5, 10.

<https://rm.coe.int/1680747492>

¹²⁰ https://www.encj.eu/images/stories/pdf/factsheets/bcc_vss_bulgaria.pdf

судьялар кенгаши ўзининг бюджетига эга¹²¹. Судьялар ҳамжамияти органларининг молиявий мустақиллигини янада кучайтириш мақсадида уларнинг алоҳида бюджетга эга бўлишини таъминлаш ҳамда бюджетни шакллантириш ва қабул қилишда бевосита иштирок этиш, бюджет маблағларини камайтириш ёки рад этиш масалалари Кенгаш билан ҳамкорликда ҳал қилиниши тартибини жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Судьяларнинг олий малака ҳайъати ва судьяларнинг малака ҳайъатлари фаолиятида ҳам бир қатор коррупциявий омилларни келтириб чиқарувчи ҳолатлар мавжуд. Хусусан, Судьяларнинг олий малака ҳайъати Олий суд судьялари орасидан Пленум томонидан Судьялар олий малака ҳайъатининг раиси, унинг ўринbosари ва аъзоларидан иборат таркибда беш йил муддатга, қуий турувчи судьяларнинг малака ҳайъатлари тегишли судлар судьяларининг конференцияларида туманлараро, туман (шаҳар) судлари, ҳудудий ҳарбий судлар ҳамда тегишли юқори турувчи судларнинг судьялари орасидан малака ҳайъатларининг раиси, унинг ўринbosари ва аъзоларидан иборат таркибда беш йил муддатга сайланади. Низомнинг 7-моддасида судьяларнинг малака ҳайъатлари аъзолигига номзодлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми аъзолари ёки судьялар конференциясининг иштирокчилари томонидан кўрсатилиши, 13-моддасида эса судьялар малака ҳайъатининг котиби тегишли суд раиси томонидан лавозимга тайинланиши ва лавозимидан озод этилиши белгиланган¹²². Аксарият малака ҳайъатлари раислари бир вақтнинг ўзида вилоят судлари раислари ҳисобланиши, аъзолари эса шу суд судьялари эканлиги боис, раисларнинг малака ҳайъати аъзоларига таъсир ўtkазиш эҳтимоли мавжуд. Малака ҳайъати котибининг ҳам муайян суд раиси томонидан лавозимга тайинланиши унинг суд раиси олдида тобелигини келтириб чиқаради. Бундан ташқари, малака ҳайъати аъзоларини очиқ овоз бериш йўли билан сайлаш ҳам суд раҳбариятининг судьяларга нисбатан муайян номзодларни сайлаш бўйича кўрсатма бериш имконини келтириб чиқаради. Бу эса малака ҳайъати томонидан масалаларни кўришда холислик ва адолатни тўлиқ таъминлаш имконини бермайди.

¹²¹ https://www.encj.eu/images/stories/pdf/factsheets/dsv_croatia.pdf
https://www.encj.eu/images/stories/pdf/factsheets/obt_hungary.pdf
https://www.encj.eu/images/stories/pdf/factsheets/csm_romania.pdf
https://www.encj.eu/images/stories/pdf/factsheets/csm_france.pdf

¹²² <https://lex.uz/docs/2374282>

Ривожланган давлатларда судьяларнинг олий малака ҳайъатлари нафқат Олий суд судьяларидан, балки қуи суд судьяларидан, шунингдек барча судьялар малака ҳайъатлари таркиби амалдаги судьялардан ташқари суд фахрийлари, жамоатчилик институти вакилларидан шакллантирилади. Жумладан, Россия Федерациясида Олий малака ҳайъатининг 18 нафар аъзоси судьялар съездида сайланадиган турли бўғинлардаги судьялардан, 10 нафари эса Федерал кенгаш ва Президент томонидан тайинланадиган жамоат ташкилотлари вакилларидан¹²³, Украина Олий малака ҳайъати аъзоларининг ярми судьялар съездида сайланадиган амалдаги ва собиқ судьялардан, қолган ярми жамоатчилик ва бошқа идоралар вакилларидан¹²⁴, Қозоғистонда судьялар ҳайъатининг олти нафар аъзоси Олий суднинг ялпи мажлисида барча судьялар томонидан сайланадиган барча бўғиндаги судьялардан ташкил топган¹²⁵. Россия Федерацииси субъектларининг судьялар малака ҳайъатлари таркибига суд раислари ва уларнинг ўринbosарлари, Олий малака ҳайъати таркибига эса Олий суд раиси ва унинг ўринbosарлари сайланиши мумкин эмас. Судьяларнинг малака ҳайъати аъзоси кетма-кет икки мартадан ортиқ малака ҳайъати раиси этиб сайланиши мумкин эмас¹²⁶. Қозоғистон Республикасида интизомий малака ҳайъати раиси интизомий малака ҳайъати аъзолари томонидан оддий кўпчилик овоз бериш йўли билан сайланади¹²⁷. Судьяларнинг малака ҳайъатлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини, улар фаолиятида холисликни таъминлаш мақсадида Судьялар олий малака ҳайъати таркибининг ярмидан кўп бўлмаган қисмини Олий суд судьяларидан, қолган қисмини қуи судлар судьялари ва жамоатчилик институти вакилларидан, судьяларнинг малака ҳайъатлари таркибини эса амалдаги судьялар билан бир қаторда

¹²³ Федеральный закон "Об органах судебного сообщества в Российской Федерации".

Ст.11.

http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_35868/94c2d7d00be1a5d68fc6972c5d873659088d7ef7/

¹²⁴ Закон Украины “О судоустройстве и статусе судей”. Ст.94.

https://www.legislationline.org/download/id/8755/file/Ukraine_law_organisation_courts_status_judges_2016_am2017_ru.pdf

¹²⁵ Закон «О судебной системе и статусе судей Республики Казахстан». Ст.38-1.

<https://adilet.zan.kz/rus/docs/Z000000132>

¹²⁶ Закон Российской Федерации от 26 июня 1992 года N 3132-1 "О статусе судей в Российской Федерации". Ст.7

¹²⁷ Закон «О судебной системе и статусе судей Республики Казахстан». Ст.38-1.

<https://adilet.zan.kz/rus/docs/Z000000132>

жамоатчилик вакилларидан шакллантириш, Олий малака ҳайъати таркибига Олий суд раиси ва унинг ўринбосарлари, қуи турувчи судьяларнинг малака ҳайъатлари таркибига қуи турувчи судларнинг раислари ёки уларнинг ўринбосарлари сайланмаслиги, бир шахснинг икки муддатдан ортиқ малака ҳайъати раиси ва унинг ўринбосари лавозимига сайланмаслиги, малака ҳайъати котибини сайлаш тартибини қонунчиликда белгилаш таклиф қилинади.

Шунингдек, судьяларнинг малака ҳайъатлари аъзолигига номзодларга қўйиладиган талаблар ва уларга номзод кўрсатиш тартибининг қонунчиликда белгиланмаганлиги бу лавозимга муносиб бўлмаган ёки суд раҳбариятига бўйсунадиган ва мойил бўлган судьяларни сайлаш имконини яратади. Судьяларнинг малака ҳайъатлари фаолиятини ташкил этишнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида уларнинг аъзоларига нисбатан аниқ талабларни ҳамда ушбу лавозимга номзодларни танлашнинг демократик механизmlарини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Судьялар ҳамжамияти ва унинг органлари суд ҳокимияти ва судьяларнинг мустақиллиги конституциявий принципига риоя қилинишини таъминловчи кафолатлардан бири бўлиб, суд ҳокимиятининг бошқа давлат ҳокимияти органларидан мустақиллигини таъминлаш, уларни ҳар қандай ички ва ташқи тазиқлардан ҳимоялаш, судлар ва судьялар фаолиятини ташкилий, хуқукий, молиявий, ижтимоий жиҳатдан ташкил этиш ва бошқариш, жамиятда судларнинг нуфузини оширишга қўмаклашиш мақсадида ташкил этилади. Судьялар ҳамжамияти органлари судларнинг ички фаолиятини бошқариши лозимлиги ҳақидаги халқаро талаблардан келиб чиқиб, қонунчиликда ушбу органларни суд тизимида коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш бўйича маҳсус ваколатли органлар сифатида белгилаш лозим.

Судьялар ҳамжамияти органларининг мустақиллигини амалда таъминлаш ва фаолиятидаги коррупциоген ҳолатларни бартараф этиш мақсадида қуидагилар таклиф этилади:

а) Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 111-моддасида Судьялар олий кенгашини суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминловчи орган сифатида эътироф этиш, ушбу вазифани самарали амалга оширишини таъминлаш мақсадида унга қўшимча ваколатларни бериш;

б) “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Конунга қуидаги қўшимча ва ўзгартиришларни киритиш:

Кенгашнинг ўз фаолиятини доимий асосда ва жамоатчилик асосида амалга оширувчи аъзоларига нисбатан алоҳида талабларни белгилаш;

Кенгаш аъзолигига номзодларни танлашда ҳар қандай сиёсий органлар иштирокини истисно этиш ҳамда номзодларни судьялар томонидан сайлаш орқали Кенгашга тақдим этиш, жамоатчилик асосидаги аъзоликка номзодларни эса улар ишлайдиган ташкилот томонидан сайлаш йўли билан Ўзбекистон Республикаси Президенти тасдигига киритиш тартибини белгилаш;

Кенгаш раисини судьялар ҳамжамияти аъзолари орасидан танлаш, унга нисбатан талабларни белгилаш, ушбу лавозимга номзодни судьялар ёки судьялар орасидан сайланган Кенгаш аъзолари томонидан демократик тарзда сайлаш ва давлат раҳбари тасдигига тақдим этиш;

Кенгашнинг доимий асосда фаолият юритувчи аъзолари ваколатларини муддатидан илгари тугатишнинг аниқ асосларини белгилаш, шунингдек Кенгаш аъзосининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш масаласи Судьялар олий кенгашининг асослантирилган хулосасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ҳал қилиш тартибини жорий қилиш;

Судьялар олий кенгаши аъзоларининг кетма-кет икки марта лавозимга тайинланиши тартибини бекор қилиш;

Судьялар олий кенгашининг алоҳида бюджетга эга бўлишини белгилаш, бюджетни шакллантириш ва қабул қилишда бевосита иштирок этиш, бюджет маблағларини Кенгашнинг розилиги асосида камайтириш ёки рад этиш;

в) Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги Низомни қонун шаклида қайта қабул қилган ҳолда унда қуидагиларни белгилаш:

Судьялар олий малака ҳайъати таркибининг ярмидан кўп бўлмаган қисмини Олий суд судьяларидан, қолган қисмини қуий судлар судьялари ва жамоатчилик институти вакилларидан, судьяларнинг малака ҳайъатлари таркибини эса амалдаги судьялар билан бир қаторда жамоатчилик вакилларидан шакллантириш;

Судьялар олий малака ҳайъати таркибига Олий суд раиси ва унинг ўринbosарлари, қуий турувчи судьяларнинг малака ҳайъатлари таркибига қуий турувчи судларнинг раислари ёки

уларнинг ўринбосарларини сайламаслик, бир шахсни икки муддатдан ортиқ малака ҳайъати раиси ва унинг ўринбосари лавозимига сайламаслик, малака ҳайъати котибини ҳам судьялар конференцияларида сайлаш;

судьяларнинг малака ҳайъати аъзоларига нисбатан аниқ талабларни белгилаш;

судьяларнинг малака ҳайъатлари фаолиятини бевосита давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тартибини белгилаш.

III БОБ. СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ОЧИҚЛИГИ ВА ШАФФОФЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

1-§. Судлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлиги тушунчаси ва мазмуни

Суд ҳокимияти мустақиллигининг амалда таъминланганлик даражаси ушбу мустақилликни кенг жамоатчилик томонидан тан олинишига бевосита боғлиқ, зеро суд органлариға ишончсизликнинг мавжудлиги суд қарорларининг қанчалик қонуний ваadolатли бўлишидан қатъи назар, фуқароларнинг одил судловга эришишини амалда тўлиқ таъминлай олмайди. Шу боис, судлар фаолиятининг очиқлигини таъминлаш ва шаффофлигига эришиш одил судловни қонуний ва сифатли амалга ошириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоялаш кафолатларини кучайтириш имконини беради. Бинобарин, суд ҳокимиятига бўлган ишонч фақат судлар томонидан одил судловни ошкора тарзда ташкил этиш, фуқароларни судлар фаолиятига оид тегишли ахборот билан эркин танишишига имконият яратиш, судлар фаолиятини амалга оширишда иштирок этишини таъминлаш кабилар орқали ички ишонч ҳосил қилиши натижасида эришилади.

Суд органларининг ўз фаолиятини очиқ тарзда ташкил этиши фуқароларнинг Конституцияда белгиланган шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлаш мақсадини қўзлаши боис, уни инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи механизмлардан бири сифатида эътироф этиш мумкин. Бинобарин, Конституциянинг 29-моддасида ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эгалиги, 113-моддасида судларда ишлар очиқ қўрилиши белгиланганлиги суд ҳокимиятининг ўз фаолиятини очиқ ва ошкора тарзда ташкил этишга мажбурлигини англаради¹²⁸.

Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 10-моддасида ҳар бир инсон ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиноий айбнинг қанчалик даражада асосли эканлигини аниқлаши учун тўлиқ тенглик асосида унинг иши ошкора ваadolат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва холис суд томонидан қўриб чиқилиши ҳуқуқига эгалиги белгиланган¹²⁹. Шу боис, одил

¹²⁸ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29,113-моддалари.

<https://lex.uz/docs/20596#39861>

¹²⁹ https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/declhr.shtml

судловни тенглик, ошкоралик ва қонунийлик принциплари асосида амалга ошириш ҳар бир суд органининг асосий вазифаси ҳисобланади, унга риоя қилмаслик эса халқаро тан олинган инсон ҳуқуқларининг ҳамда қонун талабларининг бузилиши деб баҳоланади.

Б.Жамолов ушбу масалага судларга бўлган ишончни таъминловчи категория сифатида ёндашиб, Ўзбекистон Республикасида суд ишларини кўришда ошкоралик принципи муҳим аҳамиятга эгалигини, чунки ўтган асрнинг 70-йилларида “жазоловчи орган” сифатида кишилар онгида шаклланган дунёқараши синдириш, эндиликда суд фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликларини ҳимоя қилувчи, бузилган ҳуқуқларни тикловчи орган эканлигига ошкоралик принципини амалиётда кенг жорий этиш орқали эришиш мумкинлигини қайд этади. Унинг фикрича, асрлар давомида кишилар онгида суд ҳокимиятига нисбатан шаклланган дунёқараш ҳамда муносабатни ўзгартириш осон кечадиган жараён эмас. Шунинг учун суд ҳокимиятини амалга оширишда ошкоралик принципи муҳим аҳамият касб этади¹³⁰.

Миллий қонунчилигимизда ва илмий доираларда судлар фаолиятига доир “очиқлик”, “ошкоралик”, “шаффоффлик” атамаларининг мазмун-моҳияти турлича талқин қилинади. Жумладан, Конституция (113-модда) ва “Судлар тўғрисида”ги Қонун (12-модда. Суд ишларини юритишнинг ошкоралиги)да барча суд ишлари очиқ кўрилиши белгиланган бўлса, Жиноят-процессуал кодекси (19-модда), Фуқаролик процессуал кодекси (12-модда), Иқтисодий процессуал кодекси (11-модда) ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс (13-модда)да бунинг акси, яъни суд ишларининг ошкори кўрилиши қайд этилган. Олий суд Пленумининг 2020 йил 21 февралдаги 04-сон қарорида эса ошкоралик ва очиқлик дифференциялаштирилган бўлиб, суд муҳокамасининг ошкоралиги, судлар фаолияти тўғрисида жамоатчиликка ўз вақтида ва объектив ахборот бериш жамиятда ҳуқуқий хабардорлик даражаси ошишига имкон яратиши, одил судловни амалга оширишнинг муҳим кафолати ҳисобланиши, судлов фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаши ва судга нисбатан жамият ишончини оширишнинг самарали воситаси

¹³⁰ Жамолов Б.У. Суд ҳокимияти (назария ва амалиёт масалалари): монография. – Т.: “Юрист-медиа маркази” нашриёти, 2011 йил, 132-бет.

ҳисобланиши қайд этилган¹³¹. “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасида эса давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигининг асосий принциплари таркибига, шу жумладан, улар фаолиятининг ошкоралиги ва шаффофлиги ҳам киритилган¹³². “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасида ахборот эркинлигининг асосий принципларидан бири сифатида “очиқлик ва ошкоралик” белгиланган бўлиб, 6-моддасига кўра ахборот очик ва ошкора бўлиши кераклиги қайд этилган¹³³.

Очиқ ҳукумат (очик давлат) – бу давлат бошқаруви устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга ошириш имкониятини таъминлаш мақсадида фуқароларнинг давлат ҳужжатлари ва ҳаракатлари ҳақидаги ахборотга эга бўлиш ҳукуқини қувватловчи давлат бошқаруви доктринаси ҳисобланади¹³⁴.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатига кўра, “ошкоралик” – ошкора хусусиятга эгалик, очик-ойдинлик маъноларини, “очиқлик” эса очик эканлик, равшанлик, ошкоралик маъноларини англатади¹³⁵. Шаффофлик (транспарентлик) гуманитар ва ижтимоий жиҳатдан очиқликни, мулоқотни ва ҳисобдорликни англатса, ижтимоий шаффофлик – жамият ҳар бир аъзосининг жамият ҳақида ҳаққоний маълумот олиш имкониятини англатади, тадбиркорлик шаффофлиги – ваколатли манфаатдор шахсларга корхона тўғрисида ҳаққоний маълумотни тақдим этишдир¹³⁶.

Европа судининг қарорига кўра суд муҳокамасининг ошкоралиги (очиқлиги) жамоат назорати доирасидан ташқарида бўлган махфий одил судловдан тарафларни ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, барча бўғиндаги судларга бўлган ишончни сақловчи воситалардан биридир¹³⁷.

¹³¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 21 февралдаги 04-сон қарори. <https://lex.uz/docs/4751577>

¹³² “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддаси. <https://lex.uz/docs/2381133>

¹³³ “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддаси. <https://lex.uz/docs/52268>

¹³⁴ https://ru.wikipedia.org/wiki/Открытое_государство

¹³⁵ https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20O.pdf

¹³⁶ <https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%9F%D1%80%D0%BE%D0%B7%D1%80%D0%B0%D1%87%D0%BD%D0%BE%D1%81%D1%82%D1%8C>

¹³⁷ Европейская конвенция по правам человека // Досье по правам человека. № 3. Русская версия. Изд-во Совета Европы, 1994.

Демак, судлар фаолиятининг очиқлиги, ошкоралиги ва шаффофлиги бир-биридан фарқланувчи тушунчалар ҳисобланади. Очиқлик ошкораликка нисбатан кенгроқ тушунча бўлиб, “ошкоралик” процессуал қонунчилиқда суд ишларини юритиш принципи сифатида фақат суд муҳокамасига нисбатан қўлланилади, суд ҳокимиятининг очиқлиги бутун суд фаолиятига (ички, ташқи, ташкилий ва ҳ.к.) нисбатан қўлланилади. Суд ҳокимиятининг “шаффофлиги” эса очиқлик ва ошкораликнинг натижаси ўлароқ, судлар фаолиятини фақат қонун талабларига риоя қилган ҳолда ташкил этиш ва амалга ошириш, унинг фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва жамоатчилик назоратини таъминлаш орқали инсон омилини истисно этиш ёки камайтириш, суд тизимида коррупцияга барҳам бериш, судлар фаолияти ҳақида ишончли маълумотга эга бўлиш имконини назарда тутади.

Юқоридагиларга кўра, суд фаолиятининг очиқлиги фуқароларнинг судлар фаолияти тўғрисида эркин ахборот олиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқининг кафолатларини таъминлашга қаратилган бўлса, суд фаолиятининг шаффофлиги эса судлар фаолияти ҳақида олинган ахборотнинг ишончлилигини таъминловчи категориядир.

Таъкидлаш лоимки, судлар фаолияти билан бир қаторда судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг очиқлиги масаласини комплекс тадқиқ этиш ушбу соҳани тўлиқ ва чуқурроқ тушуниш имконини беради. Хусусан, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддасига кўра давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш усуллари – бу давлат органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни эълон қилиш (чоп этиш), уларни расмий веб-сайтларида жойлаштириш ва янгилаб бориш, ҳамма кириши мумкин бўлган хоналарга ва жойларга жойлаштириш, ахборот-кутубхона ва архив фондлари орқали тақдим этиш, очик ҳайъат мажлисларида ахборотдан фойдаланувчиларнинг ҳозир бўлиши учун шароитлар яратиш, ахборотдан фойдаланувчиларнинг сўрови асосида уларга давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида

оғзаки ва ёзма шаклда (шу жумладан электрон ҳужжат шаклида) ахборот тақдим этиш ва бошқалардан иборат¹³⁸.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги “Суд-хуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5482-сон Фармонида суд ҳокимиятининг очиқлигини таъминлашнинг қўйидаги шакллари назарда тутилган:

- Олий суд веб-сайтида суд қарорларини тизимли равишда эълон қилиш тартибини босқичма-босқич жорий этиш;
- қабул қилинган суд ҳужжати ўқиб эшиттирилганидан сўнг унинг мазмун-моҳиятини суд процесси иштирокчиларига тушунтириш;
- ҳар чоракда вилоят судлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари томонидан брифинглар ўтказиш;
- Олий суд судлов ҳайъатлари томонидан суд ишларини назорат тартибида, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар томонидан суд ишларини апелляция ва кассация тартибида кўриб чиқиш амалиёти обзорларини ҳар чоракда эълон қилиш¹³⁹.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2017 йил 7 ноябрдаги СОҚҚ-272-Ш-сонли қарори билан тасдиқланган “Судлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш тартибининг 4-бандига мувофиқ судлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш қўйидаги усуслар билан амалга оширилади:

- суд мажлисларининг суд қарори (ҳукм, ажрим)ни эълон қилиш жараёнини интернет тармоғи, радио, видеоконференцалоқа режими орқали кузатиб бориш, республика ва (ёки) маҳаллий телевидениеларда маҳсус кўрсатувлар орқали намойиш этиш;
- судларнинг, шу жумладан, Олий суднинг интернетдаги веб-сайтларида тўғридан-тўғри онлайн тарзда намойиш этиб бориш;
- босма нашрларда, шу жумладан газета ва журналларда ёритиш;
- республика ва (ёки) маҳаллий оммавий ахборот воситаларига кўриладиган иш ҳақида маълумотларни кенг жамоатчиликни хабардор қилиш учун юбориш;

¹³⁸ “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддаси. <https://lex.uz/docs/2381133>

¹³⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги “Суд-хуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5482-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/3822463>

- кенг жамоатчилик вакилларини, фуқароларни бевосита суд жараёнларида, хукм, қарор эълон қилинишида иштирок этишлари;
- фуқароларни судларда кўрилаётган ишлар ҳақидаги маълумотлар билан суд биносида жойлаштирилган таблолар орқали таништириб бориш;
- маҳаллий журналистлар учун ахборот-брифинг тадбирларини ўтказиш.

Судларнинг очиқлиги қўйидаги функцияларни амалга оширишга йўналтирилган:

- 1) суд ишлари юритишнинг мустақиллиги ва адолатлилиги устидан жамоатчилик назорати;
- 2) қонунни қўллаш ва унга амал қилиш амалиётини бир хиллаштириш бўйича шароитлар яратиш;
- 3) ишда иштирок этувчи шахсларнинг барча норматив материални тез ва тўлиқ ўзлаштириш имконини берувчи юридик тежамкорликни таъминлаш¹⁴⁰.

Суд ишлари юритувининг очиқлиги учта йўналишда амалга оширилади:

- 1) суд муҳокамасининг ошкоралиги принципининг амалда таъминланиши;
- 2) тарафлар ва барча манфаатдор шахсларни суд иши тўғрисида тезкорлик билан хабардор қилиш;
- 3) судларнинг ОАВ билан ҳамкорлик қилиши¹⁴¹.

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг 10-моддасига мувофиқ ҳар бир иштирокчи-давлат оммавий администрациянинг, шу жумладан уни ташкил қилиш, фаолиятини амалга ошириш ва белгиланган ҳолатларда қарор қабул қилиш жараёнининг шаффофлигини кучайтириш учун чоралар кўриши назарда тутилган. Ушбу чораларга қуйидагилар киритилган:

- а) ахолининг оммавий администрация ҳақида маълумот олишини таъминловчи тартиб ёки қоидаларни қабул қилиш;
- б) қарор қабул қилувчи ваколатли органларга омманинг эркин ҳуқуқини таъминлаш мақсадида маъмурий тартиб-таомилларни соддалаштириш;

¹⁴⁰ Смирнов А.В. Транспарентность судебной власти: политico-правовой анализ. Проблемы транспарентности правосудия: [монография] / [ред.сост. Е.Б. Абросимова, С.Л. Чижков]. — М.: ЛексЭст, 2005. — 328 с.

¹⁴¹ Сегизова Б. О доступности и гласности судебной системы.

https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31024136

с) оммавий администрацияда коррупция хавфлари ҳақида даврий ҳисботлар акс этган маълумотларни чоп этиш¹⁴².

Суд ҳокимиятининг шаффоғлигини таъминлашнинг қуидаги асосий шакллари мавжуд:

- суд қарорларини эълон қилиш;
- суд мажлисига, иш хужжатларига, суд амалиётига, архив хужжатларига бўлган ҳуқуқни таъминлаш;
- суд органлари фаолияти устидан жамоат кузатуви (экспертизаси)ни амалга ошириш;
- кенг жамоатчилик муҳокамасига тушган суд ишлари бўйича жамоат эшитувини ташкил этиш;
- фуқароларнинг судлар фаолияти ҳақида ахборотга эга бўлиш даражасини ошириш¹⁴³.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш лозимки, судлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффоғлигини таъминлаш усуллари бир-биридан фарқ қиласди, бинобарин уларни амалга ошириш турли мақсадларни кўзлайди. Суд органларининг очиқлиги ва шаффоғлиги улар мустақиллигини кафолатловчи, одил судловнинг ошкоралиги эса фуқароларнинг одил судловга бўлган ҳуқуқини таъминловчи категория ҳисобланади.

Судлар фаолиятининг очиқлиги, ошкоралиги ва шаффоғлигини таъминлаш суд тизимида коррупцияга қарши самарали курашиш ҳамда уни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф қилишда муҳим роль ўйнайди. Бунда одил судловни амалга ошириш, судьялар корпусини шакллантириш, судлар фаолиятини ташкил қилиш ва бошқариш, судларни молиялаштириш, судьяларга тааллуқли масалаларни ҳал қилиш каби фаолиятга ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш орқали шаффоғликка эришиш, ушбу жараёнларнинг холислиги ва очиқлигини таъминлашда фуқаролик жамияти институти вакилларини кенг жалб қилиш талаб этилади.

Б.Жамолов бу борада қуидаги хulosага келади: “ошкоралик нафақат суд органлари, шунингдек дастлабки тергов ва суриштирув жараёнлари қай даражада қонуний ўтганлиги, шахс дахлсизлиги ва ижтимоий адолат таомилига қай даражада риоя қилинганлиги юзасидан жамоатчилик назоратини таъминлайди, ошкора суд

¹⁴² БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг 10-моддаси. <https://lex.uz/docs/1461327>

¹⁴³ Стребкова Е.Г. Принцип транспарентности судебной власти: конституционно-правовые вопросы. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Саратов, 2012.

жараёнлари судья, прокурор, адвокатларни ўз фаолиятларини қонуний ва намунали олиб боришга даъват этади, ошкора суд жараёни фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузиш имкониятларини имкон қадар минималлаштиради, ошкора суд жараёнларида иштирок этаётган гувоҳ, жабрланувчи, эксперт ва бошқа иштирокчилар масъулиятини оширади, фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини ривожлантириш ва ҳуқуқбузарликларни профилактика қилишга хизмат қиласи, жамоатчилик эътиборига тушган жиноятлардан кейин юзага келадиган ҳар хил шов-шув ва миш-мишларга чек кўяди¹⁴⁴.

Алоҳида қайд этиш лозимки, қонунчиликдаги бўшлиқлар, судлар фаолиятидаги мавжуд муаммолар, судлар ва ОАВ ўртасидаги зиддиятлар, кўплаб қонуности ҳужжатларининг замон талабларига мувофиқ босқичма-босқич қабул қилиниши ушбу соҳани тизимли ва илмий жиҳатдан асосланган тартибга солишини тақозо этади. Зеро, фуқароларнинг судлар фаолиятига оид ахборотни олиш ва ундан фойдаланиш, суд жараёнларида иштирок этишдаги тўсиқлар судларга бўлган ишончни сусайтириб, одил судловга нисбатан салбий муносабат шаклланишига сабаб бўлади. Шу боис, суд органларининг бошқа давлат ҳокимияти органлари, илмий доиралар ва жамоатчилик институти вакиллари билан ишончли ҳамкорлиги асослари ва доирасини белгилаш, судларнинг ОАВ билан конструктив муносабатини шакллантириш, судларнинг ахборот сиёсатини амалга ошириш шакллари ва тартиби, судлар фаолиятига оид ахборотдан фойдаланиш бўйича миллий қонунчиликни такомиллашириш, судларни ахборотлаштириш, фуқароларнинг судларга бўлган ишончини оширишни таъминлаш каби комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади.

Суд ҳокимиятининг ягона ахборот сиёсатининг асосий вазифалари этиб фуқароларнинг ушбу соҳада ахборотга эга бўлиш ва ундан фойдаланишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, суд органлари фаолиятига оид ахборотдан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларни амалга ошириш механизмларини яратиш, суд-ҳуқуқ йўналиши бўйича журналистларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириб бориш, судларда фуқаролик жамияти институти вакилларининг

¹⁴⁴ Жамолов Б.У. Суд ҳокимияти (назария ва амалиёт масалалари): монография. – Т.: “Юрист-медиа маркази” нашриёти, 2011 йил, 132-бет.

хуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, суд органларининг барча бўғинларида “матбуот хизмати”ларини ташкил этиш ҳамда уларнинг бошқа давлат органлари ва ОАВ билан ўзаро ишончли ҳамкорлигини йўлга кўйиш, судларнинг очиқлиги даражасини ошириш, судлар фаолиятига оид ахборотни тақдим этишнинг турли расмий манбаларини яратиш, суд ходимларининг ахборот соҳасидаги билим ва савијасини ошириш, фуқароларнинг медиасаводхонлигини ошириш кабиларни белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Қайд этилганларга кўра хulosа қилиш мумкинки, суд ҳокимиятининг очиқлигини таъминлаш мустақил суд ҳокимиятига нисбатан белгиланган асосий талаблардан бири бўлиб, халқаро ҳужжатлар ва миллий қонунларда умумэътироф этилган фуқароларнинг одил судловга бўлган ҳуқуқини амалда реализация қилиш воситаларидан биридир. Шу боис, одил судловни ошкоралик принципи асосида амалга ошириш ҳар бир суднинг асосий вазифаси ҳисобланади, унга риоя қилмаслик эса халқаро тан олинган инсон ҳуқуқларининг бузилиши деб баҳоланади.

Судлар фаолиятининг очиқлиги, ошкоралиги ва шаффофлиги бир-биридан фарқланувчи тушунчалар ҳисобланади. Суд органларининг очиқлиги қолган тушунчаларга нисбатан кенг ҳисобланади, зеро “ошкоралик” процессуал қонунчиликда суд ишларини юритиш принципи сифатида фақат суд муҳокамасига нисбатан қўлланилади, суд ҳокимиятининг очиқлиги эса одил судловни амалга ошириш билан бир қаторда унинг барча фаолият турларига (мурожаатларни кўриб чиқиш, фуқароларнинг қабулини ташкил этиш, брифинглар ва очик мулоқотлар ўтказиш, ОАВ ва матбуотда судлар фаолиятига оид ахборотларни бериб бориш, ҳуқуқий тарғибот-ташвиқот, суд қарорлари ижросини назорат қилиш, суд статистикасини юритиш ва ҳ.к.) нисбатан ҳам қўлланилади.

Судлар фаолиятининг шаффофлиги суд тизимида коррупцияга барҳам беришни назарда тутувчи судлар фаолиятини фақат қонун талабларига риоя қилган ҳолда ташкил этиш ва амалга ошириш, унинг фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва жамоатчилик иштирокини таъминлаш орқали инсон омилини истисно этилганлик ёки камайтирилганлик ҳолати бўлиб, фуқароларнинг судларга бўлган ишончини таъминлашга хизмат қиласди.

2-§. Судлар фаолиятининг очиқлигини таъминлаш усуллари

Суд ҳокимиятининг очиқлигини таъминлашнинг мазмунмоҳияти уни амалга ошириш усуллари орқали очиб берилади.

Суд ҳокимиятининг очиқлигини таъминлаш усуллари деганда давлат томонидан судларнинг ҳамда судьялар ҳамжамияти органларининг қонунда назарда тутилган вазифаларини ошкора амалга ошириш, улар фаолияти ҳақидаги маълумотларга фуқароларнинг эркин эга бўлишини таъминлашга қаратилган хукуқий ва ташкилий чора-тадбирлар тушунилади. Суд ҳокимиятининг очиқлиги суд фаолияти ҳақидаги маълумотларни эълон қилиш, суд биноларига тўсиқларсиз кириш, мажлисларда жамоатчилик иштирокига шароитлар яратиш, суд қарорларини очиқ эълон қилиш ва мазмунини тушунтириш, судлар фаолияти бўйича ҳисботларни эълон қилиш, суд органларининг ОАВ билан ҳамкорлиги, суд раислари ва судьялар томонидан брифинг ва очиқ мулоқотлар ўтказилиши, суд амалиёти обзорларини чоп этиш каби усуллар билан таъминланади.

Судлар фаолиятига оид ахборотга эга бўлиш қуйидаги усуллар ёрдамида таъминланади: манфаатдор шахсларнинг очиқ суд мажлисида иштирок этиши, судлар фаолияти ҳақидаги ахборотни ОАВда нашр қилиш ёки Интернет тармоғида, суд бинолари, Суд департаменти, судьялар ҳамжамияти органлари биноларида жойлаштириш, ахборотдан фойдаланувчиларни архив фондида сақланаётган ахборот билан таништириш, сўровга асосан судлар фаолиятига оид ахборотларни тақдим этиш, очиқ суд мажлисларини Интернет тармоғи орқали намойиш қилиш¹⁴⁵.

Судлар фаолияти ҳақида маълумотни эълон қилиш судларнинг фуқаролар билан яқинлигини таъминлашга, улар ўртасида ўзаро конструктив муносабат шаклланишига, одил судлов сифатини ошириш ва фуқароларнинг бузилган хукуқларини ишончли ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган суд ислоҳотларига халқ томонидан холис баҳо берилишига эришишда муҳим роль ўйнайди. Бундай маълумотлар рўйхатига Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Конунигининг 5-моддасига

¹⁴⁵ Федеральный закон "Об обеспечении доступа к информации о деятельности судов в Российской Федерации". Ст.6.

мувофик суд тизими, судлар сони, уларнинг ихтисослиги ва ҳудудийлиги, суд тузилмалари, фаолият йўналишлари, суд аппаратининг иш тартиби, суд таркиби ва судьялар ҳақидаги маълумотлар, суд статистикаси, судьялар корпусини шакллантириш тартиби ва улар фаолияти билан боғлик бошқа маълумотларни киритиш мумкин. Очиқликнинг мазкур шаклининг ўзига хос хусусияти – бу ушбу маълумотларнинг судлар томонидан эркин тақдим этилиши ҳамда мазкур маълумотлар билан ҳар қандай манфаатдор шахс ҳар қачон танишиши мумкинлигидир.

Судлар фаолияти тўғрисидаги ахборот умумфойдаланиш учун очик ҳисобланади, ахборотдан фойдаланиш қонунда белгиланган ҳолларда чекланиши мумкин. Хусусан, давлат сирларига доир (“Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги Конуни 3, 5-моддалари), қонун билан қўриқланадиган бошқа сирга доир (масалан, фарзандликка олиш сири) (Оила кодексининг 153-моддаси), шифокорлик сирига доир (“Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги Конуни 25-моддаси бешинчи қисми, “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида”ги Конуни 19-моддаси), қонунга асосан фойдаланиш чекланган бошқа ахборотлар¹⁴⁶.

“Судлар тўғрисида”ги Конуннинг 37-моддасига мувофик Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар суди раислари суднинг фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишни амалга оширишга доир фаолияти тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Кенгашига бир йилда камида бир марта ахборот тақдим этади, шунингдек судьяларнинг аҳоли билан учрашувларини ташкил этади ҳамда жамоатчиликни суднинг фаолияти тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилиб боради¹⁴⁷.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш тартибини белгилаш мақсадида Судьялар олий кенгашининг 2018 йил 14 сентябрдаги СОҚҚ-798-Ш-сон қарори билан “Суд раисларининг

¹⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 21.02.2020 йилдаги “Суд мухокамаси ошкоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги 04-сон қарори.

¹⁴⁷ “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуни 37-моддаси.

<https://lex.uz/docs/5534923>

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, тегишли вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига ахборот бериш тартиби” тасдиқланган бўлиб, унга мувофиқ суд раислари тегишли маҳаллий кенгашларда ўзлари раҳбарлик қилаётган суд томонидан фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишни амалга ошириш, шунингдек жиноят, ҳуқуқбузарлик ва бошқа ғайриқонуний харакатларни келиб чиқиш сабаблари ва уларни олдини олиш чораларига доир фаолияти тўғрисида таҳлилий ахборот тақдим этишлари, маҳаллий Кенгаш аъзолари суд раисларига фақат берилган ахборот юзасидан саволлар бериши ёки суд фаолияти билан боғлиқ бўлган таклифлар, фикр-мулоҳазалар билдиришлари мумкинлиги, маҳаллий Кенгаш аъзоларининг саволлари аниқ бир шахс ёки иш билан боғлиқ бўлмаслиги, шунингдек суднинг мустақиллигига салбий таъсир қилмаслиги, акс ҳолда суд раислари унга жавоб бермасликка ҳақли эканликлари, ахборот тақдим этишда маҳаллий Кенгаш аъзолари томонидан судда қўрилган ёки суднинг иш юритувида бўлган муайян иш бўйича бирон-бир тушунтиришлар олиш, саволлар бериш, иш материалларини талаб қилиш ёки суднинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бошқача тарзда аралashiш тақиқланиши, суд раисларининг ахбороти маҳаллий Кенгаш томонидан маълумот тариқасида қабул қилиниши ҳамда ушбу ахборот юзасидан музокара олиб борилмаслиги ва муҳокама қилинмаслиги қатъий белгилаб қўйилган¹⁴⁸.

Бир қатор олимлар суднинг маълумотлари тушунчасига судлар томонидан қабул қилинадиган қарорлар, ажримлар, ҳукмларни, шунингдек суд ҳокимиятини амалга оширувчи судьялар ҳамжамияти органлари – судьяларнинг малака ҳайъатлари, судьялар съезди, судьялар кенгаши ва ҳ.к.ларнинг қарорларини ҳам киритса¹⁴⁹, баъзилар ушбу масалага аҳолининг юридик жиҳатдан тайёргарлик қўриш имкониятини оширувчи восита сифатида

¹⁴⁸ Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2018 йил 14 сентябрдаги СОҚҚ-798-Ш-сон қарори билан тасдиқланган “Суд раисларининг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, тегишли вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига ахборот бериш тартиби”.

¹⁴⁹ Руднев В.И. К проблеме доступа к судебной информации. Проблемы транспарентности правосудия: [монография] / [ред.сост. Е.Б. Абросимова, С.Л. Чижков]. — М.: ЛексЭст, 2005. — 328 с.

ёндашиб, суд ҳимоясига бўлган ҳуқук суд ҳақидаги маълумотга эга бўлишдан бошланиши зарур дея таъкидлайди¹⁵⁰.

Бундан ташқари, муайян низо бўйича *тарафларнинг электрон шаклда маълумот олиши эркинлиги* ҳам бугунги рақамли иқтисодиёт даврида долзарб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 сентябрдаги “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4818-сон қарорида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган интерактив электрон хизматлар турларини кенгайтириш, ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш жараёнининг онлайн кузатиб борилишини таъминлаш, суд биноларида интерактив хизматлардан эркин фойдаланиш имкониятини яратиш, маҳсус ахборот дастурларини жорий этиш орқали судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, суд мажлисларида масофадан туриб, жумладан мобил қурилмалар ва электрон ҳамкорликнинг бошқа шакллари орқали иштирок этиш имкониятини кенгайтириш, шунингдек иш бўйича тарафлар учун суд қарорларини онлайн тарзда олиш имкониятини яратиш суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштиришнинг кейинги босқичдаги вазифалари этиб белгиланган¹⁵¹.

Судлар фаолиятининг очиқлигини таъминлашда *суд мажлиси залига эркин кириши* масаласи муаммоли масалалардан биридир, чунки бу нафақат хавфсизлик чораларини кўриш, балки процессуал қоидаларга риоя этилишига ҳам бевосита боғлиқдир. Бинобарин, ҳар ким тақиқланган ашёлар билан ёки номақбул ҳолатда суд биносига кириши, хоҳлаган суд мажлисида иштирок этиб, уни фото/видеосуратга олиши, кенг омма эътиборига тарқатиши мумкин эмас. Процессуал қонунчиликда ҳамда судларнинг локал ҳужжатларида ушбу ҳаракатларни амалга ошириш тартиби аниқ белгиланган бўлиб, уларга қатъий риоя қилиш талаб этилади.

Хусусан, Олий суд Раёсатининг 2017 йил 30 августдаги РС-28-17-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди биносида тартиб-интизомни сақлаш, унга кириб-чиқиши қоидалари, бино ҳамда ходимлар хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги вазифалар ва уларни амалга ошириш тартиби тўғрисида йўриқнома тасдиқланган

¹⁵⁰ Стребкова Е.Г. Принцип транспарентности судебной власти: конституционно-правовые вопросы. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Саратов, 2012.

¹⁵¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 сентябрдаги ПҚ-4818-сон қарори. <https://lex.uz/docs/4979896>

бўлиб, унинг 4-бўлими 1-бандига кўра судьялар, суд аппарати ходимлари ва фуқароларнинг шахсий хавфсизлигини, шунингдек суд биносида тартиби таъминлаш мақсадида судьялар ва суд ходимлари ҳамда судга ташриф буюрувчиларга ўқотар ва совуқ қуроллар, кимёвий ва портловчи моддалар, спиртли ичимликлар ҳамда атрофдагилар хавфсизлигига таҳдид солувчи бошқа буюм ва воситаларни, телефон аппаратлари, видеокамералар ва бошқа аудио-видео-ёзув аппаратурасини, катта ҳажмли нарсалар (хўжалик сумкалари, рюкзаклар, буюмлар солинадиган халталар, чемоданлар, саватлар)ни суд биносига олиб кириш тақиқланади. Шунингдек, йўриқноманинг 4-бандига кўра суд биносига маст ҳолатда бўлган, инсон қадр-қиммати ва одоб-ахлоқ қоидаларини таҳқирловчи ташки қиёфага эга бўлган, қонуний вакили ёки педагог кузатуvida бўлмаган 16 ёшга тўлмаган, катта ҳажмли сумка, чемодан, қути, тугун, ҳайвонлар билан ташриф буюрган, қўл юкини кўрикдан ўтказишдан, фуқаро паспорти ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатини текшириш учун тақдим этишдан бош тортган шахсларни киритилишига йўл кўйилмайди.

Қайд этиш лозимки, йўриқнома 1-бўлими 6-бандига кўра суд ажрими, суд хабарномаси, суднинг чақирив қофози ёки бошқа суд ҳужжати шахсни судга келишга асос бўлувчи ёки ҳуқуқ берувчи ҳужжатлар бўлиб ҳисобланади. Шу боис, йўриқноманинг 2-бўлими 7-бандида суд мажлисига келган судга ташриф буюрувчи шахслар суд мажлиси залига кириш ва чиқишига ҳафтанинг иш кунлари соат 09-00 дан 18-00 га қадар суд қабулхонаси масъул ходимлари томонидан белгиланган тартибда берилган рухсатномалар асосида шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар кўрсатилгандан кейин йўл кўйилиши назарда тутилган¹⁵².

Бундан шундай хulosага келиш мумкинки, суд мажлисига чақирилмаган, лекин ўз ихтиёри билан муайян суд мажлисида иштирок этиш истагида бўлган шахснинг суд биносига кириш масаласи ушбу ишни кўраётган судья томонидан ҳал этилиши судларда ишларни ошкора қўриш тамойилига тўлиқ монанд ҳисобланмайди. Фикримизча, суд биносининг суд мажлислари залига ҳар қандай шахс хавфсизлик қоидаларига амал қилган ҳолда

¹⁵² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2017 йил 30 августдаги РС-28-17-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий суди биносида тартиб-интизомни сақлаш, унга кириб-чиқиши қоидалари, бино ҳамда ходимлар хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги вазифалар ва уларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома.

тўсиқларсиз киритилиши, ушбу масала судья томонидан ҳал этилмаслиги, шахс ўзи хоҳлаган суд мажлисида иштирок этишига шароит яратиб берилиши мақсаддага мувофиқ бўлади.

БМТнинг Судъялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маъruzачиси Д.Гарсия-Саян одил судловнинг очиқлиги суд биносига кириш ва унда бўлиш учун зарур шароитларнинг яратилганлиги билан ҳам таъминланишини таъкидлайди. Бу борада у Ўзбекистонга берган тавсиясида суд биноларининг архитектурасини қайта кўриб чиқиш ва ногиронлар учун махсус йўлаклар ва кириш жойларини яратиш зарурлигини таъкидлайди. Бундан ташқари, сурдотаржимонлар сонининг чекланганлиги, ҳужжатлар ва суд қарорларининг имконияти чекланган шахслар учун мақбул форматда мавжуд эмаслиги, ногиронларнинг одил судлов тизимида адвокат, суд ходими ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими сифатида бевосита ёки билвосита иштирокини кенгайтириш бўйича сиёsat юритилмаслиги ҳам суд ишларини юритишнинг очиқлигини тўлиқ таъминламайди¹⁵³.

Умумий қоидага кўра Англияда суд жараёнлари очик бўлиб, аҳолини асоссиз суд залидан чиқариб юбориш суд қарори устидан шикоят қилиш учун асос ҳисобланади. Шунга қарамай, агар барча ўриндиқлар банд бўлса, суд ўриндиқ етмаган шахсларни суд залидан чиқишиларини сўраши мумкин. Суд муҳокамасида ўн тўрт ёшдан кичик бўлмаган шахслар иштирок этишлари мумкин. Суд мажлисида фуқароларга ёзма қайдномалар қилишга фақат бу одил судловни амалга оширишга таъсир кўрсатмаса рухсат берилади¹⁵⁴.

Э.Сабиров суд мажлисининг ошкоралиги масаласи унда иштирок этиши мумкин бўлган субъектлар доирасини аниқлашни тақозо этиши нуқтаи назаридан “Судлар тўғрисида”ги Қонунга ўн олти ёшга тўлган ҳар қандай шахс суд жараёни бўлиб ўтадиган биноларга бемалол кириш, суд залида бўлиш ва суд жараёнини кузатиш ҳуқуқига эгалиги, суд мажлисида иштирок этишни истаган ва процесс иштирокчиси бўлмаган шахс учун суд мажлиси ўтказиладиган хонада ўтириш жойлари етарли бўлмаган ҳолларда, судда раислик қилувчи судья ушбу шахсларни суд мажлиси залидан чиқишини талаб қилишга ҳақлилиги, бундай ҳолларда судъянинг

¹⁵³ <https://undocs.org/ru/A/HRC/44/47/ADD.1>

¹⁵⁴ Михайлов А. Независимость судей: понимание юридической традиции в Англии. <https://blog.pravo.ru/blog/3164.html>

қарорига биноан, процесс иштирокчиларининг қариндошлари, яқин дўстлари, шунингдек профессионал фаолият билан шуғулланувчи оммавий ахборот воситаларининг вакиллари суд жараёни бўлиб ўтадиган хонада қолишига ҳақлилиги ҳақидаги қоидаларни киритишни таклиф этади¹⁵⁵.

Судларнинг очиқлиги улар фаолияти ҳақида фуқароларнинг бевосита танишишларига имконият яратиш орқали ҳам таъминланади. Бунинг учун судларда мунтазам равища “очиқ эшиклар куни”ни ташкил этиш, унда кенг жамоатчилик институти вакилларининг иштирокини таъминлаш ва суднинг қандай фаолият юритишини суднинг ичидан туриб кузатиш, ахборот технологиялари ёрдамида суд ишларини қабул қилишдан тортиб, ишларни автоматик тарзда тақсимлаш ва қарор қабул қилишгacha бўлган жараёнларни кўрсатиш, судья ва суд ходимлари билан сұхбатлар ўтказиш аҳолида судлар ҳақидаги тасаввурни ижобий томонга ўзгартиришда катта аҳамият касб этади.

Суд ҳокимиятининг очиқлиги принципининг яна бир жиҳати *суд органларининг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлигидан* намоён бўлади. Зеро, суд ҳокимияти мустақиллиги ва матбуот эркинлиги ҳар бир хукукий демократик давлатнинг асосий белгиларидан биридир. О.Ўсаровнинг фикрича, суд ҳокимияти мустақиллиги ва матбуот эркинлиги – бу муштарак тушунчалар бўлиб, хукукий демократик давлат ҳаётида муҳим аҳамият касб этади ва бирининг мустақиллигига раҳна соладиган омил иккинчисининг ҳам эркинлигини чегаралаб қўяди¹⁵⁶. Б.Сегизова ҳам шу нуқтаи назарни қувватлаган ҳолда оммавий ахборот воситалари суд жараёнининг очиқлиги ва ошкоралигининг энг муҳим воситаси эканлиги, суд ва ОАВ бир хукукий маконда фаолият юритиши, турлича табиат ва функцияларга эга бўлсада, аслида демократик давлатда битта вазифа – жамоатчилик манфаатларига хизмат қилишини, уларнинг хукукий ва самарали ҳамкорлигисиз суд корпуси олдидаги вазифаларни ҳал қилиш мушкул эканлигини қайд этади¹⁵⁷. Ш.Ш.Шорахметов судларда ошкора кўрилган ишларнинг

¹⁵⁵ Сабиров Э.К. Судлар фаолияти очиқлигини таъминлашнинг ташкилий-хукукий асослари. Юрид. фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -Т., 2020. 59-б.

¹⁵⁶ Ўсаров О.Суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситалари ўртасида ўзаро муносабат. – Т.: 2004. 49-бет.

¹⁵⁷ Сегизова Б. О доступности и гласности судебной системы.

https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31024136

ОАВ орқали ёритилиши жамият томонидан суд фаолиятининг халқ назоратига олинишини таъминлаши ва тарбиявий аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди¹⁵⁸.

Баъзи олимлар оммавий ахборот воситалари судлар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши зарур деб ҳисобласа, бошқалари суд фаолияти устидан ҳеч ким назорат ўрнатиши мумкин эмас, чунки ҳар қандай назорат суд мустақиллигига раҳна солади деган фикрни билдирадилар. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 15-моддаси оммавий ахборот воситаларининг коррупцияга қарши курашишдаги иштирокига бағишлиланган бўлиб, улар шу жумладан коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади¹⁵⁹. Бу эса судьяларнинг ҳуқуқни қўллаш бўйича адолатсизлик ва суиистъмолликка йўл қўймаслигига, суд низоларини холис ва бегараз ҳал этилишини таъминлашга хизмат қиласи.

Суд жараёнларини журналист томонидан бевосита, тўғридан-тўғри ёритиш аксарият ҳолларда поймол қилинган ҳуқуқи ҳимоя қилинаётган шахснинг дахлсизлик ҳуқуқига нисбатан жамоатчилик қизиқиши ҳамда ахборот олиш эркинлиги ҳуқуқига кўпроқ устуворлик беради. Айни вақтда ҳимоя қилинаётган ёки айбланаётган шахс вояга етмаган бўлса келажакда унинг жамиятга қайтиб қўшилиши, шаъни ва қадр-қиммати жамоатчиликнинг ахборот олиш манфаатидан устун туради. Шунинг учун оммавий ахборот воситалари суд ҳокимияти ва бевосита суд жараёнлари тўғрисидаги ўзларининг хабарларида муайян талабларга амал қилиши лозим бўлади ва бундай талаблар тегишли норматив ҳужжатларда ўз аксини топган¹⁶⁰.

“Судлар тўғрисида”ги Қонунининг 66-моддасига биноан муайян ишни ҳар томонлама, тўла ва холисона кўриб чиқишига тўсқинлик қилиш ёки ғайриқонуний суд ҳужжати чиқарилишига эришиш мақсадида судьяларга қандай бўлмасин таъсир кўрсатиш қонунга мувофик жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Судьядан кўрилган

¹⁵⁸ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. –Т.: Адолат. 2001. -36 б.

¹⁵⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 15-моддаси. <https://lex.uz/docs/3088008>

¹⁶⁰ Жамолов Б.У. Суд ҳокимияти (назария ва амалиёт масалалари): монография. – Т.: “Юрист-медиа маркази” нашриёти, 2011 йил, 133-бет.

ёки иш юритишидаги ишлар моҳияти бўйича бирон-бир тушунтиришлар беришни талаб қилиш, шунингдек қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари, кимга бўлмасин, танишиб чиқиш учун ишларни тақдим этиш тақиқланади. Оммавий ахборот воситалари ўз хабарларида муайян иш юзасидан суд муҳокамаси натижаларини олдиндан ўзича ҳал қилиб қўйишга ёки судга қандай шаклда бўлмасин таъсир кўрсатишга ҳақли эмас¹⁶¹.

“Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасида муайян иш бўйича суд қарори чиқмасдан туриб ёки суднинг қарори қонуний кучга кирмай туриб, унинг натижаларини тахмин қилиш ёхуд судга бошқача йўл билан таъсир кўрсатиш тақиқланиши, 40-моддасида оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлиши белгиланган¹⁶².

Ўзбекистон Республикаси судьялари одоб-ахлоқ кодексининг 14-моддасига кўра суднинг иш юритуvida бўлган ишлар бўйича қабул қилинган суд хужжатлари қонуний кучга киргунга қадар судья улар юзасидан оммавий ахборот воситаларида чиқиш қилишга ҳақли эмас. Агар оммавий ахборот воситаларида судьянинг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тарқалиши натижасида судлар ва судьялар фаолияти ҳақида нотўғри тасаввур пайдо бўлса, оммавий ахборот воситаларининг бундай чиқишлирига нисбатан судья қонун хужжатларида назарда тутилган усулларда муносабат билдириш хукуқига эга. Ҳимояланишнинг бошқача усуллари бўлмаган тақдирда, судья ўз шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш мақсадида хукуқни муҳофаза қилувчи органларга ёки танқидга омма олдида жавоб бериш учун оммавий ахборот воситалрига мурожаат қилишга ҳақли¹⁶³.

Демак, судлар ва ОАВнинг ҳамкорлиги судлар фаолиятининг очиқлигига, улар ҳақидаги маълумотларни қонунда белгиланган талабларга мувофиқ кенг оммага етказилишига, фуқароларнинг низолашилаётган хукукларини судлар томонидан ишончли ҳимоя қилинишига, аҳолининг судларга нисбатан ишончини кучайтиришга сабаб бўлади. Бунда ушбу ўзаро муносабатларнинг чегарасини аник

¹⁶¹ “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 66-моддаси.
<https://lex.uz/docs/5534923>

¹⁶² “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонуннинг 6,40-моддалари.
<https://lex.uz/docs/1106870>

¹⁶³ Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодекси. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаси. – Т.: “Адолат”, 2018. – 112 бет.

белгилаш, сўраб олинаётган ёки тарқатилаётган маълумотлар одил судловни амалга оширишга таъсир кўрсатмаслиги, судьяларнинг мустақиллигига дахл қилмаслиги ҳамда атайн судларнинг нуфузини туширмаслиги бўйича чора-тадбирларни кўриш лозим бўлади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги ПФ-6034-сон Фармонига мувофиқ вилоят ва унга тенглаштирилган судлар тузилмасида матбуот хизматлари ташкил этилди¹⁶⁴. Бироқ, судлар фаолиятига доир ахборотни қуийи судлар кесимида ҳам тўлиқ олишни таъминлаш мақсадида туманлараро, туман (шаҳар) судларида матбуот котибини жорий қилиш ёки ушбу вазифани судья ёки суд ходимларидан бири зиммасига юклаш ва уларнинг ушбу соҳадаги билим ва малакасини ошириш чораларини кўриш, улар фаолиятини тартибга солувчи асосий қоидаларни қабул қилиш зарур бўлади.

ОАВ ва жамоатчилик билан ишловчи матбуот котиби ва судья (суд ходими) зиммасига қуийдаги вазифаларни юклаш мақсадга мувофиқ:

- ОАВни қонунни қўллаш амалиёти ва янги тартиб-таомиллар билан таништириб бориш;
- суд қарорларининг мазмуни ва ҳуқуқий оқибатини жамоатчиликка тушунтириш;
- одил судловнинг шаффоғлигини таъминлаш бўйича судьялар ва жамоатчиликнинг манфаатдорлигини кучайтириш;
- кенг жамоатчилик вакилларининг судья ва суд ходимларининг фаолиятини тўғри қабул қилишини таъминлаш;
- ОАВни кузатиб бориш ва зарур ҳолларда эълон қилинган материалларга муносабат билдириш, ОАВ билан ҳамкорликни ривожлантириш ва ҳ.к.

Шунингдек, судларнинг фаолияти ҳақида кенг жамоатчилик вакилларини ишончли хабарлар билан тезкор равища таништириб бориш мақсадида ҳар бир вилоят миқёсидаги судларнинг веб-сайтларини яратиш ҳамда унда алоҳида фуқаролар, юристлар ва журналистлар учун мўлжалланган хабарларни бериб бориш, суд ишларининг статистикаси, суд қарорларининг матни, судга мурожаат қилишга оид хужжатлар намуналари ва бошқа маълумотларни жойлаштириб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

¹⁶⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги ПФ-6034-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/4910826>

Суд ҳокимиятининг очиқлиги нафақат суд органларининг, балки судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятини ошкора амалга оширишни ҳам англатади. “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ Кенгаш ўз фаолиятини очик тарзда, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа ташкилотлар ва фуқаролар, шунингдек оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда амалга оширади¹⁶⁵. Шунга кўра, Кенгаш фаолияти ҳақидаги ахборотни кенг жамоатчиликка етказиш, унинг янада очиқлигини таъминлаш мақсадида расмий веб-сайти (www.sudyalaroliykengashi.uz) ва узлуксиз ишлайдиган ишонч телефони “1190 ёки 200-26-00” ишга туширилган.

Шунингдек, 2017 йил 6 июлда Ўзбекистон Республикаси судьялари томонидан Ўзбекистон халқига мурожаат қабул қилингандан сўнг ҳар бир суд биносида фуқаролар ва юридик шахслар учун “фикр ва мулоҳазалар қутилари” ташкил қилиниб, ҳар қандай манфаатдор шахс суд ёки судья фаолиятига оид ўзининг фикрини ёзма равишда қолдириш имкони яратилди.

2017 йил 11 сентябрда янги таҳрирдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши натижасида мурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқишининг интерактив усуллари кенгайтирилди, мурожаатларни кўриб чиқиш натижаларини нашр этиб бориш йўлга қўйилди, такrorий мурожаатларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш, фуқароларни сайёр қабул қилиш ва оммавий қабул ташкил этиш хусусиятлари очиб берилди, видеоконференцалоқа ёрдамида фуқароларни масофавий қабул қилиш ташкил этилди, “ишонч телефонлари” орқали мурожаатни қабул қилиш, кўриб чиқишининг ҳуқуқий асослари яратилди, суд раисларининг виртуал қабулхоналари ташкил этилди, судларда мурожаатлар билан ишлаш бўйича алоҳида бўлимлар (бўлинма, гуруҳ) ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 113-моддаси ва “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 12-моддаси одил судловнинг ошкоралигига бағишлиланган бўлиб, уларда барча судларда ишлар очик кўрилиши ва ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилиши белгиланган. ФПКнинг 12-моддасига кўра давлат сирига, фарзандликка олиш сирига тааллуқли

¹⁶⁵ “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддаси. <https://lex.uz/docs/3153668>

маълумотлар мавжуд бўлган ишлар бўйича ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ишнинг муҳокамаси ёпиқ суд мажлисида ўтказилади. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотлар ошкор бўлишининг олдини олиш, ёзишмалар сирини ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни сақлаш мақсадида ёпиқ суд муҳокамаси ўтказилишига йўл қўйилади¹⁶⁶.

Япония Конституциясига мувофиқ судларда ишлар очиқ кўрилади. Агар суд бир овоздан суд муҳокамасининг ошкоралиги ахлоққа ёки оммавий тартибга зид эканлиги ҳақида қарорга келса, суд муҳокамаси ёпиқ ўтказилиши мумкин, яъни ушбу масалани ҳал қилиш суднинг ваколатига берилган. Сиёсий жиноятлар, матбуот билан боғлиқ жиноий қилмишлар, фуқароларнинг конституциявий хуқуқлари билан боғлиқ ишлар фақат очиқ суд мажлисида кўрилади. Кипр Республикаси Конституциясида ҳам шунга ўхшаш норма белгиланган бўлиб, унга кўра агар очиқ суд мажлиси нормал иш юритувига, давлат хавфсизлигига ва жамоат ахлоқига таъсир ўтказиши мумкин бўлса, суд суд муҳокамасини фақат тарафлар иштирокида ўтказиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин¹⁶⁷.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги процессуал қонунчилигига мувофиқ суд залида овозларни ёзиб олиш, фотосуратга, видеоёзувга, кинога олишга, шунингдек миллий оммавий ахборот воситалари (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар, теле-, радио-, видео, умумфойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларидағи веб сайtlар) ҳамда белгиланган тартибда аккредитациядан ўтган хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этиши фақат суд мажлисида раислик қилувчининг рухсати билан тарафлар розилигини олиш асосида йўл қўйилади. Суд хукмлари, ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари барча ҳолларда ошкора эълон қилинади ҳамда судья (судлов ҳайъати) томонидан ишда иштирок этувчи шахсларга унинг мазмuni тушунирилади. Судлар судлов фаолиятида ошкораликни таъминлаш мақсадида зарур ҳолларда режалаштирилган суд мажлислари ҳақида оммавий ахборот воситаларига, тегишли манфаатдор жамоат бирлашмалари ва жамоаларга хабар бериши,

¹⁶⁶ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 12-моддаси.

<https://lex.uz/docs/3517337>

¹⁶⁷ Яковлев Д.Ю. Пределы гласности судопроизводства (записки криминолога). //Ж.: Российский судья. -№7. -2020. С.58.

шунингдек суд мажлисларини бевосита корхона, муассаса ва ташкилотларда сайёр суд мажлислари тартибида ўтказиши мумкин.

Судларда ишларнинг ошкора кўрилиши тушунчаси нисбатан кенг бўлиб, унинг мазмунини нафақат судларнинг муайян ишни кўриб чиқишидаги ошкоралик, балки Олий суд Пленуми ва Раёсати, судларнинг кенгайтирилган йиғилишларининг очик ўтказилиши ҳам ташкил этади. Бироқ, “Судлар тўғрисида”ги Қонунда ушбу масала аниқ тартибга солинмаган. Хусусан, Қонунда Пленум мажлисларида Конституциявий суд раиси, Судьялар олий кенгаши раиси, Бош прокурор, адлия вазири, Адвокатлар палатаси раиси, судьялар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари иштирок этиши мумкинлиги белгиланган. Пленумнинг ваколатларидан бири – бу суд амалиётини умумлаштириш материалларини кўриб чиқиш ва қонунчиликни қўллаш масалалари бўйича тушунтиришлар беришдир. Муҳими, ушбу тушунтиришлар судлар, ушбу тушунтиришлар берилган қонун хужжатларини қўллаётган бошқа органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар учун мажбурийдир¹⁶⁸. Шунга кўра, ушбу мазмундаги Пленум қарорлари лойихалари нафақат тор доирадаги субъектлар орасида, балки оммавий муҳокамага қўйилиши ва билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида қабул қилиниши лозим.

Одил судловнинг ошкоралиги ҳуқуқий таълим ва тарбия нуқтаи назаридан қўйидагиларни таъминлашини таъкидлайди: фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ривожлантиради, суд жараёни иштирокчиларининг профессионаллик даражасини оширади, фуқароларни судлар фаолияти хақидаги ахборот билан таъминлайди, суд ҳокимияти нуфузини кучайтиради¹⁶⁹. Суд ишларини юритиш вазифаларини амалга ошириш нуқтаи назаридан одил судловнинг очиқлиги ишларни тўғри, ўз вақтида ва асослантирилган тарзда ҳал қилишга, судьялар мустақиллиги кафолатларини мустаҳкамлашга, одил судловни беғараз амалга оширишга, одил судловнинг тарбиявий ва превентив функцияларни амалга оширишига, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботнинг

¹⁶⁸ “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Қонунининг 20, 22, 25-моддалари. <https://lex.uz/docs/5534923>

¹⁶⁹ Полиева О.М. Принцип гласности и информационная открытость в современной системе российского правосудия. Экономический вестник Ростовского гос.университета. - 2009. Том 7, №4.

ўрнатилишига, судни ҳурмат қилиш муносабатининг шаклланишига кўмаклашади¹⁷⁰.

Демак, одил судловнинг ошкоралиги принципи суд мажлисида эркин иштирок этишни, суд мажлисида тегишли қайдномалар қилишни, овоз ва видеоёзишни, кинога олишни, суд қарорлари ва иш хужжатлари билан танишиш имконини беради. Ошкораликнинг амалда таъминланиши нафақат фуқароларнинг одил судловга бўлган ҳуқуқини таъминлайди, балки уларнинг судларга бўлган ишончини мустаҳкамлаб, жамиятда адолатни қарор топтириш, қонун устуворлигини таъминлаш каби суднинг асосий функциясини лозим даражада бажарилишига замин яратади.

Судлар фаолиятининг шаффоғлигини таъминлаш судлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, суд жараёнларини онлайн кузатиб бориш, суд қарорларини веб-сайтларда эълон қилиш, одил судлов ҳамда судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятида кенг жамоатчилик иштирокини таъминлаш каби усулларда амалга оширилади. Бунда одил судловни амалга ошириш жараёнида инсон омилини истисно этган ҳолда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш суд иш юритувининг янада шаффоғлигини таъминлайди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 авгуустдаги “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3250-сон қарори билан тасдиқланган 2017 – 2020 йилларда Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастурининг ижроси натижасида судларга масофадан туриб мурожаат қилиш, суд мажлисларида видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланиб иштирок этиш, судьялар ўртасида ишларни автоматик тарзда тақсимлаш, суд қарорларини Интернет тармоғида эълон қилиш, ижро хужжатларини электрон шаклда мажбурий ижрога юбориш тизимлари жорий этилди¹⁷¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 сентябрдаги “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4818-сон қарорида ушбу йўналишда

¹⁷⁰ Малешин Д.Я. Концепция реформы открытости правосудия // Законодательство. 2006. № 5.

¹⁷¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 авгуустдаги ПҚ-3250-сон қарори. <https://lex.uz/docs/3327998>

бажарилган ишларга ижобий баҳо берилиб, жумладан, сўнгги йилларда судлар фаолиятида замонавий технологияларни кенг жорий этиш бўйича амалга оширилган тадбирлар фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига ўз ҳуқуqlари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишни эркинлаштириш, умуман одил судловга эришишни ошириш ҳамда судлар фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш имконини берганлиги қайд этилди. Қарорга мувофиқ судлар фаолиятини рақамлаштиришнинг кейинги босқичдаги вазифалари этиб интерактив электрон хизматлар турларини кенгайтириш, ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш жараёнининг онлайн кузатиб борилишини таъминлаш, суд биноларида интерактив хизматлардан эркин фойдаланиш имкониятини яратиш, маҳсус ахборот дастурларини жорий этиш орқали судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, суд мажлисларида масофадан туриб, жумладан мобил қурилмалар ва электрон ҳамкорликнинг бошқа шакллари орқали иштирок этиш имкониятини кенгайтириш, иш бўйича тарафлар учун суд қарорларини онлайн тарзда олиш имкониятини яратиш, барча судларда суд мажлисларини иш бўйича тарафларнинг илтимосномаси ва раислик қилувчининг розилиги билан аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш ҳамда суд мажлислари баённомаларини ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда шакллантириш, апелляция ва кассация инстанцияси судларида ишларни судьялар ўртасида автоматик равишда тақсимлаш, барча иштирокчиларни суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида “SMS” хабар орқали бепул асосда хабардор қилиш, суд қарорларини иш бўйича тарафларга онлайн тарзда тақдим этиш, суд ишларини давлат архивига электрон шаклда топшириш ва қабул қилиш кабилар белгиланди¹⁷².

Суд қарорларини эълон қилиши масаласи ҳам судлар фаолиятининг шаффофлигини таъминловчи асосий воситалардан биридир. Бу масала Европа Кенгаши Вазирлар Кўмитасининг R(95)11-сон тавсияларида куйидагича тавсифланган: “Суд қарорларини кенг ёки аниқроғи, чекланмаган доирадаги ўқувчилар учун эълон қилиш муаммоси алоҳида аҳамиятга эга, бинобарин

¹⁷² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 сентябрдаги “Суд ҳокимиюти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4818-сон қарори. <https://lex.uz/docs/4979896>

барча судлар амалиёти ҳақида түлиқ ахборотга әгалик қонунни адолатли кўллашнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади”¹⁷³.

Суд қарорларини эълон қилишнинг аниқ шартлари ва тартиби, авваламбор, қонунчиликда белгиланиши лозим, чунки турлича талқин этилиши мумкин бўлган ёки тушунарсиз қоидаларнинг локал ҳужжатларда белгиланиши барча суд қарорларини ҳам эълон қилинmasлигига ёки бошқа салбий ҳолатларга сабаб бўлиши мумкин. Фикримизнинг далили сифатида ЖПКнинг 19-моддаси ва ФПКнинг 12-моддасида қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари тарафларнинг розилиги билан ёки шахсини қўрсатмаган тарзда суднинг расмий веб-сайтида эълон қилиниши мумкинлиги, ИПКнинг 11-моддасида эса эълон қилиниши, МСИЮтКнинг ўхшаш 13-моддасида бўлса умуман назарда тутилмаган бўлиб, қонунчиликнинг ўзида бу борада ягона ёндашув мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги ПҚ-3250-сон қарори билан тасдиқланган 2017 - 2020 йилларда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастурининг 10-бандида Олий суд зиммасига 2018 йил 1 апрелга қадар шахсий ҳаёт сири, тижорат сири сақланишини таъминлаш ва суд мажлислари қатнашчиларининг розилигини инобатга олган ҳолда суд қарорларини (ёпиқ суд мажлисларида чиқарилган суд қарорлари бундан мустасно) Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғида эълон қилиниши бўйича дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва жорий этиш¹⁷⁴, шунингдек 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сон Фармонида Олий суд веб-сайтида суд қарорларини тизимли равишда эълон қилиш тартибини босқичма-босқич жорий этиш вазифалари юклатилган. Ушбу вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Олий суд Раёсатининг 2018 йил 27 июлдаги РС-42-18-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси жиноят, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий судлар қарорларини Олий суд веб-сайтида эълон қилиш тўғрисидаги низомлар тасдиқланиб, 2018 йил 1 сентябрдан амалга киритилиши белгиланган.

Бу борада хорижий давлатлар қонунчилиги таҳлилига кўра, “Россия Федерациясида судлар фаолияти ҳақида маълумотга эга

¹⁷³ Рекомендация № R(95) 11 Комитета Министров Совета Европы относительно отбора, обработки, предоставления и архивации судебных решений в правовых информационно-поисковых системах // Доступ к правосудию. Страсбург, 1997, с. 54.

¹⁷⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги ПҚ-3250-сон қарори. <https://lex.uz/docs/3327998>

бўлишни таъминлаш тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддасига кўра ишларни судда кўриш билан боғлик маълумотлар: судга мурожаат қилишда фойдаланиладиган ҳужжатларнинг шакли ва мазмунига оид талаблар ва уларнинг намуналари, давлат божи миқдорлари, суд иш юритувида бўлган ишлар ҳақидаги маълумотлар суднинг вебсайтида жойлаштирилиши¹⁷⁵, “Қирғизистон Республикасининг давлат органлари ва маҳаллий ўзини бошқариш органларининг юритувидаги маълумотларга эга бўлиш тўғрисида”ги Қонуннинг 18-2-моддасига мувофиқ белгиланган шаклда чиқарилган ва эълон қилинган суд қарорларининг матнлари барчанинг танишиши учун очик ҳисобланиши¹⁷⁶, Арманистон Республикасининг Суд кодексининг 11-моддасига кўра якуний суд ҳужжатлари, қонунда ёки Олий судьялар кенгашининг қарорларида назарда тутилган ҳолларда эса бошқа хуқуқий ҳужжатлар суд ҳокимиятининг расмий сайтида эълон қилиниши шартлиги¹⁷⁷, Қозоғистон Республикасининг “Маълумот олиш тўғрисида”ги Қонуннинг 16-моддасига кўра судларнинг интернет ресурсларида қонунда белгиланган чекловлардан ташқари суд ҳужжатлари ва кўриладиган суд ишлари жадвали жойлаштирилиши шартлиги¹⁷⁸, Молдова Республикасининг “Суд тузилиши тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасига кўра суд қарорлари, апелляция ва Олий суд палаталарининг қарорлари вебсайтда эълон қилиниши белгиланган¹⁷⁹.

Шу билан бирга, юридик адабиётларда қонунчилик даражасида суд ҳужжатлари матнларини эълон қилишда шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш кафолатлари бўлиши кераклиги ҳақида фикрлар илгари суриласди.¹⁸⁰ Шу сабабли, эълон қилинган суд ҳужжатини факат ишда иштироқ этаётган шахсларнинг илтимосига биноан рақамлаш таклифи ўринли кўринади. Агар ишда иштироқ этаётган

¹⁷⁵http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_82839/1ed75ea05417a57ac8af12021391df2dc2930baa

¹⁷⁶ <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/202010>

¹⁷⁷ <http://www.parliament.am/legislation.php?sel=show&ID=6166&lang=rus#3>

¹⁷⁸ https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=39415981

¹⁷⁹https://www.legislationline.org/download/id/5368/file/MLD_Law%20on%20the%20Organization%20of%20Judiciary_am2013-ru.pdf

¹⁸⁰ Чижов М.В. Применение информационных и коммуникационных технологий в судебной деятельности в условиях формирования информационного общества: дис. ... канд. юр. наук: 12.00.11. – М., 2013. – С. 102.

шахсларнинг эътирози бўлмаса, суд ҳужжатлари матнлари тўлиқ Интернетдаги расмий веб-сайтга жойлаштирилиши керак¹⁸¹.

Юқоридагиларга кўра, “Судлар тўғрисида”ги Қонунда қонуний кучга кирган барча суд ҳужжатларини судларнинг босқичлилиги, ҳудудийлиги, ихтисослиги, иш тоифаси бўйича Олий суднинг веб-сайтида эълон қилиш, унинг муддати ва тартибини аниқ белгиловчи қоидаларни белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Суд ҳокимияти фаолиятининг шаффофлигини таъминлашда, унда коррупциявий иллатларга қарши курашишда **жамоатчилик назоратининг** аҳамияти жуда салмоқли ва самарали ҳисобланади, зеро бундан биринчи навбатда фуқаролар манфаатдор бўлиб, уларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларининг судлар томонидан ишончли ҳимоя қилинишига эришилади. Шу нуқтаи назардан, судларнинг шаффофлигини таъминлаш масаласи ҳукумат даражасидаги вазифа бўлиб, унинг самарали бажарилиши жамиятда адолатни қарор топтириш, аҳолининг тинч ва тотув яшашига эришиш, фуқароларнинг давлатга, шу жумладан судларга ишончини мустаҳкамлаш, бир сўз билан айтганда, давлат ва жамиятнинг тараққий этишига замин яратади.

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг 13-моддасида ҳар бир иштирокчи-давлат коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишда оммавий сектор доирасидан ташқари бўлган фуқаролик жамияти, ноҳукумат ташкилотлар каби алоҳида шахслар ва гурухларнинг фаол иштирок этишига кўмаклашиши, бундай иштирокни эса қарор қабул қилиш жараёнида шаффофликни кучайтириш, аҳолининг маълумотни эркин излаш, олиш, эълон қилиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқини самарали таъминлаш каби воситалар билан мустаҳкамлаш лозимлиги қайд этилган¹⁸².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги “Суд-хуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5482-сон Фармонида суд ишларини юритиш соҳасида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг қуйидаги шакллари назарда тутилган: Олий суд веб-сайтида суд қарорларини тизимли равища эълон қилиш тартибини босқичма-босқич жорий этиш, қабул

¹⁸¹ Сабиров Э.К. Судлар фаолияти очиқлигини таъминлашнинг ташкилий-хуқуқий асослари. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -Т., 2020. 72-б.

¹⁸² https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.shtml

қилинган суд ҳужжати ўқиб эшиттирилганидан сўнг унинг мазмун-моҳиятини суд процесси иштирокчиларига тушунтириш, судлар фаолияти тўғрисида жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларини ҳабардор қилиш мақсадида ҳар чоракда вилоят судлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари томонидан брифинглар ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатлари томонидан суд ишларини назорат тартибида, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар томонидан суд ишларини апелляция ва кассация тартибида кўриб чиқиши амалиёти обзорларини ҳар чоракда эълон қилиш¹⁸³.

Жамоатчилик назорати фуқаролик жамияти институтлари, кенг аҳоли томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятини қонунга мувофиқлик нуқтаи назаридан мунтазам назорат қилишни англатади. Бундай назорат одатда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятини таҳлил қилиш, бу борадаги жамоатчилик фикрини ўрганиш, шакллантириш, баҳолаш ва баён қилиш орқали намоён бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Судлар тузилмасини ҳамда судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида ҳеч қайси ҳокимият бўғинига бўйсунмайдиган орган – Судьялар олий кенгаши ташкил этилди. Кенгаш томонидан судьяликка номзодларни танлаш ва тайинлашда таъсирчан жамоатчилик назорати ўрнатилди”¹⁸⁴ деб таъкидланди.

Шунингдек, судьялар кенгашининг мажлисларида жамоатчиликнинг иштирок этиши ва унинг қарорларини эълон қилиш қонунда кафолатланган бўлиши ва амалиётда унга риоя қилиниши зарурлиги ҳақидаги Киев тавсияларининг 10-бандига¹⁸⁵ мувофиқ судьялар ҳамжамияти органларининг судьяликка номзодларни танлаш ва тайинлаш жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш мақсадида Судьялар олий кенгашининг 2018 йил 23 ноябрдаги СОҚҚ-907-III-сон қарори билан Конституциявий суд ва Олий суд

¹⁸³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги “Суд-хукуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5482-сонли Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.07.2018 й., 06/18/5482/1506-сон.

¹⁸⁴ <https://president.uz/uz/lists/view/1371>

¹⁸⁵ <https://www.osce.org/files/f/documents/5/b/71179.pdf>

судьяларидан ташқари барча судьялик лавозимларига номзодлар ҳақида жамоатчилик фикрини ўрганиш тартиби жорий қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2017 йил 13 июнда судьялар билан ўтказилган учрашувдаги “Қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш - барча эзгу мақсадларимизга эришишнинг энг муҳим шарти” мавзуидаги маъруzasида билдирилган вазифалардан келиб чиқсан ҳолда судьяни навбатдаги муддатга тайинлаш жараёнининг шаффофлигини таъминлаш, ушбу масалани факат номзодни ўрганган Кенгаш аъзосининг фикрига асосланиб ҳал қилишга йўл қўймаслик мақсадида Судьялар олий кенгашининг 2017 йил 7 августдаги СОҚҚ-236-Ш-сон қарори билан “Судьялар фаолиятига Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва тегишли халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг тавсифномаси асосида баҳо бериш мезонлари тўғрисида”ги низом ҳамда 2017 йил 7 августдаги СОҚҚ-237-Ш-сонли қарори билан “Судьяларни навбатдаги муддатга тайинлаш (сайлаш)да уларнинг охирги иш жойларидаги фаолияти ва кенг жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш тўғрисида”ги низом тасдиқланди. Мазкур ҳужжатларнинг қабул қилиниши оқибатида судьяларни навбатдаги муддатга тайинлаш (сайлаш) масаласини кўришда уларнинг охирги иш жойидаги фаолиятини синчилаб ўрганиш, уларнинг фаолияти ва ҳаёт тарзи ҳақидаги маълумотларни тўплаш ишларига кенг жамоатчиликни жалб қилиш орқали шаффофликка эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон Фармони билан тасдиқланган 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 44-банди ижросини таъминлаш мақсадида 2018 йил 24 апрелда Олий Мажлис ҳузурида Суд ҳокимиюти мустақиллигини таъминлашга кўмаклашиш комиссияси (кейинги ўринларда - Комиссия) ташкил этилган. Унинг асосий вазифалари этиб суд ҳокимиюти ва судьяларнинг мустақиллигини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатлари ижроси устидан тизимли мониторингни амалга ошириш, мавжуд муаммоларни, соҳага оид қонун ҳужжатларини танқидий таҳлил қилиш, одил судловни амалга оширишга ҳамда суд ҳокимиюти ва судьяларнинг мустақиллигига салбий таъсир кўрсатаётган омилларни аниqlаш, суд-хуқуқ соҳасидаги қонун

хужжатларини такомиллаштириш масалалари юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, ривожланган хорижий мамлакатларнинг суд ҳокимияти ва судьялар мустақиллигини таъминлаш борасидаги тажрибасини ўрганиш белгиланган¹⁸⁶. Комиссия томонидан амалга оширилган ишлар ва судлар фаолиятидаги муаммолар таҳлили натижасида суд ҳокимиятининг мустақиллигини кучайтиришга оид бир қатор қонун хужжатлари қабул қилиниб, зарур ҳуқуқий асослар яратилди. Мазкур давр мобайнида амалга оширилган салмоқли ишлар, яратилган ҳуқуқий кафолатлар мамлакатимизда суд ҳокимиятининг сиёсий, ижтимоий, молиявий ва процессуал мустақиллигини янада мустаҳкамлашга, судьяларнинг одил судловни амалга оширишидаги тўсиқларни бартараф этишга хизмат қилди.

Судлар фаолиятининг очиқлигини таъминлашга оид талаблар процессуал қонунчиликда ҳам назарда тутилган. Жиноят ишини судда кўриш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ёки меҳнат жамоаларининг вакиллари жамоат айловчиси ёки жамоат ҳимоячиси сифатида иштирок этишлари мумкинлиги процессуал қонунчиликда назарда тутилган. Бундай иштирок орқали жамоат айловчиси ёки жамоат ҳимоячиси ўзининг процессуал вазифасини ado этиш баробарида суд томонидан жиноят ишини кўриб чиқиш, адолатли, холис ва қонуний қарор қабул қилиниши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Шунингдек, “*халқ маслаҳатчиси*” институти ҳам судлар фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг яна бир кўринишидир. Қонунга мувофиқ одил судловни амалга оширишда халқ маслаҳатчилари судьянинг барча ҳуқуқларидан фойдаланадилар. Улар суд мажлисида ишни кўриш жараёнида келиб чиқадиган барча масалаларни ҳал қилишда ва хукм чиқаришда раислик қилувчи билан teng ҳуқуққа эгадирлар. Жиноят процессуал кодексининг 14-моддасида судьялар ва халқ маслаҳатчилари жиноят ишларини қонун асосида кўриб чиқишилари ва ҳал қилишлари белгиланган бўлиб, ушбу жараён ҳам халқ вакили бўлмиш халқ маслаҳатчилари томонидан судьялар фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга ошириш имкониятини яратади. Бу борада О.Ўсарнинг тўғри таъқидлашича,

¹⁸⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 24.04.2018 йилдаги 1635-Ш-сон қўшма қарорига 1-илова. <https://lex.uz/docs/4266195>

халқ маслаҳатчилари иш натижаларидан манфаатдор бўлмаган шахс сифатида судланувчига қандай жазо тайинлаш кўпроқ самара бериши ҳақида фикр билдиради ва бу суд томонидан тан олинади¹⁸⁷.

¹⁸⁷ Ўсаров О. Халқ маслаҳатчилари институти судлар фаолияти очиқлигини таъминлашга хизмат қиласи // http://uzbekistonovozi.uz/articles/index.php?ELEMENT_ID=41057

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017.
2. “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. <https://lex.uz/docs/5534923>
3. “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. <https://lex.uz/docs/3153668>
4. “Коррупцияга қарши курашиб тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. <https://lex.uz/docs/3088008>
5. “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. <https://lex.uz/docs/2381133>
6. “Суд қарорлари ва бошқа органлар актларини ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. <https://www.lex.uz/docs/26477>
7. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси. <https://lex.uz/docs/3523891>
8. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. <https://lex.uz/docs/97664#200535>
9. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси.
10. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси. <https://lex.uz/docs/3517337>
11. “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2012 йил 18 сентябрдаги ЎРҚ-335-сон Қонун. <https://lex.uz/docs/2037985>
12. “Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида”ги низом. <https://lex.uz/docs/2374282#2374558>
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4966-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/3121087>
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий суди хузуридаги судлар

фаолиятини таъминлаш департаменти ишини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2872-сон қарори. <https://lex.uz/docs/3252979>

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 июнда суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳволи, муаммолар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишидаги маъruzasi. <https://aza.uz/uz/posts/onun-va-adolat-ustuvorligini-taminlash-barcha-ezgu-ma-sadlar-13-06-2017>

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 августдаги “Судлар ва адлия органлари фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3240-сон қарори. <https://lex.uz/docs/3323071>

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги “Суд-хуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органлариiga ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5482-сон Фармони.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 марта “Судлар фаолияти таъминотини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 120-сон қарори. <https://lex.uz/-docs/310791>

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3250-сон қарори. <https://lex.uz/docs/3327998>

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/4910826>

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 декабрдаги ПФ-6127-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/5146554>

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 январдаги “Суд органлари фаолиятини молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6134-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/5215806>

23. Судьялар олий кенгашининг 2017 йил 22 августдаги “Судьяларнинг фаолиятини ўрганиш ва баҳолаш мезонлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш” тўғрисидаги СОҚҚ-248-III сон қарори.

24. Ўзбекистон Республикаси судьялар одоби кодекси. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши. -Т.: “Адолат”, 2018. – 112 бет.

25. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 21.02.2020 йилдаги “Суд муҳокамаси ошкоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги 04-сон қарори.

Халқаро шартномалар ва тавсиялар, хорижий давлатлар қонунлари:

26. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1966 йил 16 декабрдаги “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пакти. <https://lex.uz/docs/2640479>

27. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Суд ҳокимияти мустақиллигининг асосий принциплари”. БМТнинг 7-Конгресси томонидан 1985 йил 26 август-6 сентябрь кунлари Миланда қабул қилинган, БМТ Бош Ассамблеясининг 1985 йил 29 ноябрдаги 40/32-сонли резолюцияси билан маъқулланган. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/indep.shtml

28. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси. <https://lex.uz/docs/1461327>

29. Умумжаҳон судьялар хартияси. Халқаро судьялар ассоциацияси томонидан 17.11.1999 йилда маъқулланган. http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/bangalore_principles.shtml

30. Шарқий Европа, Жанубий Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатларида суд ҳокимияти мустақиллиги масалалари бўйича Киев конференцияси тавсиялари. 23-25 июнь 2010й. <https://www.osce.org/files/f/documents/a/a/73488.pdf>

31. Европа Иттифоқи Вазирлар Қўмитасининг аъзо давлатларга судьяларнинг мустақиллиги, самарадорлиги ва роли тўғрисидаги R (94) 12 сонли тавсияси, 1994 йил 13 октябрь.

32. Судьялар статути учун Европа хартияси. <https://rm.coe.int/16807473ef>

33. Консультативный Совет Европейских судей. Заключение № 21(2018) «О предупреждении коррупции среди судей». г. Загреб, 9 ноября 2018 г. ССJE (2018)3.

34. Доклад Венецианской комиссии (CDL-AD(2007)028) о назначениях судей. <https://rm.coe.int/0900001680700a62>

35. Коррупциянинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича стратегия режаси. Судьялар ва адвокатларнинг мустақиллиги бўйича Халқаро юристлар комиссияси Маркази (САММ). САММ йилномаси. 2000 йил. 127-бет.

36. Россия Федерацияси Конституцияси. <http://www.constitution.ru/10003000/10003000-9.htm>

37. Қозоғистон Республикаси Конституцияси. <http://www.constitution.kz/razdel7/>

38. Арманистон Республикаси Конституцияси. <https://www.president.am/ru/constitution-2015/>

39. “Умумий судлар тўғрисида”ги Грузия Конуни. <https://matsne.gov.ge/ru/document/download/90676/17/ru/pdf>

40. “Суд тузилиши ва судьялар мақоми тўғрисида”ги Украина Конуни.

https://kodeksy.com.ua/ka/o_sudoustrojstve_i_statuse_sudej/statja-17.htm

41. Россия Федерацияси Жиноят кодекси. http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/

42. Украина Жиноят кодекси. <https://zakon.rada.gov.ua/laws/show/2341-14#Text>

43. Қозоғистон Республикаси Жиноят кодекси. https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31575252&doc_id2=31575252#pos=450;-108&pos2=2026;-96

44. Беларусь Республикаси Жиноят кодекси. <https://xn----ctbcgfviccvinbf9bq8k.xn--90ais/>

45. Озарбайжон Республикаси Жиноят кодекси. http://continent-online.com/Document/?doc_id=30420353#pos=388;-60

46. Грузия Жиноят кодекси. <https://matsne.gov.ge/ru/document/view/16426?publication=229>

47. “Судлар ва судьялар тўғрисида”ги Озарбайжон Республикаси Конуни. Azerbaijan_law_on_Courts_1997_am2010_ru.pdf (legislationline.org)

48. Закон Малайзии «О вознаграждении судей». [http://www.agc.gov.my/agcportal/uploads/files/Publications/LOM/EN/Draf%20Muktamad%20Act%2045%20\(27%203%202018\).pdf](http://www.agc.gov.my/agcportal/uploads/files/Publications/LOM/EN/Draf%20Muktamad%20Act%2045%20(27%203%202018).pdf)

49. Федеральный закон РФ «О государственной защите судей, должностных лиц правоохранительных и контролирующих органов». <http://pravo.gov.ru/proxy/ips/?docbody=&nd=102035214>

50. Федеральный закон РФ “Об обеспечении доступа к информации о деятельности судов в Российской Федерации”.

Илмий адабиётлар:

51. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз/ -Тошкент: “Ўзбекистон”, 2016. -566.

52. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. –Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2017. – 488б.

53. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2017. – 486.

54. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Навоий номидаги тил ва адабиёт институти. А.Мадвалиев таҳрири остида. –Т.: “Ўзбекистон миллый энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2006. -547 Б.

55. Мухитдинова Ф.Ф. Становление и развитие судебной власти в Республике Узбекистан. Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук. УДК 342.56 (575.1). -Ташкент, 2012.

56. Мингбоев У.К. Суд шундай ҳокимиятка... “Шарқ” нашриёт-матбаа нашриёти. Т., 1999, - 118 Б.

57. Независимость судебной власти. Коллектив авторов. https://spravochnick.ru/pravo_i_yurisprudenciya/organy_gosudarstvennoy_vlasti_rossiyskoy_federacii/nezavisimost_sudebnoy_vlasti/

58. Сулайманов О.Р. Суд ҳокимияти мустақиллигига оид халқаро-ҳуқуқий стандартларни имплементация қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари. Юридик фанлар доктори диссертацияси автореферати. -Т., 2020. -Б.15.

59. Сабиров Э.К. Судлар фаолияти очиқлигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. -Тошкент, 2021. -Б.9.

60. Казакова Е.В. Противодействие коррупции в судебной системе в условиях процессуального реформирования. Ж.: «Администратор суда», -№2, - 2020. С.48-52.

61. Исломилов Б.И., Гадоев Э.Ф. Коррупция тушунчаси ва унга қарши қурашишга оид атамалар изоҳли луғати. – Тошкент: “Тафаккур” нашриёти, 2019. – 186 б.

62. Каблов А.М. О взаимодействии Совета судей Ставропольского края с институтами гражданского общества. Ж.: Судья, - 2020. №6, стр.32.
63. Дмитриев Ю.А., Шапкин М.А., Шумилов Ю.И. Правоохранительные органы Российской Федерации: учебник // под ред. Ю.А.Дмитриева. – М.: изд-во «Омега-Л», 2010. – С. 269.
64. Бурдина Е.В. Многофункциональность органов судебского сообщества как гарантия независимости судебной власти. Актуальные проблемы российского права. 2015. № 8 (57) август, стр.188.
65. Изварина А.Ф. Судебная система России: концептуальные основы организации и совершенствования. М.: Проспект, 2014. С. 162.
66. Сангаджиев Б.В. Институциональные характеристики судебной власти в Российской Федерации: вопросы теории и практики: автореф. дис. Д.ю.н. - М., 2013. С.12.
67. Les conseils de la justice en Europe. Available at: https://www.coe.int/t/dghl/cooperation/ccje/textes/CSM-France-TR10_fr.pdf (French)
68. Жамолов Б.У. Суд ҳокимияти (назария ва амалиёт масалалари): монография. – Т.: “Юрист-медиа маркази” нашриёти, 2011 йил, 132-бет.
69. Пўлатов Б.Х. Судларда ишларни очик-ошкора кўриб чиқиш. Ж.: Одиллик мезони. - №5, 2020 -Б.36-38.
70. Стребкова Е.Г. Принцип транспарентности судебной власти: конституционно-правовые вопросы. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Саратов, 2012.
71. Руднев В.И. К проблеме доступа к судебной информации. Проблемы транспарентности правосудия: [монография] / [ред.сост. Е.Б. Абросимова, С.Л. Чижков]. – М.: ЛексЭст, 2005. – 328с.
72. Ўсаров О.Суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситалари ўртасида ўзаро муносабат. – Т.: 2004. 49-бет.
73. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал хуқуқи. –Т.: Адолат. 2001. -36 б.
74. Яковлев Д.Ю. Пределы гласности судопроизводства (записки криминолога). //Ж.: Российский судья. -№7. -2020. С.58.

75. Туманова Л.В. Вопросы транспарентности гражданского судопроизводства //Проблемы транспарентности правосудия. М.: ЛексЭст, 2005. С.202.

76. Чижов М.В. Применение информационных и коммуникационных технологий в судебной деятельности в условиях формирования информационного общества: дис. ... канд. юр. наук: 12.00.11. – М., 2013. – С. 102.

77. Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик суд ишларини юритишда ошкоралик тамойили ва жамоатчилик назоратини таъминлашнинг долзарб масалалари // Монография. – Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”. 2019. – 92-б.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КОНВЕНЦИЯСИГА (НЬЮ-ЙОРК, 2003 ЙИЛ 31 ОКТЯБРЬ) ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚЎШИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 24 июнда қабул қилинган.

Сенат томонидан 2008 йил 27 июнда маъқулланган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) қуийдаги билдиришлар, баёнотлар ва шартлар билан қўшиликсин:

1) Конвенция 6-моддасининг 3-банди бўйича: «Ўзбекистон Республикаси шуни билдирадики, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиб агентлиги, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ва Адлия вазирлиги коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда бошқа Иштирокчи-давлатларга ёрдам қўрсатиши мумкин бўлган органлар сифатида белгиланган»;

2) Конвенция 42-моддасининг 1 ва 3-бандлари бўйича: «Ўзбекистон Республикаси шуни баён қиладики, 15–19, 21, 22-моддаларда, 23-модданинг 1-бандида, 24, 25, 27-моддаларда назарда тутилган қиммишлар миллий қонунчиликка мувофиқ жиноий жазоланадиган қиммишлардир ва уларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг юрисдикцияси татбиқ этилади»;

3) Конвенция 44-моддасининг 6-банди бўйича: «Ўзбекистон Республикаси Конвенция 44-моддаси 6-бандининг «а» кичик бандига мувофиқ шуни билдирадики, у ушбу Конвенциядан коррупция жиноятлари содир этган шахсларни тутиб топшириш масалаларида ушбу Конвенциянинг бошқа Иштирокчи-давлатлари билан ўзаролик асосида ҳамкорлик қилиш учун ҳуқуқий асос сифатида фойдаланади»;

4) Конвенциянинг 46-моддаси бўйича:

а) 13-банд. «Ўзбекистон Республикаси шуни билдирадики, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратураси ўзаро ҳуқуқий

ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимосларни олиш ва бажариш ёки бундай илтимосларни бажариш учун Ўзбекистон Республикасининг бошқа ваколатли органларига юборишга жавобгар бўлган марказий органдир»;

б) 14-банд. «Ўзбекистон Республикаси шуни билдирадики, ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги илтимосларни юборишида ўзбек, рус ва инглиз тиллари мақбул тиллар сифатида белгиланган»;

5) Конвенциянинг 66-моддаси бўйича: «Ўзбекистон Республикаси Конвенция 66-моддасининг 3-бандига мувофиқ шуни баён қиласиди, у ўзини Конвенция 66-моддаси 2-бандининг қоидаларига боғлиқ деб ҳисобламайди».

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 7 июль,
ЎРҚ-158-сон

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ
КОНВЕНЦИЯСИ

БМТ Бош Ассамблеясининг 2003 йил 31 октябрдаги
58/4-сонли Резолюцияси билан тасдиқланган

(Ўзбекистон Республикаси учун 2008 йил 28 августда кучга кирган)

Преамбула

Мазкур Конвенцияга аъзо давлатлар коррупция демократик институтлар ва қадриятлар, этник қадриятлар ва адолатга путур етказиб ҳамда барқарор ривожланиш ва ҳуқуқ-тартиботга зарар келтириб, жамиятнинг барқарорлиги ва хавфсизлиги учун вужудга келтирадиган муаммо ва таҳдидларнинг жиддийлиги юзасидан ташвишга тушиб,

шунингдек, коррупция ва жиноятчиликнинг бошқа шакллари, хусусан, уюшган ва иқтисодий жиноятчилик ўртасидаги алоқалар, шу жумладан ноқонуний пул маблағларини легаллаштириш каби кўринишлардан хавотирланиб,

ҳамда давлатлар ресурсларининг катта улушкини ташкил этиши мумкин бўлган ва ушбу давлатларнинг сиёсий барқарорлиги ва изчил ривожланишини таҳдид остида соладиган катта ҳажмдаги активлар билан боғлиқ бўлган коррупция ҳолатлари кузатилиши сабабли ҳаяжонга тушиб,

эндиликда коррупция локал муаммодан бутун жамият ва барча мамлакатлар иқтисодиётига дахл қиласидиган ва бу билан коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликнинг жуда муҳим аҳамиятини белгилайдиган трансмиллий ҳодисага айланганлигига амин бўлиб,

шунингдек, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши самарали курашиш учун кенг қамровли ва кўп тарафлама интизомий ёндашув зарур эканлигига ишонч билдириб,

ҳамда самарали равишда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида салоҳиятни кучайтириш ва институтларни яратиш йўли билан давлатлар имкониятларини кенгайтиришда техник ёрдам кўрсатилиши муҳим рол ўйнаши мумкинлигини тан олиб,

ва айни пайтда, ноқонуний йўл билан шахсий мол-мулк ортириш демократик институтлар, миллий иқтисодиёт ва хукуктартиботга жиддий путур етказиши мумкинлигига амин бўлиб,

ноқонуний ортирилган активлар халқаро тартибда ўтказилишини янада самарали олдини олиш, аниқлаш ва бунга барҳам бериш ҳамда активларни қайтаришга қаратилган чораларни кўришда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга дадиллик билан киришишга шай бўлиб,

мулкий хукукларни аниқлаш учун жиноий, фуқаролик ёки маъмурӣ иш юритиш жараёнида қонунчиликда белгиланган хукуқий чораларни қўллаш борасидаги энг асосий тамойилларни эътироф этиб,

коррупциянинг олдини олиш ва буткул барҳам бериш – бу барча давлатларнинг вазифаси ва бу соҳадаги саъй-ҳаракатлар самарадорлигини таъминлаш учун фуқаролик жамияти, ноҳукумат ташкилотлар ва жамоалар негизида фаолият юритаётган ташкилотлар каби оммавий сектор доирасидан ташқарида алоҳида шахслар ва гурӯҳлар кўмаги ва иштирокида бир-бири билан ҳамкорлик қилишлари лозимлигини ҳисобга олиб,

ҳамда оммавий ишлар ва оммавий мол-мулкни тегишли даражада бошқариш, шунингдек адолат, масъулият ва қонун олдидаги тенглик, шунингдек, коррупцияни рад этадиган маданиятни шакллантиришга кўмаклашиш тамойилларини инобатга олиб,

жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноий одил судлов Комиссиясининг ҳамда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича Бошқармасининг ишига юқори баҳо бериб,

ушбу соҳада иш олиб бораётган бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотлар, шу жумладан Африка иттифоқи, Европа иттифоқи, Араб давлатлари лигаси, Америка давлатлари ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти ҳамда Божхона ҳамкорлиги бўйича Кенгаш (шунингдек Жаҳон божхона ташкилоти деб юритилади) томонидан олиб борилаётган ишларни далил сифатида келтириб,

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича қўп томонлама ҳужҷатларни, ва хусусан, Америка давлатлари ташкилоти томонидан 1996 йил 29 март куни қабул қилинган

Коррупцияга қарши курашиш бўйича Америкааро конвенцияси, Европа иттифоқи Кенгаши томонидан 1997 йил 26 майда қабул қилинган Европа ҳамжамиятининг мансабдор шахслариға ёки Европа иттифоқига аъзо давлатларнинг мансабдор шахслариға дахл қилган коррупцияга қарши курашиш бўйича Конвенцияси, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан 1997 йил 21 ноябрда қабул қилинган Халқаро тижорат амалиётларида хорижий мансабдор шахсларга пора беришга қарши курашиш бўйича Конвенцияси, Европа Кенгаши вазирлар Кўмитаси томонидан 1999 йил 27 январда қабул қилинган Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги Конвенцияси, Европа Кенгаши вазирлар Кўмитаси томонидан 1999 йил 4 ноября қабул қилинган коррупция учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги тўғрисидаги Конвенцияси ва Африка иттифоқига аъзо давлат ва хукуматлар раҳбарлари томонидан 2003 йил 12 июлда қабул қилинган Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга доир Африка иттифоқи Конвенциясини миннатдорчилик билан инобатга олиб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенцияси 2003 йил 29 сентябрдан бошлаб кучга кирганигини маъқуллаган ҳолда,

қуйидагилар юзасидан келишиб олдилар:

I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1- модда. Мақсадлар

Мазкур Конвенциянинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- а) янада самарали ва таъсирчан равишда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирларни қабул қилиш ҳамда мустаҳкамлашга қўмаклашиш;
- б) коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишда, шу жумладан активларни қайтариш борасида халқаро ҳамкорлик ҳамда техник ёрдам қўрсатилишини рағбатлантириш, осонлаштириш ва қўллаб-қувватлаш;

- с) ҳалоллик ва содиқлик, масъулиятлилик ҳамда оммавий ишлар ва оммавий мол-мулкни талаб даражасида бошқаришни рағбатлантириш.

2-модда. Атамалар

Ушбу Конвенциянинг мақсадлари учун:

а) «оммавий мансабдор шахс» дегани қуидагиларни англатади:

i) шахснинг мансаб даражасидан қатъи назар, доимий ёки муваққат асосда, иш ҳақи учун ёки иш ҳақини олмасдан иштирокчи Давлатнинг қонунчилик, ижроия, маъмурий ёки суд органида бирон лавозимни эгаллаб турган ҳар қандай тайинланадиган ёки сайланадиган шахс; ii) шунингдек, оммавий муассаса ёки оммавий корхона учун бирон оммавий вазифани бажараётган ёки иштирокчи Давлатнинг ички қонунчилигига белгиланган тартибда ва ушбу иштирокчи Давлатнинг ҳуқуқий тартибга солишнинг тегишли соҳасида қўлланиладиган тартибда бирон оммавий хизматни тақдим этаётган ҳар қандай бошқа шахс; iii) иштирокчи Давлатнинг ички қонунчилигига «оммавий мансабдор шахс» сифатида белгиланадиган ҳар қандай бошқа шахс. Шундай бўлсада, мазкур Конвенциянинг II бобида кўзда тутилган айрим муайян чораларни кўриш мақсадида «оммавий мансабдор шахс» сифатида, иштирокчи Давлатнинг ички қонунчилигига белгиланган тартибда ва ушбу иштирокчи Давлатнинг ҳуқуқий тартибга солишнинг тегишли соҳасида қўлланиладиган тартибда бирон оммавий вазифани бажараётган ёки бирон оммавий хизматни кўрсатаётган ҳар қандай шахс бўлиши мумкин;

b) «хорижий оммавий мансабдор шахс» деганда хорижий давлатнинг қонунчилик, ижроия, маъмурий ёки суд органида бирон лавозимни эгаллаб турган ҳар қандай тайинланадиган ёки сайланадиган шахс ва хорижий давлат учун, шу жумладан оммавий муассаса ёки оммавий корхона учун бирон оммавий вазифани бажарадиган шахс кўзда тутилади;

c) «оммавий халқаро ташкилотнинг мансабдор шахси» деганда халқаро фуқаро хизматчиси ёки бундай ташкилот томонидан унинг номидан иш юритиш ваколати берилган ҳар қандай шахс назарда тутилади;

d) «мол-мулк» деганда ҳар қандай моддий ёки номоддий, кўчмас ва кўчар активлар, буюмлар ёки ҳуқуқлар орқали ифодаланган активлар ҳамда бундай активларга мулкий ҳуқуқни ёхуд уларга бўлган қизиқиши исботлайдиган юридик ҳужжатлар ёинки далолатномалар каби ҳар қандай активлар тушунилади;

e) «жиноий даромадлар» деганда бирон жиноятни содир этиш натижасида бевосита ёки билвосита, харид қилинган ёки қўлга киритилган ҳар қандай мол-мулк назарда тутилади;

f) «опеоацияларини тўхтатиб қўйиш (ишга солмай туриш)» ёки «хатлаш» дегани мол-мулкни топшириш, шаклини ўзгартириш, бегоналаштириш ёки кўчиришни тақиқлаш, ёки бундай мулкка вақтинча эгалик қилишга киришиш, ёки суд қарори ёхуд бошқа ваколатли органнинг қарорига мувофиқ вақтинча уни назорат қилиш назарда тутилади;

g) «мусодара» суд ёки бошқа ваколатли органнинг қарорига мувофиқ мол-мулқдан бутунлай маҳрум этишни англатади;

h) «асосий хуқуқбузарлик» деганда жиноят таркибини ташкил этадиган ва бундай ҳаракатлар натижасида олинган даромадларга нисбатан мазкур Конвенциянинг 23 моддасида келтирилган жазо чоралари қўлланиладиган ҳар қандай хуқуқбузарлик кўзда тутилади;

i) «назорат остида етказиб бериш» деганда бирон жиноятни тергов қилиш ёки унда иштирок этган шахсларни аниқлаш мақсадида ваколатли органларнинг рухсати билан ва назорати остида ноқонуний ёки шубҳа уйғотадиган юклар туркумларини бир ёки бир неча давлатлар ҳудудларидан олиб чиқиш, ушбу ҳудудларга олиб ўтиш ёки олиб киришга йўл қўйиладиган услугуб назарда тутилади.

3-модда. Фойдаланиш доиралари

1. Мазкур Конвенция, унинг қоидаларига мувофиқ, коррупциянинг олдини олиш, тергов қилиш ва коррупция учун жиноий таъқиб қилиш ҳамда мазкур Конвенцияга мувофиқ жиноят йўли билан ортирилган, деб эътироф этилган даромадлар билан амалиётларни тўхтатиб қўйиш (ишга солмай туриш), хатлаш, мусодара қилиш ва қайтариш учун қўлланилади.

2. Мазкур Конвенцияни амалга ошириш мақсадида, агар унда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, айтиб ўтилган жиноятлар содир этилиши натижасида давлат мулкига зарар ёки талафот етказилиши мажбурий эмас.

4-модда. Суверенитетни ҳимоя қилиш

1. Иштирокчи давлатлар ўз мажбуриятларини мазкур Конвенцияга мувофиқ, суверен тенглик тамойиллари ва давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги ҳамда бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойилига асосланиб амалга оширадилар.

2. Ушбу Конвенцияда ҳеч нарса иштирокчи Давлатларни бошқа давлатлар ҳудудида ушбу давлатларнинг ички қонунчилигига мувофиқ фақат шу давлатлар органларининг ваколатига кирадиган юрисдикция ва функцияларни амалга ошириш ҳуқуқини бермайди.

II БОБ. КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ

5-модда. Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши ҳаракат қилиш сиёсати ва амалиёти

1. Ҳар бир иштирокчи Давлат, ўз хуқуқий тизимининг асосий тамойиллариға мувофиқ, коррупцияга қарши ҳаракат қилиш борасида, жамият иштирокига ёрдам берадиган ҳамда хуқуқтартибот, оммавий ишлар ва оммавий мол-мулкни керакли даражада бошқариш, ҳалоллик ва содиқлик, ошкоралик ва масъулиятлилик тамойилларини акс эттирадиган самарали ва мувофиқлаштирилган сиёсатни ишлаб чиқади ва амалга оширади ёки олиб боради.

2. Ҳар бир иштирокчи Давлат коррупциянинг олдини олишга қаратилган самарали амалиёт турларини белгилаш ва рағбатлантиришга ҳаракат қиласи.

3. Ҳар бир иштирокчи давлат коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш нұқтаи назаридан тегишли хуқуқий хужжатлар ва маъмурий чораларнинг мувофиқлигини аниқлаш мақсадида ularни вақти-вақти билан баҳолашга ҳаракат қиласи.

4. Иштирокчи давлатлар тегишли ҳолларда ва ўз хуқуқий тизимларининг асосий тамойиллариға мувофиқ ушбу моддада келтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга күмаклашишда бир-бири билан ҳамда тегишли халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласи. Ушбу ҳамкорлик коррупциянинг олдини олишга қаратилган халқаро дастур ва лойиҳаларда иштирок этишни қамраб олиши мумкин.

6-модда. Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши ҳаракат қилиш органи ёки органлари

1. Ҳар бир иштирокчи давлат ўз хуқуқий тизимларининг асосий тамойиллариға мувофиқ, қуйида күрсатилған чоралар ёрдамида, коррупциянинг олдини олиш ишларини амалга оширадиган орган ёки, тегишли ҳолатларда, органлар мавжуд бўлишини таъминлайди:

а) мазкур Конвенциянинг 5 моддасида тилга олинган сиёсатни олиб бориш ва, тегишли ҳолларда, бундай сиёсат олиб борилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

б) коррупциянинг олдини олиш масалалари бўйича билимларни кенгайтириш ва тарқатиш;

2. Ҳар бир иштирокчи Давлат мазкур модданинг 1 бандида баён этилган орган ёки органларга, улар ҳар қандай номақбул таъсирдан

холи шароитларда ўз вазифаларини самарали бажаришлари мумкин бўлиши учун, ўз хуқуқий тизимларининг асосий тамойилларига мувофиқ, зарурый мустақилликни таъминлайди. Уларга юклатилган функцияларни бажариш учун талаб этилиши мумкин бўлган керакли моддий ресурслар ва мутахассис ходимларни таъминлаш лозим.

3. Ҳар бир иштирокчи Давлат Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда бошқа иштирокчи Давлатларга ёрдам бериши мумкин бўлган орган ёки органларнинг номи ва манзилини хабар қиласди.

7-модда. Оммавий сектор

1. Ҳар бир иштирокчи Давлат, тегишли ҳолларда ва ўз хуқуқий тизимларининг асосий тамойилларига мувофиқ, фуқаро хизматчиларни ва, тегишли вазиятларда, бошқа сайланмайдиган оммавий мансабдор шахсларни ишга қабул қилиш, ёллаш, хизматни ўташ, хизмат давомида мансабга эришиш ва истеъфога чиқишининг қўйидагиларга асосланадиган тизимларини яратиш, қўллаб-куватлаш ва мустаҳкамлашга ҳаракат қиласди:

а) самарадорлик ва ошкоралик тамойилларига ҳамда бенуқсон фаолият, адолат ва қобилият каби холисона мезонларга асосланади;

б) тегишли ҳолатларда коррупция ва, маълум ҳолатларда бундай лавозимлардаги тегишли кадрлар ротацияси нуқтаи назаридан, айниқса заиф ҳисобланган оммавий лавозимларни эгаллаш учун кадрлар танлаш ва тайёрлашнинг тегишли таомилларини ўзига киритади;

с) иштирокчи Давлатнинг иқтисодий ривожланганлик даражасини ҳисобга олган ҳолда, тегишли мукофот тўлаш ва адолатли маошларни белгилашга хизмат қиласди;

д) бундай шахслар оммавий вазифаларни тўғри, вижданан ва тегишли даражада бажариш талабларига жавоб беришлари мумкин бўлиши учун маърифий ва ўқув дастурларни амалга оширишга кўмаклашадилар ҳамда коррупция билан ва ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлган хатарларни чуқурроқ англашлари мақсадида улар ихтисослашган ҳамда мувофиқ тайёргарликдан ўтишларини таъминлайдилар. Бу каби дастурларда кодексларга асосланишлар ёки амалий соҳалардаги ахлоқ стандартлари мавжуд бўлиши мумкин.

2. Шунингдек, оммавий лавозимларга номзодлар ва сайловларга татбиқан мезонларни белгилаш учун ҳар бир иштирокчи Давлат,

мазкур Конвенциянинг мақсадларига қараб ва ўз ички қонунчилигининг асосий тамойилларирига мувофиқ, тегишли қонунчилик ва маъмурий чоралар кўриш имкониятларини кўриб чиқади.

3. Шу билан бирга, сайланадиган оммавий лавозимларга номзодларни ва, мумкин бўлган вазиятларда, сиёсий партияларни молиялаштиришда ошкораликни кучайтириш учун ҳар бир иштирокчи Давлат, мазкур Конвенциянинг мақсадларига қараб ва ўз ички қонунчилигининг асосий тамойилларирига мувофиқ, тегишли қонунчилик ва маъмурий чоралар кўриш имкониятларини кўриб чиқади.

4. Ҳар бир иштирокчи Давлат, ўз ички қонунчилигининг асосий тамойилларирига мувофиқ, ошкораликни таъминлашга хизмат қиласидиган ҳамда манфаатлар тўқнашуви юзага келишининг олдини оладиган тизимларни яратиш, қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлашга ҳаракат қиласиди.

8-модда. Оммавий мансабдор шахсларнинг Одоб ахлоқ кодекслари

1. Коррупцияга қарши курашиш мақсадида ҳар бир иштирокчи Давлат, ўз ҳуқуқий тизимининг асосий тамойилларирига мувофиқ, бошқа фазилатлар қатори, ўзининг оммавий мансабдор шахсларининг поклиги, ҳалоллиги ва масъулиятлилигини рағбатлантиради.

2. Хусусан, оммавий функцияларни тўғри, вижданан ва тегишли даражада бажариш учун ҳар бир иштирокчи Давлат ўз институционал ва ҳуқуқий тизимлари доираларида ўзини тутиш кодекслари ёки стандартларни қўллашга интилади.

3. Мазкур модданинг қоидаларини амалга ошириш мақсадида ҳар бир иштирокчи Давлат, тегишли ҳолларда ва ўз ҳуқуқий тизимининг асосий тамойилларирига мувофиқ, минтақавий, минтақалараро ва кўп тармоқли ташкилотларнинг тегишли ташаббусларини эътиборга олади, масалан, БМТ Бош Ассамблеясининг 1996 йил 12 декабрдаги 51/59-сонли қарорига иловада баён этилган давлат мансабдор шахслари ўзини тутишининг Халқаро кодекси.

4. Шунингдек, ҳар бир иштирокчи Давлат, ўз ички қонунчилигининг асосий тамойилларирига мувофиқ, оммавий мансабдор шахслар ўз функцияларини бажариш вақтида уларга маълум бўлиб қолган коррупцион ҳаракатлар тўғрисида тегишли

органларга хабар беришларига хизмат қиладиган чора ва тизимларни белгилаш имкониятларини кўриб чиқади.

5. Ҳар бир иштирокчи Давлат, тегишли ҳолларда ва ўз ички қонунчилигининг асосий тамойилларига мувофиқ, оммавий мансабдор шахсларни тегишли органларига, бошқа маълумотлар қатори, оммавий мансабдор шахслар сифатидаги функцияларида манфаатлар тўқнашувини юзага келтириши мумкин бўлган хизматдан ташқари фаолият, машғулотлар, инвестициялар, активлар ҳамда муҳим тухфа ёки нафлар тўғрисида декларацияларни тақдим этишга мажбур қиладиган чора ва тизимларни белгилашга ҳаракат қиласди.

6. Ҳар бир иштирокчи Давлат, ўз ички қонунчилигининг асосий тамойилларига асосан, мазкур моддага мувофиқ белгиланган кодекс ёки стандартларни бузадиган оммавий мансабдор шахсларга нисбатан интизомий ёки бошқа чораларни кўриш имкониятларини кўриб чиқади.

9-модда. Оммавий харидлар ва оммавий маблағларни бошқариш

1. Ҳар бир иштирокчи Давлат, ўз ҳуқуқий тизимининг асосий тамойилларига мувофиқ, бошқа хусусиятлар қатори коррупциянинг олдини олиш нуқтаи назаридан, ошкоралик, рақобат ва қарорларни қабул қилишининг холисона мезонларига асосланадиган тегишли харид тизимларини яратиш учун зарурый чораларни кўради. Улардан фойдаланиш бўйича тегишли охирги кўрсаткичларни кўзда тутиши мумкин бўлган бундай тизимлар, бошқа жиҳатлар қатори, қуидагиларга дахлдор:

а) савдоларнинг салоҳиятли иштирокчиларига уларнинг тендер талабномаларини тайёрлаш ва тақдим этиш учун етарли вақт бериш мақсадида, харид қилиш таомиллари ва сотиб олиш контрактларига тегишли бўлган ахборотни, шу жумладан савдоларда иштирок этишга таклифлар ҳақидаги ахборотни ва контрактларни тузиш тўғрисидаги тегишли ёки ўринли ахборотни оммавий тарқатиш;

б) контрактларни тузиш тўғрисидаги танлаш ва қарорларни қабул қилиш мезонларини ҳамда савдоларни ўтказиш ва эълон қилиш қоидаларини ҳисобга олган ҳолда, иштирок этиш шартларини олдиндан белгилаш;

с) қоидалар ва таомиллар тўғри қўлланилаётганлигини келгусида текширишга кўмаклашиш мақсадида оммавий харидлар

тўғрисида қабул қилинган қарорлар юзасидан олдиндан белгиланган ва холисона мезонлардан фойдаланиш;

д) мазкур бандга мувофиқ белгиланган қоидалар ёки таомилларга риоя қилмаган вазиятда ҳуқуқ учун курашиш ва ҳуқуқий ҳимоя бўйича юридик воситаларни таъминлаш учун самарали ички назорат тизими, шу жумладан норозилик шикоятини тақдим этишнинг самарали тизими;

е) тегишли ҳолатларда харидлар учун жавобгар бўлган ходимларга оид масалаларни тартибга солиш, масалан, муайян оммавий харидларга бўлган манфаатдорликни декларация қилиш тўғрисида талабнома, текшириш таомиллари ва профессионал тайёргарликка қўйиладиган талаблар.

2. Ҳар бир иштирокчи Давлат, ўз ҳуқуқий тизимининг асосий тамойилларига мувофиқ, оммавий маблағларни бошқаришда ошкоралик ва ҳисобдорликка кўмаклашиш бўйича тегишли чораларни кўради. Бундай чоралар, бошқа йўналишлар қатори, қуидагиларни қамраб олади:

а) миллий бюджетни тасдиқлаш таомиллари;

б) тушумлар ва харажатлар тўғрисидаги ҳисботларни ўз вақтида тақдим этиш;

с) бухгалтерия ҳисботи ва аудит стандартлари тизими ва бу билан боғлиқ бўлган назорат;

д) хатарларни бошқариш ва ички назоратнинг самарали ва таъсирчан тизимлари; ва

е) тегишли ҳолларда, мазкур бандда белгиланган талабларга амал қилинмаганда мувофиқлаштириш.

3. Ҳар бир иштирокчи Давлат, оммавий харажатлар ва даромадларга тегишли бўлган бухгалтерия китоблари, ёзмалар, молиявий ҳужжатлар ёки бошқа ҳужжатлар бут сақланишини таъминлаш учун, унинг ички қонунчилигининг асосий тамойилларига мувофиқ талаф этилиши мумкин бўлган фуқаролик-ҳуқуқий ва маъмурий чораларни кўради.

10-модда. Оммавий ҳисобдорлик

Коррупцияга қарши курашиш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир иштирокчи Давлат, ўз ички қонунчилигининг асосий тамойилларига мувофиқ, унинг оммавий маъмуриятининг, шу жумладан уни ташкил этилиши, фаолияти ва, тегишли ҳолларда, қарорларни қабул қилиш жараёнларига татбиқан, ошкоралигини кучайтириш учун талаф этилиши мумкин бўлган чораларни кўради.

Бундай чораларга, бошқа амаллар қатори, қуидагиларни киритиши мүмкін:

- а) ақолига, тегишли ҳолларда, оммавий маъмуриятни ташкил қилиш, унинг фаолият юритиши ва қарор қабул қилиши жараёнлари тұғрисидаги, ҳамда хусусий ҳаёт ва шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш заруратини англаған ҳолда, ақоли манфаатларига дахлдор қарорлар ва юридик амаллар юзасидан ахборотта эга бўлишга имкон берадиган таомил ёки қоидаларни қабул қилиш;
- б) тегишли ҳолларда, қарорларни қабул қилувчи ваколатли органлар хузурига киришда оммавий имконга эга бўлишни осонлаштириш учун маъмурий таомилларни соддалаштириш; ва
- с) оммавий маъмуриятда коррупция хатари ҳақидаги даврий ҳисботларни киритиши мүмкін бўлган ахборотни эълон қилиш.

11-модда. Суд органлари ва прокуратура органларига доир чоралар

1. Суд хокимиятининг мустақиллиги ва у коррупцияга қарши курашишда ҳал қилувчи роль ўйнашини ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир иштирокчи Давлат, ўз ҳуқуқий тизимининг асосий тамойилларига мувофиқ ва суд органлари мустақиллигига путур етказмаган равишда, судьялар ва суд органлари ходимлари ҳалоллиги ва поклигини кучайтириш ҳамда улар орасида коррупция илдиз отишига ҳеч қандай имкон бермаслик чораларини кўради.

2. Мазкур модданинг 1 бандида баён этилганга ўхшаш чоралар прокуратура органлари суд хокимияти таркибиға кирмайдиган, лекин суд органларида бўлгани каби мустақилликка эга бўлган иштирокчи Давлатларнинг прокуратура органларида қўлланилиши мүмкін.

12-модда. Хусусий сектор

1. Ҳар бир иштирокчи Давлат, ўз ички қонунчилигининг асосий тамойилларига мувофиқ, хусусий секторда коррупциянинг олдини олиш, бухгалтерия ҳисботи ва аудити стандартларини кучайтириш ва, тегишли ҳолларда, бундай чораларга риоя қилинmasлиги учун самарали, мутаносиб ва тийиб турувчи таъсир кўрсатадиган фуқаролик-ҳуқуқий, маъмурий ёки жиноий жазоларни белгилаш чораларини кўради.

2. Бундай мақсадларга эришишга қаратилган чоралар, бошқалар қатори, қуидагиларни қамраб олиши мүмкін:

- а) ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар ва тегишли хусусий ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликка кўмаклашиш;

б) тегишли хусусий ташкилотлар фаолиятида ҳалолликни таъминлаш учун мўлжалланган стандарт ва таомилларни, шу жумладан тадбиркорлар ва барча тегишли касб-хунарлар соҳиблари ўз фаолиятларини тўғри, вижданан ва тегишли даражада амалга оширишлари учун ва манфаатлар тўқнашуви юзага келишининг олдини олиш ҳамда тижорат корхоналар ўртасидаги муносабатларда ва бундай корхоналар ва давлат ўртасидаги муносабатларда ҳалол тижорат амалиёти қўлланилишини рағбатлантириш учун мўлжалланган стандарт ва таомилларни ишлаб чиқиша кўмаклашиш;

с) хусусий ташкилотлар фаолиятида ошкораликни таъминлашга кўмаклашиш, шу жумладан, тегишли ҳолларда, корпоратив ташкилотларни яратиш ва уларни бошқаришга дахлдор бўлган юридик ва жисмоний шахсларни солиштириш чораларини кўриш;

д) хусусий ташкилотлар фаолиятини тартибга солувчи, шу жумладан, оммавий органлар томонидан тижорат фаолиятини юритиш учун тақдим этиладиган субсидия ва лицензияларга оид таомиллар суиистеъмол қилинишининг олдини олиш;

е) собиқ оммавий мансабдор шахсларнинг профессионал фаолиятига нисбатан ёки бундай оммавий мансабдор шахслар хусусий сектордан истеъфога ёки пенсияга чиққанларидан кейин уларнинг ишига нисбатан (қачонки бу каби фаолият ёки иш шундай оммавий мансабдор шахслар ўз лавозимларини эгаллаб турганда ёки бундай ишлар устидан назорат олиб боргандарида уларнинг функциялари билан бевосита боғлиқ бўлганда), тегишли вазиятларда ва оқилона муддатга чекловлар белгилаш йўли билан манфаатлар тўқнашуви юзага келишининг олдини олиш;

ф) коррупцион ҳаракатларнинг олдини олиш ва аниқлашда ёрдам бериш ҳамда бундай хусусий ташкилотларнинг ҳисоб рақамлари ва керакли молиявий хужжатларини тегишли аудит ва сертификатлаштириш таомилларидан ўtkазиш мумкин бўлиши учун хусусий ташкилотлар, уларнинг тузилиши ва катта-кичиклигини ҳисобга олган ҳолда, ички аудит назоратини юритиш учун етарли механизmlарга эга бўлишларини таъминлаш.

3. Коррупциянинг олдини олиш мақсадида ҳар бир иштирокчи Давлат, ўз ички қонунчилиги ва бухгалтерия ҳисобини юритиш, молиявий ҳисботлар ҳамда бухгалтерия ҳисоблари ва стандартларини тақдим этишни тартибга солувчи қоидаларга мувофиқ, қуйида кўрсатилган ва мазкур Конвенция билан эътироф

этилган ҳар қандай жиноятни содир этиш учун қўлланиладиган ҳаракатларни тақиқлаш учун талаб этилиши мумкин бўлган чораларни кўради:

- а) норасмий ҳисобдорликни ташкил этиш;
- б) ҳисобга олинмаган ёки нотўғри рўйхатга олинган амалиётларни ўтказиш;
- с) мавжуд бўлмаган харажатлар ҳисобини юритиш;
- д) обьекти нотўғри идентификация қилинган мажбуриятларни акс эттириш;
- е) сохта хужжатлардан фойдаланиш; ва
- ф) бухгалтерия хужжатларини қонунчиликда белгиланган муддатлардан аввал атайлаб йўқ қилиш;

4. Ҳар бир иштирокчи Давлат мазкур Конвенциянинг 15 ва 16 моддаларига мувофиқ жиноят таркибининг элементларидан бири бўлиб, порани ифодалайдиган харажатлар ва, тегишли ҳолларда, коррупцион ҳаракатларга кўмаклашиш мақсадида амалга оширилган бошқа харажатлар солиқ солинишидан озод этилишини рад этади.

13-модда. Жамоат иштироки

1. Ҳар бир иштирокчи Давлат ўз имкониятлари доирасида ва ўз ички қонунчилигининг асосий тамойилларида мувофиқ, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш ҳамда жамият коррупция мавжудлиги, унинг сабаблари, хавфли хусусиятлари ва юзага келтирувчи таҳдидларини янада чуқурроқ англаши учун фуқаролик жамият, ноҳукумат ташкилотлар ва жамоатлар негизида фаолият юритувчи ташкилотлар каби оммавий секторнинг ташқарисида алоҳида шахслар ва гурухларнинг фаол иштирокига кўмаклашиш учун тегишли чораларни кўради. Бу каби иштирокни қуидаги чоралар ёрдамида мустаҳкамлаш лозим:

- а) аҳолини қарорларни қабул қилиш жараёнларига жалб қилишга кўмаклашиш ва унинг ошкоралигини ошириш;
- б) аҳоли учун ахборотга эга бўлишнинг самарали имкониятларини таъминлаш;
- с) аҳолига коррупцияга нисбатан чидаб бўлмайдиган муҳит яратишга хизмат қилувчи ахборотни етказишга қаратилган тадбирларни ўтказиш ҳамда оммавий таълим дастурлари, шу жумладан мактаб ва университетларда ўқув дастурларни амалга ошириш;
- д) коррупция тўғрисидаги ахборотни излаш, олиш, эълон қилиш ва тарқатиш эркинлигини ҳурмат қилиш, рағбатлантириш ва ҳимоя

қилиш. Бундай эркинликнинг маълум чекловлари белгиланиши мумкин, лекин улар қонунчиликда назарда тутилган бўлади ва қуидагилар учун зарур:

i) бошқа одамлар хуқуқлари ва обрўсими хурмат қилиш учун;

ii) аҳолининг миллий хавфсизлигини ёки оммавий тартибини, ёки соғлигини сақлаш, ёхуд ахлоқини ҳимоя қилиш учун.

2. Ҳар бир иштирокчи Давлат ушбу Конвенцияда тилга олинган коррупцияга қарши курашиш бўйича тегишли органлар аҳолига маълум бўлишларини таъминлаш учун маълум чораларни кўради ҳамда мазкур Конвенцияга мувофиқ шундай деб эътироф этилган биронта жиноятчилик сифатида қабул қилиниши мумкин бўлган ҳар қандай ҳоллар тўғрисида хабарларни, шу жумладан аноним тарзда, тақдим этиш учун бундай органлар ҳузурига кириш имкони билан таъминлайди.

14-модда. Пул маблағларини легаллаштиришнинг олдини олиш бўйича тадбирлар

1. Ҳар бир иштирокчи Давлат:

a) банклар ва банкдан ташқари молия муассасаларига нисбатан, шу жумладан пул маблағлари ёки қимматликларни ўтказиш билан боғлиқ расмий ёки норасмий хизматларни тақдим этувчи жисмоний ёки юридик шахсларга нисбатан ҳамда, тегишли ҳолларда, пул маблағларини легаллаштириш нуқтаи назаридан, ўз ваколати доираларида, бундай маблағларни легаллаштиришнинг барча шаклларини аниқлаш ва бунга йўл қўймаслик мақсадида кенг қамровли ички тартибга солиш ва назорат қилиш режимини белгилайди, ва шу билан бирга бундай режим, биринчи навбатда, мижоз шахсини аниқлашга оид талабларга ва, тегишли ҳолларда, мулкдор-бенифициарни идентификация қилиш, ҳисботни юритиш ва шубҳали операциялар тўғрисида хабарларни тақдим этишга асосланади;

b) мазкур Конвенциянинг 46 моддасига заарар етказмаган ҳолда, пул маблағларини легаллаштиришга қарши кураш олиб бораётган маъмурий, тартибга солувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа органлар (шу жумладан, бундай амал ички қонунчиликка мос келган ҳолатда, суд органлари ҳам) унинг ички қонунчилиги билан белгиланадиган шартларда, миллий ва халқаро даражаларда ҳамкорлик қилиш ва ахборот алмашишга қодир бўлишларини таъминлайди, ва шу мақсадларда кузатилиши мумкин бўлган пул маблағларини легаллаштириш ҳолатларига доир ахборотни йиғиш,

тахлил қилиш ва тарқатиш бўйича миллий марказ сифатида фаолият юритадиган молиявий тезкор ахборот бўлинмасини таъсис этиш ҳақидаги масалани кўриб чиқади.

2. Иштирокчи Давлатлар, ахборотдан тегишли даражада фойдаланишни таъминлашга қаратилган кафолатларга амал қилиш ҳамда қонуний капиталлар ҳаракатланишига ҳеч қандай тўсқинлик қилмаслик шарти билан, нақд пул маблағлари ва тегишли айланма маблағлар уларнинг чегараларидан ҳаракатланишини аниқлаш ва бундай ҳаракатланиш кетидан назорат олиб бориш бўйича амалда қўлланилиши мумкин бўлган чораларни кўриш масаласини кўриб чиқадилар. Бундай чоралар жисмоний шахслар ва тижорат корхоналар катта ҳажмдаги нақд пулларнинг трансчегаравий ўтказилиши ва тегишли миқдордаги айланма маблағлар топширилиши тўғрисида хабар беришлари лозимлиги бўйича талабни ўзига киритиши мумкин.

3. Иштирокчи Давлатлар молия муассасалари, шу жумладан пул маблағларини ўтказиш муассасалари қуйида кўрсатиб ўтилганларни амалга оширишлари юзасидан талаб белгилаш учун тегишли ва амалиётда қўллаш мумкин бўлган чоралардан фойдаланиш ҳақидаги масалани кўриб чиқадилар:

а) маблағларни электрон шаклда ўтказиш формулярларига ва улар билан боғлиқ хабарларга жўнатувчи тўғрисида аниқ ва мазмунли маълумот киритиш;

б) бундай ахборотни тўловни амалга оширишнинг бутун занжири бўйлаб сақлаб туриш;

с) жўнатувчи тўғрисида тўлиқ маълумотлар мавжуд бўлмаган вазиятда ўтказилган маблағларнинг чуқурлашган текширувани амалга ошириш.

4. Мазкур модданинг қоидаларига мувофиқ ва ушбу Конвенциянинг ҳар қандай бошқа моддасига зарар етказмаган ҳолда, тартибга солиш ва назорат қилишнинг ички режимини белгилашда иштирокчи Давлатларга минтақавий, минтақалараро ва кўп томонлама ташкилотларнинг пул маблағларини легаллаштиришга қарши курашишга қаратилган тегишли тавсияларига амал қилиш тавсия этилади.

5. Пул маблағларини легаллаштиришга қарши курашиш мақсадида иштирокчи Давлатлар суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳамда молиявий тартибга солиш органлари ўртасида глобал,

мintaқavий, субmintaқavий ва икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва рағbatлантиришга интиладилар.

III БОБ. ЖИНОЯТЧИЛИК ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИ

15-модда. Миллий оммавий мансабдор шахсларга пора бериш

1. Ҳар бир иштирокчи Давлат қўйида кўрсатилган ҳаракатлар атайлаб содир этилганда буни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўради:

а) оммавий мансабдор шахсга шахсан ёки воситачилар орқали ушбу мансабдор шахснинг ўзи учун ёхуд бошқа жисмоний ёки юридик шахс учун, ушбу мансабдор шахс ўз лавозим вазифаларини бажариш вақтида бирон ҳаракатни амалга ошириши ёки ҳаракат қилмаслиги мақсадида, бирон ноқонуний афзалликни ваъда қилиш, таклиф этиш ёки тақдим этиш;

б) бирон мансабдор шахс ўз лавозим вазифаларини бажариш вақтида бирон бир ҳаракат ёки ҳаракатсизлик мақсадида мансабдор шахснинг ўзи учун ёхуд бошқа жисмоний ёки юридик шахс учун бирон ноқонуний афзалликни шахсан оммавий мансабдор шахс томонидан ёки воситачилар орқали талаб қилиб ёки қабул қилиб олиш.

16-модда. Хорижий оммавий мансабдор шахсларга ва оммавий халқаро ташкилотларнинг мансабдор шахсларига пора бериш

1. Ҳар бир иштирокчи Давлат хорижий оммавий мансабдор шахсга ёки оммавий халқаро ташкилотнинг мансабдор шахсига шахсан ёки воситачилар орқали мансабдор шахснинг ўзи учун ёхуд бошқа жисмоний ёки юридик шахс учун, ушбу мансабдор шахс халқаро ишларни юритиш юзасидан тижорат ёки бошқа ноқонуний афзалликка эга бўлиш учун ўз лавозим вазифаларини бажариш вақтида бирон ҳаракатни амалга ошириши ёки ҳаракат қилмаслиги мақсадида бирон афзалликни ваъда қилиш, таклиф этиш ёки тақдим этиш, қачонки улар атайн содир этилганда, буни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўради.

2. Ҳар бир иштирокчи Давлат хорижий оммавий мансабдор шахсга ёки оммавий халқаро ташкилотнинг мансабдор шахсига шахсан ёки воситачилар орқали мансабдор шахснинг ўзи учун ёхуд бошқа жисмоний ёки юридик шахс учун, ушбу мансабдор шахс ўз лавозим вазифаларини бажариш вақтида бирон ҳаракатни амалга ошириши ёки ҳаракат қиласлиги мақсадида бирон афзалликни ваъда қилиш, таклиф этиш ёки тақдим этиш, қачонки улар атайнин содир этилганда, буни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўриш имкониятини кўриб чиқади.

17-модда. Оммавий мансабдор шахс томонидан мол-мулк талон-торож қилиниши, ноқонуний ўзлаштирилиши ёки кўзда тутилмаган мақсадларда ишлатилиши

Ҳар бир иштирокчи Давлат мансабдор шахснинг ўзи ёхуд бошқа жисмоний ёки юридик шахс фойда олиши мақсадида хизмат мавқеига кўра ушбу оммавий мансабдор шахснинг қарамоғида бўлган бирон-бир мол-мулк, оммавий ёки хусусий маблағларни ёхуд қимматли қоғозлар ёки исталган бошқа қимматли предметни мансабдор шахс томонидан ўғирланишини, ноқонуний ўзлаштирилишини ёки кўзда тутилмаган бошқа мақсадларда ишлатилишини, қачонки улар атайнин содир этилганда, буни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўради.

18-модда. Ғаразли мақсадларда мавқеидан фойдаланиш

Ҳар бир иштирокчи Давлат қўйида кўрсатилган ҳаракатлар атайлаб содир этилганда буни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чоралар кўриш имкониятини кўриб чиқади:

- оммавий мансабдор шахсга ёки исталган бошқа шахсга шахсан ёки воситачилар орқали иштирокчи Давлатнинг маъмурияти ёки оммавий органидан ушбу ҳаракатларнинг биринчи ташаббускори ёки исталган бошқа шахс учун бирон ноқонуний афзалликларни олиб бериш мақсадида ушбу мансабдор шахс ёки бошқа шундай шахс ўзининг ҳақиқий ёки тахмин қилинган нуфузини суистеъмол қилиши эвазига бирон ноқонуний афзалликларни ваъда қилиш, таклиф этиш ёки тақдим этиш;

б) оммавий мансабдор шахс томонидан ёки воситачилар орқали оммавий мансабдор шахс ёки бошқа шундай шахс иштирокчи Давлатнинг маъмурияти ёки оммавий органидан шахсан ўзи ёки бошқа шахс учун бирон ноқонуний афзалликларни олиб бериш мақсадида ушбу мансабдор шахс ёки бошқа шундай шахс ўзининг ҳақиқий ёки тахмин қилинган нуфузини суистеъмол қилиши учун бирон ноқонуний афзалликларни талаб қилиб ёки қабул қилиб олиш.

19-модда. Хизмат лавозимининг суистеъмол қилиниши

Ҳар бир иштирокчи Давлат хизмат ваколатларидан фойдаланишни ёки хизмат лавозимини суистеъмол қилишни, яъни оммавий мансабдор шахс ўз лавозим вазифаларини бажариш вақтида қонунга хилоф равишда шахсан ўзи ёки бошқа юридик ёхуд жисмоний шахс учун бирон ноқонуний афзалликларни олиш мақсадида бирон ҳаракатни амалга ошириши ёки ҳаракат қилмаслигини, қачонки улар атайн содир этилганда, буни жиной жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўриш имкониятини кўриб чиқади.

20-модда. Ноқонуний тарзда бойлик орттирилиши

Ҳар бир иштирокчи Давлат, ўз конституцияси ва хуқуқий тизимининг энг муҳим принципларига риоя қилиш шартида, ноқонуний тарзда бойлик орттирилишини, яъни оммавий мансабдор шахс активлари унинг қонуний даромадларидан оқилона асосланиб берила олмайдиган даражада ошиб кетишини, қачонки улар атайн содир этилганда, буни жиной жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўриш имкониятини кўриб чиқади.

21-модда. Хусусий секторда пора бериш

Ҳар бир иштирокчи Давлат иқтисодий, молиявий ёки тижорат фаолиятида давомида қуйида кўрсатилган ҳаракатлар атайлаб содир этилганда буни жиной жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чоралар кўриш имкониятини кўриб чиқади:

а) хусусий сектор ишини ташкил қилишга раҳбарлик қилаётган ёки ушбу ташкилотда исталган лавозимда ишлаётган шахснинг ўзига ёки бошқа шахсга, ушбу шахс ўз хизмат вазифаларига хилоф бўлган бирон ҳаракатни амалга ошириши ёки ҳаракат қилмаслиги эвазига шахсан ёки воситачилар орқали бирон афзалликни ваъда қилиш, таклиф этиш ёки тақдим этиш;

б) хусусий сектор ишини ташкил қилишга раҳбарлик қилаётган ёки ушбу ташкилотда исталган лавозимда ишлаётган шахснинг ўзига ёки бошқа шахсга, ушбу шахс ўз хизмат вазифалариға хилоф бўлган бирон ҳаракатни амалга ошириши ёки ҳаракат қилмаслиги эвазига шахсан ёки воситачилар орқали бирон ноқонуний афзалликни талаб қилиб ёки қабул қилиб олиш.

22-модда. Хусусий секторда мулкнинг ўғирланиши

Ҳар бир иштирокчи Давлат иқтисодий, молиявий ва ёки тижорат фаолияти давомида хусусий сектор ишини ташкил қилишга раҳбарлик қилаётган ёки ушбу ташкилотда исталган лавозимда ишлаётган шахс томонидан хизмат лавозимиға кўра ушбу шахснинг қарамоғида бўлган бирон-бир мол-мулк, хусусий маблағларни ёхуд қимматли қофозлар ёки исталган бошқа қимматли предметнинг ўғирланишини, ноқонуний ўзлаштирилишини ёки кўзда тутилмаган бошқа мақсадларда ишлатилишини, қачонки улар атайин содир этилганда, буни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чоралар кўриш имкониятини кўриб чиқади.

23-модда. Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштириш

1. Ҳар бир иштирокчи Давлат ўзининг ички ҳуқуқий тизимининг энг муҳим принципларига мувофиқ қуида қўрсатилган ҳаракатлар атайлаб содир этилганда буни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни қабул қиласди:

а) i) агар мол-мулк жиноий йўл билан топилгани аввалдан маълум бўлса ва уни жиноий манбасини яшириш ва сир тутиш мақсадида ёки асосий ҳуқуқбузарликни содир этишда иштирок этадиган исталган бошқа шахсга, у ўзининг жиноий хатти-ҳаракатлари учун жавобгарлиқдан бўйин товлашига ёрдам бериш мақсадида мол-мулкни конверсиялаш (ўзгартириш) ёки ўтказиш;

ii) агар мол-мулк жиноий йўл билан топилгани аввалдан маълум бўлса мол-мулкнинг ҳақиқий тавсифини, манбасини, тасарруф этиш усулини ёки унинг кимга тегишли эканини, жойини ўзгартиришни, мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни яшириш ва сир тутиш;

б) ўзининг ҳуқуқий тизимининг энг муҳим принципларига риоя қилиш шартида:

i) агар мол-мулкни олаётганда ушбу мол-мулк жиноий йўл билан топилгани аввалдан маълум бўлса ушбу мол-мулкни сотиб олиш, унга эгалик қилиш ёки ундан фойдаланиш;

ii) мазкур моддага мувофиқ жиноят деб тан олинган исталган ҳаракатларнинг бирида иштирок этиш, дахлдор бўлиш ёки ушбу жиноятни содир этиш мақсадида тил бириктириш, уни содир этишга уриниш, шунингдек уни содир этилишида шериклик қилиш, фитна ўюштириш ва қўмак бериш.

2. Мазкур модданинг 1-бандини амалга ошириш ёки қўллаш мақсадида:

a) ҳар бир иштирокчи Давлат мазкур модданинг 1-бандини асосий ҳуқуқбузарликларнинг энг кенг доираси учун қўллашга интилади;

b) ҳар бир иштирокчи Давлат асосий ҳуқуқбузарликлар сирасига камида мазкур Конвенцияга мувофиқ жиноят деб тан олинган ҳаракатларнинг кенг қамровли доирасини киритади;

c) юқорида келтирилган (b) кичик банднинг мақсадлари учун асосий ҳуқуқбузарликлар сирасига тегишли иштирокчи Давлат юрисдикцияси доирасида ҳам, доирасидан ташқарида ҳам содир этилган жиноятлар киради. Лекин бирон иштирокчи Давлатнинг юрисдикцияси доирасидан ташқарида содир этилган жиноятлар фақат мазкур жиноий ҳаракат содир этилган давлатнинг ички қонунчилигига кўра жиноий жазога лойиқ деб топилса ва ушбу модда амалга оширилаётган ёки қўлланилаётган иштирокчи Давлатнинг ички қонунчилигига кўра, агар бу жиноят айнан шу давлатда содир этилиб, жиноий жазога лойиқ деб тан олинсагина асосий ҳуқуқбузарликлар деб тан олинади.

d) ҳар бир иштирокчи Давлат Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига мазкур моддадаги ҳолатлар амалга оширилишини таъминловчи ўз қонунларининг матнини, шунингдек ушбу қонунларга кейинчалик киритилган барча ўзгартишлар ёки уларнинг таърифланишларини тақдим этади

e) агар иштирокчи Давлатдаги ички қонунчиликнинг энг муҳим принциплари буни талаб қилса, у ҳолда мазкур модданинг 1-бандида кўрсатилган жиноятлар асосий ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларга тегишли бўлмаслигини кўзда тутиш мумкин бўлади.

24-модда. Жиноятни яшириш

Ҳар бир иштирокчи Давлат мазкур Конвенциянинг 23-моддасида келтирилган ҳолатлар учун заар етказмаган ҳолда

мазкур Конвенцияда жиноят деб топилган исталган жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин ушбу жиноятлар содир этилишида иштирок этмаган бўлсада, тегишли шахсга бу мол-мулк мазкур Конвенцияда жиноят деб топилган исталган жиноий ҳаракатлар содир этилиши натижасида орттирилган мол-мулкни яшириш ёки доимий равишда ушлаб туриш каби ҳаракатларни, қачонки улар атайин содир этилганда, буни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўриш имкониятини кўриб чиқади.

25-модда. Одил судловнинг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш

Ҳар бир иштирокчи Давлат қуида кўрсатилган ҳаракатлар атайлаб содир этилганда буни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чоралар қўради:

а) мазкур Конвенцияга мувофиқ жиноят деб тан олинган ҳаракатлар содир этилганлиги муносабати амалга оширилаётган жараён давомида сохта маълумотлар беришга мажбур қилиш ёки маълумотларни бериш ёхуд маълумотларни тақдим этиш жараёнига аралашиш мақсадида жисмоний куч ишлатиш, дўқ-пўписа қилиш ёки қўрқитиш ёхуд ваъда бериш ёки ноқонуний афзаликни таклиф қилиш ёки тақдим этиш;

б) мазкур Конвенцияга мувофиқ жиноят деб тан олинган ҳаракатлар содир этилганлиги муносабати амалга оширилаётган жараён давомида суд ёки ҳукуқни муҳофаза қилиш органларининг мансабдор шахси томонидан ўзининг хизмат вазифаларини бажаришига аралашиш мақсадида жисмоний куч ишлатиш, дўқ-пўписа қилиш ёки қўрқитиш. Мазкур кичик банддаги ҳеч нарса иштирокчи Давлатларнинг оммавий мансабдор шахсларнинг бошқа тоифалари ҳимоя қилинишини таъминловчи қонунчиликка эга бўлиш ҳукуқига зарар етказмайди.

26-модда. Юридик шахсларнинг жавобгарлиги

1. Ҳар бир иштирокчи Давлат, ўзининг ҳукукий принципларини ҳисобга олган ҳолда, мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган ҳаракатларда иштироки учун юридик шахсларнинг жавобгарлигини аниқлаш учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни кўради.

2. Юридик шахсларнинг жавобгарлиги, иштирокчи Давлатнинг хукуқий принципларига риоя қилиш шартида, жиной, фуқаролик-хукуқий ёки маъмурий бўлиши керак.

3. Бундай жавобгарликнинг юклатилиши жиноят содир этган жисмоний шахсларнинг жиноий жавобгарлигига заар етказмайди.

4. Ҳар бир иштирокчи Давлат, хусусан, ушбу моддага мувофиқ жавобгарликка тортилаётган юридик шахсларга нисбатан самарали, мутаносиб ва тўхтатувчи таъсирга эга бўлган жиноий ёки жиноий бўлмаган чоралар, шу жумладан пуллик жарималар қўлланилишини таъминлайди.

27-модда. Иштирок ва суиқасд

1. Ҳар бир иштирокчи Давлат мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган бирон-бир жиноий ҳаракатни содир этишда исталган сифатда, масалан, шерик, ёрдамчи ёки далолатчи сифатида қатнашишни ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат деб тан олинишини талаб қилиши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўради.

2. Ҳар бир иштирокчи Давлат мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган бирон-бир жиноий ҳаракатни содир этишга суиқасд ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат деб тан олинишини талаб қилиши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўради.

3. Ҳар бир иштирокчи Давлат мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган бирон-бир жиноий ҳаракатни содир этишга тайёргарликни ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат деб тан олинишини талаб қилиши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўради.

28-модда. Англаш, мақсад ва қасд жиноятнинг элементлари сифатида

Мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган бирон-бир жиноий ҳаракатнинг элементлари сифатида талаб этиладиган англаш, мақсад ва қасд ишнинг обьектив асл ҳолатларидан келиб чиқсан ҳолда аниқланиши мумкин.

29-модда. Даъво муддати

Ҳар бир иштирокчи Давлат, тегишли ҳолатларда, ўзининг ички қонунчилигига мос равишда, мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган исталган жиноий ҳаракатларга нисбатан иш қўзғатилиши учун узоқ даъво муддатини белгилайди ва жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахс одил судловдан бўйин товлаётган ҳолларда

даъво учун янада узоқ муддатни ёки даъво муддатини давом этишини тўхтатиш имкониятини белгилайди.

30-модда. Жиноий таъқиб, суд қарорларини чиқариш ва санкция

1. Ҳар бир иштирокчи Давлат мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган бирон-бир жиноий ҳаракатлар содир этилиши учун ушбу жиноятнинг хавфлилик даражасини ҳисобга оловчи жиноий жазолар қўлланилишини кўзда тутади.

2. Ҳар бир иштирокчи Давлат ўзининг ҳуқуқий тизими ва конституцион принципларига мувофиқ равишда оммавий мансабдор шахсларга ўзларининг вазифаларини бажаришлари муносабати билан тақдим этилган исталган иммунитетлар ёки юрисдикцион имтиёзлар ўртасидаги тегишли мувозанатлаштиришни белгилаши ёки таъминлаши ва зарурат туғилганида, мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий хатти-ҳаракатлар юзасидан самарали тергов ишларини олиб бориш ҳамда жиноий иш қўзғатиш ва суд қарорини чиқариш имкониятини талаб қилиши мумкин бўлган чораларни кўради.

3. Ҳар бир иштирокчи Давлат мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий хатти-ҳаракатларга нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилиш чоралар максимал даражада самарали бўлиши мақсадида ушбу жиноятларни содир этган шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатишга тааллуқли ўзининг ички қонунчилигига кўзда тутилган исталган дискрецион ва юридик ваколатлардан фойдаланишни таъминлашга интилади ва заруратнинг лозим бўлган даражасида бу каби жиноятлар содир этилишига монелик кўрсатади.

4. Ҳар бир иштирокчи Давлат мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий хатти-ҳаракатларга нисбатан, ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ ва ҳимоя ҳуқуқларини лозим даражада ҳисобга олган ҳолда, судгача озод қилиш тўғрисидаги қарор ёки кассация (шикоят) аризаси ёки қатъий норозилик (протест) билдирилгунига қадар қабул қилинадиган қарор билан боғлиқ бўлган шартларни белгилашда кейинчалик юритиладиган жиноий иш жараёнида айбланувчи албатта бўлишини таъминлаш заруратини ҳисобга олишни таъминлаш мақсадида тегишли чоралар кўради.

5. Ҳар бир иштирокчи Давлат жиноят содир этган шахсларни муддатидан олдин ёки шартли равишда озод қилиш масаласини кўриб чиқишида тегишли жиноятларнинг хавфлилик даражасини ҳисобга олади.

6. Ҳар бир иштирокчи Давлат ўз ҳуқуқий тизимининг энг муҳим принциплариға мувофиқ бўлган даражада мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий хатти-ҳаракатларни содир этишда айбланаётган оммавий мансабдор шахс, айбизилик презумпцияси принципини ҳурмат қилиш заруратини ҳисобга олган ҳолда, тегишли ҳолатларда тегишли орган томонидан ўз хизмат вазифаларини бажаришдан вақтинча четлатилиши ёки бошқа лавозимга ўтказилишини белгилаб берувчи тартиботни ўрнатиш имкониятларини кўриб чиқади.

7. Ҳар бир иштирокчи Давлат ўз ҳуқуқий тизимининг энг муҳим принциплариға мувофиқ бўлган даражада, агар жиноятнинг хавфлилик даражасини ҳисобга олганда ушбу ҳолат асосланган бўлса, мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий хатти-ҳаракатларни содир этишда айбланаётган шахсни суд қарори ёки бошқа тегишли чоралар ёрдамида ўзининг ички қонунчилигига белгиланган муайян муддатга қуидаги ҳуқуқлардан маҳрум қилиш учун тартибот белгиланиши имкониятларини кўриб чиқади:

- а) оммавий лавозимни эгаллаш; ва
- б) тўлиқ ёки қисман давлат тасарруфида бўлган бирон корхонада лавозим эгаллаш.

8. Мазкур модданинг 1-банди ваколатли органлар томонидан фуқаро хизматчиларга нисбатан интизомий ваколатлар амалга оширилишига тўскинлик қилмайди.

9. Мазкур Конвенциядаги ҳеч бир ҳолат ҳар бир иштирокчи Давлатнинг ички қонунчилиги доирасидаги мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий хатти-ҳаракатларни белгиловчи ва қўлланиладиган юридик эътиrozлар ёки хатти-ҳаракатларнинг қонунийлигини аниқлаб берувчи бошқа ҳуқуқий асосларга таянган принципларга таъсир қилмайди, бу каби жиноятларга нисбатан жиноий ишнинг қўзғатилиши ва белгиланиладиган жазо ушбу ички қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

10. Иштирокчи давлатлар мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий хатти-ҳаракатларни содир этгани учун жазолангандан шахсларни жамиятга реинтеграция қилинишига кўмак беришга интиладилар.

31-модда. Амалиётларни тўхтатиб қўйиш (ишга солмай туриш), хатлаш ва мусодара

1. Ҳар бир иштирокчи Давлат ўзининг ички ҳуқуқий тизими доирасида мумкин бўлган максимал даражада қуидагиларни

мусодара қилиш имкониятини таъминлашни талаб қилиши мумкин бўлган чораларни кўради:

а) мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий хатти-харакатлар йўли билан орттирилган даромадлар ёки қиймати ушбу даромадлар қийматига teng бўлган мол-мулк;

б) мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий хатти-харакатларни содир этишда фойдаланилган ёки фойдаланишга мўлжалланган мол-мулк, ускуналар;

2. Ҳар бир иштирокчи Давлат кейинчалик мусодара қилиш мақсадида мазкур модданинг 1-бандида санаб ўтилганларнинг исталганини аниқлаш, кузатиш, вақтинча ишга солмай туриш ёки хатлаш имкониятини таъминлаш учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни кўради.

3. Ҳар бир иштирокчи Давлат ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ мазкур модданинг 1- ва 2-бандларида кўрсатилган вақтинчалик ишга солмай турилган, хатланган ёки мусодара қилинган мол-мулкни ваколатли органлар томонидан бошқарилишини тартибга солиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўради.

4. Агар бу каби жиноий даромадлар қисман ёки тўлиқ ҳолда бошқа мол-мулкка айлантирилган ёки ўзгартирилган бўлса, у ҳолда мазкур моддада кўрсатилган чоралар ушбу мол-мулкка нисбатан қўлланади.

5. Агар бу каби жиноий даромадлар қонуний манбалардан олинган мол-мулкка қўшиб олинган бўлса, у ҳолда мол-мулкнинг қўшиб олинган даромадларнинг баҳоланган қийматига мувофиқ бўлган қисми вақтинчалик ишга солмаслик ёки хатлашга тааллукли исталган ваколатлар учун зарар етказилмаган ҳолда мусодара қилинади.

6. Бу каби жиноий даромадлар туфайли, жиноий даромадларнинг бошқа мол-мулкка айлантирилгани ёки ўзгартирилгани туфайли ёхуд бу каби жиноий даромадларнинг мол-мулкка қўшиб олинганлиги туфайли олинган фойда ёки бошқа афзалликларга ҳам мазкур моддада кўрсатилган чоралар худди жиноий йўл билан орттирилган даромадларга бўлганидек ва худди шундай даражада кўрилади.

7. Мазкур модда ва мазкур Конвенциянинг 55-моддасининг мақсадлари учун ҳар бир иштирокчи Давлат ўзининг судлари ёки бошқа ваколатли органларига банк, молиявий ёки тижоратга оид

хужжатларни тақдим этиш ёки ҳибсга олиш тўғрисидаги қарорларни чиқариш ваколатларини беради. Иштирокчи Давлат, банк сирини сақлаш заруратига ҳавола қилиб туриб, мазкур моддада келтирилган ҳолатларга мувофиқ чораларни кўришдан бош тортмайди.

8. Иштирокчи Давлатлар жиноят содир этган шахс мусодара қилиниши лозим бўлган бу каби жиноий йўл билан олингандиги тахмин қилинаётган даромадлар ёки бошқа мол-мулкнинг қонуний эканлигини исбот қилишини ички қонунчиликларининг энг мухим принципларига ҳамда судда ва бошқа маҳкамаларда муҳокама қилиниши хусусиятларига мувофиқ бўлган даражада талаб қилишни белгилаш имкониятини кўриб чиқишлари мумкин.

9. Мазкур модданинг ҳолатлари ҳалол учинчи шахсларнинг хукуқларига зарар етказадиган ҳолда талқин этилмайди.

10. Мазкур моддадаги ҳеч қандай ҳолат унда баён этилаётган чоралар иштирокчи Давлатнинг ички қонунчилигидаги ҳолатларга мувофиқ, уларга риоя қилиниши шартида белгиланиши ва амалга оширилиши тўғрисидаги принципга дахл қилмайди.

32-модда. Гувоҳлар, эксперталар ва жабрланувчиларнинг ҳимоя қилиниши

1. Ҳар бир иштирокчи Давлат ўз қонунчилигининг ички тизимига мувофиқ ва ўз имкониятлари чегарасида мазкур Конвенцияда жиноят деб топилган жиноий хатти-ҳаракатлар муносабати билан кўрсатмалар бераётган гувоҳлар ва эксперталарга нисбатан, тегишли ҳолатларда уларнинг қариндошлари ва уларга яқин бўлган бошқа одамларга нисбатан бўлиши эҳтимол тутилган ўч ёки дўқ-пўписалардан самарали ҳимоя қилишни таъминловчи тегишли чораларни кўради.

2. Мазкур модданинг 1-бандида кўзда тутилган чоралар, айбланувчининг хукуқлари, шу жумладан тегишли муҳокама ва ишни кўриш хукуқига зарар етказмаган ҳолда, ўз ичига қуидагиларни олиши мумкин:

а) ушбу шахсларни жисмоний ҳимоя қилиш тартиботини белгилаш, масалан – зарур бўлган ва амалий жиҳатдан амалга оширилиши мумкин бўлган даражада – уларни бошқа жойга кўчириш учун ва тегишли вазиятларда мумкин бўлган шундай ҳолатларни қабул қилиш, ушбу шахсларга шахсан тааллуқли ва уларнинг жойлашган манзили билан боғлиқ маълумотларни ошкор этмаслик ёки маълумотларнинг бундай ошкор этилишига чеклов ўрнатиш;

б) гувоҳлар ва экспертларга, уларни хавфсизлигини таъминловчи тарзда кўрсатмалар беришларига имкон берувчи, масалан видео алоқа каби алоқа воситалари ёки бошқа мувофиқ алоқа воситалари ёрдамида кўрсатмалар беришга рухсат беришдек исботлаш қоидаларини қабул қилиш.

3. Иштирокчи Давлатлар мазкур модданинг 1-бандида кўрсатилган шахсларни бошқа жойга кўчирилиши хусусида бошқа давлатлар билан келишув ёки битим тузиш имкониятини кўриб чиқадилар.

4. Мазкур модданинг ҳолатлари жабрланувчиларга нисбатан ҳам, уларнинг гувоҳ деб саналувчи даражасида қўлланилади.

5. Ҳар бир иштирокчи Давлат, ўзининг ички қонунчилигига риоя қилиш шартида, жиной иш кўриб чиқилишининг тегишли босқичларида жабрланувчиларнинг жиноят содир этган шахсларга нисбатан фикрлари ва хавфсирашларининг баён этилиши учун ҳимоя ҳуқуқларига зарар етказмайдиган тарзда имконият яратади.

33-модда. Маълумот берувчи шахсларни ҳимоя қилиш

Ҳар бир иштирокчи Давлат ваколатли органларга мазкур Конвенцияда жиноят деб топилган жиной хатти-харакатлар хусусида исталган далиллар тўғрисида ҳалол ва оқилона асосларга таянган ҳолда хабар бераётган шахсларни ҳимоя қилишга қаратилган тегишли чораларни ўзининг ички ҳуқуқий тизимига киритиш имкониятларини кўриб чиқади.

34-модда. Коррупцион ҳаракатларнинг оқибатлари

Ҳар бир иштирокчи Давлат, учинчи томонларнинг ҳалоллик билан қўлга киритган ҳуқуқларини тегишли тарзда ҳисобга олиб туриб, ўзининг ички қонунчилигининг энг муҳим принципларида мувофиқ тарзда коррупция оқибатлари хусусидаги масалани мувофиқлаштириш бўйича чоралар қўради. Иштирокчи Давлатлар бу контекстда коррупцияни, контрактларни бекор қилиш ёки кучдан қолдириш, концессияларни ёки шунга ўхшаш амалиётларни қайтариш ёки юзага келган ҳолатларни тўғрилашнинг бошқа чораларини амалга оширишда аҳамият касб этувчи омил сифатида кўришлари мумкин.

35-модда. Заарни қоплаш (компенсация)

Ҳар бир иштирокчи Давлат ўзининг ички қонунчилигининг принципларида мувофиқ тарзда бирон коррупцион ҳаракат оқибатида заар кўрган юридик ёки жисмоний шахслар кўрилган заарни қоплаш (компенсация олиш) мақсадида ушбу заар учун

жавобгар бўлган шахсларга нисбатан иш қўзғатиш ҳуқуқига эга бўлишлари учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни кўради.

36-модда. Ихтисослашган органлар

Ҳар бир иштирокчи Давлат ўзининг ички ҳуқуқий тизимининг асосий принципларига мувофиқ тарзда коррупция билан ҳуқуқбузарликларга қарши чора-тадбирлар ёрдамида курашишга ихтисослашган орган ёки органлар ёхуд шахслар бўлишини таъминлайди. Бундай орган ёки органлар ёхуд шахслар, иштирокчи Давлатнинг ички ҳуқуқий тизимининг асосий принципларига мувофиқ, ўз вазифаларини самарали ва бирон-бир ёки тегишли бўлмаган таъсирсиз бажаришлари учун зарур бўлган мустақиллик билан таъминланадилар. Бундай шахслар ёки бу каби органинг ходимлари ўз вазифаларини бажаришлари учун тегишли малака ва ресурсларга эга бўлишлари лозим.

37-модда. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик

1. Ҳар бир иштирокчи Давлат мазкур конвенцияда жиноят деб тан олинган бирон жиноий хатти-ҳаракатларда иштирок этаётган ёки иштирок этган шахсларни ваколатли органлар учун тергов ишларини олиб бориш ва исботлаш мақсадида фойдали бўлган маълумотларни тақдим этишга ва жиноятчиларни жиноий даромадлардан маҳрум қилишга ва бу каби даромадларни қайтариш бўйича чоралар кўрилишига кўмаклашувчи амалий ва аниқ ёрдам беришга рағбатлантиришни кўзда тутивчи тегишли чораларни кўради.

2. Ҳар бир иштирокчи Давлат мазкур конвенцияда жиноят деб тан олинган бирон жиноий хатти-ҳаракатлар билан боғлиқ тергов ишлари ёки жиноятни фош этиш давомида салмоқли даражада ҳамкорлик қилган айбланувчи шахсга нисбатан қўлланиладиган жазони юмшатиш имкониятини кўзда тутилиши тўғрисидаги масалани кўриб чиқади.

3. Ҳар бир иштирокчи Давлат, ўзининг ички қонунчилигининг энг муҳим принципларига мувофиқ, мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган бирон жиноий хатти-ҳаракатлар билан боғлиқ тергов ишлари ёки жиноятни фош этиш давомида сезиларли ва аҳамиятли даражада ҳамкорлик қилган шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилмаслиги имкониятини кўзда тутилиши тўғрисидаги масалани кўриб чиқади.

4. Бундай шахсларнинг химояси, mutatis mutandis, мазкур Конвенциянинг 32-моддасида кўзда тутилган тартибда амалга оширилади.

5. Мазкур модданинг 1-бандида кўрсатилган шахс бир иштирокчи Давлат худудида бўла туриб, иккинчи иштирокчи Давлатнинг ваколатли органлари билан аҳамиятли даражада ҳамкорлик қила олса, у ҳолда манфаатдор иштирокчи Давлатлар ўзларининг ички қонунчиликларига мувофиқ бундай шахс учун мазкур модданинг 2- ва 3- бандларида кўрсатилган режим тақдим этилиши мумкин эканлиги хусусида келишув ва битимлар тузиш имкониятини кўриб чиқишилари мумкин.

38-модда. Миллий органлар ўртасидаги ҳамкорлик

Ҳар бир иштирокчи Давлат ички қонунчилигига мувофиқ бир томондан ўзининг оммавий органлари, шунингдек оммавий мансабдор шахслари ва иккинчи томондан, содир этилган жиноятлар бўйича тергов ишларини олиб боришга ва жиноятни фош этиш учун масъул бўлган органлар ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантириш учун талаб этилиши мумкин бўлган чораларни кўради. Бу каби ҳамкорлик қўйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

а) агар мазкур Конвенциянинг 15-, 21- ва 23-моддаларида мувофиқ жиноят деб тан олинган исталган хатти-ҳаракатлар содир этилганини эътироф этиш учун оқилона асослар мавжуд бўлса, бундай масъул органларга ўзининг шахсий ташабbusи билан маълумотлар тақдим этилиши; ёки

б) тегишли илтимосга кўра, бундай органларга барча зарур маълумотларнинг тақдим этилиши.

39-модда. Миллий органлар ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорлик

1. Ҳар бир иштирокчи Давлат ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ миллий тергов органлари ва прокуратура органлари ҳамда хусусий сектор ташкилотлари, хусусан молиявий муассасалар билан мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий хатти-ҳаракатларнинг содир этилиши билан боғлиқ масалалар бўйича ҳамкорликни рағбатлантириш учун талаб этилиши мумкин бўлган чораларни кўради.

2. Ҳар бир иштирокчи Давлат одатда ўзининг худудида истиқомат қилувчи ўз фуқаролари ва бошқа шахслар миллий тергов органлари ва прокуратура органларига мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий хатти-ҳаракатларнинг содир этилгани

тўғрисида хабар беришларини рағбатлантириш масаласини кўриб чиқадилар.

40-модда. Банк сири

Ҳар бир иштирокчи Давлат мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий хатти-ҳаракатлар содир этилиши билан боғлиқ ички жиноий тергов ишлари олиб борилаётган ҳолатларда, банк сири тўғрисидаги қонунчилик ҳолатлари қўлланилиши натижасида юзага келувчи тўсиқларни енгиш учун, ўзининг ички ҳуқуқий тизими доирасида зарур тегишли механизмлар бўлишини таъминлайди.

41-модда. Судланганлик тўғрисидаги маълумотлар

Ҳар бир иштирокчи Давлат жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсга нисбатан бошқа давлатда илгари чиқарилган исталган айблов ҳукмини, мазкур Конвенцияда жиноят деб топилган жиноий хатти-ҳаракатлар билан боғлиқ жиноий тергов ишлар олиб борилишида ушбу маълумотдан фойдаланиш учун ўзи лозим деб топган шартлар ва мақсадларда ҳисобга олиши учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чоралар кўриши мумкин.

42-модда. Судловга тааллуқлилик (Юрисдикция)

1. Ҳар бир иштирокчи Давлат мазкур Конвенцияда жиноят деб топилган жиноий хатти-ҳаракатларга нисбатан ўзининг суд қилиш ҳуқуқини белгилаш учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни кўради, қачонки:

а) жиноят ушбу иштирокчи Давлатнинг ҳудудида содир этилса, ёки

б) жиноят содир этилиши ушбу иштирокчи Давлатнинг байроғи остидаги кемада ёки жиноят содир этилиши вақтида ушбу иштирокчи Давлат қонунчилигига мувофиқ рўйхатдан ўтган ҳаво кемаси бортида рўй берса.

2. Иштирокчи Давлат, шунингдек, мазкур Конвенциянинг 4-моддасига риоя қилиш шартида, исталган жиноятга нисбатан суд қилиш ҳуқуқини белгилаши мумкин, қачонки:

а) жиноят ушбу иштирокчи Давлат фуқаросига нисбатан содир этилган бўлса, ёки

б) жиноят ушбу иштирокчи Давлат фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган, одатда, унинг ҳудудида истиқомат қилувчи шахс томонидан содир этилган бўлса, ёки

с) жиноят мазкур Конвенциянинг 23-моддаси, 1(b)(ii) бандига мувофиқ тан олинган жиноятларнинг бири ҳисобланса ва ушбу

иштирокчи Давлат худудининг ташқарисида мазкур Конвенциянинг 23-моддаси, 1(a)(i) ёки (ii) ёки (b)(i) бандига мувофиқ жиноят деб топилган жиноий хатти-ҳаракатларни содир этиш мақсадида унинг ҳудудида амалга оширилган бўлса, ёки

d) жиноят ушбу иштирокчи Давлатга қарши содир этилган бўлса.

3. Мазкур Конвенциянинг 44-моддасининг мақсадлари учун ҳар бир иштирокчи Давлат жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахс унинг ҳудуди чегараларида бўлсада, лекин фақатгина ўзининг фуқароларидан бири бўлганлиги сабабли ушбу шахсни ушлаб бермаётган бўлса, у ҳолда мазкур Конвенцияда жиноят деб топилган жиноий хатти-ҳаракатларга нисбатан ўзининг суд қилиш ҳуқуқини белгилаш учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни кўради.

4. Ҳар бир иштирокчи Давлат, шунингдек, жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахс унинг ҳудуди чегараларида бўлиб, у ушбу шахсни ушлаб бермаса, мазкур Конвенцияда жиноят деб топилган жиноий хатти-ҳаракатларга нисбатан ўзининг суд қилиш ҳуқуқини белгилаш учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни ҳам кўриши мумкин.

5. Агар ўзининг суд қилиш ҳуқуқини мазкур модданинг 1- ёки 2- бандига кўра амалга оширувчи иштирокчи Давлат бошқа иштирокчи Давлатлар худди ўша ҳаракатлар хусусида текширув, жиноий иш ёки суд иши олиб бораётганлари ҳақида билдириш хати олса ёки бошқача тарзда бу ҳақда хабар топса, у ҳолда ушбу иштирокчи Давлатларнинг ваколатли органлари, тегишли ҳолатларда, ўз ҳаракатларини мувофиқлаштириш мақсадида бир-бирлари билан ўзаро маслаҳатлашадилар.

6. Мазкур Конвенция, умумий халқаро ҳуқуқ меъёrlарига зарар етказмаган ҳолда, иштирокчи Давлат томонидан ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ белгиланган исталган жиноий суд ҳуқуқини амалга оширилишини истисно этмайди.

IV БОБ. ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

43-модда. Халқаро ҳамкорлик

1. Иштирокчи Давлатлар мазкур Конвенциянинг 44 – 50- моддаларига мувофиқ жиноий-ҳуқуқий масалалар бўйича ҳамкорлик қиласидилар. Иштирокчи Давлатлар, агар бу мақсадга мувофиқ бўлса ва ўзларининг ички қонунчилик тизимларига тўғри

келса, коррупция билан боғлиқ бўлган фуқаролик-ҳуқуқий ва маъмурий ишларни текшириш ва амалга ошириш бўйича бир-бирларига кўмаклашиш имкониятини кўриб чиқадилар.

2. Агар халқаро ҳамкорлик масалалари билан боғлиқ ҳолатларда тегишли ҳаракатни жиноят деб икки томонлама тан олиш принципига риоя қилиниши талаб этилса, сўралаётган иштирокчи Давлатнинг қонунчилиги тегишли ҳаракатни жинояtlар тоифасига киритиш ёки киритмаслиги ёки сўров бераётган иштирокчи Давлат уни таърифлашда сўралаётган иштирокчи Давлат қўллайдиган атамалар каби атамалар билан таърифлаши ёки таърифламаслигидан қатъий назар, агар жиноят таркибини ташкил қилувчи ҳаракат иккала иштирокчи Давлатнинг қонунчилигига мувофиқ жиноий жазога лойик деб тан олинган бўлса, ушбу принципга амал қилинган ҳисобланади.

44-модда. Ушлаб бериш

1. Ушбу модда мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий хатти-ҳаракатларга нисбатан, агар ушлаб берилиши лозим бўлган шахс сўров берилган иштирокчи Давлат ҳудудида бўлса ва содир этилган хатти-ҳаракат сўров берилган иштирокчи Давлатда ҳам, сўров бераётган иштирокчи Давлатда ҳам жиноий жазога лойик деб топилиши шартида қўлланилади

2. Иштирокчи Давлат, мазкур модданинг 1-бандида келтирилган ҳолатлардан қатъий назар, ўзининг ички қонунчилигига жиноий жазога лойик деб топилмаган, лекин мазкур Конвенцияда кўзда тутилган бирон жиноят билан боғлиқ шахсни, агар унинг қонунчилиги бунга йўл қўйса, ушлаб беришга рухсат бериши мумкин.

3. Агар ушлаб бериш тўғрисидаги илтимос бир нечта алоҳида жинояtlар хусусида бўлса ва уларнинг ҳеч бўлмаганда биттаси мазкур моддага қўра ушлаб берилишга олиб келса, бошқалари эса жазо берилиши муддатлари бўйича ушлаб беришни истисно қилсаю, лекин мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган хатти-ҳаракатлар сирасига кирса, сўров берилаётган иштирокчи Давлат ушбу жинояtlарга нисбатан ҳам мазкур моддани қўллаши мумкин.

4. Мазкур модда қўлланиладиган ва ушлаб берилишига олиб келадиган жинояtlарнинг ҳар бири ушлаб бериш тўғрисида иштирокчи Давлатлар ўртасида тузилган исталган шартномага жиноят сифатида киритилган деб ҳисобланади. Иштирокчи Давлатлар, бу каби жинояtlарни, ушлаб берилишига олиб келадиган

жиноятлар сифатида ушлаб бериш түғрисидаги ўзаро тузиладиган шартномаларга киритиш мажбуриятини оладилар. Иштирокчи Давлат, агар ушлаб бериш учун асос сифатида мазкур Конвенциядан фойдаланса, мазкур Конвенцияда жиноят деб топилган исталган жиноий хатти-харакатларни, агар унинг қонунчилиги бунга йўл қўйса, сиёсий жиноят деб тан олмайди.

5. Агар иштирокчи Давлат ушлаб беришни шартнома мавжудлиги билан шартлаб берадиган бўлса, ушлаб бериш түғрисида у билан шартнома тузмаган бошқа иштирокчи Давлатдан ушлаб бериш ҳақида илтимоснома олганида, у мазкур модда қўлланиладиган исталган жиноят билан боғлик ушлаб бериш учун мазкур Конвенцияни асос сифатида қўллаши мумкин.

6. Ушлаб беришни шартноманинг мавжудлиги билан шартлаб берувчи иштирокчи Давлат:

а) ўзининг ратификацион ёрлигини ёки мазкур Конвенцияни қабул қилиши ёки тасдиқлаши ёхуд унга қўшилиши түғрисидаги ҳужжатни саклаш учун топшираётганида ушлаб бериш масалалари бўйича бошқа Давлатлар – мазкур Конвенциянинг бошқа иштирокчилари билан ҳамкорлик қилиш учун мазкур Конвенциядан ҳуқуқий асос сифатида фойдаланиши түғрисида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига маълумот беради.

б) агар у ушлаб бериш масалалари бўйича мазкур Конвенциядан ҳуқуқий асос сифатида фойдаланмаса, у ҳолда мазкур моддани қўллаш мақсадида мазкур Конвенциянинг бошқа иштирокчи Давлатлари билан, тегишли ҳолатларда, ушлаб бериш түғрисидаги шартномаларни тузишга интилади.

7. Ушлаб беришни шартноманинг мавжудлиги билан шартламайдиган иштирокчи Давлатлар бир-бирларининг ўртасидаги ўзаро муносабатларда мазкур модда қўлланиладиган жиноятларни ушлаб беришга олиб келадиган жиноий хатти-харакатлар деб тан оладилар.

8. Ушлаб бериш сўралаётган иштирокчи Давлатнинг ички қонунчилигига кўзда тутилган шартларга, шу жумладан, бошқа ҳолатлар билан бир қаторда, ушлаб беришга нисбатан минимал жазо белгиланиши талаблари билан боғлик шартларга ва сўралаётган иштирокчи Давлат ушлаб беришни рад этиши мумкин бўлган асосларга мувофиқ амалга оширилади.

9. Иштирокчи Давлатлар, мазкур модда қўлланиладиган исталган жиноятга нисбатан, ўзларининг ички қонунчиликларига

риоя қилиш шартида, ушлаб бериш тартиботини тезлаштириш ва у билан боғлиқ бўлган исбот-далилларни тақдим этишни соддалаштириш учун барча имкониятларини ишга соладилар.

10. Иштирокчи Давлат юзага келган вазият шуни талаб қилишини ва кечиктириб бўлмайдиган эканлигига амин бўлиб ҳамда сўров бераётган иштирокчи Давлатнинг илтимосига кўра, ўзининг ички қонунчилигидаги ҳолатларга ва ушлаб бериш тўғрисидаги ўзи имзолаган шартномаларга риоя қилган ҳолда, ўзининг худудида бўлган ва ушлаб берилиши сўралаётган шахсни ҳисбсга олиши ёки ушлаб бериш тартиботи жараёнида унинг бўлиши учун бошқа тегишли чоралар кўриши мумкин.

11. Иштирокчи Давлат, ўзининг худудида бўлган ва мазкур модда қўлланилаётган жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсни фақатгина ушбу шахс ўзининг фуқароси бўлгани сабабли ушлаб бермаётган бўлса, ушлаб беришни сўраётган иштирокчи Давлатнинг илтимосига кўра, тергов олиб бориш мақсадида, асосланмаган кечиктиришларсиз ишни ўзининг ваколатли органларига топшириши керак. Ушбу органлар ўз қарорларини қабул қиласидар ва мазкур иштирокчи Давлатнинг ички қонунчилигига асосланган ҳолда хавфли тавсифга эга исталган бошқа жиноятларга нисбатан бўлгани каби тергов ишларини амалга оширадилар. Манфаатдор иштирокчи Давлатлар бу каби жиноий ишлар юзасидан олиб бориладиган тергов ишлари самарали кечишини таъминлаш мақсадида бир-бирлари билан, хусусан, процесдуал масалалар ва исбот қилиш масалалари бўйича ҳамкорлик қиласидар.

12. Иштирокчи Давлатга, унинг ички қонунчилигига кўра, ўз фуқароларининг бирини ушлаб беришга ёки бошқа йўл билан топширишга фақатгина, ушбу шахснинг ушлаб берилишини ёки топширилишини сўраш билан боғлиқ бўлган суд муҳокамаси ёки тергов ишлари натижасида чиқарилган жазони ўташ учун мазкур иштирокчи Давлатга қайтариб берилиши шартида рухсат берилган ва бу иштирокчи Давлат ҳамда ушбу шахсни ушлаб берилишини сўраётган иштирокчи Давлат бу каби тартибга ва улар мақбул деб ҳисоблаган бошқа шартларга рози бўлган барча ҳолатларда, ушбу шахснинг бундай шартли равишда ушлаб берилиши ёки топширилиши мазкур модданинг 11-бандида белгиланган мажбурият бажарилиши учун етарли ҳисобланади.

13. Чиқарилган ҳукмни ижро этиш мақсадида сўралган ушлаб беришга қидирилаётган шахс сўров берилаётган иштирокчи Давлатнинг фуқароси бўлганлиги боис рад жавоби берилса, сўров берилаётган иштирокчи Давлат, агар унинг ички қонунчилиги бунга йўл қўйса ва бу ҳолат бундай қонунчиликнинг талабларига жавоб берса, сўров бераётган иштирокчи Давлатнинг мурожаатига биноан сўров бераётган иштирокчи Давлатнинг ички қонунчилигига мувофиқ чиқарилган ҳукмни ёки ҳукмнинг қолган қисмини ижро этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқади.

14. Мазкур модда қўлланиладиган исталган жиноятни содир этганлиги билан боғлиқ бўлган тергов ишлари борилаётган шахсга нисбатан тергов ишларининг барча босқичларида адолатли муносабатда бўлинниши, шу жумладан ушбу шахс жойлашган иштирокчи Давлатнинг ички қонунчилигига кўзда тутилган барча ҳуқуқ ва кафолатларнинг амалга оширилиши кафолатланади.

15. Агар сўров берилаётган иштирокчи Давлатда ушлаб бериш тўғрисидаги илтимос бирон шахснинг жинси, ирқи, диний эътиқоди, этник келиб чиқиши ёки сиёсий қараашлари сабабли таъқиб қилиш ёки жазолаш мақсадида қилинаётгани ёки ушбу илтимоснинг қондирилиши юқорида санаб ўтилган сабаблар бўйича ушбу шахснинг ҳолатига зарап етказиши мумкинлиги ҳақида салмоқли ва етарли асослар бўлса, у ҳолда мазкур Конвенциянинг ҳеч бир ҳолати ушлаб бериш мажбуриятини белгилайдиган тарзда талқин қилинмайди.

16. Иштирокчи Давлатлар ушлаб бериш тўғрисидаги илтимосга фақат жиноят солиқ масалалари билан боғлиқ деб топилган ҳолатлардагина рад эта олмайдилар.

17. Сўров берилаётган иштирокчи Давлат, ушлаб беришга рад жавобини беришдан аввал, ўз фикрини баён этиши учун етарли имконият ва ушлаб бериш тўғрисидаги илтимосда баён этилган далиллар билан боғлиқ маълумотлар тақдим этилиши учун, тегишли ҳолатларда, сўров бераётган Давлат билан маслаҳатлар ўтказади.

18. Иштирокчи Давлатлар ушлаб беришни амалга ошириш ёки самарадорлигини ошириш мақсадида икки томонлама ва кўп томонлама битимлар ёки келишувлар тузишга интиладилар.

45-модда. Ҳукм этилган шахсларни топшириш

Иштирокчи Давлатлар мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган хатти-харакатлари учун қамоқ жазосига ёки озодликдан маҳрум этишнинг бошқа турларига ҳукм қилинган шахсларни, улар

жазо муддатини ўзларининг ҳудудида ўташларини таъминлаш мақсадида, топшириш тўғрисидаги икки томонлама ёки кўп томонлама келишув ва битимлар тузиш имкониятларини кўриб чиқишлиари мумкин.

46-модда. Ўзаро ҳуқуқий ёрдам

1. Иштирокчи Давлатлар мазкур Конвенция билан қамраб олинган жиноятлар билан боғлиқ бўлган тергов ишлари, жиноий қидирув ишлари ва суд муҳокамаларида бир-бирларига энг кенг миқёсдаги ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатадилар.

2. Сўров бераётган иштирокчи Давлатда, мазкур Конвенциянинг 26-моддасига кўра, юридик шахс жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган жиноят билан боғлиқ тергов ишлари, жиноий қидирув ишлари ва суд муҳокамаси учун зарур бўлган ва тегишли қонунларга, халқаро шартномаларга ҳамда сўров берилаётган иштирокчи Давлатнинг келишув ва битимларига мувофиқ кўрсатилаётган ўзаро ҳуқуқий ёрдам имкон қадар максимал ҳажмда тақдим этилади.

3. Мазкур моддага мувофиқ тақдим этилаётган ўзаро ҳуқуқий ёрдам қўйидаги мақсадларнинг исталгани учун сўралиши мумкин:

- а) айrim шахслардан гувоҳлик кўрсатмалари ёки аризаларни олиш;
- б) суд хужжатларини топшириш;
- с) тинтуб ўтказиш ва хатлаш, шунингдек операцияларни тўхтатиб туриш (ишга солмай туриш);
- д) обьектлар ва ҳудуд участкаларини текширувдан ўтказиш;
- е) маълумотларни, ашёвий далиллар ва эксперталарнинг чиқарган хulosаларини тақдим этиш;
- ф) тегишли хужжат ва материаллар, шу жумладан ҳукумат, банк, молиявий, корпоратив ёки тижорат хужжатларининг асл нусхалари ва тасдиқланган нусхаларини тақдим этиш;
- г) исботлаш мақсадларида жиноий даромадлар, мол-мулк, жиноят содир этиш воситалари ёки бошқа предметларни аниқлаш ёки кузатиш;
- х) тегишли шахсларнинг сўров бераётган иштирокчи Давлатнинг органларига ихтиёрий равишда келишига кўмаклашиш;
- и) сўров бераётган иштирокчи Давлатнинг ички қонунчилигига зид бўлмаган исталган бошқа турдаги ёрдамни кўрсатиш;

j) мазкур Конвенциянинг V бобида келтирилган ҳолатларга мувофиқ жиноий даромадларни аниқлаш, ишга солмай туриш ва кузатиш;

k) мазкур Конвенциянинг V бобида келтирилган ҳолатларга мувофиқ активларни мусодара қилиш (муомаладан чиқариш).

4. Иштирокчи Давлатнинг ваколатли органлари, ички қонунчиликка зарар етказмаган ва зид бўлмаган ҳолда, жиноий-хуқуқий масалаларга тааллуқли маълумотларни бошқа иштирокчи Давлатнинг ваколатли органига, бундай маълумотлар ушбу органга тергов ишларини ва жиноий қидирув ишларини амалга оширишга ёки муваффақиятли якунлашга ёки ушбу иштирокчи Давлат томонидан мурожаатнома тузилишига олиб келишига ёрдам бериши мумкин деб хисобласалар, дастлабки мурожаатсиз топширишлари мумкин.

5. Мазкур модданинг 4-бандига мувофиқ маълумотнинг берилиши маълумотни тақдим этаётган давлатнинг ваколатли органлари тергов ишлари ва жиноий иш олиб борилишига зарар етказмаган ҳолда амалга оширилади. Маълумот олаётган ваколатли органлар ушбу маълумотнинг маҳфий хусусиятга эга жиҳатларини, ҳаттоки, вақтинчалик асосда сақлаш тўғрисидаги илтимосни бажарадилар ёки ундан фойдаланишга қўйилган чекловларга риоя қиласидилар. Бироқ, бу ҳолат, маълумотни олган иштирокчи Давлатга ўзида олиб борилаётган иш давомида айбланувчини оқлайдиган маълумотларни аниқлашга тўскинлик қилмайди. Бундай ҳолларда, маълумот олган иштирокчи Давлат, маълумотни ошкор қилишдан аввал, маълумотни тақдим этган иштирокчи Давлатга хабар беради ва, агар бу ҳакда мурожаат олинса, маълумот тақдим этган иштирокчи Давлат билан маслаҳатлашади. Агар, камдан-кам учрайдиган ҳолларда, аввалдан хабар беришнинг имкони бўлмаса, маълумот олаётган иштирокчи Давлат бу каби ошкор этилиш тўғрисида маълумот тақдим этаётган иштирокчи Давлатга хабар беради.

6. Мазкур модданинг ҳолатлари бирон бошқа, хоҳ икки томонлама, хоҳ кўп томонлама бўлишидан қатъий назар, ўзаро хуқуқий ёрдамни тўлиқ ёки қисман мувофиқлаштирувчи ёхуд мувофиқлаштирадиган шартнома бўйича мажбуриятларга тааллуқли эмас.

7. Мазкур модданинг 9 – 29 бандлари, агар тегишли иштирокчи Давлатлар ўзаро хуқуқий ёрдам тўғрисидаги бирон-бир шартнома

тузмаган бўлсалар, мазкур моддага асосан жўнатилган мурожаатларга нисбатан қўлланилади. Агар иштирокчи Давлатлар бу каби шартнома тузган бўлсалар ва иштирокчи Давлатлар ушбу шартноманинг тегишли ҳолатлари ўрнига мазкур модданинг 9 – 29 бандларини қўллашга рози бўлмасалар, у ҳолда шартноманинг айнан шу ҳолатлари қўлланилади. Иштирокчи Давлатларга, агар бу ҳамкорликка кўмак берадиган бўлса, айнан шу бандларни қўллаш тавсия қилинади.

8. Иштирокчи Давлатлар банк сирини маҳфий тутишга асосланган ҳолда, мазкур моддага кўра, ўзаро ҳуқуқий ёрдам тақдим этилишини рад этмайдилар.

9. а) Сўров берилаётган иштирокчи Давлат, агар тегишли хатти-харакат жиноят деб иккала тарафлама тан олинмаган бўлса, мазкур моддага кўра ёрдам берилиши тўғрисида қилинган мурожаатга жавоб беришда мазкур Конвенциянинг 1-моддасида кўрсатилган мақсадларни эътиборга олади;

б) иштирокчи Давлатлар тегишли хатти-харакат жиноят деб иккала тарафлама тан олинмаганига асосланган ҳолда мазкур моддага кўра ёрдам тақдим этилишидан бош тортишлари мумкин. Шу билан бирга, сўров берилаётган иштирокчи Давлат, ҳуқуқий тизимларининг асосий концепцияларига мувофиқ бўлиши шартида ва агар бундай ёрдам мажбурий чоралар кўрилиши билан боғлиқ бўлмаса, ёрдамни тақдим этади. Агар мурожаат de minimis хусусиятига эга бўлган масалалар билан боғлиқ бўлса ёки сўралаётган ҳамкорлик ёхуд ёрдам мазкур Конвенциянинг бошқа ҳолатига мувофиқ таъминланиши мумкин бўлса, бу каби ёрдамнинг кўрсатилишига рад жавоби берилиши мумкин;

с) ҳар бир иштирокчи Давлат тегишли хатти-харакат жиноят деб икки тарафлама тан олинмаганида мазкур моддага биноан катта ҳажмда ёрдам кўрсатишга қодир бўлиши учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни қабул қилиш имкониятларини кўриб чиқиши мумкин.

10. Ҳибсга олинган ва бир иштирокчи Давлат худудида қамоқ муддатини ўтаётган шахснинг мазкур Конвенцияда қамраб олинган жиноятлар билан боғлиқ бўлган шахсни аниқланиш, гувоҳлик бериш ёки тергов иши, кўрилаётган жиноий иш учун исбот-далиллар олиш мақсадларида бошқа иштирокчи Давлатда бўлиши талаб қилинаётган бўлса, у ҳолда қуйидаги талабларга риоя қилиш

шартида ушбу шахс бошқа иштирокчи Давлатга топширилиши мумкин:

а) ушбу шахс бунга ўзининг онгли тарзда розилигини берса;

б) иккала иштирокчи Давлатнинг ваколатли органлари ушбу Давлатлар тегишли деб топишлари мумкин бўлган шартларда келишувга эришсалар.

11. Мазкур модданинг 10-банди мақсадлари учун:

а) топширилган шахсни қабул қилган иштирокчи Давлат, агар ушбу шахсни топширган иштирокчи Давлат бошқа чоралар қўлланилишини сўрамаган ёки рухсат бермаган бўлса, бу шахсни қамоқда сақлашга ҳақли ва қамоқда сақлаши лозим;

б) топширилаётган шахсни қабул қилиб олган иштирокчи Давлат ушбу шахсни топширган иштирокчи Давлатга қайтариб бериш бўйича ўз мажбуриятини аввалроқ келишиб олинганидек ёки иккала иштирокчи Давлатларнинг ваколатли органлари томонидан бошқача тарзда келишиб олинганидек зудлик билан бажаради;

с) топширилаётган шахсни қабул қилиб олган иштирокчи Давлат ушбу шахсни топширган иштирокчи Давлатдан топшириш ёки қайтариш тартиботини қўзғатишини талаб қилмайди;

д) топширилган шахснинг уни топширган давлатда ўтаётган қамоқ муддатига топширилган иштирокчи Давлатдаги унинг қамоқда бўлган муддати ҳам қўшилади.

12. Мазкур модданинг 10- ва 11-бандларига мувофиқ бирон шахсни топшириши лозим бўлган иштирокчи Давлатнинг розилигисиз, топширилаётган давлат ҳудудида ушбу шахснинг, фуқаролиги қандай бўлишидан қатъий назар, уни топширган давлат ҳудудидан кетишидан аввалги вақт оралиғига тааллуқли бўлган ҳаракатлар, бажарилмаган ҳаракатлар ёки хукм чиқарилиши билан боғлиқ бўлган таъқиб қилинишига, қамоқقا олинишига, жазоланишига ёки шахсий озодлигининг бошқа чекланишларига йўл қўйилмайди.

13. Ҳар бир иштирокчи Давлат ўзаро ҳуқуқий ёрдам берилиши ҳақидаги мурожаатларни қабул қилишга ёки уларни бажаришга ёхуд уларни бажариш учун ваколатли органларга жўнатишга масъул ва тегишли ваколатларга эга бўлган марказий органни тайинлайди. Агар иштирокчи Давлатда ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатишнинг алоҳида тизимиға эга маҳсус ҳудуд ёки минтақа бўлса, у ушбу ҳудуд ёки минтақада ҳудди шундай вазифаларни бажарувчи алоҳида марказий органни тайинлаши мумкин. Марказий органлар қабул

қилинган мурожаатларни тезкор ва тегишли тарзда бажарилиши ёки жўнатилишини таъминлайдилар. Агар марказий орган мурожаатни бажариш учун ваколатли органга жўнатаётган бўлса, ушбу мурожаат ваколатли орган томонидан тезкор ва тегишли равища бажарилишига кўмаклашади. Ҳар бир иштирокчи Давлат ўзининг ратификацион ёрлигини ёки мазкур Конвенцияни қабул қилиши ёки уни тасдиқлаши ёни унга қўшилиши тўғрисидаги ҳужжатини сақлаш учун топшираётганида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби ушбу мақсадларда тайинланган марказий орган ҳақида хабардор қилинади. Ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимослар ва уларга тааллуқли исталган хабарлар иштирокчи Давлатлар тайинлаган марказий органлар томонидан жўнатилади. Бу талаб иштирокчи Давлатнинг бундай мурожаатлар ва хабарларни дипломатик каналлар орқали ва фавқулодда вазиятларда, иштирокчи Давлатлар бу ҳақда аввалдан келишиб олган бўлсалар ва агар, бунинг имкони бўлса, Жиноий полициянинг халқаро ташкилоти орқали унга етказилишини талаб қилишдек ҳуқуқини чекламайди.

14. Мурожаатлар ёзма кўринишда ёки, агар бунинг имкони бўлса, сўров берилаётган иштирокчи Давлат учун мақбул бўлган тилда ёзма матн тузишнинг ва ушбу иштирокчи Давлатга унинг аслига тўғри эканлигини аниқлаш имкониятини берувчи шартларда исталган воситалар ёрдамида жўнатилади. Ратификацион ёрлик ёки мазкур Конвенцияни қабул қилиши ёки уни тасдиқлаши ёни унга қўшилиши тўғрисидаги ҳужжат сақлаш учун топширилаётганида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби ҳар бир иштирокчи Давлат учун мақбул бўлган тил ёки тиллар тўғрисида хабардор қилинади. Фавқулодда вазиятларда ва, агар иштирокчи Давлатлар томонидан бу ҳақда аввалдан келишиб олинган бўлса, мурожаатлар оғзаки кўринишда жўнатилиши мумкин, лекин бу оғзаки мурожаатлар зудлик билан ёзма равища тасдиқланадилар.

15. Ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатилиши тўғрисидаги мурожаатда қўйидагилар кўрсатилади:

- а) илтимос билан мурожаат қилаётган органнинг номланиши;
- б) масаланинг моҳияти ва мурожаатга тааллуқли текширув ишлари, қўзғатилган жиноий иш ёки суд муҳокамасининг тавсифи, шунингдек бу текширув ишлари, қўзғатилган жиноий иш ёки суд муҳокамасини амалга ошираётган органнинг номланиши ва вазифалари;

с) судга оид хужжатларни топшириш билан боғлиқ илтимосларни истисно қилганда, тегишли далилларнинг қисқача баёни;

д) сўралаётган ёрдамнинг таърифи ва сўров берадиган иштирокчи Давлат риоя қилиниши таъминланишини хоҳлаётган исталган аниқ тартибот тўғрисида батафсил маълумот;

е) имкон борича, исталган тегишли шахснинг жойлашган ери, фуқаролиги ва шахси тўғрисидаги маълумотлар; ва

ф) далиллар, маълумот ёки чоралар сўралишидан мақсад.

16. Сўров берилаётган иштирокчи Давлат, агар бирон қўшимча маълумот унинг ички қонунчилигига мувофиқ илтимос бажарилиши учун ёки бундай илтимос бажарилишини енгиллаштирадиган бўлса, зарур бўлган ҳолатларда ушбу қўшимча маълумотни сўраши мумкин.

17. Илтимос сўров берилаётган иштирокчи Давлатнинг ички қонунчилигига мувофиқ ва сўров берилаётган иштирокчи Давлатнинг ички қонунчилигига зид бўлмаган даражада, ва имкон қадар илтимосда кўрсатилган тартиботларга мувофиқ равишда бажарилади.

18. Агар бирон-бир шахс иштирокчи Давлат худудида бўлса ва гувоҳ ёки эксперт сифатида бошқа иштирокчи Давлатнинг суд органларига гувоҳлик ёки кўрсатма бериши керак бўлиб ва тегишли шахснинг сўров берадиган иштирокчи Давлатнинг худудида бўлишининг имкони бўлмаса ёки иштирокчи Давлатнинг худудида бўлиши мақсадга мувофиқ бўлмаса, гувоҳлик ёки кўрсатма берилишини, имконият даражасида ва ички қонунчиликнинг энг муҳим принципларига мувофиқ ҳолда, биринчи иштирокчи Давлат бошқа иштирокчи Давлатнинг илтимосига кўра видео алоқа ёрдамида амалга ошириши мумкин. Иштирокчи Давлатлар гувоҳлик ва кўрсатмалар берилишини сўров берадиган иштирокчи Давлатнинг суд органлари сўров берилаётган иштирокчи Давлатнинг суд органлари иштирокида ўтказиши тўғрисида келишиб олишлари мумкин.

19. Сўров берадиган иштирокчи Давлат сўров берилаётган иштирокчи Давлат томонидан тақдим этилган маълумот ва исбот-далиллардан, сўров берилаётган иштирокчи Давлатнинг аввалдан берган розилигисиз, мурожаатномада кўрсатилган тергов ишлари ёки суд муҳокамасидан бошқа тергов ишлари ёки суд муҳокамасида фойдаланмайди. Мазкур банддаги ҳеч қандай ҳолат сўров берадиган

иштирокчи Давлат томонидан унинг ҳудудида ўтаётган тергов ва текширув ишлари жараёнида айбланувчини оқловчи маълумотлар ёки исбот-далилларни аниқланишига тўсқинлик қилмайди. Бундай ҳолатларда, сўров бераётган иштирокчи Давлат, маълумотлар ёки исбот-далилларни аниқлашдан аввал, сўров берилаётган иштирокчи Давлатни бу ҳақда хабардор қиласди ва агар, маслаҳатлашиш тўғрисида илтимос қилинган бўлса, сўров берилаётган иштирокчи Давлат билан маслаҳатлар ўтказади. Агар, истисно қилинган ҳолатларда, аввалдан хабар беришнинг имкони бўлмаса, у ҳолда сўров бераётган иштирокчи Давлат бу каби оқловчи маълумотлар ёки исбот-далиллар аниқланганлиги ҳақида зудлик билан сўров берилаётган иштирокчи Давлатга хабар беради.

20. Сўров бераётган иштирокчи Давлат, мурожаатнинг бажарилиши учун зарур бўлган нарсаларни истисно қилганда, унинг мавжудлиги ва унинг моҳияти ошкора қилинмаслигини сўров берилаётган иштирокчи Давлатдан талаб қилиши мумкин. Агар сўров берилаётган Давлат ошкор қилинмаслик тўғрисидаги талабни бажара олмайдиган бўлса, у ҳолда сўров бераётган иштирокчи Давлатни дарҳол бу тўғрисида хабардор қиласди.

21. Ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатилишига қуйидаги ҳолатларда рад этилиши мумкин:

а) агар мурожаат мазкур модданинг ҳолатларига мувофиқ бўлмаган тарзда берилса;

б) агар сўров берилаётган иштирокчи Давлат мурожаатнинг бажарилиши унинг суверенитети, хавфсизлиги, оммавий тартибиغا ёки бошқа ҳаётий муҳим манфаатларига зарар етказади деб хисобласа;

с) агар сўров берилаётган иштирокчи Давлатнинг ички қонунчилиги исталган бу каби жиноятга нисбатан, агар бундай жиноят унинг суд қилиш ҳуқуқлари чегарасида олиб бориладиган текширув, тергов ишлари ёки суд муҳокамасининг предмети хисобланиб, сўралаётган чораларни амалга оширишни тақиқлайдиган бўлса;

д) агар мурожаатнинг бажарилиши сўров берилаётган Давлатнинг ҳуқуқий тизимидағи ўзаро ҳуқуқий ёрдам масалаларига тааллуқли қисмига зид бўлса.

22. Иштирокчи Давлатлар ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги мурожаатни, фақат, жиноят, шунингдек солиқ масалалари билан боғлиқ деб хисоблангани сабабли рад этишлари мумкин эмас.

23. Ўзаро ҳуқуқий ёрдам тақдим этилишига нисбатан билдирилган рад жавобларининг барчаси асосланиб берилиши лозим.

24. Сўров берилаётган иштирокчи Давлат ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатилиши ҳақидаги мурожаатни имкон қадар қисқа муддатларда бажаради ва сўров бераётган иштирокчи Давлат томонидан тақлиф қилинаётган ва, биринчи навбатда, мурожаатнинг ўзида асосланиб берилган исталган энг қисқа муддатларни имкон борича тўлиқ ҳисобга олади. Сўров бераётган иштирокчи Давлат сўров берилаётган иштирокчи Давлат томонидан унинг илтимосини қондириш учун кўрилаётган чоралар мақоми ва илтимоснинг бажарилиши бўйича маълумотлар тақдим этилиши тўғрисидаги оқилона сўровлар билан мурожаат қилиши мумкин. Сўров бераётган иштирокчи Давлат сўралган ёрдам зарурати қолмаганлиги тўғрисида тезкор равишда сўров берилаётган иштирокчи Давлатни хабардор қиласи.

25. Ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатилиши, амалга оширилаётган текширув, жиной тергов ишлари ёки суд муҳокамасига тўсқинлик қилиши мумкинлиги билан асосланган ҳолда, сўров берилаётган иштирокчи Давлат томонидан кечикирилиши мумкин.

26. Мазкур модданинг 21-бандига асосан илтимосга рад жавобини беришдан ёки мазкур модданинг 25-бандига асосан илтимос бажарилишини кечикиришдан аввал сўров берилаётган иштирокчи Давлат сўров бераётган иштирокчи Давлат томонидан зарур деб топилган шарт ва муддатларда ёрдам кўрсатилиши мумкинлигини аниқлаш мақсадида сўров бераётган иштирокчи Давлат билан маслаҳатлашади. Агар сўров бераётган иштирокчи Давлат бу каби шартларда ёрдам кўрсатилишига рози бўлса, у ҳолда бу шартларга риоя қиласи.

27. Сўров бераётган иштирокчи Давлатнинг илтимосига кўра ушбу давлатнинг ҳудудида ўтказилаётган тергов ишларини амалга оширишда ёки суд муҳокамасида қўрсатмалар беришга розилик берган гувоҳ, эксперт ёки бошқа шахснинг, мазкур модданинг 12-банди қўлланилишига зарар етказмаган ҳолда, уни топширган давлат ҳудудидан кетишидан аввалги вақт оралиғига тааллуқли бўлган ҳаракатлар, бажарилмаган ҳаракатлар ёки ҳукм чиқарилиши билан боғлиқ бўлган таъқиб қилинишига, қамоқقا олинишига, жазоланишига ёки шахсий озодлигининг бошқа чекланишларига йўл қўйилмайди. Агар гувоҳ, эксперт ёки бошқа шахс, унинг ушбу

худудда бўлиши суд органларига талаб қилинмаслиги ҳақида расмий равишда хабардор қилинган кундан бошлаб кетма-кет ўн беш кун давомида ёки иштирокчи Давлатлар ўзаро келишиб олган муддат давомида сўров берадиган иштирокчи Давлат худудидан чиқиб кетиш имкониятига эга бўлсада, лекин ўз ихтиёри билан ушбу худудда қолса ёки ўзининг хоҳишига кўра яна қайтиб келса, у ҳолда бундай шахсий хавфсизлик кафолатининг амал қилиши тугайди.

28. Мурожаатни бажариш билан боғлиқ одатдаги харажатлар, агар манфаатдор иштирокчи Давлатлар бошқа шартлар тўғрисида келишиб олмаган бўлсалар, сўров берадиган иштирокчи Давлат томонидан қопланадилар. Агар мурожаатнинг бажарилиши жиддий ва фавқулодда харажатларни талаб қиласиган бўлса, иштирокчи Давлатлар мурожаат қайси шартларда бажарилиши, шунингдек, харажатларни қоплаш тартиби хусусида маслаҳатлашиб оладилар.

29. Сўров берилаётган иштирокчи Давлат:

а) сўров берадиган иштирокчи Давлатга ўзида мавжуд бўлган ва ички қонунчилигига мувофиқ оммавий тарзда фойдаланишга рухсат берилган хукумат томонидан чиқарилган материаллар, хужжатлар ёки маълумотларнинг нусхаларини тақдим этади;

б) ўзи лозим топган ҳолларда сўров берадиган иштирокчи Давлатга, ўзи тегишли деб топган шартларга риоя қилиш шартида ўзида мавжуд бўлган ва ички қонунчилигига мувофиқ оммавий тарзда фойдаланишга рухсат этилмаган хукумат томонидан чиқарилган материаллар, хужжатлар ёки маълумотларнинг нусхаларини тўлиқ ёки қисман тақдим этади.

30. Иштирокчи Давлатлар, зарурат туғилишига қараб, ушбу модда мақсадларига жавоб берувчи, унинг амал қилишини таъминловчи ёки тутган ўрнини мустаҳкамловчи икки томонлама ёки кўп томонлама келишувлар тузиш имкониятини кўриб чиқадилар.

47-модда. Жиноий иш юритувини топшириш

Иштирокчи Давлатлар мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган хатти-харакатлар муносабати билан юритилаётган текширув ишларини, бу каби ўзаро топширишлар одил судлов тегишли тарзда амалга оширилиши манфаатларига жавоб беради деб ҳисобланса, хусусан, агар жиноий ишларни бирлаштириш учун бир нечта юрисдикцияга мурожаат қилиниши лозим бўлса, ўзаро топшириш имкониятларини кўриб чиқадилар.

48-модда. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасидаги ҳамкорлик

1. Иштирокчи Давлатлар мазкур Конвенцияда қамраб олинган жиноятларга қарши курашиш учун қўлланиладиган қонуний чоралар самарадорлигини ошириш мақсадида, ўзларининг ички ҳуқуқий ва маъмурий тизимларига мувофиқ тарзда, бир-бирлари билан яқиндан ҳамкорлик қиласидар. Иштирокчи Давлатлар, хусусан, қўйидагиларга қаратилган самарали чораларни кўрадилар:

а) мазкур Конвенцияда қамраб олинган жиноятларнинг барча жиҳатлари тўғрисида, жумладан, агар иштирокчи Давлатлар буни зарур деб топсалар, жиноий фаолиятнинг бошқа турлари бўйича маълумотларнинг ишончли ва тезкор алмашинувини таъминлаш мақсадида иштирокчи Давлатларнинг ваколатли органлари, муассасалари ва хизматлари ўртасида алоқа каналларини мустаҳкамлаш ва зарур бўлган ҳолатларда бу каби алоқани ўрнатиш;

б) мазкур Конвенцияда қамраб олинган жиноятлар билан боғлиқ бўлган текширув ишларини олиб боришда қўйидагиларни аниқлаш мақсадида ҳамкорлик қилиш:

і) бу каби жиноятларни содир этишда гумон қилинаётгандарнинг шахси, жойлашган ери ва фаолияти ёки бошқа алоқадор шахсларнинг жойлашган ери;

ii) бу каби жиноятлар содир этилиши натижасида орттирилган жиноий даромадлар ёки мол-мулкнинг кўчиши, жойини ўзгартириши;

iii) бу каби жиноятларни содир этишда фойдаланилган ёки фойдаланиш учун мўлжалланган мол-мулк, ускуналар ёки бошқа воситаларнинг жойдан жойга кўчиши.

с) лозим бўлган ҳолатларда таҳлил қилиш ёки текширув ўтказиш мақсадида зарур предметлар ёки зарур бўлган миқдорда моддаларни тақдим этиш;

д) зарур ҳолатларда бошқа иштирокчи Давлатлар билан мазкур Конвенцияда қамраб олинган жиноятларни содир этишда қўлланиладиган аниқ воситалар ва усуллар, жумладан қалбаки шахсий гувоҳномалар, қалбаки, ўзгартирилган ёки сохта ҳужжатлар ва фаолиятини яширишда қўлланиладиган бошқа воситалар тўғрисидаги маълумотлар билан алмашиш;

е) уларнинг ваколатли органлари, муассасалари ва хизматлари ўртасидаги самарали мувофиқлаштиришга кўмаклашиш ва ходимлар ҳамда бошқа эксперtlар билан алмашиш, шу жумладан,

манфаатдор иштирокчи Давлатлар томонидан икки томонли келишувлар ва битимлар тузилиши шартида алоқа бўйича ходимларни жўнатиш;

f) ахборот алмашинуви ва, лозим бўлган ҳолатларда, мазкур Конвенцияда қамраб олинган жиноятларни аввалдан аниқлаш мақсадида қўлланиладиган маъмурий ва бошқа чораларни мувофиқлаштириш.

2. Мазкур Конвенциянинг амалий қўлланилиши мақсадида иштирокчи Давлатлар ўзларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари бир-бирлари билан бевосита ҳамкорлик қилишлари тўғрисидаги икки томонлама ёки кўп томонлама келишув ва битимларни тузиш, агар бундай келишув ва битимлар мавжуд бўлган ҳолатларда эса уларга ўзгартишлар киритиш имкониятини кўриб чиқадилар. Манфаатдор иштирокчи давлатлар ўртасида бу каби келишув ва битимлар мавжуд бўлмаса, иштирокчилар мазкур Конвенцияни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мазкур Конвенция қамраб олган жиноятларга қарши курашдаги ўзаро ҳамкорлиги учун асос сифатида кўришлари мумкин. Иштирокчи Давлатлар, лозим бўлган ҳолатларда, ўзларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш учун келишув ва битимлардан, шу жумладан халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг механизмларидан тўлиқлигича фойдаланадилар.

3. Иштирокчи Давлатлар, ўз имкониятлари доирасида, мазкур Конвенцияда қамраб олинган ва замонавий технологияларни қўллаган ҳолда содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш учун ҳамкорлик қилишга интиладилар.

49-модда. Биргаликдаги тергов ишлари

Иштирокчи Давлатлар битта ёки бир нечта давлатларда олиб борилаётган жиноий таъқиб ёки суд муҳокамаси учун умумий ҳисобланган жиноятлар бўйича биргаликдаги терговни олиб бориш бўйича органлар тузиш тўғрисидаги манфаатдор ваколатли органлар ўртасида икки томонлама ёки кўп томонлама келишув ёхуд битимларни тузиш имкониятларини кўриб чиқадилар. Бу каби келишув ёки битимлар бўлмаган тақдирда, биргаликдаги тергов ишлари ҳар бир алоҳида ҳолат учун тузилган келишув асосида олиб борилади. Тегишли иштирокчи Давлатлар, худудида бундай текширув ва тергов ишлари олиб борилаётган иштирокчи Давлатнинг суверенитети тўлиқ ҳурмат қилинишини таъминлайдилар.

50-модда. Терговнинг маҳсус методлари

1. Коррупцияга қарши самарали курашиш мақсадида ҳар бир иштирокчи Давлат, ички ҳуқуқий тизимидағи энг муҳим принциплари йўл қўядиган даражада ва унинг ички қонунчилигида белгиланган шартларда, ўзининг ваколатли органлари томонидан тегишли тарзда назорат остида етказиб беришга ва ўзи лозим деб топган ҳолатларда эса, электрон кузатув ёки кузатувнинг бошқа шаклларини қўллашга, шунингдек ўзининг ҳудудида амалга ошириладиган агентура операциялари каби текширув ишларини олиб боришнинг маҳсус методларидан, ўз имкониятлари доирасида, тегишли тарзда фойдаланишга, шунингдек бу каби методлар ёрдамида тўпланган исбот-далиллар судга қўйилишига рухсат берилиши учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни қўради.

2. Мазкур Конвенцияда қамраб олинган жиноятлар бўйича текширув олиб бориш мақсадида, зарурат мавжуд бўлган ҳолларда, текширувнинг бундай маҳсус методларидан халқаро миқёсда ҳамкорлик қилиш контекстидаги фойдаланиш учун иштирокчи Давлатлар томонидан икки томонлама ёки кўп томонлама келишув ёхуд битимлар тузиши рағбатлантирилади. Бундай келишув ёки битимлар давлатларнинг суверен тенг ҳуқуқлик принципига тўла риоя қилган ҳолда тузилади ва амалга оширилади ҳамда ушбу келишув ёки битимларнинг шартларига қатъий амал қилган ҳолда қўлланилади.

3. 2-бандда кўрсатилган келишув ва битимлар мавжуд бўлмаганида текширувнинг бундай маҳсус методларидан халқаро миқёсда фойдаланиш тўғрисидаги қарор ҳар бир алоҳида ҳолат учун қабул қилиниши мумкин ва, зарурат туғилганида, молиявий келишувлар ҳамда суд қилиш ҳуқуқини амалга оширишда манфаатдор иштирокчи Давлатларнинг ҳамжиҳатлигини ҳисобга олади.

4. Назорат остида етказиб беришдан халқаро миқёсда фойдаланиш тўғрисидаги қарорлар, манфаатдор иштирокчи Давлатларнинг розилиги билан, юкларни ушлаб олиб қолиш ва уларга тегмасдан қолдириш ёки уларни тўлиқ ёхуд қисман муомаладан чиқариш ёки алмаштириш каби методларни ўз ичига олиши мумкин.

В БОБ. АКТИВЛАРНИ ҚАЙТАРИШ БҮЙИЧА ЧОРАЛАР

51-модда. Умумий қоидалар

Мазкур бобга асосан активларнинг қайтарилиши ўз моҳиятига қўра мазкур Конвенциянинг энг муҳим принципи ҳисобланади ва иштирокчи Давлатлар ушбу йўналишда бир-бирлари билан кенг миқёсда ва яқиндан ҳамкорлик қиласидилар ҳамда бир-бирларига ёрдам кўрсатадилар.

52-модда. Жиноий даромадлар бошқа жойга ўтказилишини олдини олиш ва аниқлаш

1. Ҳар бир иштирокчи Давлат, мазкур Конвенциянинг 14-моддасига зарар етказмаган ҳолда, ўзининг юрисдикцияси дахл қилиши мумкин бўлган молия муассасаларидан мижозлар шахсини аниқлашни, катта ҳажмдаги маблағлар жамланган ҳисоб рақамларида депонентланган бенефицар маблағлар эгаларининг шахсини аниқлаш учун оқилона чораларни кўришни, катта миқёсдаги ва аҳамиятли оммавий ваколатларга бугунги кунда эга ёки аввалроқ эга бўлган шахслар, уларнинг оила аъзолари ва улар билан яқиндан алоқа қиласидиган ҳамкорлар ёки юқорида санаб ўтилган шахслар номидан очилмоқчи бўлган ёки олиб борилаётган ҳисоб рақамларини янада кучлироқ назорат қилинишини талаб қилиш учун ушбу иштирокчи Давлатнинг ички қонунчилигига мувофиқ талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни кўради. Бундай қатъий чоралар шубҳали операцияларни оқилона даражада аниқлаш учун қаратилган бўлиб, ваколатли органларга тегишли маълумотлар етказилиши учун мўлжалланган ва молия муассасаси исталган қонуний мижоз билан иш юритишига тўсқинлик қиласидиган ёки тақиқлайдиган тарзда талқин этилмаслиги лозим.

2. Мазкур модданинг 1-бандида кўзда тутилган чоралар амалга оширилишига кўмаклашиш мақсадида ҳар бир иштирокчи Давлат, ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ ҳамда пул маблағларини ҳалоллаб олиш бўйича минтақавий, минтақалараро ва қўп томонлама ташкилотларнинг тегишли ташабbusларига таянган ҳолда:

а) ҳисоб рақамларига ўзининг юрисдикцияси дахл қиласидиган молия муассасалари томонидан назоратнинг янада қатъийроқ чоралари кўрилиши қутилаётган жисмоний ва юридик шахсларнинг тоифаларига, алоҳида эътибор берилиши лозим бўлган ҳисоб

рақамлари ва операцияларнинг турларига, ҳамда ҳисоб рақамларини очиш ва юритиш бўйича тегишли чораларга, шунингдек шу каби ҳисоб рақамларига нисбатан қабул қилинувчи ҳисоб рақамлари бўйича олиб бориладиган ҳисботот ва молиявий хужжатларга нисбатан тавсиявий кўрсатмалар чиқаради, ва

б) тегишли ҳолатларда, ўзининг юрисдикцияси дахл қиласидаган молия муассасаларини бошқа иштирокчи Давлатнинг илтимоси ёки ўзининг ташаббусига кўра, бу каби молия муассасалари томонидан назоратнинг янада қатъийроқ чоралари кўрилиши кутилаётган ҳисоб рақамларига эга аниқ жисмоний ёки юридик шахслар тўғрисида, молия муассасаси томонидан бошқача тартибда аниқланиши мумкин бўлган шахслар тўғрисидаги маълумотларга қўшимча қилган ҳолда, хабардор қиласиди.

3. Ҳар бир иштирокчи Давлат, мазкур модданинг 2 (а)-банди контекстида ўзининг молия муассасалари, мазкур модданинг 1-бандида қайд этилган шахсларга дахлдор бўлган ҳисоб рақамлари ва операциялар тўғрисидаги ва таркибида камида мижознинг шахси, шунингдек, имкон қадар, бенефициар эгасига тааллуқли бўлган маълумотлари мавжуд молиявий хужжатлар ва ҳисботлар тегишли муддат давомида сақланишини таъминлаш учун зарур бўлган чораларни амалга оширади.

4. Мазкур Ковенцияда жиноят деб тан олинган хатти-ҳаракатлар натижасида топилган жиноий даромадлар бошқа жойларга ўтказилишини олдини олиш ва аниқлаш мақсадида ҳар бир иштирокчи Давлат ўзининг тартибга солувчи ва назорат органлари, жисмоний иштироки бўлмаган ёки бирон мувофиқлаштириладиган молиявий груп билан аффилияция қилинмаган банк муассасалари ёрдамида тегишли ва амалий чораларни амалга оширади. Ундан ташқари, иштирокчи Давлатлар ўзларининг молия муассасаларига нисбатан бу каби молия муассасалари билан банк корреспондентлик муносабатларни ўрнатишни ёки бундай муносабатларни давом эттиришни рад қилиш, шунингдек жисмоний иштироки бўлмаган ёки бирон мувофиқлаштириладиган молиявий груп билан аффилияция қилинмаган банклар томонидан ҳисоб рақамларидан фойдаланишига рухсат берувчи хорижий молиявий муассасалар билан муносабатларни ўрнатишдан сақланиш каби талабларни ўрнатиш имкониятини кўриб чиқишилари мумкин.

5. Ҳар бир иштирокчи Давлат ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ тегишли оммавий мансабдор шахсларга тааллуқли

молиявий маълумотларни ошкор қилиб беришни кўзда тутувчи самарали тизимларни ташкил қилиш имкониятларини кўриб чиқади ва ушбу талабларга риоя қилинмаслиги учун тегишли жазо чораларини белгилайди. Ҳар бир иштирокчи Давлат, шунингдек, мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган хатти-ҳаракатлар орқали топилган жиной даромадларни қайтариш мақсадида текширув олиб бориш, ҳукуқларини баён қилиш ва тегишли чораларни кўриш учун зарур бўлган ҳолатларда ўзининг ваколатли органларига бошқа иштирокчи Давлатнинг ваколатли органлари билан бундай маълумотлар билан алмашишига рухсат бериш учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни қабул қилиш имкониятини кўриб чиқади.

6. Ҳар бир иштирокчи Давлат бирон хорижий мамлакатдаги бирон-бир молиявий ҳисоб рақамга нисбатан манфаатга ёки имзо қўйиш ҳукуқига ёхуд бошқа ваколатга эга бўлган оммавий мансабдор шахслар учун бу ҳақда тегишли органларга хабар бериш ва бу каби ҳисоб рақамларга тааллуқли ҳисбот олиб бориш талабини белгилаш учун ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни қабул қилиш имкониятини кўриб чиқади. Бу каби чоралар, шунингдек, бундай талабларга риоя қилмаслик учун тегишли санкциялар қўлланилишини кўзда тутадилар.

53-модда. Мол-мулк бевосита қайтарилиши учун чоралар

Ҳар бир иштирокчи Давлат, ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ:

а) бошқа иштирокчи Давлатга мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган хатти-ҳаракатлар натижасида сотиб олинган мол-мулкка нисбатан ҳукуқий унвон ёки эгалик қилиш ҳукуқини талаб қилиш юзасидан фуқаролик даъволарини ўзининг судларига тақдим этишига рухсат бериш учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни кўради;

б) ўзларининг судларига мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган хатти-ҳаракатларни содир этган шахсларга бундай жиноят содир этилиши оқибатида бошқа иштирокчи Давлатга етказилган заарни ўрнини тўлдириш ёки қоплаш тўғрисида фармойиш беришига рухсат берилиши учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни кўради;

с) мусодара қилиш тўғрисидаги қарорларни чиқаришда мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган хатти-ҳаракатлар натижасида

сотиб олинган мол-мулкнинг қонуний эгаси сифатида бошқа иштирокчи Давлат томонидан қўйиладиган талабларни ўзларининг судлари ёки ваколатли органлари тан олинишига йўл қўйиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни кўради.

54-модда. Мусодара қилиш ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик воситасида мол-мулкни муомаладан чиқариш

1. Ҳар бир иштирокчи Давлат мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган хатти-ҳаракатлар натижасида сотиб олинган ёки бу каби жиноятларни содир этилишида фойдаланилган мол-мулкка тааллуқли ўзаро хуқуқий ёрдамни мазкур Конвенциянинг 55-моддасига асосан тақдим этиш мақсадида, ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ:

а) бошқа иштирокчи Давлат судлари томонидан мусодара қилиш тўғрисида чиқарилган қарорларни ўзининг ваколатли органлари ижро этишига рухсат берилиши учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни кўради;

б) ўзининг ваколатли органларига, уларнинг юрисдикцияси доирасида, пул маблағларини легаллаштириш билан боғлиқ жиноятлар ёки унинг юрисдикциясига тааллуқли бўлиши мумкин бўлган бошқа жиноятлар юзасидан суд қарорини чиқаришда ёхуд ички қонунчилигига рухсат этилган бошқа тартиботлардан фойдаланишда келиб чиқиши хорижий бўлган бундай мол-мулк мусодара қилиниши тўғрисида қарор чиқаришларига рухсат бериш учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни кўради; ва

с) вафот этганлиги, яширилганлиги ёки йўқлиги сабабли жиноятчи таъқиб этилишининг имкони бўлмаган ёхуд бошқа мувофиқ ҳолатларда кўрилаётган жиноий ишлар доирасида қарор чиқармасдан туриб бундай мол-мулкнинг мусодара қилинишига имконият яратиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни қабул қилиш бўйича масалани кўриб чиқади.

2. Ҳар бир иштирокчи Давлат мазкур Конвенциянинг 55-моддаси, 2-бандига асосан жўнатилган илтимос бўйича ўзаро хуқуқий ёрдамни тақдим этиш мақсадида, ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ:

а) ўзининг ваколатли органларига сўров бераётган иштирокчи Давлатнинг суди ёки ваколатли органлари томонидан мол-мулкни муомаладан чиқариб ишга солмай қўйиш ёки ҳибсга олиш тўғрисида чиқарилган ва сўров берилаётган иштирокчи Давлатга бу каби чоралар кўрилиши учун етарли асослар мавжуд ва, якуний натижада,

ушбу мол-мулкка нисбатан мазкур модданинг 1 (а)-банди мақсадлари учун мусодара қилиш түғрисида қарор чиқарилади деб ҳисоблашга имкон берувчи оқилона асослар баён этилган қарорга асосан мол-мулкни ишга солмай қўйишига ёки ҳибсга олишига рухсат бериш учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни кўради;

б) ўзининг ваколатли органларига сўров берилаётган иштирокчи Давлатга бу каби чоралар кўрилиши учун етарли асослар мавжуд ва, якуний натижада, ушбу мол-мулкка нисбатан мазкур модданинг 1 (а)-банди мақсадлари учун мусодара қилиш түғрисида қарор чиқарилади деб ҳисоблашга имкон берувчи оқилона асослар баён этилган мурожаатга асосан мол-мулкни муомаладан чиқариб туриб ишга солмай қўйишига ёки ҳибсга олишига рухсат бериш учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни кўради; ва

с) ўзининг ваколатли органларига мусодара қилиш мақсадларида мол-мулкни сақлаб қолишига, масалан, бу каби мол-мулкни сотиб олиниши муносабати билан хорижда чиқарилган ҳибсга олиш түғрисидаги қарор ёки жиноий иш қўзғатилишига асосланган ҳолда, рухсат бериши учун қўшимча чораларни қабул қилиш масаласини кўриб чиқади.

55-модда. Мусодара қилиш мақсадларидаги халқаро ҳамкорлик

1. Мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган бирон хатти-харакат юрисдикциясида тааллуқли ҳисобланган иштирокчи Давлатдан мазкур Конвенциянинг 31-моддаси 1-бандида қайд этилган ва ўз худудида жойлашган жиноий даромадларни, мол-мулкни, ускуналари ва жиноят содир этишнинг бошқа воситаларини мусодара қилиш түғрисида мурожаатнома олган иштирокчи Давлат ўзининг ички қонунчилиги доирасида мумкин бўлган максимал даражада:

а) мусодара қилиш түғрисидаги қарорни олиш мақсадида бу илтимосни ўзининг ваколатли органларига юборади ва шундай қарорни олган тақдирда уни ижро этади, ёки

б) ўзининг ваколатли органларига сўров беряётган иштирокчи Давлат худудида мазкур Конвенциянинг 31-моддаси 1-банди ва 54-моддаси 1 (а)-бандига мувофиқ суд томонидан мусодара қилиш түғрисидаги чиқарилган қарорни, мурожаатда кўрсатилган ҳажмда ва сўров берилаётган иштирокчи Давлати худудидаги 31-модданинг 1-бандида қайд этилган жиноий даромадлар, мол-мулк, ускуна ёки

жиноят содир этишнинг бошқа воситаларига тааллуқли бўлган даражада ижро этиш мақсадида юборади.

2. Сўров берилаётган иштирокчи Давлат Мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган бирон хатти-ҳаракат юрисдикциясига тааллуқли ҳисобланган иштирокчи Давлатдан мурожаатнома олганидан кейин, 31-модданинг 1-бандида қайд этилган жиноий даромадлар, мол-мулк, ускуна ёки жиноят содир этишнинг бошқа воситаларини аниқлаш, кузатиш, муомаладан чиқариб туриб ишга солмай қўйиш ёки ҳисбга олиш мақсадида ва кейинчалик, сўров бераётган иштирокчи Давлат томонидан чиқарилувчи қарорга ёки мазкур модданинг 1-бандига асосан қилинган мурожаатга мувофиқ, мусодара қилиш учун чоралар қўради.

3. Мазкур Конвенциянинг 46-моддасидаги ҳолатлар мазкур моддага нисбатан *mutatis mutandis* тарзда қўлланилади. Мазкур моддага мувофиқ юборилаётган илтимос таркибида 46-модданинг 15-бандида кўрсатилган маълумотларга қўшимча қилинган қўйидагилар баён этилади:

а) мазкур модданинг 1 (а)-бандида кўзда тутилган мурожаат қўлланишига – мусодара қилиниши лозим бўлган мол-мулкнинг таърифланиши, шу жумладан, имкон даражасида унинг жойлашган ери тўғрисидаги маълумотлар ва, agar бу ўринли бўлса, мол-мулкнинг баҳолангандан қиймати ва сўров бераётган иштирокчи Давлат ҳавола қилаётган ва сўров берилаётган иштирокчи Давлат ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ қарор чиқариши учун чоралар қўришига етарли бўлган далиллар баён этилган ариза;

б) мазкур модданинг 1 (б)-бандида кўзда тутилган мурожаат қўлланишига – сўров бераётган иштирокчи Давлат мурожаатини асослаб берувчи ва у томондан берилган мусодара тўғрисидаги қарорнинг юридик жиҳатдан йўл қўйилиши мумкин бўлган нусхаси, далилларнинг баёни келтирилган ариза ва қарор ижросининг сўралаётган ҳажми тўғрисидаги маълумот, сўров бераётган иштирокчи Давлат ҳалол учинчи томонларга тегишли хабарнома юбориши ва тегишли ҳуқуқий тартиботларга риоя қилинишини таъминлаш учун кўрилган чоралар кўрсатилган ариза ҳамда мусодара тўғрисидаги қарор қатъий эканлиги тўғрисидаги ариза;

с) мазкур модданинг 2-бандида кўзда тутилган мурожаат қўлланишига – сўров бераётган иштирокчи Давлат ҳавола қилаётган далиллар баён этилган ариза ва қўлланилаётган чораларнинг таърифланиши, шунингдек, agar мавжуд бўлса, мурожаатни асослаб

берувчи қарорнинг юридик жиҳатдан йўл қўйилиши мумкин бўлган нусхаси.

4. Мазкур модданинг 1- ва 2-бандларида кўзда тутилган қарорлар ёки чоралар сўров берилаётган иштирокчи Давлат томонидан унинг ички қонунчилигидаги ҳолатларга ва унинг процессуал нормалари ёки исталган икки томонлама ёхуд сўров бераётган иштирокчи Давлат билан муносабатлари асносида боғлиқ бўлган кўп томонлама келишувлар ёки битимларга мувофиқ ва уларга риоя қилиш шартида қабул қилинади.

5. Ҳар бир иштирокчи Давлат Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига мазкур моддадаги ҳолатлар амалга оширилишини таъминловчи қонун ва қоидаларининг матнларини, шунингдек ушбу қонунлар ва қоидаларга кейинчалик киритилган барча исталган ўзгартишларнинг матнлари ёки таърифланишларини тақдим этади.

6. Агар иштирокчи Давлат мазкур модданинг 1- ва 2-бандларида қайд этилган чоралар кўрилишини мувофиқ шартнома мавжуд бўлиши билан шартлашни хоҳласа, у ҳолда бу иштирокчи Давлат мазкур Конвенцияни зарур ва етарли бўлган шартномавий-хуқуқий асос сифатида кўради.

7. Агар сўров берилаётган иштирокчи Давлат ўз вақтида етарли исбот-далиллар олмаса ёки агар мол-мулк минимал қийматга эга бўлса мазкур моддага асосланган ҳамкорликка рад жавоби ҳам берилиши мумкин.

8. Мазкур моддага мувофиқ қабул қилинган исталган таъминловчи чоранинг бекор қилинишидан аввал сўров берилаётган иштирокчи Давлат, мумкин бўлган ҳолатларда, сўров бераётган иштирокчи Давлатга бундай чорани амалга оширишни давом эттириш фойдадан холи бўлмаслигини асослаб бериши учун имконият тақдим этади.

9. Мазкур модданинг ҳолатлари ҳалол учинчи томонларнинг хуқуқларига зарар етказадиган тарзда талқин қилинмайди.

56-модда. Махсус ҳамкорлик

Ҳар бир иштирокчи Давлат, ўзининг ички қонунчилигига зарар етказмаган ҳолда, мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган хатти-ҳаракатлар орқали орттирилган даромадлар тўғрисидаги маълумотларни ўзининг текширув ишларига, кўрилаётган жиноий ишларига ёки суд муҳокамасига зарар етказмасдан туриб, агар бу каби маълумотларнинг ошкора қилиниши уни олаётган иштирокчи Давлатга жиноий ишни қўзғатиш ёки текширув ишларини ёки суд

муҳокамасини ўтказишига кўмак беради ёхуд ушбу иштирокчи Давлат томонидан бу илтимосномани Конвенциянинг мазкур моддасига мувофиқлаштиришига йўналтиради деб ҳисобласа, бошқа иштирокчи Давлатга аввалдан илтимоснома қилинмаган ҳолларда ҳам жўнатиш имкониятини берувчи чоралар қўришга интилади.

57-модда. Активларни қайтариш ва уларни тасарруф қилиш

1. Иштирокчи Давлат томонидан мазкур Конвенциянинг 31-моддасига ёки 55-моддасига асосан мусодара қилинган мол-мулкни, жумладан мазкур модданинг 3-бандига кўра аввалги қонуний эгаларига қайтарилиган мол-мулкни иштирокчи Давлат мазкур Конвенциянинг ҳолатлари ва ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ тасарруф қилади.

2. Ҳар бир иштирокчи Давлат, ички қонунчилигининг энг муҳим принципларига мувофиқ, ўзининг ваколатли органларига, улар бошқа иштирокчи Давлат томонидан юборилган илтимоснома бўйича иш тутаётганларида, мусодара қилинган мол-мулкни, ҳалол учинчи томонларнинг ҳукуқларини ҳисобга олган ҳолда, мазкур Конвенцияга мувофиқ қайтариб беришларига рухсат бериш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чоралар кўради.

3. Иштирокчи Давлат мазкур Конвенциянинг 46- ва 55-моддаларига ва мазкур модданинг 1- ва 2-бандларига мувофиқ:

а) мазкур Конвенциянинг 17- ва 33-моддаларида қайд этилганидек, оммавий маблағлар ўғирланганида ёки оммавий маблағлар ҳалоллаштирилганида, агар мусодара 55-моддага мувофиқ ва сўров берилаётган иштирокчи Давлат томонидан чиқарилган якуний қарор асосида амалга оширилган бўлса, ва айнан шу талаб сўров берилаётган иштирокчи Давлат томонидан бекор қилиниши мумкинлигини эътиборга олган ҳолда, мусодара қилинган мол-мулкни сўров беряётган иштирокчи Давлатга қайтариб беради;

б) мазкур Конвенцияда қамраб олинган исталган жиноят орқали даромад топилганида, агар мусодара 55-моддага мувофиқ ва сўров берилаётган иштирокчи Давлат томонидан чиқарилган якуний қарор асосида амалга оширилган бўлса, ва айнан шу талаб сўров берилаётган иштирокчи Давлат томонидан бекор қилиниши мумкинлигини эътиборга олган ҳолда, агар сўров берилаётган иштирокчи Давлат сўров беряётган иштирокчи Давлатга ушбу мусодара қилинган мол-мулкка эгалик қилиш ҳукуқи аввалдан бор бўлганини оқилона исботлаб берса ёки сўров берилаётган иштирокчи Давлат сўров беряётган Давлатга етказилган зарарни

мусодара қилинган мол-мулкни қайтариб бериш учун асос сифатида тан олса, мусодара қилинган мол-мулкни сўров бераётган иштирокчи Давлатга қайтариб беради;

с) барча бошқа ҳолатларда, биринчи навбатда, мусодара қилинган мол-мулкни сўров бераётган иштирокчи Давлатга, бундай мол-мулкни унинг аввалги қонуний эгаларига қайтарилиши ёки жиноятдан жабр кўрганларга компенсация тўланиши масаласи кўради.

4. Сўров берилаётган иштирокчи Давлат тегишли ҳолатларда, агар фақат иштирокчи Давлатлар бошқа қарорни қабул қилмасалар, сўров берилаётган иштирокчи Давлат мусодара қилинган мол-мулк қайтарилишига ёки мазкур моддага мувофиқ тасарруф қилинишига олиб келган тергов ишлари, кўрилган жиноий иш ёки суд муҳокамаси вақтида сарфланган оқилона харажатларни олиб қолиши мумкин.

5. Иштирокчи Давлатлар тегишли ҳолатларда мусодара қилинган мол-мулкни узил-кесил тасарруф қилиниши хусусида келишувлар ёки томонлар учун бирдек мақбул бўлган битимлар тузиш имкониятини ҳар бир алоҳида ҳолат учун кўриб чиқишилари мумкин.

58-модда. Тезкор молиявий маълумотларни йиғиш учун бўлинмалар

Иштирокчи давлатлар мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган хатти-ҳаракатлар орқали топилган жиноий даромадларнинг жойдан жойга кўчирилишини олдини олиш ва уларга қарши қурашиш, шунингдек бундай даромадларни муомаладан чиқариш мақсадларида бир-бирлари билан ҳамкорлик қиласидилар ва шу мақсадларда шубҳали молиявий операциялар тўғрисида маълумотлар олиш, уларни таҳлил қилиш ва ваколатли органларга жўнатиш учун масъул бўлган тезкор молиявий маълумот йиғиш бўйича бўлинмаларни ташкил қилиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқадилар.

59-модда. Икки томонлама ва кўп томонлама келишувлар ҳамда битимлар

Иштирокчи давлатлар Конвенциянинг мазкур бобига асосан амалга ошириладиган халқаро ҳамкорликнинг самарадорлигини ошириш учун икки томонлама ёки кўп томонлама келишувлар ва битимлар тузиш имкониятларини кўриб чиқадилар.

VI БОБ. ТЕХНИК ЁРДАМ ВА МАЪЛУМОТ АЛМАШИНУВИ

60-модда. Кадрларни тайёрлаш ва техник ёрдам

1. Ҳар бир иштирокчи Давлат, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кураш учун масъул бўлган ўз ходимларини тайёрлаш бўйича, лозим деб топилган даражада, дастурларни ишлаб чиқади, амалга оширади ёки такомиллаштиради. Кадрларни тайёрлаш бўйича бундай дастурлар, бошқалари билан бир қаторда, қуйидаги соҳаларга тегишли бўлиши мумкин:

- а) коррупцияга оид ҳаракатларни олдини олиш, аниқлаш ва текшириш, шунингдек улар учун жазолаш, жумладан исботдалиллар тўплаш ва текширув методлари бўйича самарали чоралар;
- б) коррупцияга қарши кураш бўйича стратегик сиёсатни ишлаб чиқиш ва режалаштириш соҳасида потенциал яратиш;
- с) мазкур Конвенция талабларига жавоб берадиган ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги илтимосномаларни тузиш масалалари бўйича ваколатли органларнинг ходимларини тайёрлаш;
- д) оммавий хизмат муассасалари, бошқармаларини ва оммавий молиявий маблағлар, шу жумладан оммавий харидлар ва хусусий сектор бошқармаларини баҳолаш ва мустаҳкамлаш;
- е) мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган хатти-ҳаракатлар орқали орттирилган жиноий даромадларнинг жойдан-жойга кўчирилишини аниқлаш, шунингдек бундай даромадларни муомаладан чиқариш;
- ф) мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган хатти-ҳаракатлар орқали орттирилган жиноий даромадларнинг жойдан-жойга кўчириш бўйича операцияларни аниқлаш ва тўхтатиш;
- г) мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган хатти-ҳаракатлар орқали орттирилган жиноий даромадларнинг жойдан-жойга кўчирилишини ва жойдан-жойга кўчириш, яшириш ва беркитиши методларини кузатиш;
- х) мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган хатти-ҳаракатлар орқали орттирилган жиноий даромадларни муомаладан чиқаришга ёрдам берувчи тегишли ва самарали ҳуқуқий ҳамда маъмурий механизмлар ва методлар;
- і) жабрланувчилар ва суд органлари билан ҳамкорлик қиласидиган гувоҳларни ҳимоя қилишда фойдаланиладиган методлар;
- ј) миллий ва халқаро қоидаларга, шунингдек тилларни ўрганишга тааллуқли масалалар бўйича ходимларни тайёрлаш.

2. Иштирокчи Давлатлар, ўз имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, бир-бирларига кенг миқёсда, айниқса, ривожланаётган мамлакатлар манфаатлари учун, уларнинг коррупцияга қарши кураш бўйича мувофиқ режалари ва дастурлари муносабати билан тегишли техник ёрдам бериш, жумладан моддий қўллаб-куватлаш ва мазкур модданинг 1-бандида кўрсатилган соҳаларда кадрларни тайёрлаш, шунингдек иштирокчи Давлатлар ўртасидаги халқаро ҳамкорликни қўллаб-куватлаш имкониятини яратадиган кадрларни тайёрлаш ва ёрдам кўрсатиш ҳамда тегишли тажриба ва маҳсус билимларни алмашиш масаласини кўриб чиқадилар.

3. Иштирокчи Давлатлар, қанчалик лозим бўлса, халқаро ва минтақавий ташкилотлардаги ҳамда тегишли икки томонлама ва кўп томонлама келишувлар ва битимлар доирасидаги амалий ва ўкув тадбирлар самарадорлигини максимал оширишга қаратилган ҳаракатларини фаоллаштирадилар.

4. Иштирокчи давлатлар ваколатли органлар ва жамият иштирокида коррупцияга қарши кураш бўйича стратегиялар ва режалар ишлаб чиқиш мақсадида ўз мамлакатларидағи коррупциянинг турлари, сабаблари, оқибатлари ва заарлари билан боғлиқ бўлган баҳолашлар, тадқиқотлар ва ишланмаларни ўтказиш учун, ўзаро илтимосномаларга асосан, бир-бирларига ёрдам бериш имкониятларини кўриб чиқадилар.

5. Мазкур Конвенцияда жиноят деб топилган хатти-ҳаракатлар орқали орттирилган жиноий даромадларни муомаладан чиқаришга ёрдам бериш учун иштирокчи Давлатлар ушбу мақсадга эришишда ёрдам кўрсатиши мумкин бўлган эксперtlар номларини бир-бирларига тақдим этишда ҳамкорлик қилишлари мумкин.

6. Иштирокчи давлатлар ҳамкорлик ва техник ёрдамга кўмаклашиш ҳамда ўзаро манфаатли муаммолар, шу жумладан ўтиш иқтисодиётига эга бўлган ривожланаётган мамлакатларнинг алоҳида муаммолари ва талабларини мухокама қилишни рағбатлантириш учун субминтақавий, минтақавий ва халқаро конференция ва семинарлардан фойдаланиш имкониятларини кўриб чиқадилар.

7. Иштирокчи давлатлар ривожланаётган мамлакатлар ва ўтиш иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларнинг техник ёрдам соҳасидаги дастур ва лойиҳалар воситасида мазкур Конвенцияни қўллаш бўйича амалга ошираётган ҳаракатларига молиявий ёрдам бериш мақсадида ихтиёрий механизmlар яратиш имкониятини кўриб чиқадилар.

8. Ҳар бир иштирокчи Давлат ривожланаётган мамлакатларда мазкур Конвенцияни қўллаш учун Бошқарма орқали дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга ёрдам бериш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг наркотиклар ва жиноятлар бўйича Бошқармаси эҳтиёжлари учун ихтиёрий бадаллар киритиш имкониятини кўриб чиқади.

61-модда. Коррупция тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва маълумотларни алмашиш

1. Ҳар бир иштирокчи Давлат экспертлар билан маслаҳатлашиш, маслаҳатлар ўтказиш, ўз худудидаги коррупция соҳасидаги тенденцияларни, шунингдек коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этиладиган шарт-шароитларни таҳлил қилиш имкониятларини кўриб чиқади.

2. Иштирокчи Давлатлар, мумкин бўлган қадар, умумий таърифланишлар, стандартлар ва методологияларни ишлаб чиқиши мақсадида коррупцияга оид статистик маълумотларни, таҳлилий билимларни ва шу жумладан, коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш ишида амалиётнинг оптимал турлари ҳақидаги маълумотларни кенгайтириш ҳамда халқаро ва минтақавий ташкилотлар воситасида ушбу маълумотларни алмашиш имкониятини кўриб чиқадилар.

3. Ҳар бир иштирокчи Давлат ўзининг коррупцияга қарши сиёсати ва кураши бўйича профилактик чора-тадбирлари устидан назоратни амалга ошириш, шунингдек уларнинг самарадорлиги ва таъсирчанлигини баҳолаш имкониятларини кўриб чиқади.

62-модда. Бошқа чоралар: мазкур Конвенцияни иқтисодий ривожланиш ва техник ёрдам асосида амалга ошириш

1. Иштирокчи Давлатлар жамият учун умуман, жумладан барқарор ривожланиш учун коррупциянинг салбий оқибатларини ҳисобга олган ҳолда, мумкин бўлган қадар, халқаро ҳамкорлик воситасида мазкур Конвенцияни оптимал амалга оширилишига ёрдам берувчи чораларни кўрадилар.

2. Иштирокчи Давлатлар, мумкин бўлган қадар ҳамда бир-бирлари, шунингдек халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан мувофиқлаштирилган тарзда куйидагиларга эришиш учун аниқ чора-тадбирларни кўради:

а) ривожланаётган мамлакатларнинг коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида имкониятларини мустаҳкамлаш мақсадида улар билан турли даражаларда ҳамкорликни фаоллаштириш;

б) ривожланаётган мамлакатларнинг коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш мақсадида молиявий ва техник ёрдамни кенгайтириш ва улар мазкур Конвенцияни муваффақиятли амалга оширишлари учун амалий ёрдам кўрсатиш;

с) ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларга, уларнинг мазкур Конвенцияни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган эҳтиёжларини қондиришга кўмаклашиш мақсадида техник ёрдам кўрсатиш. Бунинг учун иштирокчи Давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан аниқ ушбу мақсадлар учун ташкил қилинган молиялаштириш механизмининг ҳисоб рақамига мунтазам равишда етарли миқдорда ихтиёрий бадаллар киритишга интиладилар. Иштирокчи Давлатлар, шунингдек, ўзларининг ички қонунчилигига ва мазкур Конвенциянинг ҳолатларига мувофиқ, мазкур Конвенциянинг ҳолатларига мувофиқ мусодара қилинган пул маблағлари ёки жиноий даромадлар ёки мол-мулкнинг тегишли қийматининг муайян қисмини юқорида қайд этилган ҳисоб рақамига ўтказиш имкониятини алоҳида кўриб чиқишилари мумкин.

д) бошқа давлатлар ва молиявий муассасаларни, тегишли ҳолатларда, мазкур моддага мувофиқ амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларга қўшилишга, шу жумладан ривожланаётган мамлакатлар мазкур Конвенциянинг мақсадларига эришиши учун уларга кадрларни тайёрлаш бўйича дастурларни ва замонавий ускуналарни каттароқ ҳажмларда тақдим этилишини таъминлаш ўйли билан рағбатлантириш ва кўндириш.

3. Бу чора-тадбирлар, мумкин бўлган қадар, хорижий ёрдам ёки икки томонлама, мінтақавий ёки халқаро миқёсдаги молиявий ҳамкорлик тўғрисида тузилган бошқа битимларга тааллуқли мавжуд мажбуриятларга зарар етказмайди.

4. Иштирокчи Давлатлар, мазкур Конвенцияда кўзда тутилган халқаро ҳамкорликнинг самарадорлигини таъминлаш, шунингдек коррупцияни олдини олиш ва аниқлаш, унга қарши курашиш учун зарур бўлган молиявий битимларни эътиборга олган ҳолда, моддий-техник ёрдам тўғрисидаги икки томонлама ёки кўп томонлама келишувлар ёхуд битимлар тузишлари мумкин.

VII БОБ. АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

63-модда. Конвенцияда иштирок этадиган Давлатлар конференцияси

1. Мазкур Конвенцияда белгиланган мақсадларга етишиш учун иштирокчи Давлатлар имкониятларини ва улар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, мазкур Конвенцияни амалга оширишга ёрдам бериш ва уни амалга оширилишини кузатиш мақсадида Конвенцияда иштирок этадиган Давлатларнинг Конференцияси таъсис этилади.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби иштирокчи Давлатлар Конференциясини мазкур Конвенция кучга кирган кундан кейин бир йилдан кечиктирмай чақиради. Кейинчалик, иштирокчи Давлатлар Конференцияси томонидан қабул қилинган тартиботларга мувофиқ, Конференциянинг навбатдаги кенгашлари ўтказилади.

3. Иштирокчи Давлатлар Конференцияси мазкур моддада кўрсатилган фаолият турлари амалга оширилишини тартибга солувчи тартибот ва қоидаларни, жумладан кузатувчиларга рухсат берилиши ва уларнинг иштироки ҳамда ушбу фаолият турларини амалга оширишда сарфланган харажатларни тўлаш билан боғлиқ қоидаларни қабул қиласди.

4. Иштирокчи Давлатлар Конференцияси мазкур модданинг 1-бандида баён этилган мақсадларга эришиш учун фаолият турлари, тартиботлар ва ишлаш методларини келиштиради, шу жумладан:

а) иштирокчи Давлатлар фаолиятига мазкур Конвенциянинг 60-ва 62-моддалари ва II – V бобларига асосан кўмаклашиш, шу жумладан ихтиёрий бадаллар сафарбарлигини рағбатлантириш йўли билан ҳам;

б) иштирокчи Давлатлар ўртасида коррупциянинг шакллари ва бу соҳадаги тенденциялар тўғрисидаги, шунингдек коррупцияни олдини олиш, унга қарши курашиш жиноий даромадларни қайтариш тўғрисидаги маълумотлар алмашинувига кўмаклашиш, бошқалари билан бир қаторда мазкур моддада қайд этилган маълумотларни чоп этиш;

с) тегишли халқаро ва минтақавий ташкилотлар ва механизmlар, шунингдек нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

д) коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида бошқа халқаро ва минтқавий ташкилотлар тайёрлаган мувофиқ маълумотлардан, ишларнинг такрорланишини олдини олиш учун тегишли тарзда фойдаланиш;

е) иштирокчи Давлатлар томонидан мазкур Конвенциянинг амалга оширилиши тўғрисидаги масалани даврий равища кўриб чиқиш;

ф) мазкур Конвенцияни такомиллаштириш ва амалга оширилишига тааллуқли бўлган тавсияларни бериш;

г) мазкур Конвенциянинг амалга оширилиши билан боғлиқ бўлган техник ёрдамга эҳтиёжларни ҳисобга олиш ва шу муносабат билан мазкур Конвенция зарур деб топган исталган ҳаракатларга нисбатан тавсияларни бериш;

5. Мазкур модданинг 4-банди мақсадлари учун иштирокчи Давлатлар Конференцияси мазкур Конвенция амалга оширилишида иштирокчи Давлатлар томонидан қўрилган чоралар ва бунда улар дуч келган қийинчиликлар тўғрисида уларга тақдим этилган маълумотлар асосида ва кузатув олиб боришининг иштирокчи Давлатлар Конференцияси томонидан ташкил қилиниши мумкин бўлган қўшимча механизmlар орқали зарур бўлган маълумотларни олади.

6. Ҳар бир иштирокчи Давлат иштирокчи Давлатлар Конференциясига ўзининг дастурлари, режалари ва амалиёти, шунингдек мазкур Конвенцияни амалга оширишга қаратилган қонуний ва маъмурий чоралари ҳақида иштирокчи Давлатлар Конференцияси талаб қилган кўринишда маълумот тақдим этади. Иштирокчи Давлатлар Конференцияси бу каби маълумотларни, ва шу жумладан, бошқалари билан бир қаторда, иштирокчи Давлатлар ва ваколатли халқаро ташкилотлардан олинган маълумотларни олишнинг энг самарали йўллари ва мувофиқ қарорлар асосида қабул қилиш тўғрисидаги масалани ўрганиб чиқади. Шунингдек, иштирокчи Давлатлар Конференциясининг қарори билан тасдиқланган тартиботларга асосан тегишли тарзда аккредитация қилинган нодавлат ташкилотлардан олинган материаллар ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

7. Иштирокчи Давлатлар Конференцияси, мазкур модданинг 4 – 6 бандларига асосан, агар буни лозим деб топса, Конвенцияни самарали амалга оширишга қўмаклашиш учун исталган мувофиқ механизм ёки орган таъсис этади.

64-модда. Котибият

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби иштирокчи Давлатлар Конференциясини зарур бўлган секретариат хизмати билан таъминлайди.

2. Котибият:

а) иштирокчи Давлатлар Конференциясига мазкур Конвенциянинг 63-моддасида сўз юритилган фаолиятни амалга оширишда ёрдам беради, шунингдек иштирокчи Давлатлар Конференциясининг сессияларини ташкил қиласи ва уларни зарур бўлган хизмат кўрсатиш билан таъминлайди.

б) иштирокчи Давлатларнинг илтимосига кўра, мазкур Конвенциянинг 63-моддаси 5- ва 6-бандаларида кўзда тутилганидек, иштирокчи Давлатлар Конференциясига уларнинг маълумотларини тақдим этишда ёрдам беради.

с) бошқа тегишли халқаро ва минтақавий ташкилотларининг секретариатлари билан зарур бўлган ўзаро мувофиқлаштиришни таъминлайди.

VIII БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҲОЛАТЛАР

65-модда. Конвенциянинг амалга оширилиши

1. Ҳар бир иштирокчи Давлат, қонунчилигининг энг муҳим тамойилларига мувофиқ, мазкур Конвенцияга асосан ўзининг мажбуриятларини амалга оширилишини таъминлаш учун зарур бўлган чораларни, жумладан қонуний ва маъмурий чораларни кўради.

2. Ҳар бир иштирокчи Давлат коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиб учун мазкур Конвенцияда кўзда тутилган чораларга қараганда янада қатъий ва қаттиқ бўлган чораларни кўриши мумкин.

66-модда. Низоларни ҳал қилиш

1. Иштирокчи Давлатлар мазкур Конвенциянинг талқин қилиниши ва қўлланилиши бўйича юзага келадиган низоларни музоқаралар йўли билан ҳал қилишга интиладилар.

2. Икки ёки ундан ортиқ иштирокчи Давлатлар ўртасида мазкур Конвенциянинг талқин қилиниши ёки қўлланилиши бўйича юзага келган ва оқилона муддат давомида мувофиқлаштирила олмаган исталган низо, ушбу иштирокчи Давлатларнинг бирини илтимосига кўра арбитраж муҳокамасига топширилади. Агар арбитраж тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилинганидан кейин олти ой давомида иштирокчи Давлатлар уни ташкил қилиш бўйича келиша олмасалар, ушбу исталган иштирокчи Давлат Суд Статутига мувофиқ ариза билан мурожаат қилиб низони Халқаро Судга топшириши мумкин.

3. Ҳар бир иштирокчи Давлат мазкур Конвенцияни имзолашда, ратификация қилишда, қабул қилиш ёки тасдиқлашда ёхуд унга қўшилишда мазкур модданинг 2-бандидаги ҳолатлар билан

боғламаганлиги ҳақида эълон қилиши мумкин. Бошқа иштирокчи Давлатлар шундай кўшимча шарт қўйган исталган иштирокчи Давлатга нисбатан мазкур модданинг 2-бандидаги ҳолатлар билан боғламаган бўлади.

4. Мазкур модданинг 3-бандига мувофиқ қўшимча шарт қўйган иштирокчи исталган вақтда ушбу қўшимча шартни Давлат Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бosh котибиға билдиришнома юбориш йўли билан бекор қилиши мумкин.

67-модда. Имзолаш, ратификация, қабул қилиш, тасдиқлаш ва қўшилиш

1. Мазкур Конвенция барча давлатлар имзолаши учун 2003 йилнинг 9 декабридан 11 декабригача Мерида (Мексика)да шахрида, кейин Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги марказий муассасаларида 2005 йилнинг 9 декабригача очик.

2. Мазкур Конвенция, шунингдек, иқтисодий интеграциянинг минтақавий ташкилотлари томонидан, ушбу ташкилотга аъзо давлатларнинг камида биттаси мазкур Конвенцияни мазкур модданинг 1-бандига мувофиқ имзолаган бўлиши шартида, имзоланиши учун очик.

3. Мазкур Конвенция ратификация қилиниши, қабул қилиниши ёки тасдиқланиши лозим. Қабул қилиниши ёки тасдиқланиши ҳақидаги ратификацион ёрлиқлар ёхуд хужжатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бosh котибиға сақлаш учун топширилади. Иқтисодий интеграциянинг минтақавий ташкилоти ўзининг рактификацион ёрлигини ёки қабул қилгани ёхуд тасдиқлагани ҳақидаги хужжатини, агар ташкилотга аъзо давлатларнинг камида биттаси худди шундай йўл тутган бўлса, сақлашга топшириши мумкин. Бундай рактификацион ёрлик ёки қабул қилгани ёхуд тасдиқлагани ҳақидаги хужжатда ташкилот мазкур Конвенция мувофиқлаштирувчи масалалар бўйича ўзининг ваколат доиралари ҳақида эълон қиласи.

4. Мазкур Конвенция қўшилиш учун исталган давлат ёки аъзо давлатларининг ҳеч бўлмаганда биттаси мазкур Конвенциянинг иштирокчиси ҳисобланган исталган иқтисодий интеграциянинг минтақавий ташкилоти учун очик. Қўшилиши ҳақидаги хужжатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бosh котибиға сақлаш учун топширилади. Иқтисодий интеграциянинг минтақавий ташкилоти қўшилганида мазкур Конвенция мувофиқлаштирувчи масалалар бўйича ўзининг ваколат доиралари ҳақида эълон қиласи. Бундай ташкилот, шунингдек, ўз ваколатлари доирасининг исталган мувофиқ ўзгариши ҳақида депозитарийга хабар беради.

68-модда. Кучга кириши

1. Мазкур Конвенция ўттизинчи ратификацион ёрлиқ ёки қабул қилгани, тасдиқлагани ёхуд қўшилгани ҳақидаги ҳужжатлар топширилганидан кейин 90 кун кучга киради. Мазкур банднинг мақсади учун иқтисодий интеграциянинг минтақавий ташкилоти томонидан сақлашга топширилган исталган шундай ёрлиқ ёки ҳужжат, ушбу ташкилотнинг аъзолари томонидан сақлашга топширилган ёрлиқ ёки ҳужжатларга қўшимча қилинган деб кўрилмайди.

2. Мазкур Конвенцияни ратификация қиладиган, қабул қиладиган ёки тасдиқлайдиган ёхуд унга қўшиладиган ҳар бир давлат ёки иқтисодий интеграциянинг минтақавий ташкилоти учун мазкур Конвенция ўттизинчи ратификацион ёрлиқ ёки бу каби ҳаракат тўғрисидаги ҳужжат сақлашга топширилганидан кейин, бундай давлат ёки ташкилот томонидан мувофиқ ёрлиқ ёки ҳужжат топширилгани санадан кейинги ўттизинчи кунда ёхуд мазкур модданинг 1-бандига мувофиқ Конвенциянинг кучга кириши санасида, кечроқ кучга киришига боғлиқ равишда кучга киради.

69-модда. Тузатишлар

1. Мазкур Конвенция кучга кирганидан кейин 5 йил ўтиб иштирокчи Давлат тузатиш киритишни таклиф қилиши ва уни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига юбориши мумкин, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби таклиф қилинаётган тузатишни кўриб чиқиш ва унинг юзасидан қарор чиқариш мақсадида таклифни иштирокчи Давлатлар ва иштирокчи Давлатлар Конференциясига жўнатади. Иштирокчи Давлатлар Конференцияси ҳар бир тузатиш бўйича консенсусга эришиш учун барча чораларни ишга солади. Агар консенсусга эришиш бўйича барча чоралар қўлланилсада, лекин келишувга эришилмаса, у ҳолда тузатишни қабул қилиш учун иштирокчи Давлатлар Конференцияси мажлисида бўлган ва овоз беришда иштирок этаётган иштирокчи Давлатларнинг учдан икки қисми овози талаб қилинади.

2. Иқтисодий интеграциянинг минтақавий ташкилоти ўз ваколатлари доирасига кирадиган масалаларда овоз бериш ҳуқуқларини мазкур моддага биноан, мазкур Конвенцияга иштирокчи ҳисобланган ўзларининг ташкилотларига аъзо давлатлар сонига teng овозга эга бўлган ҳолда амалга оширадилар. Бундай ташкилотлар, агар уларга аъзо давлатлар ўзларига тегишли овоз бериш ҳуқуқларини амалга ошираётган бўлсалар, у ҳолда ўзларининг овоз бериш ҳуқуқларидан фойдаланмайдилар ва аксинча.

3. Мазкур модданинг 1-бандига мувофиқ қабул қилинган тузатиш иштирокчи Давлатлар томонидан ратификация қилиниши, қабул қилиниши ёки тасдиқланиши лозим.

4. Мазкур модданинг 1-бандига мувофиқ қабул қилинган тузатиш, иштирокчи Давлатга нисбатан, у томондан ушбу тузатиш қабул қилингани хақидағи ратификацион ёрлиқ ёхуд ёки тасдиқлангани тұғрисидаги ҳужжат сақлаш учун Бирлашған Миллатлар Ташкилотининг Бөш котибига топширилганидан кейин 90 кун ўтиб күчга киради.

5. Тузатиш күчга кирганидан кейин у билан боғлиқ бўлишга розилик берган иштирокчи Давлатлар учун ушбу тузатиш мажбурий бўлади. Бошқа иштирокчи Давлатлар мазкур Конвенциянинг ҳолатлари ва улар томондан аввалроқ ратификация қилинган, қабул қилинган ёки тасдиқланган тузатишлар билан боғланиб қолаверадилар.

70-модда. Денонасия (бекор қилиш)

1. Иштирокчи Давлат мазкур Конвенцияни Бирлашған Миллатлар Ташкилотининг Бөш котибига ёзма билдиришнома юбориш йўли билан денонасия (бекор) қилиши мумкин. Бундай денонасия Бөш котиб билдиришнома олгани кундан бошлаб бир йил ўтганидан кейин күчга киради.

2. Иқтисодий интеграциянинг минтақавий ташкилоти, агар унинг барча аъзо давлатлари мазкур Конвенцияни денонасия қиласалар мазкур Конвенциянинг иштирокчиси эмас деб ҳисобланади.

71-модда. Депозитарий ва тиллар

1. Бирлашған Миллатлар Ташкилотининг Бөш котиби мазкур Конвенцияга депозитарий қилиб тайинланади.

2. Инглиз, араб, испан, хитой, рус ва француз тилларида ёзилған матнлари аслига тўғри бўлган Мазкур Конвенциянинг асл нусхаси сақлаш учун Бирлашған Миллатлар Ташкилотининг Бөш котибига топширилади.

ЮҚОРИДАГИЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ УЧУН ҳукуматлари томонидан ушбу мақсадларда лозим даражада ваколат берилған қуйида имзо қўйган ваколатли вакиллар мазкур Конвенцияни имзоладилар.

(имзолар)

*(Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами, 2008
й., 3-4-сон)*

АРИПОВ ДИЛШОД ЎРИНБОЕВИЧ

**СУД ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ
КУРАШИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИ**

Амалий қўлланма

ТОШКЕНТ – 2022

Муҳаррир М. Талипова
Мусаҳҳих И. Турсунова
Саҳифаловчи Б. Ҳайдаров

Босишига руҳсат этилди 25.01.2023 й.
Бичими 60x84 $\frac{1}{16}$. Офсет қофози.
Офсет усулда. “Times” гарнитураси.
Шартли босма табоғи 11,0. Нашр ҳисоб табоғи 10,2
Адади 100 нусхада. Буюртма № 25-01

“IMPRESS MEDIA” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент ш, Қушбеги, 6-уй.